Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ўқувчилар фаолияти натижаларини илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда интернет технологиялардан самарали фойдаланиб баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсида ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришишини таъминлаш мумкин.

Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган ҳолда умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш лозим. Бу эса, умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини жорий этиш, таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаштириш, истиқболли модели ва таълим сифатини белгиловчи индикаторлар, баҳолаш мезонлари ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 даги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.12.2018 даги Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори.
3. Интернет материаллари: https://support.google.com/docs/answer/6281888?co=GENIE.Platform%3DDesktop&hl=ru
4. Пардаева М. “Таълим сифатини оширишнинг замонавий ечимлари: масофавий таълим” ўқув-методик қўлланма. Тошкент, 2020.

https://buxdu.uz



**Бахтиёр СОБИРОВ**
Тошкент давлат педагогика университетининг
молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори

# ПЕДАГОГ КАДРЛАР УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

*Мақола халқ таълимидаги педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, акмеологик ва компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, умуммаданий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион фаолиятга йўналтирилган шакл ва методларини модернизациялаш, касбий-педагогик таълим мазмунини индивидуаллаштириш масалаларининг илмий-амалий ечимига қаратилган.*

***Таянч тушунчалар:*** *педагог кадрлар, умуммаданий компетентлик, акмеология, компетенция, инновацион фаолият, шакл, метод, модернизация, касбий-педагогик таълим мазмуни.*

*Статья освещает вопросы совершенствования механизмов развития общекультурной компетентности педагогов в системе народного образования; совершенствование на основе акмеологического и компетентностного подходов, инновационных форм и методов развития общекультурной компетентности, индивидуализацию содержания профессионального образования учителей.*

***Основные понятия:*** *педагогические кадры, общекультурная компетенция, акмеология, компетенция, инновационная деятельность, форма, методика, модернизация, содержание профессионально-педагогического образования.*

*The article highlights the issues of improving the mechanisms for the development of the general cultural competence of teachers in the public education system; improvement on the basis of acmeological and competency-based approaches, innovative forms and methods of development of general cultural competence, individualization of the content of teachers' professional education.*

***Keywords:*** *teaching staff, general cultural competence, acmeology, competence, innovative activity, form, methodology, modernization, content of professional and pedagogical education.*

Жаҳон ва миллий таълим тизимида халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш юзасидан амалга оширилаётган илмий изланишларда педагог кадрларнинг юксак касбий салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, бунда асосий урғу мутахассисларнинг ўз касбига бўлган лаёқатлилик компетентлигини ошириш, ижтимоий фаоллигини интеллектуал ахборот тизимлари орқали кенгайтириш (e-learning концепцияси), CIVIC халқаро баҳолаш дастури (фуқаролик, сиёсий саводхонлик, ватанпарварлик, менежерлик даражасини ўстириш) асосида раҳбар ва педагог кадрларнинг умуммаданий компетенциялар кўламини прогнозлаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур инновацион йўналишда педагог кадрларнинг компетенциялар кўламининг ошиши, интеграллашув жараёнлари эквилибрацияга асосланган таълим тизими олдига долзарб масалалардан бири бўлган кадрларнинг универсал компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, юксак салоҳиятли, мослашувчан ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Бундай ижтимоий ҳодиса алоҳида долзарблик касб этиб, ушбу тадқиқотлар таркибида малака ошириш жараёнида педагог кадрларнинг дидактик, прогностик, шахсий, махсус, умуммаданий ва касбий компетенцияларининг назарий-методологик асосларини ўрганиш, замонавий талаблар асосида уларни такомиллаштириш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигининг уйғунлигини илмий жиҳатдан асословчи таклифларни ишлаб чиқиш, малака ошириш таълим сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан мазкур масалалар тадқиқига бағишланган мақола мавзуси долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда мутахассисларнинг компетентлигини ривожлантириш орқали таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий тенденциялардан бири ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган "Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)" ҳамда "Европа олий таълим макони» (EHEA) концепциялари мазмунида "кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning) моделини жорий этиш, таълимни инсонпарварлаштириш асосида касбий малакаларни узлуксиз ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш" стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу эса касбий компетенциялар баробарида педагог кадрларнинг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришнинг илғор хорижий тажрибаларини бошқарув ва таълим жараёнига интеграциялашувини таъминлайди [8,121].

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари билан интеграциялашувини таъминлаш жараёнида раҳбар ва педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

https://buxdu.uz



Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” [1] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси раҳбар ва педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув, педагогик механизмларини касбий таълим сифатини ошириш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Умуммаданий компетенция ўқитувчидан одатдан ташқари куч-ғайратни, қатъиятни, тиришқоқликни, тадқиқотларни олиб боришга интилишни, янги вазият, янги жамоага киришиш қобилиятини, самимиятни, тўғрилик ва ҳалолликни, ўткир ақл-идрокни, бир воситани бошқаси билан текшириб кўриш малакасини талаб қилади. “Бугун республикамизда инновацион фаолият асосида иш кўраётган ўқитувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда. Бу ҳолат ҳукуматимиз, Давлатимиз раҳбари, халқимиз томонидан муносиб қадрланиб, эъзозланмоқда” [7,9]. Шу сабабли, таълим муассасаларида сифатли таълимни амалга ошириш ва самарасиз фаолият юритаётган ўқитувчилар ишини инновацион фаолиятга йўналтириш, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлашни таъминлаш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак:

Биринчидан, турли хил бошқарув, инновация ва ахборот технологияларини таълимга жорий этишда ўқитувчининг лаёқатини ошириш;

Иккинчидан, таълим-тарбия сифатининг маҳсули – натижани қўлга киритишда педагогика ва психологияга оид тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, уларни амалиётга татбиқ қилиш, илғор натижаларни оммалаштириш, новатор ўқитувчиларни муносиб тақдирлаш ва бошқалар. Шундагина таълим муассасалари ўқув фаолиятининг сифати ўқув жараёнини режалаштириш, уни амалга ошириш, ўқув режа, дастурларининг мазмун-моҳияти билан эмас, балки таҳсил олувчиларнинг олган билимлари, малака ва кўникмалари, мустақил равишда олган билимлари билан боғлиқ таълим натижаси сифати билан белгиланади ва ўқитувчининг юқори даражадаги компетентлиги билан баҳоланади.

Халқ таълимидаги педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш акмеологик ва компетенциявий ёндашувлар асосида амалга оширилади (1-расм).




**1-расм. Педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантириш механизми**

1-расмдан кўриниб турибдики, педагог кадрлар умуммаданий компетентлигини ривожлантириш механизмлари инновацион фаолиятга йўналтирилган шакл ва методларини

https://buxdu.uz



модернизациялаш, касбий-педагогик таълим мазмунини индивидуаллаштириш асосида амалга оширилади.

2018-2019 йилларда мазкур масалаларни чуқур ўрганиш учун танлаб олинган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий марказларида ижтимоий-гуманитар блоклар таркибига кирувчи: ўзбек тили, ўзбекистон тарихи, миллий ғоя ва маънавият асослари; табиий ва аниқ фанлар: математика, геометрия, физика, кимё, биология, география; амалий фанлар: мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия ўқув предметларидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг компетентлигини аниқлашга мўлжалланган сўровномалар тарқатилди. Уларда 27 ёшдан 54 ёшгача бўлган 1764 нафар респондентлар иштирок этди. Шу билан биргаликда халқ таълими тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг умуммаданий компетенцияларининг шаклланганлик даражасини диагностика қилишга мўлжалланган сўровномалар тарқатилди.

Саволномалар муайян тартибда респондентларга тарқатилиб, ушбу жараёнда реципиентларнинг жавоблари махсус дастур асосида баҳоланди. Олиб борилган тадбирлардан сўнг респодентларнинг умуммаданий компетенцияларининг ривожланиш динамикаси аниқланди ва унинг ошишига мўлжалланган методик таъминот ишлаб чиқилди.

Анкета-сўровномалари жараёнига жалб этилган ўқитувчилар билим, кўникма ва малакалари умуммаданий компетентлигининг шаклланганлик даражаси ҳар бир босқичда ўзига хос хусусиятларини намоён этди. Хусусан, халқ таълими тизимида амалий фанлар бўйича фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг 67,7 фоизи дарс машғулотларини ташкил қилишда умуммаданий компетентликни талаб даражасида намоён қилмаётганликлари аниқланди. Шу боис, тажриба-синов жараёнида ташкил қилинган барча тадбирларда махсус эътибор компетенциявий инновацияларнинг мазмунини кенгроқ ёритиш фаолиятига қаратилди. Барча респондентлар таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этилиши зарурлигини қайд этишган. Масалан, “Баркамол шахс ва ҳар томонлама етук кадр тушунчаси таркибига компетенцияларни киритилиши зарурми?” деган саволга қарийб респондентларнинг 98 фоизи зарур, “Албатта” деган жавоб қайтаришган. Нима учун кераклиги ҳақида сўз кетганида жавоблар керакли даражада аниқ баён этилмаган.

“Сизнинг фикрингизга кўра, компетенциявий инновациялар деганда нимани тушунасиз?” деган саволга кўпчилик респондентлар аниқ жавоб беришга қийналишган. Жавоблар ичида табиий равишда, “компьютер технологиялари”, “интерактив методлар”, “дидактик ўйинлар” каби тушунчалар қайд этилган. Шу билан бирга, аниқ берилган саволлар, яъни “Инновацион педагогик фаолиятнинг мақсади нималардан иборат?”, “Инновацион педагогика бўйича касбий талабларга нималар киритилади?”, “Инновациянинг таърифи қандай?”, “Чет тилларини ўзлаштиришнинг эволюцион босқичлари нималардан иборат?” кабиларга қарийб аниқ ва лўнда жавоб берилмаган.

Шу билан бирга, “Қайси чет тилларини ўзингиз қўшимча равишда қайта ўзлаштирган бўлардингиз?” деган саволга респондентларнинг кўпчилиги бир нечта чет тилларини санаб кўрсатишган, уларнинг ичида – инглиз, хитой, турк, француз, рус, корейс тиллари қайд этилган, нима учун айнан мана шу тилларни ўрганиш истаги мавжудлиги борасида сўз кетганда, “Чунки уларнинг мавқеи баланд”, “Чунки уларга ижтимоий талаб кучли” сингари жавоблар берилган. Респондентларнинг 57 фоизи чет тилини ўзлаштириш аслида уларнинг мутахассис сифатида муайян мавқега эга бўлиши, чет тилини билиш орқали шахсий ижтимоий мавқеи кўтарилиши, етук кадр бўлиб етишиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган.

“Чет тилларини билиш орқали “Сиз ўз ҳаётингизни қандай ўзгартиришингиз мумкин?” деган саволга “Чет тили орқали ватанга фойдали дастурларни, лойиҳаларни амалга ошираман”, “Келажакда болаларимни тўғри тарбия қиламан”, “Дунёқарашим ўзгаради”, “Тил билган эл билади”, “Хориж маданияти, урф-одатлари, тарихи ҳақида чукурроқ билимга эга бўламан”, “Маълум бир мансаб эгаси бўламан”, “Менинг ҳаётим ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ўзгариши мумкин”, “Чет тилини ташқи дунё ва ўз миллий манфаатимиз учун ишлатишимиз мумкин, лекин тил билишнинг ўзи етарли эмас”, “Бошқа давлатларда ҳам малака ошириш имкониятига эга бўламан”, “Замон билан ҳамнафас бўламан”, “Ҳар томонлама компетентли мутахассис бўламан, ўз соҳамга янгиликларни киритишим осонлашади”, “Хориж тилини ўрганиш орқали мутахассис ўз фаолиятини янги моҳиятда қуришга қурби етади” каби жавоблар берилди.

“Ҳозирги кунда ёшларнинг чет тилларини эркин эгаллашини таъминлаш учун нималар етишмайди, деб ўйлайсиз?” саволига респондентлар мана шу соҳага оид қилинаётган ишлардан қониқиш ҳиссини туяётгани билан, баъзи мавжуд ҳолатлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам айтиб ўтишган. Жавобларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ичида “Фақат мактаб ва олий таълим муассасаларидаги хориж тилларини ўрганишга эътибор билан ҳамма нарсага эришиб бўлмайди, оиладаги чет тилига нисбатан янги мазмундаги муҳитни ва муносабатни ташкил қилиш керак”, “Ота-

https://buxdu.uz



оналар ўз фарзандларига тўғри тарбия бериши керак”, “малакали қаттиққўл кадрларнинг етишмаётганлиги”, “моҳир педагоглар, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчиларнинг етишмаслиги”, ўқитувчиларнинг кўпчилик ҳолларда “эскича” таълим бераётганлиги, фақат грамматика ва назарий билимлардан нарига ўтмаётганлиги, анъанавий усулларнинг кўп ишлатилиши”, “дарс ишланмалари, дарсликларнинг йўқлиги”, “мактабларда малакали ўқитувчилар ва техник воситалар, лингофон хоналарнинг йўқлиги”, “чекка қишлоқларда инновацион методлар қўлланилмаётганлиги”, ўқитувчиларда янгича ишлаш учун мотивация етишмаётганлиги, “ҳозирча мактабларда чет тилларни ўқитиш бўйича зарур электрон жиҳозлар етишмаслиги, мактаблар тўлиғича жиҳозланмаганлиги”, “Назаримда кўп нарса етишмайди. Энг аввало, ҳозирги татбиқ этилаётган интерактив методлар, ахборот-технологиялари тўлалигича ўқитувчиларга етиб келмаган” ҳақидаги фикрлар билдирилган. Бироқ шу билан бирга санаб ўтилган мазкур хулосаларни инкор этадиган куйидаги фикрлар ҳам айтилган, “Ҳамма нарса етарли, бироқ ёшларда билим олишга ҳоҳиш йўқ”, “Ёшлар бироз лоқайдроқ, ҳамма шароит етарли, ёшларнинг вақтини тўғри тақсимлашга ўргатиш керак”, “Ёшларда чет тилларини ўрганишга нисбатан қизиқиш ва иштиёқ етарли эмас”, “Ҳозирги кунда чет тилини эгаллаш учун барча шарт-шароитлар етарли”, “Ота-оналарнинг етарли даражада чет тилини билмасликлари” каби аввалги фикрларга қарама-қарши фикрлар ҳам билдириб ўтилган.

Ўқитувчилариннинг ичида ўз мутахассислигини англаб танлаган ўқитувчилар сони ҳам кам эмас. Улар мутахассис сифатида барча янгиликлардан, инновацион технологиялардан хабардор бўлишни истайдилар, умуммаданий компетентлигини намоён эта оладилар ва шунга саъй-ҳаракат қиладилар. Мазкур саволномаларга берилган жавоблар шуни кўрсатадики, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш ишларини жадаллаштириш ва замон талабларига монанд равишда инновацион ташкил қилиш керак.

Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг компетенциявий ёндашувларга асосланган инновацион педагогик фаолиятини ташкил қилишда тажриба-синов ишлари, хусусан педагогик жамоалар учун мақсадли ташкил қилинган турли давра суҳбатлари, учрашувлар, махсус семинар-тренинглар, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни инновацион педагогик жараёнга қайта тайёрлаш тадбирлари натижасида улар фаолиятида анъанавий усулларнинг камайиши ва турли инновацион технологияларнинг кириб бораётганлиги кузатилади.

Тажриба-синов ишларини ташкиллаштириш жараёнида компетенциявий ёндашувлар асосида ўқитувчиларнинг умуммаданий компетентлигини намоён эта олиш (илмий, интеллектуал, ахлоқий ва хиссий-эмоционал жиҳатдан билим, малака ва кўникмалари, миллий ва умумбашарий қадриятларни эгаллаганлик) даражасини белгиловчи хусусиятлар ишлаб чиқилди:

| **Умуммаданий компетентлигини намоён эта олиш даражалари** | **Умуммаданиятлилик компетентлиги мезонлари** |
|---|---|
| I юқори даража | Миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида педагогик фаолият бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама мукаммал ахборотлар, назарий ва амалий билимларнинг мавжудлиги, уларда иннновациялар ва улар тамойиллари, техник воситалар, улар билан ишлаш малакалари, ахборот коммуникацияси воситалари ва улардан фойдаланиш малакалари, инновацион методлар ва улар тавсифлари бўйича тўлиқ, мукаммал ва англанган билимларнинг шаклланганлиги. Ўқитувчи маҳорати ва техникасига риоя қилиш, конвергент методлардан хабардор бўлиш, инновацияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш, улар асосида мамлакатимизда замонавий таълим тизимини яратишга ҳайрихохлик. |
| II ўрта даража | Ўқитувчининг мулоқотмандлик, киришувчанлик, педагогик низоларни бартараф этиш маҳорати, коммуникатив хусусият ва лаёқатларни ривожлантириш ва таъминлаш усул, восита ва йўлларини билишлари ва мазкур йўналишда ижодийлик билан ишлай олишлари.<br>Педагогик фаолиятида анаъанавий методлардан кенг фойдаланади. Инновацияларга нисбатан ишонч, қизиқиш ва рағбат ўйғонаётганлиги сезилади, яъни ишончи ва кўникмалари ҳали тўла шаклланган эмас. Барча маълумотлар амалий ҳаракатлар билан таъминланмаган, назарий ҳолда мавжуд. |
| III қониқарли | Умуммаданий компетентлик ҳақида билим ва кўникмалар умумий |

https://buxdu.uz



| | |
|---|---|
| даража | маълумот сифатида шаклланган. Аммо бу борада аниқ билимлар мавжуд эмас. Умуммаданий таркиб ҳақида эквилибратив тизим яратилмаган. Шахсий эрудиция, ташаббускорлик суст ривожланган. |
| IV қониқарсиз даража | Умуммаданий компетентлик ҳақида билим ва кўникмалар суст ривожланган, “компетенция”га янги йўналиш, керак бўлмаган талаб деб тушинади. Умуммаданиятлилик муҳим ҳаётий мезон сифатида қадрланмайди ва уни ўз шахсий педагогик фаолиятида ривожлантириш чоралари кўрилмайди. Педагогик маҳорат, педагогик амалиёт ва ўқитувчининг шахсий методикаси айри ҳолда талқин қилинади. Ўқитувчи учун педагогик маҳорат зарур эканлиги тан олинади, бироқ педагогик маданият замирида умуммаданий компетентлилик мавжудлиги инкор этилади. |

Жадвалдан кўриниб турибдики, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда акмеологик ёндашув асосида улар миллий ва умумбашарий қадриятлар эквилибрациясини аниқлаш ушбу жараённи лойиҳалаштириш орқали уларнинг касбий, шахсий, махсус даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, касбий фаолият самарадорлигига таъсир этувчи ўзини ўзи бошқариш, касбий мотивация, ижодий салоҳиятни рағбатлантириш, шунингдек, шахсий имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш муҳим ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, таҳлиллар асосида халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини ривожлантиришнинг аксиологик-мотивацион, концептуал, технологик, рефлексив ва креатив даражалари аниқланди. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг умуммаданий компетентлигини белгилашда тизимлилик, умумийликдан хусусийликка тамойилига асосланиш, яъни корпоратив-таянч, профил компетенциялар тизимини индивидуал-психологик ёндашувга асосланган метакомпетенциялар билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

## Адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. –Тошкент, 2017 йил, 7 февраль.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори.-Тошкент, 2018 йил 7 май

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон фармони.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. -Тошкент: Ўзбекистон, 20017.-104 бет.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Тошкент:Ўзбекистон,- 2016.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз.-Тошкент:Ўзбекистон,2017.-106 б.

7. Осипов А.М., Матвеева Н.А. Социология образования в начале XXI века // Высшее образование. 2016. № 9. С. 36–42. 2.

8. Иванова В.А. Институциональные функции образования: устаревшая или перспективная проблема? // Социология образования. 2011. № 4. С. 104–118.

9. Акманаева Д.Х. Научная деятельность педагогов как фактор повышения функциональности высшего профессионального образования. Автореферат дис. … кандидата социологических наук. Ульяновск: Изд-воУлГТУ, 2012. 27 с.

10. Абдуллаева Ш. А. Диагностика учебных целей.-Ташкент: Комрон пресс, 2016.-108с.

11. Бондаревский В. Б. Воспитание интереса к знаниям и потребности к самообразованию. – Москва: Просвещение, 2002. – 144 с.

12. Вахобов М.М. Задачи по внедрению личностно- ориентированного образования и моделирования мониторинга качества обучения. –Ташкент:Мерос, 2015.-232 с.

13. Гозиев Э. Наука, просвещение и культура в системе непрерывного образования: проблемы и решения.-Ташкент: Маънавият, 2017.-224 с.

https://buxdu.uz



14. Джураев Р.Х. Этапы совершенствования системы образования в Узбекистане.-Ташкент:Зиё, 186 с.

15. Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Управление качеством образования. Монография. -Ташкент:Узбекистан, 2004.-344с.

16. Тургунов С.Т., Мақсудова Л.А. Управление педагогическими процессами и технологиями. – Тошкент: Sano-standart, 2012. - 48 б.

17. Шамова Т.И. Управление образовательными системами Текст. / Т.И. Шамова, Т.М. Давыденко, Г.Н. Шибанова. М.: Академия, 2002.-384 с.

18. Boud, D. [2003], “The move to self-assessment: liberation or a new mechanism for oppression”, Vouth Studies Australia, 11 (2), 56-59.

19. British Standards Institute (2002), BS EN ISO 11623: Transportable gas cylinders: Periodic inspection and testing of composite gas cylinders, Author, London, UK.

20. Greney, V. and Kellaghan,T. . [2003], Assessing National Achievement Levels in Education, The World Bank, Washington, USA.

21. International Standards Office (1998), ISO 690 – 2 Information and documentation: Bibliographical references: Electronic documents, ISO, Geneva, Switzerland.

22. Morgan, J. [2006], “*Rethinking Education: Towards a good common good. Published by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization*”, QUIS5 Qualite in Services Conference, Universiti of Paris, Paris, 79 – 81.

https://buxdu.uz



**Васила КАРИМОВА**
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети профессори,
психология фанлари доктори

**Дилхумор МИРЗАБДУЛЛАЕВА**
Наманган давлат университети
таянч докторанти

# ЎСМИРЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ушбу мақолада низо ва низоли вазият хақида тушунчалар, ўсмирлик ёшига хос психологик хусусият, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш сабаблари хақида маълумотлар келтирилиб, уларнинг олдини олиш йўллари юзасидан ота – оналарга тавсиялар берилади.*

***Калит сўзлар**: ўсмир, ёш даври, бола шахси, ота-она, низони олдини олиш, тавсия.*

*В данной статье содержится информация о понятиях конфликт и конфликтная ситуация, о психологической характеристике подросткового возраста, причинах конфликтов между подростками и их родителями, а также рекомендации родителям о путях их предотвращения.*

***Ключевые слова**: подросток, возрастной период, личность ребенка, родители, предотвращение конфликтов, рекомендация.*

*This article contains information about the concepts of conflict and conflict situation, the psychological characteristics of adolescence, the causes of conflicts between adolesc ents and their parents, as well as recommendations to parents on ways to prevent them.*

***Keywords:** teenager, age period, child's personality, parents, conflict prevention, recommendation.*

Низолар бизнинг кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди, чунки улар нормал ва табиий ҳолатдир. Низо –конфликт (лотинчадан Conflictus - тўқнашув маъносида) бу аниқ шахслар ёки гуруҳлар бўлиши мумкин бўлган икки ёки ундан кўп томонлар ўртасидаги келишмовчиликни англатади. Ҳар бир томон ўз нуқтаи назари ва мақсади қабул қилиниши учун ҳаракат қилади ва бошқа томон ҳам худди шундай қилишига тўсқинлик қилади.

Инсонлар низо сўзини эшитганда, уни кўпинча тажовуз, таҳдид, можаро, адоват ва бошқа шу каби салбий тушунчалар билан боғлайдилар, натижада, зиддият ҳар доим исталмаган ҳолат деган фикр юзага келади. Аммо кўп ҳолларда, низолар турли хил нуқтаи назарларни аниқлашга ёрдам беради, қўшимча маълумотлар беради, кўпроқ альтернатив ёки муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. "Низо" ва "низоли вазият" тушунчалари ўртасида катта фарқ бўлиб, биз уларни ажрата билишимиз зарур.

*Низоли вазият* – ижтимоий субъектлар ўртасида ҳақиқий қарама-қаршиликни юзага келтирувчи инсонлар манфаатларининг мос келмаслиги. Асосий белгиси – низо предмети юзага келиши, лекин ҳозирча очиқ фаол курашнинг йўқлиги. Яъни тўқнашув ривожланиши жараёнида низодан олдин ҳар доим низоли вазият юзага келиши, унинг асоси бўлиб ҳисобланади.

*Низо* - турли соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишнинг энг ўткир шакли бўлиб, одатда, қоидалар ва меъёрлардан четга чиқадиган ишлар унга ҳамроҳ бўлади.

Ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги зиддиятларнинг сабаблари ёшга хос хусусиятларга боғлиқ бўлиб, ёш болаларда ва катта ёшдаги ўсмирларда бир хил кечмайди: ёш болаларда ота-оналари билан низолар ўқув фаолияти юзасидан бўлса, катта ёшдаги ўсмирларда - мулоқот юзасидан сезиларли даражада юзага келади. Ота-оналар билан низоли вазиятларда хулқ-атвор йўллари катта ёшдаги ўсмирларда, ёш болаларга нисбатан кўпроқ конструктив-ижобий бўлади.

Бола шахсига хурматсизлик ва ишончсизлик, унга нисбатан куч ишлатиш ва бемеҳрлик асосида қурилган ота-онанинг муносабатлари ўсмир ва ота-она ўртасидаги низоларини келтириб чиқаради. Оилада кичик ва катта низолар, ўсмир ва катталар ўртасидаги тортишувлар ҳар иккала томон учун ҳам доимий асабийлашиш ва стресс манбаи бўлиб ҳисобланади. Оилада зиддиятлар кучаяди, кенгаяди ва ундан чиқиш йўлини топиш қийинлашиб бораверади.

Маълумки, можаро ўзидан-ўзи келиб чиқмайди. Унинг пайдо бўлиши учун ҳар доим сабаб бор. *Қуйида ўсмир номидан можаро келиб чиқишининг асосий сабабларини ажратиб чиқамиз*:

- балоғат ёшидаги инқироз;
- мустақилликка интилиш;

https://buxdu.uz



• автономияга бўлган талаб ҳамма нарсада кузатилади: кийим танлашдан тортиб, хонадаги шахсий майдон ва бошқалар;

• катталар хатти-ҳаракати натижасида тарбияланган низо қилиш одати;

• тенгдошлари ёки ҳурматли инсонлари олдида мақтаниш ёки кўргазмали жасорат намойиши.

*Энди ота-оналар номидан низонинг сабабларини ажратиб чиқамиз:*

• боланинг катта бўлганлигини тан олишни истамаслик;

• фарзандининг ёшида - ўзини қандай тутишини тасаввур қилиш;

• ўз ҳурмати ва фарзандини бошқариш учун курашиш;

• бола тарбияси масаласида ота-она ўртасидаги тушунмовчилик;

• ота-онанинг боладан кутган(орзу, умид)ларини оқламаслиги.

Оиладаги низоларга йўл қўймаслик учун сиз бир-бирингизни тинглаш ва тушуниш имкониятига эга бўлишингиз керак. Ота-оналар ўз фарзандини шахс сифатида қабул қилиши, у билан маслаҳатлашиши, биргаликда қарор қабул қилишни ўрганишлари зарур. Фарзандлар эса ота-оналари уларга душман эмаслигини билиши керак. Ушбу оддий ҳақиқатларга амал қилган ҳолда, одамлар дўстона ва мустаҳкам оила қуришлари мумкин.

Ўсмирлик ёшига хос бўлган мустақилликка интилиш хулқ-атворининг барча аниқ белгиларига қарамай, болалар бу ёш даврида жуда ҳимоясиздирлар, улар тенгдошлари, ўқитувчилари ёки ота-оналари ўртасида юзага келадиган низоларни қийинчилик билан бошдан ўтказишади.

**Низоли вазиятларда ота-она ўсмирга куйидагича ёрдам беришлари мумкин:**

• *Фарзандингизга унинг фикрлари ва ўйлари хақида гапиришини таклиф қилинг ва уни жим ўтириб тингланг:*

Суҳбатга иложи борича кўпроқ вақт ажратинг, уни катта ёшли суҳбатдош сифатида диққат билан тингланг. Унга зинҳор - "Бу ҳаммаси бемаъни нарсалар. Юрагингга яқин олма" кабиларни таъкидламанг. Акс ҳолда, ўсмирда ота-онаси уни тушунмаслиги ва бу суҳбатга беҳуда сарфланган вақтдир деган таассурот пайдо бўлади. Агар бола сиздан ҳурмат ва эътирофни олмаса, унда бу сизни бир-бирингиздан узоқлаштиради.

Бола сизга айтиб берган маълумотларини ҳеч қачон унга қарши ишлатманг. Кейинги низоларда уларни эслатманг, ҳазил қилманг ва бошқа одамларга гапириб берманг. Акс ҳолда, ўсмир сизга бошқа ҳеч қачон ўз сирларини айтмайди.

• *Болага танлаш ҳуқуқини беринг:*

Бола сиз у билан маслаҳатлашаётганингизни ҳис қилиши зарур ва у қарор қабул қилишга ҳақли. Шу билан бирга, низода барча томонлар учун мақбул бўлган вариантларни таклиф этинг. Ўзаро ён беришлар ҳам низони ҳар икки томонини қониқтирадиган ечим топишга ёрдам беришини аниқ тушунтиринг.

• *Бошқалар билан ўзингизни солиштирмасликка ўргатинг:*

Ўсмирнинг атрофида ҳар доим бирон бир жиҳатдан ундан устунроқ турадиган кимлардир бўлади. Бу уни депрессияга олиб бормаслиги керак. Ота-онанинг вазифаси ҳар бир инсоннинг ўзига хослиги, такрорланмаслигини тушунтиришдир. Фарзандингиздан у ўзида нимани ўзгартиришни, яхшилашни хоҳлаётганини сўранг. Бунга қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида бирга режа тузинг: машғулотлар, репетиторлар, оддий машғулотлар бўлиши мумукин. Ҳаракатлар режасини ёзиб чиқинг ва ўсмир ушбу қўйилган мақсадга ўзи мустақил эришишини таклиф қилинг. Мунтазам ишлар қандай кетаётганлиги билан қизиқиб туринг. Ўсмирнинг ўз кучига бўлган ишончини ошириб боринг. Муваффақиятлари учун уни мақтанг, нима бўлишидан қатъи назар, у хаммадан зўр эканлигига ишонтиринг. Ундан уни идеал, яъни ўта мукаммал шахс бўлишини талаб қилманг. Унга хато қилиш қўрқинчли эмаслигини ва хатолардан сабоқ олиш мумкинлигига ўргатинг.

• *Унинг дўстларини ҳурмат қилинг ва дўстона муносабатда бўлинг:*

Уларнинг умумий қизиқишлари, феъл-атвор хусусиятлари билан қизиқинг. Телефонда ва ижтимоий тармоқларда мулоқотини рағбатлантиринг. Дўстларини меҳмонга келишларига рухсат беринг ва уларнинг мулоқотига халақит берманг.

• *Қизиқишлар доирасини кенгайтиринг*: Ўсмирингизни тўгаракларга ва секцияларга боришга унданг. Спорт ёки санъат билан шуғулланаётганда, ўсаётган бола унда ўзини намоён эта олади. Унда муваффақиятга эришиши мумкин бўлган яна бир соҳа пайдо бўлади ва бу ўз навбатида ўзини ҳурмат қилишни кучайтиришга олиб келади. Бундан ташқари, бу мулоқот қилиш имконияти бўлиб, ўсмир хақиқатдан ҳам ўзига ёқадиган нарса билан шуғулланиши жуда муҳимдир.

• *Яхши хулқ-атворни рағбатлантиринг:*

Бола сизнинг унга бўлган яхши муносабатингизни кўриши учун уни мақтанг, унга миннатдорчилик билдиринг, кичик совғалар қилинг. Агар ўсмир фарзандингиз Сиз унга бермаган

https://buxdu.uz



вазифангизни ўзи ихтиёрий равишда бажариб қўйса, унга алоҳида эътибор беринг. Бу сизнинг ўртангиздаги масъулият ва яхши муносабатларнинг пайдо бўлиши кўрсаткичидир.

• *Фарзандингизни қучоқланг, эркалатинг ва ўпинг:*

Эслаб қолинг - инсонлар неча ёшга киришларидан қатъи назар, уларда меҳр олиш ва меҳр беришга бўлган табиий эҳтиёж мавжуддир. Фақат ота-она меҳрига тўйинган фарзандгина келажакда ўзини ижобий баҳолаши, ўзига ишончи, ўзини ҳурмат қилиши ва бошқалар томонидан ҳурмат қилинишига эришади. Ўзига ишонган инсон, албатта, маълум соҳада ўзини ифода этиш орқали ўзини тасдиқлайди. Америкалик психолог, гуманистик психологиянинг асосчиси Абрахам Маслоунинг "Инсон эҳтиёжлари пирамидасида" ҳам бу хақида таъкидлаб ўтилган.

• *Сабрли бўлинг:* эсингизда бўлсин, ўсмирлик вақтинчалик ҳодиса. Тез орада фарзандингиз яна сизга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат кўрсатишни бошлайди. Унга ушбу қийин босқичдан ўтиб олишига, доим ёнида бўлиб ёрдам беришга тайёр бўлинг.

***Келинг, сиз билан фарзандингиз ўртасидаги муносабатлар суръатини тасвирлашга ёрдам берадиган баъзи саволларга жавоб берайлик:***

• Сиз кичкинтойингизнинг туғилишини орзу қилинганмисиз?

• Сиз уни ҳар куни қучиб ўпасизми, ёқимли сўзлар айтасизми ёки у билан ҳазиллашасизми?

• Ҳар оқшом у билан чин юракдан суҳбатлашасизми ва ўтган кунини муҳокама қиласизми?

• Ҳафтада бир марта у билан бўш вақтни ўтказасизми (кино, концерт, театр, қариндошларникига ташриф ва бошқалар)?

• Сиз у билан оилавий муаммолар, вазиятлар ва режаларни биргаликда муҳокама қиласизми?

• Сиз у билан кийиниш услуби, унинг қиёфаси, модаси, тўғрисида баҳслашасизми?

• Сиз унинг дўстларини биласизми (улар кимлар? нима билан шуғулланишади? қаерда яшашади?)

• Сиз унинг бўш вақти, севимли машғулотлари ва фаолияти ҳақида биласизми?

• Унинг танлови (ёқтирган инсони) ва симпатияларини биласизми?

• Унинг душманлари, рақиблари ҳақида биласизми?

• Мактабда унинг энг севимли фани қайси эканлигини биласизми?

• Унинг мактабда энг яхши ўқитувчиси ким эканлигини биласизми?

• Унинг енг ёмон кўрган фани қайси эканлигини биласизми?

• У билан тортишиб қолсангиз,Сиз биринчи бўлиб гапиришни бошлаб ярашасизми,?

• Сиз ўз фарзандингизни ҳақорат қилмайсизми, хўрламайсизми?

Агар сиз барча саволларга "Ҳа" деб жавоб берган бўлсангиз, бу сизнинг тўғри ота-она йўлида эканлигингизни, вазиятни назоратга олганингизни ва қийин пайтларда фарзандингизга ёрдам бера олишингизни англатади. Ва агар сизда кўп саволларга "Йўқ" жавоби берилган бўлса, унда сиз қийин муаммоли вазият юз бермагунча зудлик билан ўзгарилиб фарзандингизга юзланиб, уни тинглашни ўрганишингиз зарур!

**Адабиётлар**

1.Анцупов А. Я. Конфликтология. Учебник / А.Я. Анцупов, А.И. Шипилов. - М.: Питер, 2015. - 528 с.

2. Гришина Н.В. Психология конфликта / Н.В. Гришина. - М.: Питер, 2008. - 172 с.

3. Дэвид Д. Бернс. Ругаться нельзя мириться. Как научиться разруливать и предотвращать конфликты / Дэвид Д. Бернс. - М.: Эксмо, 2009. - 288 с.

4. Бодалёв А. А., Ковалев Г. Л. О психологии воспитательного воздействия в межличностном общении// Вопросы психологии межличностного познания и общения. – Краснодар, 1985.

5. Крутецкий В. А., Лукин Н. С. Психология подростка. – М., 1959.

https://buxdu.uz



**Феруза МУЗАФФАРОВА**
Бухоро давлат университети
жисмоний маданият назарияси
ва услубиёти кафедраси
ўқитувчиси

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ДИДАКТИК МАҚСАДИГА ЭРИШИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Ушбу мақолада ҳамкорликдаги педагогик жараённинг дидактик мақсади ва унга эришиш йўллари, ҳамкорликдаги фаолият технологияси ёрдамида таълим жараёнида амалга ошириладиган вазифалар, ҳамкорликдаги фаолиятнинг ўзига хос муайян таркибий қисмлари ва принциплари, ҳамкорликдаги ўқитишнинг янги шакллари, методлари ва усуллари баён қилинган.*

***Таянч сўзлар:*** *педагогик ҳамкорлик, ҳамкорлик стратегиялари, ўқитувчи фаолияти, дидактик мақсад, компетенция, ўқув ҳаракатлари, педагогик маҳорат, ўқувчилар.*

*В данной статье описывается дидактическая цель совместного педагогического процесса и способы ее достижения, задачи, которые должны быть выполнены в учебном процессе с использованием совместной технологии, конкретные компоненты и принципы совместной деятельности, новые формы, методы и приемы совместного обучения.*

***Ключевые слова:*** *педагогическое сотрудничество, стратегии сотрудничества, педагогическая деятельность, дидактическая цель, компетентность, учебная деятельность, педагогическое мастерство, ученики.*

*This article describes the didactic purpose of the collaborative pedagogical process and ways to achieve it, the tasks to be performed in the educational process using collaborative technology, specific components and principles of collaborative activities, new forms, methods and techniques of collaborative learning.*

***Key words:*** *pedagogical collaboration, collaboration strategies, teacher activities, didactic purpose, competence, learning activities, pedagogical skills, students.*

Республикамизда баркамол шахсни шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, ёшлар ва уларнинг тарбияси масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [1] каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, таълим тизимининг интеграциялашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, таълим олувчиларда ҳамкорликка киришиш кўникмаларини ривожлантириш, таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва методик имкониятларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг гендер ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликка киришиш суръати, даражаси, йўналганлигини аниқлаштириш, таълим жараёнида фаолиятли ёндашувга асосланган ҳамкорлик стратегияларидан фойдаланиш тизимини устувор принциплар асосида такомиллаштиришни тақозо қилади.

Ҳамкорликдаги педагогик жараёнда ўқувчилар алоҳида-алоҳида тарзда ўз фаразларини илгари суришлари мумкин. Шу асосда улар ўқув вазифаларини биргаликда ечиш стратегияларини танлайдилар. Натижада бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик ва мунозарага киришадилар. Бундай вазиятда қоидалар, усуллар, хулосаларнинг ўрни ва аҳамияти ўзгаради. Мазкур ҳолат жамоавий фаолият жараёнида вужудга келади ва унга тузатишлар киритиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ўқувчига ўзи учун йўл очиш ва илмий билимларни онгли тарзда қўллаш учун шароит яратади. Шунингдек, ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга киришишларига кўмаклашади. Бунда ҳар бир ўқувчининг ташаббускорлиги ва мустақиллигига эътибор қаратиш талаб этилади. Бу ҳамкорликдаги педагогик жараёнда янги стратегияларни қўллаш учун асос бўлади.

Ушбу жараёнда ўқувчилар олдига уларни ҳамкорликдаги фаолиятга ундовчи муаммоли топшириқлар қўйилади. Ижодий характердаги махсус топшириқлар синфдан-синфга мураккаблаштирилиши керак. Бунинг учун ўқувчиларнинг руҳий жараёнларини такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, уларнинг тасаввурларини кенгайтириш орқали қўйилган мақсадга эришилади. Шу мақсадда ҳамкорликдаги педагогик жараёнда ролли ўйинларга кенг ўрин ажратиш зарур. Бундай ролли ўйинлар ўқувчиларда хатти-ҳаракатларни ривожлантириш имконини беради. Шу асосда ўқувчиларнинг идроки, тасаввури ва ижодий фаолияти ривожланади.

https://buxdu.uz



Ҳамкорликдаги педагогик жараённинг дидактик мақсади ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини таъминлашдан иборат. Бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш талаб этилади:

1. Ўқувчиларнинг руҳий йўналишларини ривожлантириш ўзида ақл, ирода ва ҳиссиётларни мужассамлаштиради. Фикрий фаолиятни ривожлантириш эса буюмлар ва тушунчаларни таснифлашни тақозо қилади: топшириқлар ва масалаларнинг шартларини биргаликда таҳлил қилиш, хулосаларни шакллантириш кабилар. Умумлашмаларни шакллантириш ўқувчиларни индуктив ва дедуктив усулларни қўллашга йўналтиради. Билим, кўникма ва малакалар ўқитиш ҳамда ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этиш воситаси сифатида намоён бўлади. Ҳамкорликдаги педагогик жараён мазмуни, методлари, шаклларига бўлган асосий талаблар тизимнинг натижавийлигини белгилаб, ўқувчиларнинг қулай ва умумий ривожланишини таъминлашда ўз ифодасини топади.

2. Ҳамкорликдаги педагогик жараён юқори даражада ташкил этилиши учун қийинчиликлар ва зиддиятларни бартараф этишнинг зарур стратегияларини қўллаш асосида кутилган самарадорликка эришиш имконияти туғилади. Қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир ўқувчининг индивидуал ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

3. Ўқув-методик мажмуаларда назарий билимларнинг етакчилик мавқеига эгалиги принципи татбиқ этилиб, ўқув материалларини жадал ўргатиш маромига амал қилиш талаб этилади. Мазкур ёндашув таълим сифатини таъминлаш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар билимларни мустаҳкамлаш жараёнида шошмасликлари, шу билан бир қаторда бир жойда қотиб ҳам қолмасликлари керак. Таниш билимлар, тушунчалар, маълумотлар янги ўзлаштирилганлари билан ўзаро алоқадорликда идрок этилиши зарур. Ўқувчиларга ўқув материалларини бундай тарзда тақдим этиш уларнинг ўқув-билув жараёни олдига қўйган талабларни англаб етишларига кўмаклашади.

4. Ҳамкорликдаги педагогик жараённинг асосий мақсадларидан бири ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятлари ва ўқувчиларнинг билимлари бойишини таъминлашдан иборат. Ўқитишнинг методик тизими яхлит тизим сифатида кўп қирралилиги ва барча ўқув фанларини ўқитиш хусусиятларини мужассамлаштирганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Турли ўқув фанлари доирасида ўқув материалларини ўқувчиларга тақдим этиш, методик тизимнинг типик ўзига хослиги ва дидактик принципларга мувофиқ келишини таъминлаш асосида уларнинг ривожланишига яхлит тарзда таъсир кўрсатиш имконияти яратилади. Ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамда ўқувчилар билан ўқувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатишларига эришиш учун муваффақият келтирадиган вазиятларни вужудга келтириш талаб этилади.

Таълим мазмунини танлашда ўқувчиларда ақлий ва жисмоний фаолият усулларини бир йўла ривожлантириш, ўқув жараёни мазмунини ўзлаштиришда уларнинг истиқболга йўналтирилган муваффақиятли фаолиятларини ташкил этиш, ўқув машқларини тушунишлари, ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи орасидаги ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, муваффақият вазиятларида ҳар бир таълим олувчининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашни назарда тутиш зарур.

Ўқувчилар учун мўлжаланган ақлий ҳамда жисмоний машқлар ўқитувчи томонидан ўқитишнинг янги шакллари, методлари ва усулларини тақдим этиш асосида такомиллаштирилади. Бундай воситалар сирасига ҳамкорликдаги ўқув ишлари учун мўлжалланган топшириқлар, мантиқий характердаги машқлар, ўқувчиларни атроф-муҳит билан таништиришга бағишланган саволлар ва топшириқлар, бир-бирини назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган топшириқлар ҳамда туркум машқларни киритиш мумкин.

Ақлий ҳамда жисмоний машқларни танлашда ҳамкорлик принципига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Чунки ҳамкорликдаги фаолият технологияси ёрдамида таълим жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- ўқувчиларга ўз ақлий ва жисмоний имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун кўмаклашиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилишларига шароит яратиш;
- ўқувчиларда ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш, ўзаро мулоқотга киришишлари учун зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш;
- ҳамкорликдаги фаолият жараёнида ҳар бир ўқувчининг қалбан ҳамда ҳиссий жиҳатдан осойишталигини таъминлаш кабилар.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолиятларининг натижаси етарлича самарали эмаслиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Мазкур самарадорликни таъминлаш йўллари, усуллари изланмоқда.

https://buxdu.uz



Маълумки, ўқувчининг ўқув фаолияти босқичма-босқич, изчил ривожланиш характерига эга бўлиб, бунинг учун у, биринчи навбатда, ушбу фаолиятга киришиш тажрибасини ўзлаштириши лозим. Чунки инсон муайян фаолиятда самарадорликка эришиш учун зарур тажрибага эга бўлиши талаб этилади. Ўқувчининг ўқув фаолияти, биринчи навбатда, унинг ўзига йўналтирилган бўлиши керак. Ўқувчилар нафақат билимларни эгаллашлари, балки уни ўзлаштириш усулларини ҳам билиб олишлари лозим.

Ўқувчилар ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, жисмоний машкларни бажариш кўникмаларини эгаллар эканлар, улар дастлаб ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиришлари, ўқув жараёнига мослашишлари лозим. Шундагина улар ўзларини ўраб турган маданий муҳитни ўқув ҳамда ақлий ҳаракатлар ёрдамида ўзлаштирадилар. Ўқувчи ўзининг олдинги ва ҳозирги қиёфасини таҳлилий фаолияти натижасида қиёслайди. Ўқувчиларнинг шахсий ўзгаришлари уларнинг ютуқлари сифатида намоён бўлади.

Ўқувчининг ўқув фаолиятидаги ўзига хос ҳолат – ўз-ўзини таҳлил қилиши, ўзи эришган янги ютуқларини кузатиши ва ўзгаришларни қайд этишида намоён бўлади. Ҳар бир ўқувчи “Мен бу ишни бажара олмадим”, “Бунисини эса бажара оламан”, “Бўлди”, “Эришдим” деб айта олиши учун ўзи ва синфдошларининг ўқув фаолиятини чуқур таҳлил қила олиши керак. Бунинг учун у ўзи ва синфдошларининг ютуқлари ҳамда фаолиятидаги ўзгаришларни баҳолай олиши лозим. Бунинг учун ўқувчи айни бир ватқнинг ўзида ўзгара олиши керак.  Энг муҳими мазкур ўзгаришни унинг ўзи амалга ошириши лозим. Агар ўқувчи такомиллашган ўқув фаолияти орқали ўзи ва синфдошларидаги ўзгаришларни таҳлил қила олса, у ўз-ўзини ривожлантира олиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг руҳий жиҳатдан ўқув фаолиятига тайёрлиги, мазкур фаолият билан бандлигидан далолат беради.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини таҳлил қилар эканмиз, улар ўз-ўзларини қандай баҳолашларига ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Ўзларининг баҳолашга оид ҳаракатлари туфайли ўқувчилар билим, кўникма ва компетенцияларни қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлай оладилар. Шундагина улардан талаб қилинган ҳаракат усулларини қанчалик мақсадга мувофиқ тарзда бажарганликлари аниқ намоён бўлади. Натижада улар мазкур усуллардан кўплаб амалий характердаги топшириқларни бажаришда унумли фойдаланиш тажрибасига эга бўладилар. Шу тариқа ўқувчиларнинг ўз фаолиятлари натижаларини аниқлашда баҳо таянч восита ҳисобланади. Бундай ўқув фаолияти ўқувчининг тараққиёти ҳамда ўзлаштириш даражасига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Агар ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолиятларини нотўғри ташкил этган бўлса баҳолаш ўзининг барча вазифаларини бажара олмайди. Ҳамкорликдаги ўқув фаолияти ўқувчилардаги шахсий ўзгаришларни таҳлил қилишдан бошланиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларни баҳолар экан, ўқувчилар ўз-ўзлари ва синфдошлари фаолияти натижаларини баҳолашни ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг биргаликдаги ўқув фаолиятлари ўзининг муайян таркибий қисмларига эга. Ҳар бир таркибий қисм иккинчиси билан ўзаро чамбарчас боғланган бўлади. Жумладан:

*1) ўқув топшириғи – бу ўқувчилар биргаликдаги фаолият жараёнида нималарни ўзлаштиришлари кераклиги ҳамда уларни эгаллаш усулларини ўз ичига олади;*

*2) ўқув ҳаракатлари – бу ўқувчилар биргаликдаги ўқув ҳаракатлари жараёнида нима қилишлари кераклиги, ўзлаштирилган ҳаракат намунасининг шаклланиши ҳамда ушбу ҳаракатни амалга ошира олишлари* лозимлигини кўрсатади*;*

*3) назорат ҳаракатлари – бу жараёнда ўқувчилар ўзлари амалга оширган ҳаракатлари билан намунадагисини ўзаро қиёслайдилар;*

*4) баҳолаш ҳаракатлари – ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият жараёнида эришган натижаларини аниқлаш, улардаги ўзгаришлар даражасини баҳолашда намоён бўлади.*

Ўқув фаолиятининг мазкур таркиби унинг тўлақонли шакли ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг бундай таркиби босқичма-босқич шаклланади. Бошланғич синф ўқувчиларида эса ўқув фаолиятининг бундай таркибини шакллантириш узоқ давом этадиган ҳамкорликдаги дидактик жараёнда амалга ошади. Баъзи ҳолларда ўқувчилар ўзлари ва гуруҳдошларининг ютуқларини аниқ ва тўғри баҳолашга интиладилар. Бунинг учун улар топшириқларни тушунишлари ва ўзлари ҳамда гуруҳдошларининг ютуқларини текшириш ва баҳолаш усулларини билишлари лозим. Буларнинг барчаси ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолияти қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ. Шунингдек, ўзлаштириладиган ўқув материаллари, бажариладиган машқларнинг аниқ мазмуни ва ўқувчилар фаолиятининг ўзига хослиги ҳам бу тизимда муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, ўқувчиларни матнларни ўқишга ўргатишда уларга сўзларни ўқиш ва таҳлил қилишнинг асосий усулларини ўргатиш талаб этилади. Жисмоний машқларни бажаришга ўргатишда ўқитувчи ўқувчиларга ўз-ўзи ва тенгдошларининг ҳаракатларини назорат қилиш усулларини ўргатиши лозим.

https://buxdu.uz



Таълим жараёни субъектларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ривожлантиришда муайян принципларга таяниш лозим. Ўқув жараёнининг очиқлиги, компетенциявий ёндашувга асосланиши, унда лойиҳачилик ва жамоавий ёндашувнинг устуворлиги, лидерларни аниқлаш ва намоён этишнинг танловга асосланганлиги, янги ёндашувларнинг амалиётга муваффақиятли татбиқ этилиши, комплекс ечимларнинг манзилли йўналтирилганлиги ва қабул қилинадиган ечимларнинг ишчанлик характерига эгалиги муҳим аҳамиятга молик.

## Адабиётлар


1. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении: О коллективном способе учебной работы: Кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1991. – 192 с.
2. Дилова Н.Ғ. Бошланғич таълим жараёнида ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс.авт.– Нукус., 2018. – 50 б.
3. Плигин А.А. Стратегии обучения – основные компоненты личностно- ориентированного образования. // Личностно-ориентированные подходы в образовании. / Под ред. Скоробогатовой. – М.: 2002. – С. 20 – 32.
4. Сафарова Р., Юсупова Ф., Сулаймонова Г., Қосимова Д., Дилова Н., Садуллаев Б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси//Монография. Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 154 б.
5. Ситаров В.А. Проблемное обучение как одно из направлений современных технологий обучения // Знание. Понимание. Умение. 2009. - №1. С. 148–157.
6. Сафарова Р.Г. Педагогическое сотрудничество как средство повышения качества учебного процесса //Ж. Актуальные проблемы современной науки, 2013 й. №3, с. 109-111.

https://buxdu.uz



**Асқар ИБРАЙМОВ**
Бош прокуратура Академияси
электрон таълим бўлими катта прокурори
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

## МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Bilim - atrof borliqning qonunlari, qonuniyatlari, hodisalari, predmetlari, dalillari, shuningdek, faoliyat usullari haqidagi tushuncha va tasavvurlarning oʻzlashtirilishi, tizimga solinishi va xotirada mustahkamlanishidir.

Koʻnikma - ongli ravishda bajariladigan ishning bir xil mehnat usullarida koʻp marta takrorlanadigan, avtomatlashib ketgan (odat boʻlib qolgan) komponenti - tarkibiy elementidir.

Malaka - insonning oʻzidagi bilimlarga asoslanib, maʼlum talablarga rioya qilgan holda mehnat jarayonlarini bajara olishidir. Oʻquvlar biror ishni bajarish uchun zarur boʻlgan va yetarli darajadagi epchil harakatlarni oʻz ichiga oladi.

Koʻnikma va malaka bir butun hamda qismlar nisbati kabi tushuniladi.

Mahorat - oʻzlashtirilgan bilimlarni ijodiy yondashgan holda amaliyotda qoʻllashning amalga oshirilishini bildiradi.

Koʻpchilik adabiyotlarda koʻnikma va malakalarni shakllantirish jarayoni quyidagicha qabul qilingan:

**BILIM → KOʻNIKMA → MALAKA → MAHORAT**

Ushbu ketma-ketlik K.K.Platonov tomonidan taklif etilgan boʻlib, u bizning fikrimizcha, ilmiy jihatdan koʻpchilik olimlar tomonidan asoslab berilgan.

Biz psixologiya, pedagogika, didaktika, sotsiologiya va ishlab chiqarish pedagogikasi sohalarida olib borilgan ilmiy-amaliy izlanishlarga tayanib, malakalarning shakllanish jarayonlarini bosqichlarga ajratiladi. Deyarli har qanday ixtisoslikdagi murakkab koʻnikma tarkibiga psixologik turdagi barcha malakalar kiradi. Biroq ishchi amalga oshiradigan ishlab chiqarish jarayoni xususiyatlariga koʻra alohida malakalarning nisbiy salmogʻi va ahamiyati turlicha boʻlishi mumkin.

Koʻnikma va malakalar hosil boʻlishining nervfiziologik asosi shartli reflekslardir. Har bir malaka va har bir odat, oʻz fiziologik asosiga koʻra, shartli refleks bogʻlanishlari sistemasidan iborat. Malaka va odatlarning hosil boʻlishida, shuningdek, ularning oʻzgarishida shartli reflekslarning hosil boʻlishi, oʻzgarishi hamda tormozlanishiga oid boʻlgan barcha qonunlar, jumladan, dinamik stereotip hosil boʻlishi

https://buxdu.uz



qonuniyatlari amal qiladi. Malaka va odatlarni oʻrganishda I. P. Pavlovning quyidagi soʻzlarini nazarda tutish lozim:

“Bizdagi tarbiya, taʼlim, intizomning barcha turlari, har qanday odatlar qator-qator tuzilgan juda koʻp shartli reflekslardan iborat boʻlsa kerak. Muayyan sharoit, yaʼni muayyan qoʻzgʻovchilar bilan harakatlarimiz oʻrtasida hosil boʻlgan va mustahkamlangan bogʻlanishlar, koʻpincha, hattoki ataylab qarshilik qilishimizga qaramay, doimo oʻz-oʻzidan takrorlanaverishini kim bilmaydi? Bu narsa muayyan bir harakatlarni bajarish, shuning bilan birga, bunday harakatlarni toʻxtata bilishga, yaʼni ham musbat, ham manfiy reflekslarga baravar taalluqlidir. Shuningdek, baʼzan oʻyin paytida yoki turli sanʼat mashgʻulotlarida ishda uchraydigan ortiqcha harakatlarni yoʻqotish uchun lozim boʻlgan tormozlanish tugʻdirish oson emasligi maʼlumdir”[8.15].

Psixikaning taraqqiyotida malaka va koʻnikmalar hayvonlarda ham hosil boʻladi. Hayvonlarda malaka va koʻnikmalar ularning ehtiyojlariga, yashash sharoitiga bogʻliq holda, taqlid yoʻli bilan va, shuning bilan birga, odamlar tomonidan oʻrgatish yoʻli bilan hosil boʻladi. Hayvonlarda malaka va koʻnikmalar birinchi signal sistemasi doirasidagi bogʻlanishlar asosida vujudga keladi. Odamda malaka va koʻnikmalarning hosil boʻlishida birinchi signal sistemasi bilan oʻzaro munosabatda boʻlgan ikkinchi signal sistemasi koʻproq ahamiyatga egadir.

Biron narsaning uddasidan chiqa oladigan boʻlish uchun kishi, dastavval qanday harakatlar qilish kerakligini va bu harakatlarning qay tarzda amalga oshirilishini bilib olishi va esida saqlab qolishi kerak. Shundagina kishi talab qilingan natijaga erishishi mumkin. Ishning bajarish usullarini bilgandan soʻng yoki bilish mobaynida kishi birovning tushuntirishi boʻyicha yoki nusxaga qarab, xuddi shunday harakatlarni qila boshlaydi. Masalan, endigina yozishni oʻrganayotgan bola “a” harfini qanday yozish kerakligini oʻqituvchining tushuntirishidan va nusxadan qarab bilib oladi. Soʻngra bu harfni uning oʻzi ham yoza boshlaydi. U avval yarim doira shaklini chizadi va buning oʻng tarafiga pastki tomoni bir oz qaytarilgan toʻgʻri chiziq qoʻshadi. Bu bolaning “a” harfini oʻrgana boshlashi demakdir.

Biron ishning uddasidan chiqishni oʻrganishning bu dastlabki davrida har bir yangi harakat ongli ravishda bajariladi. Kishining diqqati, odatda, bajarilayotgan ishining oʻziga emas, balki koʻproq, oʻzining ayrim harakatlariga qaratilgan boʻladi. Biron ishning uddasidan chiqishni oʻrganishning bu davri tegishli ish-harakatlarni yoki zehniy ishni amalga oshirishda kerak boʻladigan usullarni ongli ravishda tanlashdan iborat boʻladiki, bu usullarning birga qoʻshilishi natijasida maqsadga muvofiq va toʻgʻri ish harakatlar qilinadi. Ammo biron ishning uddasidan chiqishni oʻrganishning dastlabki davridagi harakatlar koʻpincha bir-biriga qovushmagan boʻladi. Masalan, bola xat yozishni oʻrganar ekan, “a” harfini faqat bitta harakat yordami bilan emas, balki eng kamida ikkita harakat yordami bilan yozadi, u yarim doira shaklini alohida chizib oladi va soʻngra esa bunga pastki tomoni biroz qayrilgan chiziq qoʻshadi.

Biron ishning uddasidan chiqishni oʻrganishning dastlabki davriga xos boʻlgan xarakterli xususiyatlardan biri ortiqcha kuch sarf etishni talab qiluvchi yanglish va qoʻshimcha harakatlarning koʻp boʻlishidir. Masalan, endi yozishga oʻrganayotgan bolalar, koʻpincha, yozish paytida tillari, yuz muskullari, butun badanlari bilan zoʻr berib harakat qiladilar, baʼzan oyoqlarini ham qimirlatadilar.

Biron ishning uddasidan chiqishni oʻrganishning bundan keyingi davri - bilib qilinadigan ongli harakatning mustahkamlanish va takomillanish davridir. Bunda koʻnikmalar mashq qilish orqasida mustahkamlanadi. Mashq - koʻnikma hamda kerakli usul va harakatlarni mustahkamlash va takomillashtirish maqsadida ularni koʻp marta takrorlashdir. Mashq jarayonida harakatlar faqat mustahkamlanibgina qolmay, balki oʻzgaradi va aniq, tez hamda puxta bajariladigan boʻladi.

Yozishni endigina oʻrganayotgan bola har bir harfni toʻgʻri va chiroyli qilib yozishga intiladi. Lekin bola dastavval boshdan shoshib yozadigan boʻlsa, bunda u juda koʻp kalligrafik va orfografik xatolarga yoʻl qoʻyib yuborishi mumkin. Oʻquvchi faqat uzoq vaqt davomida mashq qilishi orqali toʻgʻri va chiroyli yozishni saqlab qolgan holda, tez yoza oladigan boʻladi. Agar oʻquvchi hali birinchi chorak davomida oʻqishning elementar usullarini egallamagan boʻlsa-yu, lekin tez oʻqishga intilsa, bunday qilganda, odatda, oʻqishda ham juda koʻp xatolar (ayrim soʻzlarni tashlab ketish, matnlarni yanglish oʻqish) roʻy beradi. Yil oxiriga kelib, oʻqish texnikasining tobora takomillanishi bilan oʻquvchining oʻqish tezligi ham tegishli ravishda ortib boradi.

Mashqlar jarayonida kishining ixtiyoriy diqqati butun ishga ham, uning ayrim tomonlariga ham qaratilgan boʻladi. Bunda harakatlarning toʻgʻri bajarilayotganligi, asosan, koʻz bilan kontrollik qilinadi.

Biron ishning uddasidan chiqishni oʻrganishning bu davrida ayrim harakatlarning bir-biriga muvofiqlashuvi (koordinatsiyasi) takomillashadi. Bir necha harakatlar bir butun murakkab harakat, amal boʻlib birlashadi, umuman qattiq zoʻr berish ozayadi va koʻp ortiqcha harakatlar yoʻqola boradi.

Ortiqcha va qoʻshimcha harakatlarning yoʻqotilishi differensirovka hosil boʻlishning natijasidir: muvaffaqiyatli natija bilan quvvatlanmagan harakatlar asta-sekin tormozlanadi, kerakli natijaga olib boruvchi toʻgʻri harakatlar esa mashq qilish davomida tobora mustahkamlanadi.

https://buxdu.uz



Qandaydir bir ko'nikmani yanada yaxshiroq mustahkamlash maqsadida har galgi mashqda xuddi bir xil misol va masalalarni qayta-qayta takrorlayverish mutlaqo shart emas. Aksincha, bilimlarni mustahkamlashda ham, shuningdek, harakatlarni mustahkamlashda ham yangi misollar va masalalar berish juda foydalidir. Mashq ana shuning bilan odatda, hech qanday yangi ish usuli kiritilmaydigan trenirovka mashg'ulotidan farq qiladi. O'qitish jarayonida ham trenirovka qo'llaniladi. Masalan, o'qituvchining talabi bilan talaffuz qilinishi qiyin bo'lgan so'zni hamma o'quvchilar baravariga qayta-qayta takrorlaydilar, harflarning elementlarini yozadilar, ustaxonada taxtachalarni randalaydilar; jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida ham mashq qilish metodidan tez-tez foydalanib turiladi. Lekin mashq maktabdagi mashg'ulotlarda ancha katta o'rinni egallaydi.

Mashqlarning u yoki bu bosqichida hosil qilingan ko'nikmalar avtomatlashishlari, ya'ni malakaga aylanishlari mumkin (Yuqorida aytib o'tganimizdek, malakalar ko'nikmalarning avtomatlashishlari jarayonida hosil bo'ladi).

Agar harakat va ko'nikmalar juda mustahkamlanib, ma'lum bir ishni qanday bajarish kerakligini o'ylab o'tirmay va ayrim harakatlarga alohida diqqat qo'yib o'tirmay amalda bajaraveriladigan bo'lsa, malaka batamom hosil bo'ldi, deyish mumkin. Avtomatlashish davri shu bilan xarakterlanadiki, bunda harakatlarni, asosan, ko'z bilan boshqarishda harakat sezgilari asosidagi kontrollikka o'tiladi va bu xil kontrollik ustun chiqadi.

Hosil bo'lgan malakalar biror faoliyat jarayonida tug'iladigan ayrim amaliy vazifalarni bajarish talab qilinganda ishga solinadi. Bunday vazifa mavjud bo'lganda, malakadan ongli ravishda foydalanishga kirishiladi. I. P. Pavlov iborasi bilan aytganda, bunday paytda ikkinchi signal sistemasining nutq signallari "harakatga keltiruvchi madad" hisoblanadi. Lekin agar ish boshlanib, birinchi harakat qilingan bo'lsa, bunday paytda keyingi har bir harakat oldingi harakatdan hosil bo'lgan harakat sezgisi tufayli qo'zg'ala boradi. Avtomatlashgan ko'nikma harakatlarning nervfiziologik mexanizmi birinchi signal sistemasida hosil bo'ladigan bog'lanishlardan iborat. Bunda birinchi signal sistemasi, albatta, ikkinchi signal sistemasi kontrolligi ostida ishlaydi.

Harakatlarning avtomatlashish davrida ko'nikmalar faqatgina juda yaxshi mustahkamlanib qolmay, balki yanada takomillashadi. Bu davrda ortiqcha harakatlarning yo'qola borishi davom etadi, kerakli harakatlar esa yanada aniqroq, ixchamroq va tezroq bo'la boradi.

Malakaning mustahkamlanishi va avtomatlashishi maxsus mashqlar va o'rganish davrida tugallanmaydi. Malakalar faoliyatining o'zida ham takomillashadi. Masalan, agar kishiga umrida juda ko'p yozish va o'qish to'g'ri kelsa, uning orfografiya malakasi juda mustahkam bo'ladi. Barcha mehnat malakalari mehnat jarayonining o'zida takomillashadi. Malaka egallash uchun qilinadigan maxsus mashqlar faqat tayyorgarlik ahamiyatiga egadir.

Shunday holatlar ham bo'ladiki, bunda malakalar maxsus mashq va o'rganish natijasida hosil qilinmay, balki faoliyat jarayonida hosil qilinadi, hatto ishni uddalay bilishni avtomatlashtirish ko'zda tutilmagan taqdirda ham faoliyat jarayonida hosil qilinadi.

Avtomatlashgan harakatlar, ya'ni ko'nikma va malakalar ong kontrolligidan batamom chiqib ketmaydi. Sharoit o'zgarib qolgan paytda ular yana ongli ravishda takrorlanaveradi, bunda qilinadigan ayrim ishlar o'ylab olinadi.

O'qish jarayonida hosil bo'ladigan hamma ko'nikma va malakalar o'zaro bir-biri bilan bog'langan holda hosil bo'ladi. Chunonchi, o'quv ishlari bilan bog'liq bo'lgan ko'nikma va malakalarning shakllanishi ishlab chiqarish mehnatiga doir ko'nikma hamda malakalarning o'zlashtirilishiga yordam beradi. Ishlab chiqarish mehnati va sport sohasiga doir malakalarning o'zlashtirilishi ham o'zaro bog'liq bo'lgan hodisadir.

O'quvchi-talaba malakali ishchilar kabi ishlay olishi uchun uning bilimlarini boyitish va ixtisoslashtirish, kasbiy ko'nikma va malakalarini shakllantirish va rivojlantirish lozim bo'ladi.

Kasb-hunar kollejlarida asosiy diqqat e'tibor o'quvchilarda ishlab chiqarish mehnatiga doir ko'nikma va malakalarni hosil qilishga qaratilgan. Ana shunday ko'nikma va malakalarni yuzaga keltirish o'quvchilardan alohida jiddiylik bilan aqliy kuchlarini, ya'ni **idrok, xotira, xayol, tafakkur, diqqat va irodalarini** qattiq zo'r berib ishga solishni talab etadi. Inson psixikasining ana shu hamma tomonlari ko'nikma va malakalar egallashning dastlabki davrida xususan yaqqol namoyon bo'ladi.

Shuning bilan bir vaqtda ko'nikmalar hosil bo'lish jarayoni o'quvchilarning aqliy taraqqiyotlariga ta'sir qiladi. Harakatlar yordami bilan bajariladigan ishga oid ko'nikmalarda bu harakatlar qaratilgan narsalarni idrok qilish chuqurlashadi hamda aniqlashadi.

Qanday bo'lmasin bir ishni bajara olish tafakkur va xayolning taraqqiyotiga yordam beradi. Malaka egallash jarayoni ham to'plangan hamda barqaror diqqat va irodaning taraqqiyotiga yordam beradi.

Ishlab chiqarish mehnatiga doir ko'nikmalar o'quvchilardan turli xildagi tana harakatlarini hamda shu bilan birga o'quvchilar muskul sistemalarining mustahkamlanishiga yordam beradi.

https://buxdu.uz



Shuning uchun, ishlab chiqarish mehnatiga doir koʻnikmalarni hosil qilish maktabdagi oʻqitish jarayonining birdan-bir maqsadi boʻlib qolmay, balki boshqa oʻquv predmetlari singari, oʻquvchilarni aqliy va jismoniy jihatdan har tomonlama rivojlantirish vositasi sifatida ham xizmat etadi.

Kasb ta’limi - bu pedagogning talabalar bilan hamkorlikda rejali tashkil qilingan faoliyati boʻlib, u talabalarning zamonaviy ishlab chiqarish texnikasi va texnologiyasi darajasiga mos kasbiy bilim, koʻnikma va malakalarni egallashga, talabalar ma’naviy ongini tarbiyalashga, ularning aqliy va jismoniy qudrati va qobiliyatlarini rivojlantirish, ishlab chiqarish texnikasi, texnologiyasi, tashkiliy iqtisodiy asoslari toʻgʻrisidagi ilmiy tushunchalarni, mehnatga ijodiy munosabatni shakllantirishga yoʻnaltirilganidadir.

Shunday qilib, ta’limning boshqa turlarida boʻlgani kabi mehnat va kasb ta’limida ham **ikki jihat farqlanadi**.

Ulardan **birinchisi** - talaba faoliyati tomonidan bilim, koʻnikma va malakalarning egallanishi. Bu jihat ta’lim olish deb ataladi. **Ikkinchi jihat**, talaba faoliyati boʻlib, talabaning bilim va amaliy faoliyatini boshqarish bilan bogʻliq jarayon nazariy ta’limda oʻqitish deb, kasb ta’limda yoʻriqnoma berish deb yuritiladi.

Amaliy koʻnikma va malakalarni egallash, kasbiy mahoratni oʻstirish uchun talaba kasb-hunarga mos boʻlgan mehnat mashqlari va ishlab chiqarish topshiriqlarini bajarishi lozim. Biroq ishlab chiqarish mashqlari oʻz-oʻzidan mehnatni amalga oshirish jarayonini takomillashtirish usullarini egallashga xizmat qilmaydi. Bunga erishish uchun oʻquvchi-talabalarni ishlab chiqarish mehnati jarayonini oʻquv-tarbiyaviy maqsadlarga boʻysundirish lozim boʻladi; ma’lum malaka va koʻnikmalar shakllanishiga xizmat qiluvchi ishlarni tanlash, oʻquvchi-talabalarni ushbu ishlar va ularga rahbarlik qilishga tayyorlash maqsadga muvofiq. Bunda oʻquv masalalarini muvvafaqiyatli hal qilinishiga erishish muhim ahamiyatga ega.

Oʻquv jarayonini boshqarishning muhim shartlaridan biri oʻqituvchining har bir ishga ma’lum koʻnikma va malakalar majmui sifatida qarashi, oʻquvchi-talabalar ularning qaysi birini egallaganliklari va qaysi biri ular uchun yangi ekanligi, ularni oʻzlashtirishga talabaning qay darajada tayyor ekanligini aniqlashdan iborat.

Har qanday koʻnikmaning shakllanish jarayonida agar oʻquvchi-talaba oʻrganayotgan harakatining ahamiyatini tushunmasa, uning maqsadi va mazmunini anglab yetmasa talab darajasida boʻlmaydi. Oʻquvchi oʻz harakatlari mevasini oʻzi aniq tasavvur qila olishi lozim, ya’ni mehnati mahsuli (uning miqdoriy xususiyatlari va talablari), mehnat predmeti (jarayonni toʻgʻri bajarishda hisobga olinishi lozim boʻlgan materiallar xususiyatlari), mehnat qurollari (mashina, qurilma, asbob va moslamalar) hamda mehnat jarayonining mohiyatini (u tarkib topadigan barcha harakatlar) toʻlaqonli anglashi, shuningdek, ularning vazifaning toʻgʻri bajarilishini ta’minlovchi harakatning ob’yektiv shartlari deb bilish zarur.

Kasbiy koʻnikma va malakalarni shakllantirish jarayoni bir necha bosqichda amalga oshiriladi:

**1- bosqichda** ta’lim jarayonida mashgʻul boʻlish, oʻz qobiliyatlarini rivojlantirish holatlari tashkil etiladi. Kasbiy koʻnikma va malakalarni shakllanishining bu bosqichida ta’lim oluvchilar keyinchalik samarali natijalarga erishishlari uchun barcha chora-tadbirlar amalga oshiriladi.

**2-bosqichda** kasbiy malakani anglash erkinligi va faolligini ta’minlash uchun asosiy vositalar deb hisoblangan maqsadga yoʻnaltirilgan texnologik jarayonlardan foydalaniladi.

**3-bosqichda** kasbiy koʻnikma va malaka shakllanadi, rivojlanishga boʻlgan moyillik uygʻonadi. Kasbiy koʻnikma va malakaga motivatsion asosi shakllangan holda, tanlangan kasbni egallash boʻyicha kelgusidagi harakatlarning maqsadlari va vazifalariga aloqa oʻrnatiladi.

**4-bosqich** kasbiy ta’lim jarayonida doimiy amalga oshirilib, shakllangan maoslashuv koʻnikmalarini doimiy rivojlantirib borish tadbirlarini oʻz ichga oladi.

Olib borilgan ilmiy tadqiqotlarga asoslangan holda texnologiya yoʻnalishdagi kasb-hunar kolleji oʻquvchi-talabalarining kasbiy koʻnikma va malakalarini shakllantirish modeli quyidagicha ifodalandi:

Kasbiy koʻnikma va malaka muammolari holatini, kasbiy faoliyat va maxsus fanlarni oʻrgatish jarayonining xususiyatlarini inobatga olgan holda quyidagi xulosalarga kelish imkonini berdi:

“Kasbiy qiziqish” tushunchasini aniqlab berish. Kasbiy qiziqish deb, shaxsning tanlangan kasbni uning jamiyatdagi va shaxsiy ahamiyatini anglab yetishga asoslanib, muvaffaqiyatli egallash tushuniladi. U oʻquvchilarning oʻz kasbini chuqurroq oʻrganish istagi, mehnatga sidqidildan qarash, kasbga oid bilim, malaka va koʻnikmalar, me’yor va qadriyatlarni bilishga intilish, ishlash va oʻz malakasini oshirishga ruhan va amaliy tayyorligida namoyon boʻladi.

Kasbiy koʻnikma va malakaning muvaffaqiyatli shakllanishi va rivojlanishi quyidagi asosiy didaktik shartlar orqali ta’minlanadi:

- darslarda qiziqarli vaziyatlarni yaratish;
- oʻqitish jarayonida oʻqishda qiynalayotgan oʻquvchilar uchun muvaffaqiyatga erishish vaziyatlarini kiritish;
- oʻquv materili mazmunidagi gʻoyaviy yoʻnalishni kuchaytirish;
- oʻquv-ishlab chiqarish faoliyati natijalari ustidan nazoratning faol vositalarini qoʻllash;

https://buxdu.uz



- kasbiy yo‘nalishdagi ijodiy masalalarni yechish;
- adabiyotlar bilan mustaqil ishlash;
- nazariy bilimlarni amaliyot bilan bog‘lashni, kasbiy bilim, ko‘nikma va malakalarning shakllanishini ta’minlaydigan amaliy mashg‘ulotlarni o‘tkazish.

**Rasm: o‘quvchi-talabalarda kasbiy ko‘nikma va malakalarni shakllantirish modeli.**




## Adabiyotlar

1. Avezov Sh. Kasb-hunar kollejlarida amaliy-kasbiy ta`lim metodikasi. O‘quv metodik qo‘llanma. 1,2,3 qismlar. - Toshkent: O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi markazi, 2003 – 150 b.
2. Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T.: TDPU, 2003.- 174 b.
3. Ахунова (Хамраева) Р.В.Методолого-теоретические аспекты прирашения качества учебного процесса в образователъном учреждении // Халқ таълими. 2006. №1. с. 140-144.
4. Батышев С.Я. Профессиональная педагогика. М.: “Профессионалъное образование”, 1997. - 51 с.
5. Davletshin M.G. Qobiliyat va uning diagnostikasi. – T.: “O‘qituvchi”, 1979. – 133 b.
6. Jo‘rayev R.H., Rashidov H.F., Soy A.V. Kasbiy tanlovning tarkibiy qismlari (yuqori sinf o‘quvchilari bilan ikkinchi suhbat) // J. Maktab va hayot. – T.: 2002. № 4. 2 - 6 b.
7. Inoyatov U.I. O‘quvchi-yoshlarda kasbiy ko‘nikmalarni shakllantirish omillari // J. Maktab va hayot. – T.: - 2001. № 4.
8. Ivanov P.I. Zufarova M. Umumiy psixologiya. - T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2008. -480 b.
9. Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari. – Toshkent. “O‘qituvchi”. - 2004. – 104 b.
10. Mahmutov M.I. Maktabda muammoli ta’limni tashkil qilish // O‘qituvchilar uchun qo‘llanma . - T.: “O‘qituvchi”, 1981. - 193 b.
11. Mahmudova S.Yu. Pedagogik tajriba-sinov natijalarini statistik qayta ishlash metodikasi. // J. Kasb-hunar ta’limi. T.: 2008. - № 2. - 32 b.
12. Mirzarahimov M., Toshmatov Z. Bo‘lajak mutaxassislarda kasbiy ko‘nikmalarni shakllantirishda ishchi murabbiylarning o‘rni. // J. Kasb-hunar ta`limi. – T.: 2007. - № 4. - 10-11 b.

https://buxdu.uz



**Аъзамжон ДАДАХОНОВ**
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
Университети халқаро журналистика
назарияси ва амалиёти
кафедраси таянч докторанти

# ЖУРНАЛИСТИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ

*Мақола журналистик таълим методологияси, унинг предмети ва тизимга методологик ёндашувларни тадқиқ қилишга бағишланади. Таълим самарадорлигига эришишда педагогика ва журналистика фанлари методологиясининг ўрнини очиб беришга ҳаракат қилинади. Турли илмий адабиётларда илгари сурилган қарашлар асосида журналистик таълим тизимига методологик ёндашувларнинг умумилмий, хусусий илмий, технологик даражалари таҳлил қилинади. Соҳада таълим беришнинг илмий асосланиши ва методологик даражаларга амал қилишининг аҳамиятли жиҳатлари бўйича хулосалар чиқарилади.*

***Таянч сўзлар.*** *Журналистик таълим, методология, журналистик таълим методологияси, педагогик фанлар методологияси даражалари, фалсафий, умумилмий, хусусий илмий, технологик даража, таълимга анъанавий ёндашув.*

*Статья посвящена изучению методологии журналистского образования, ее предметного и методологического подходов к системе образования. Предпринимаются усилия, чтобы подчеркнуть роль педагогики и методологии журналистики в достижении образовательной эффективности. На основе передовых взглядов в различной научной литературе анализируются общие, специфические научно-технические уровни методологических подходов к системе журналистского образования. Сделаны выводы о научной основе образования в данной области и важных аспектах его применения на методологическом уровне.*

***Ключевые слова.*** *Журналистское образование, методология, методика журналистского образования, методология педагогических дисциплин, философский, общенаучный, конкретно-научный, технологический уровень, традиционный подход к образованию.*

*The article is devoted to the study of the methodology of journalism education, its subject and methodological approaches to the educational system. Efforts were made to highlight the role of pedagogy and journalism methodology in achieving educational effectiveness. On the basis of advanced views in various scientific literatures, the general, specific scientific and technological levels of methodological approaches to the system of journalistic education are analyzed. Conclusions were made on the scientific basis of education in the field and the important aspects of its application to the methodological level.*

***Key words***. *Journalism education, methodology, journalism education methodology, methodology of pedagogical disciplines, philosophical, general scientific, specific scientific, technological level, traditional approach to education.*

**Кириш.** Ҳар қандай фан янги кашфиётлар, инновациялар орқали ривожланиб, бойиб боради. Ундаги янгиланишларни амалга ошириш учун эса, шубҳасиз, илмий жиҳатдан асосланган изланишлар зарур. Илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун фаннинг методологик асослари таянч билим вазифасини ўтайди. Ахборот асрида долзарб аҳамиятга эга бўлиб бораётган ва замон талабларига мос ҳолда ислоҳ қилинишига катта эҳтиёж бўлган журналистика соҳаси таълими ҳам соҳа тараққиёти учун ўз методологияси ва самарали методлар тизимига эга бўлиши зарур.

Ҳозиги пайтда журналистик таълим – бошқа ривожланган фанлар қатори ўзининг алоҳида предметига, назарий принципларига, ўз тадқиқот методларига эга. Гарчи бу принцип ва методлар фалсафа, педагогика ва журналистика фанларининг кўп йиллик тажрибалари асосида уларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилган бўлса ҳам, журналистик таълим жараёни ана шу принцип ва методларни ўз табиати, соҳа қонуниятлари, ўтилаётган фаннинг характери ҳамда замон талаблари асосида қўллайди.

Шу билан бирга, методологик муаммоларни ишлашдаги ҳаракатларнинг мавжудлигига қарамасдан, журналистик таълимга доир қатор назарий-методологик муаммолар ечимсиз қолмоқда, етарли даражада тадқиқ қилинмаяпти.

Журналистик таълим методологиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигининг бугунги кунда бир қатор сабаблари мавжуд:

1. Бугун мамлакатимизда ривожланган фуқаролик демократик жамият қуриш бўйича жадал ислоҳотлар олиб борилмоқда ва барча соҳалар тараққиётининг асоси бўлган таълим тизими тубдан янгиланмоқда.

2. Ахборот технологиялари ва Интернет ривожланган бугунги кунда журналистика ва журналистик таълим бутунлай янгича фаолият шаклларини танлаши, замон ва дунё талабларига мос ҳолда ривожланиш йўлини тутиши зарур.

https://buxdu.uz



3. Ўзбекистондаги барча олий таълим муассасалари қатори журналистик таълим берадиган ўқув даргоҳлари ҳам жаҳоннинг нуфузли университетлари қаторидан ўрин олишни мақсад қилган экан, соҳанинг ҳар жиҳатдан ривожи бевосита фан ва таълимдаги янгиланишлар, ихтироларга йўл очиш билан бошланади.

Бу ва шунга ўхшаш омиллардан келиб чиқиб, бугун журналистик таълимнинг методологик асосларини чуқурлаштириш муҳим масаладир. Зеро, мазкур соҳалардаги тараққиёт кўп жиҳатдан педагогик тадқиқотлар натижасига, тармоқдаги педагогик фаолият ва фаннинг ривожланиш даражасига ҳам узвий боғлиқдир.

Ушбу тадқиқот журналистикани ўқитиш методологиясини аниқлаш бўйича дастлабки қадамлардандир.

**Асосий қисм.** Методология - (юнонча – методлар ҳақида таълимот) ижодий жараён сифатида илмий билиш йўллари ва воситаларининг, илмий тадқиқот қонуниятларининг, уларни таққослаш ва тизимлаштириш замирида юзага келган. Демак, методология илмий билиш фаолиялининг моҳиятини йўллари ва воситаларининг назарий муаммоларини, шунингдек, ижтимоий жараён сифатида илмий тадқиқот қонуниятларини ўрганади [1, б. 34].

Методология (“метод” ва “логия” сўзларидан) — тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш, тиклаш тамойиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи-умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади. Методология методларга ва умуман, воқеликка қандай ёндашиш йўлини ўргатади [15].

Психолог С.Л.Рубинштейн “Катта назариялар саволлари, бу иш билан бирга катта аҳамиятга эга бўлган амалий саволлар ҳамдир. Йирик назарий муаммоларни ҳақиқатан кўриш бу уларнинг ҳаётнинг аниқ масалалари билан муносабатда кўриш демакдир” [10, б. 3] деб ёзади. “Методология” мураккаб тушунча бўлиб, турли адабиётларда турлича талқин қилинади. Мазкур атама кенг маънода – “фан методологияси” шаклида қўлланилиб, барча фанлар учун илмий билишнинг фалсафий таянчи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, методология фан сифатида объектив борлиқни билиш ҳақида таълимот (назария)дир. Тор маънода эса аниқ илмий фанлар (шу жумладан, педагогика) учун илмий билиш назариясини англатади” [1, б. 34].

Ушбу таърифлардан маълум бўладики, журналистик таълим методологияси, бир томондан, фалсафадаги умумий илмий билиш методологиясига, иккинчи томондан, педагогика фанларининг методологияси ва методикасига, учинчи томондан, журналистика ва журналистик тадқиқотлар методологиясига асосланади.

Журналистика таълими методологияси умумий методологияга таянган ҳолда:

1. Унинг талабларини журналистик таълим объекти ташкил этадиган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга татбиқ этади;

2. Ўрганилаётган жараёнлар қонуниятларининг ўзига хосликлари билан боғлиқ ҳолда ўзида билишнинг аниқ илмий методлари ҳақидаги назарияни акс эттиради.

Дастлаб педагогик тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамияти, методологик тавсифи билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммоларга тўхталиб ўтамиз:

- журналистиканинг назарий тадқиқотлари самарадорлигини ошириш;
- фан ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш муаммоларини ўрганиш;
- шу давргача журалистикада қўлга киритилган педагогик тажрибани ўрганиш ва ютуқларидан фойдаланиш;
- педагогик тажриба-синов турлари ва методикасини аниқлаш;
- таълим жараёнларида ижодий фикрлаш, АКТдан фойдаланиш, талабаларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фанлардан билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методологик асослари ва аҳамиятини ўрганиш;
- журналистик таълимни миллий ва умуминсоний тажрибалар асосида ривожлантиришнинг методологик жиҳатларини тадқиқ этиш ва бошқалар.

Олима Шермуҳамедова методологияни таснифлашда иерархик нуқтаи назардан унинг уч даражасини ажратиб кўрсатади ва уларга қуйидагича тавсиф беради:

- фалсафий даража;
- умумилмий даража;
- хусусий илмий даража.

Методологиянинг фалсафий даражаси гноцеология (эпистемиология, билиш назарияси, билиш ҳақидаги таълимот) муаммоларига яқин. Методологиянинг умумилмий даражаси алоҳида илмий билим билан фалсафий билимнинг ўзига хос синтезидир. Методологиянинг алоҳида илмий даражаси

https://buxdu.uz



эса ўз навбатида, умумилмий методология билан тегишли хусусий фан билимлар тизимининг синтези демакдир (масалан, “физика методологияси”, “кимё методологияси”, “экологиянинг методологик муаммолари”, “тилшуносликнинг методологик муаммолари” тушунчалари илмий муомалага киритилади) ” [14, б. 211– 212].

“Журналистик таълим методологияси” тушунчаси замирида, албатта, бу ўринда икки фан – педагогика ва журналистика фанларининг методологик муаммолари бирлашади.

“Таъкидлаш жоизки, журналистика иқтисод, сиёсат ва бизнес соҳалари орқали кириб келди. Журналистика тарих, социология, ҳуқуқ каби фанлар воситасида мустаҳкамланди. Бу жараёнлар ҳозиргача амалга ошириладиган ҳаракатларнинг келажаги борлигини ва бу соҳанинг назарий билимлари жамият ҳаётига қандай ёндашиш лозимлигини башорат қилиб берганди” [3, б. 24].

Журналистик педагогика фанининг предмети - журналистика ва оммавий коммуникация соҳаларини ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан, шунингдек, журналистик ижод маҳорати сирлари билан булғуси журналистларни, мутахассисларни қуроллантириш.

Фан методологияси хусусида гап кетганда ўзбек олимларидан З.К.Исмаилова, Р.С.Мусаев, А.А.Шоюсуповалар педагогика фани амалиётида анъанавий, тизимли ва технологик ёндашувларни ажратиб таҳлил қилишади [13, б. 5].

Биз педагогик фанлар методологиясидаги [6, с. 61] фалсафий, умумий илмий, хусусий илмий ва технологик даражаларни таҳлил қилиш орқали журналистик таълим тизимига методологик ёндашувни тавсифлашга ҳаракат қиламиз.

**Методологиянинг фалсафий даражаси** билим, тушунтириш, ўзаро таъсир ва умумий фан принциплари, ёндашувлари ва усулларидан иборат бўлиб, бутун методологик билимларнинг асосини ташкил этади, воқеликни англаш ва ўзгартириш жараёнига ёндашувларини белгилаб беради.

“Фалсафа фанга маълум тушунчалар асосида таърифланувчи энг муҳим тамойилларни беради. Мазкур тамойиллар фанда умумий қоидалар, универсал нормалар, талаблар шаклида реал фаолият кўрсатади. Мазкур умимий қоидалар, универсал норма ва талабларни билиш субъекти ўз тадқиқотида амалга ошириши лозим (методологик жиҳат)” [14, б. 300].

Инсон ижтимоий муносабатларнинг объекти ва субъекти сифатида тан олинганида, диалектик ёндашувга таянилади. Унинг ривожланиши ташқи шароитлар ва инсоннинг табиий яратилиши билан белгиланади. Шахсни ривожлантиришда тарихий хусусиятга эга бўлган мураккаб ижтимоий жараён – таълим етакчи роль ўйнайди. Шахс эса фаолият жараёнида ўзини намоён қилади ва шаклланади. Шахс ва инсон фаолияти бирдамликда ривожланади.

Худди шундай ёндашувлар В. И. Загвязинский, И. Н. Емельянова [4, с. 220-258] ва бошқа олимларнинг тадқиқот ва асарларида ёритилган, уларнинг шахсий таълим методологияси тузилиши, унинг даражалари ва ёндашувлари ҳақидаги қарашлари, замонавий шароитда ўқув жараёнига бевосита жалб қилинган ўқувчилар нуқтаи назаридан улар кўпроқ аҳамиятга эга - “ўқув жараёнида уч томонлама фаоллик кузатилади: талаба фаоллиги, ўқитувчи фаоллиги, улар ўртасида яратилган муҳит фаоллиги” [2, с. 89].

Ҳозирги замон фалсафий-методологик адабиётларида методнинг самарадорлик, ишончлилик, аниқлик, изчиллик сингари хусусиятлари бўлиши қайд этилади. Ҳар қандай илмий методнинг ўзига хос белгилари жумласига асосан объективлик, эвристиклик, зарурийлик, муайянлик ва бошқалар киртилади. Фалсафий методлар тадқиқотнинг энг умумий қоидаларини, унинг бош стратегиясини белгилайди. Аммо улар махсус методлар ўрнини боса олмайди, тадқиқот учун умумий қўллманма вазифасини бажара олади.

Фалсафий-методологик тамойиллар ҳал қилувчи мезон – амалиёт вазифасини бажармайди, лекин уни тўлдиради. Олима Н.Шермуҳамедова таъкидлашича, тадқиқотчи диалектиканинг объективлик, ҳар томонламалик, муайянлик, тарихийлик ва бошқа тамойилларини бузган бўлса, бундай “асос”да чиқарилган хулосалар ҳақиқий бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳеч қандай амалиётнинг кераги йўқ [14, б. 304].

**Умумий илмий услубий даража** журналистик таълимга ўзига хос тузилишга, моделларга, тамойилларга, фаолият қонуниятлари ва тизимга эга бўлган тизим сифатида ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Бундай ҳолда, кўплаб фанларда қўлланиладиган тизимли ёндашув журналистик таълим тизимига татбиқ қилиниши мумкин бўлади.

Тизимли ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, методологик ва амалий ўзига хослик билан жараённинг мазмунини аниқлайдиган, журналистик таълим турли янгича моделларини синаб кўришда, уларнинг амалиётга татбиқ қилинишига билвосита ёки бевосита таъсир кўрсатадиган барча омилларни максимал даражада ҳисобга олишнинг реал имконияти мавжуд.

https://buxdu.uz



Мавжуд илмий ва амалий тажрибани таҳлил қилишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш мумкин ва бунда далиллар ва кутилаётган хулосаларнинг ишончлилиги таъминланган бўлади.

Тизимлилик - бу амалий фаолиятни таҳлил қилишда илмий услубнинг муҳим афзаллиги бўлиб, бу фаолият айниқса параллел ўқув жараёни билан бирлаштирилган бўлса, яхши самара беради.

Рус олими В.В. Краевский томонидан ишлаб чиқилган, педагогик фан ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик концепциясида таълим мазмунини жамиятнинг таълим тизимига қўядиган талаблари модели сифатида кўриб чиқилади [5, с. 67], унга кўра журналистларни ўқитишнинг замонавий моделини шакллантиришга ахборот макони ва замонавий медиа саноатида юз бераётган ўзгаришлар бевосита таъсир кўрсатади.

Тизимли ёндашув – турли хил элементлар, жараёнлар, ҳаракатларнинг бошқариладиган комбинациясини ўз ичига оладиган яхлит ёндашув. Шу нуқтаи назардан, журналистика таълимининг мустақил таркибий қисмларини ўзаро боғлиқлик ва ривожланиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, журналистика таълимининг интегратив ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳимдир. Бу эса журналистика таълими йўналишини, унинг смарадорлик даражасини белгилаб беради. Айниқса, соҳада ижтимоий-маданий қадриятларни ўз ичига олган билимларнинг таркибий элементларини ажратиб кўрсатиш имконини берадиган социал-маданий ёндашув замонавий шароитда журналистлар таълими смарадорлигида алоҳида ўрин тутади. Журналистика таълими тизимида уни амалга оширишнинг мумкин бўлган вариантлари ҳақида доимий равишда мунозаралар олиб борилмоқда.

Профессор Р.Самаров ёзади: “Тизимлар турли белгилари асосида техник, иқтисодий, маданий, казуал, мураккаб, гипермураккаб каби турларга ажратилиши мумкин. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилни амалга оширишда биринчи навбатда педагогик ёки илмий муаммо тўғри танланиши лозим. Иккинчи навбатда, таҳлил методлари ўринли (мақсадли) танланиши лозим, иложи борижа ўлчов бирлигига эга бўлган методлардан фойдаланиш лозим. Сўнгра жамланган маълумотларни алоқадорлиги ва дахлдорлиги бўйича гуруҳларга ажратиб, тизим фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омилни (бунда, тизим ости ҳам намоён бўлиши мумкин) белгилаб, уни фаолиятмандлигини таъминлаш лозим бўлади. Шу сабабли, тингловчиларга тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асосларига доир бўлган вазиятли машқларни бажариш, педагогик вазиятларни моделлаштириш, педагогик жараёнларнинг кечишини диагностикасини бажариш ҳамда прогнозини амалга ошириш орқали шахсий педагогик тактни танлаш (эгаллаш) имонини бериши нафақат педагогик фаолиятни, балки педагогик тизимнинг такомиллашуви учун хизмат қилади” [8, б. 5].

Ушбу иқтибосдан маълум бўладики, тизим турли элементлардан, таркибий қисмлардан ташкил топади. Тизим фаолияти самарадорлиги уни ташкил этувчи ҳар бир элементга, шунингдек, ҳар бир элементлар бир-бирига узвий боғлиқ бўлади. Журналистик таълим жараёнинини тизим сифатида олсак, уни ташкил этувчи элементлар қуйидагилар бўлади:

1) ўқитувчи;
2) талаба (таълим олувчи);
3) ўқув мақсади;
4) кутилаётган натижа;
5) таълим мазмуни;
6) таълим методи;
7) таълим шакли;
8) таълим воситалари;
9) назорат ва баҳолаш.

Журналистик таълим жараёнинини режалаштириш ва лойиҳалаштиришда ушбу таркибий қисмлардан бирортаси нотўғри танланган бўлса ёки эътиборсиз қолдирилса, тизим кутилганидек ишламайди, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга тўлиқ эришилмаслиги мумкин.

**Методологиянинг хусусий илмий даражаси** самарали ўқув жараёнларини моделлаштириш учун бизни журналистик таълимнинг ўзига хос муаммоларини тадқиқ қилишни тақозо қилади. Журналистик таълим тажрибасида университет таълимига асосланган, амалиётга асосланган ва технологияга асосланган моделлар ва бошқа турдаги ўқитиш шакллари мавжуд. Мазкур моделлар дунё мамлакатлари журналистик таълимида аралаш ҳолда ҳам келади. Баъзан журналистик таълимга ёндашувларни баҳолашда географик-тарихий тамойил асосида Америка, умумевропа, Германия ва Россия моделлари шаклида ажратиб таҳлил қилиш ҳоллари ҳам кузатилади [11, б. 83].

Мазкур таълим шаклларида амалиётга ёки назарияга кўпроқ йўналтирилганлик, энг сўнгги ахборот ва медиа технологияларни амалиётда қўллаш каби бир қатор мезонлар таҳлилга тортилади.

Ўзбек журналистик таълими ўқитиш жараёнларини моделлаштириш бўйича муайян тажрибага эга. Бу борада анъанавий ва тизимли ёндашув кўпроқ кузатилади.

https://buxdu.uz



Ўзбек журналистик таълим тизими илк пайдо бўлган даврларда амалиётда “иш ўрнида ўрганиш” орқали таълим берилган ва бундай билим олиш технологик ёндашувга яқин туради.

Миллий таълим университет таълимига ўтганидан кейин узоқ йиллар ўқитишда анъанавий ёндашув етакчилик қилган. Анъанавий ёндашувда ўқитувчи ахборотни гапириб беради, талабалар нофаол тарзда уни қабул қилишади. Билим тушунчасига хотирада сақланадиган ахборот деб қаралади ва талабанинг билими берилган саволга ёддан берган жавобига қараб баҳоланади.

Педагогикага оид адабиётларда анъанавий ўқитишнинг одатдаги тавсифи қуйидаги асосий белгилар билан изоҳланади:

- янги материалнинг деярли ҳаммаси ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинади;
- дарслик асосан мустақил иш учун қўлланади;
- аудитория машғулотлари пайтида дарсликлар айрим ҳолларда педагог тушунтиришларидан ўқувчилар диққатини бузмаслик мақсадида қўлланилмайди: кўпинча дарсликдан уйда ҳам фойдаланилмайди, унинг ўрнини дарс пайтида тузилган конспект босади;
- билимларни текшириш, асосан, машғулот вақтининг сезиларли қисмини эгаллайдиган шахсий оғзаки сўровлар ҳамда узоқ муддатларда ўтказиладиган назорат ишлари ёрдамида амалга оширилади. Охирги йилларда объектив тестлар ҳам кенг тарқалди;
- машғулотлар пайтида аксарият ҳолларда ишнинг фронтал усули қўлланади, мустақил ишнинг нисбий миқдори жуда кам [13, б. 7].

Анъанавий ёндашувнинг энг катта камчилиги талабаларнинг нофаол бўлишидир. Лекин шунга қарамай узоқ йиллар давомида амал қилиб келган бундай ёндашувнинг ижобий томонлари ҳам мавжуд. Агар бундай бўлмаганда, у неча йиллар мобайнида фойдаланилмаган бўлар эди. Узоқ йиллик назарий ёки амалий тажрибага эга бўлган академиклар, профессорлар ва тажрибали мутахассисларнинг ўз ҳаётий тажрибалари ва ўзлари яратган назарий қарашларини баён қилишлари асосида ташкил этилган анъанавий усулдаги маъруза машғулотлари яхши самара бериши мумкин, лекин семинар ва амалий машғулотларда анъанавий усулни қўллаш самара бермайди.

Сўнгги йилларда журналистика таълимида ўқитишнинг илғор инновацион усулларидан фойдаланишга кенг амал қилинмоқда. Ҳатто кўп сонли талабалар гуруҳига маърузалар ўтиш чоғида ҳам профессор-ўқитувчилар тез-тез аудиторияга блиц-сўров, ақлий ҳужум усули билан мурожаат қилиб турадилар, дарс жараёнида тақдимот, видео материаллардан фойдаланадилар. Ҳаттоки кўргазмали материалларни тушунтириш чоғида ҳам талабалар томонидан саволлар берилиши, қисқа муддатли баҳс-мунозаралар ташкил этилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Умуман олганда, журналистик таълимда хусусий илмий даражада қуйидаги методларни қўллаш кўп учрамоқда:

1. Оғзаки баён қилиш.
2. Тушунтириш ва ҳикоя қилиш.
3. Суҳбат (давра суҳбати, учрашувлар).
4. Амалий ишлар (амалий дарслар давомида ва мустақил ишларда).
5. Талабалар тақдимоти ва “ролли, ўйинли” чиқишлари (маъруза, амалий ва семинар машғулотларининг барчасида учраб туради).
6. Лойиҳа технологияси (кўпроқ мустақил ишларда).
7. Кейс-стадилар ва машқлар.
8. Экскурсия.
9. Техник воситалар билан ишлаш (гарчи журналистика факультетларида техник таъминот яхши бўлмаса-да, компьютер дастурлари, проектор, телевизор орқали намойиш қилиш, мобиль алоқа воситаларидан фойдаланиб, ахборот материали яратиш, интернет технологияларидан фойдаланиш ҳоллари кузатилади).
10. Ўқитишнинг интерфаол технологияларидан фойдаланиш ва бошқалар.

Таъкидлаш керакки, ўқув материалини имкон борича қизиқарли қилинса, у яхшироқ эгалланиб, талабанинг онгига осон кириб боради, уни амалда қўллаши осон бўлади. Журналистика факультетларида ҳар бир ўқитувчига ўз услуби ва усулини қўллаш ҳуқуқи берилган, яъни ҳар бир ўқитувчи фани ва мавзусининг характериадан келиб чиқиб турлича методларни қўллайди. Таълим беришга ўқитувчи томонидан ижодий ёндашиш талабаларга мустаҳкам билим бериш, уларнинг журналистик ижод соҳасидаги малака ва кўникмаларини эгаллаш, ижодий қобилиятларини ўстириш, билимга қизиқишини оширишга ёрдам беради.

**Таълимга технологик ёндашув** ҳозирги даврда аксарият соҳалардаги ўқитиш жараёнларида етакчилик қилмоқда. Журналистик таълимда технологик ёндашувни икки хил тушуниш мумкин:

https://buxdu.uz



**1. Таълим жараёнига АКТ, интернет ва медиа технологиялар, медиа индустрия технологияларини татбиқ қилиш.**

Таълим жараёнига медиа технологияларни татбиқ этиш журналистик таълимга илк тамал тоши қўйилган даврлардан бошланган. Соҳада университет таълими йўлга қўйилишидан олдин журналистлар таҳририятларда иш устида ўрганиш орқали касб сирларини ўзлаштиришган. Ўзбекистонда ҳам "Туркистон вилоятининг газети" чоп этилганидан бошлаб, жадидлар матбуоти даврида ҳам "иш устида ўрганиш" модели амал қилган. Кейинчалик партия мактаблари фаолияти даврида ҳам газета таҳририятларида амалиёт ўташ таълимнинг сезиларли қисми бўлган. Кейинчалик асосан ТошДУ журналистика факультетида таҳририятлар билан ҳамкорликда ёки факультет ички имкониятларидан келиб чиқиб, ташкил қилинган "ижодий устахона"ларда, фотолабораторияда маълум даражада таълимга технологик ёндашув кузатилган.

Таълим жараёнига АКТ ва бошқа медиатехнологияларни жорий қилиш, асосан, мустақиллик даврида ривожланди. 1996 йил Ўзбекистонга Интернетнинг кириб келишидан кейин миллий таълимга АКТ ва Интернет технологияларини киритишга интилиш кучайди. Хусусан, журналистика факультетларида интернет журналистикага оид фанлар, компьютерда саҳифалаш дизайни фани киритилди. Аввалдан мавжуд бўлган фотожурналистика рақамли фото ва компьютер ёрдамида фотомонтаж ишлари амалга ошириш, талабаларга рақамли фотони ўргатишга интилиш кузатилди. ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида масс-медиа типологияси ва техникаси фани доирасида рақамли медиа технологияларни дарс жараёнларида қўллаш кузатилди. Факультетда радиостудияда талабалар эшиттиришлар тайёрлашида ана шундай таълимнинг роли катта бўлди.

Таълимда техникани қўллашнинг уч жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

a. Илмий жиҳат – ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалда қўллаш мақсадида технологик таълим бериш қонуниятларни аниқлаш.

b. Технологиянинг жараёнли-баёнли жиҳати – ахборот матриаллари ва тайёр медиа маҳсулотни тайёрлаш боқичлари, қайта ишлаш – таҳрир, монтаж, дизайн қилиш – каби жараёнларни амалга ошириш йўллари ва усуллари мажмуи.

c. Технологиянинг жараёнли жиҳати – дарс жараёнида технологик жараённинг ўзини ташкил қилиш. Масалан, фотожурналистика дарсида фотосуратни тасвирга олиш усул ва воситаларини қўллашдан тортиб, уни Photoshop дастури ёрдамида монтаж қилиш усуллари, тайёр маҳсулотни чоп этиш босқичларини амалда бажаришни назорат қилиб бориш.

Ўқитишнинг бундай технологик ёндашув асосидаги таълим моделини масс-медиа техникаси ёки рақамли технологиялар, медиадизайн асослари каби фанларида ҳам ташкил қилиш мумкин.

Албатта, дарс жараёнидаги техник технологиядан фойдаланиш реал журналистик амалиёт – талабаларнинг бевосита ОАВ таҳририятларидаги ишлаб чиқариш жараёни бўлмайди. Лекин унинг кичик "андозаси" сифатида талабаларда реал ахборот саноатидаги фаолият ҳақида муайян тасаввур, билим ва кўникмаларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Техникадан фойдаланиб, технологик ёндашув асосидаги таълимни ташкил этиш ўқитувчидан катта меҳнат ва узоқ изланишни талаб қилади. Таълимни ташкил қилувчи ўқитувчи З.К.Исмаилова, Р.С.Мусаев ва А.А,Шоюсуповаларнинг "Ўқитишнинг замонавий технологиялари" ўқув қўлланмасида келтирилган қуйидаги тушунча ва босқичлар устида ишлаши лозим бўлади:

Ишлаб чиқаришда "технология" сўзидан келиб чиқувчи қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

Технологик жараён – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг йиғиндиси.

Технологик операция – ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

Технологик харита – маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқарувчи технологик операцияларнинг кетма-кетлигини баён қилувчи ҳужжат.

Технологик режим – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операциялар вақти, шартларини белгилайди [13, б. 13].

Таълимни ташкил қилишда ушбу тушунчалардан онгли равишда фойдаланиш техникага асосланган технологик ёндашувли таълим жараёнини самарали қилади. Чунки ўқитувчи аввалдан ҳар бир дарсда "ишлаб чиқариш"нинг қайси операциясини талабаларга бажартириш ва уларни назорат қилишни белгилаши, медиа саноатдаги ахборот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир деталларини ўрганиб чиққан ҳолда дарсни ташкил этишни ўргатади.

https://buxdu.uz



**2. Журналистик ўқитишни ташкил қилишда таълим ва ўқитиш технологиялари**

Мазкур мавзу ўзбек олий таълим педагогикасида 2009 йилдан кейин кенг оммалашди. Таълим жараёнларида технологиянинг уч хил атамаси фарқланади.

Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория. Педагогик технологияда “ўқитувчи – моддий муҳит – талаба” тактикаси амал қилади ва ўқув жараёнининг аниқ мақсадларини аввалдан белгилашдан токи ўқув натижаларига эришганликни назорат қилишгача бўлган жараён лойиҳаланади.

Ўқитиш технологияси – бу таълимда кўлланган мақсадни амалга ошириш ва натижага эришиш бўйича таълим моделини ишлаб чиқиш, педагогик фаолият лойиҳасини бажаришнинг технологик харитасидир. Бунда муаммоли таълим, ривожлантирувчи таълим, модулли ўқитиш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш каби педагогик технологиялар бўйича лойиҳаланган ўқув жараёнининг баёни тушунилади.

Таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий жиҳатини ифодалаб, таълим шаклларини самарадор қилиш учун инсон ва техника ресурсларини, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва ўрганиш жараёнини аниқлашнинг тизимли методи. Унинг таркибига 1) концептуал асос; 2) мазмуний қисм (мақсад, натижалар, ўқув ахбороти); 3) жараёнли қисм (ўқитиш усуллари, воситалари, ўқитишни бошқариш шакллари) кабилар киради.

Ўзбек журналистикаси таълимида педагогик технологияларга эътибор мустақиллик даврида кучайди. Ўқитувчилар дарс жараёнларида узоқ йиллар амал қилиб келган анъанавий таълим ёндашуви билан бир қаторда замонавий педагогик технологияларни қўллашни бошладилар.

Ўқитиш технологияси ва таълим технологияларига эътибор эса асосан 2009 йилдан кейин бутун мамлакат ОТМда ўқув-услубий мажмуалар (ЎУМ - УМК) яратиш оммалаштирилган пайтдан журналистика факультетларига ҳам кириб келди. Барча фанлардан ЎУМлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир фан мавзуси бўйича маъруза, амалий ёки семинар машғулотлари ўтиш бўйича алоҳида технологик хариталар ишлаб чиқилди, таълим технологиялари яратилди.

Журналистикада таълим сифатини ошириш ва ундаги таълим бериш моделларини замон, янги рақамли технологиялар, ОАВ таҳририятлари ва таълим олувчиларнинг талабларига мослаштириш масаласи АҚШ ва Европа мамлакатлари олимлари ва мутахассислари орасида сўнгги бир аср давомида доимий мунозара бўлиб келмоқда. Натижада, АҚШда бир гуруҳ олимлар томонидан “Teaching hospital model” (“Шифохонада ўқитиш модели”) ишлаб чиқилди ва қатор университетларда синовдан ўтказилди. Ушбу моделнинг ўзига хослиги журналистик таълимни худди тиббиёт институтларида ўқитиладиган услубда, яъни бевосита иш жойида (журналистлар учун таҳририят муҳитида) ўқитишни назарда тутади [12].

Умуман олганда, технологик ёндашув – бу оддий тасвирлаш эмас, балки ўқув мақсадларига эришишга ёрдам берадиган ва самарали натижага олиб келадиган лойиҳалаштирилган таълим бериш ҳамда амалий кўрсатмалар орқали ташкил қилинадиган ўқитиш шаклидир.

**Хулоса.** Таълим соҳасида методологияни ўрганиш билан ўқитувчи унинг принципларига суянган ҳолда фикрлай бошлайди, ўз педагогик фаолиятида принципиал бўлиб боради. Биз таҳлил этган тўрт ёндашув бир бутун ҳолда журналистик таълимнинг самарадорлиги учун хизмат қилади. Агар журналистика соҳасида таълим берувчилар мазкур ёндашувларнинг хусусиятлари ва тамойилларини, методларини ўргансалар, педагогик фаолиятда самарага эришишлари осонлашади, чунки методологик ёндашувлар ўқитувчини дарс жараёнининг мақсад-вазифаларидан тортиб, якунигача ҳар бир воситани қўллашда аниқ бир самара ва таъсир бўлишига ўргатиб боради.

Шундай қилиб, тўрт даражадаги ягона методологик билимлар тизимини - фалсафий, умумий илмий, хусусий илмий ва технологик жиҳатдан шакллантирган ҳолда биз, журналистик таълимнинг мустақил таркибий қисмлари, интегратив хусусиятлари ва сифат хусусиятлари уларнинг ривожланишида тизимли, яхлит касбий компетенция, индивидуал ижодий фаолият, таълим жараёнини моделлаштириш, контекстуал ижтимоий-маданий ёндашувларни таълим берувчиларда шакллантирамиз. Уларнинг журналистик таълим тизимида қўлланилиши олий таълим анъаналари ва ўқув жараёнининг ўзгарувчанлигини сақлаган ҳолда тизим ичида моделлаштиришга имкон беради.

Тадқиқот давомида журналистик таълим тизимида методологик муаммоларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш бўйича чиқарган хулосаларимиз асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Журналистик таълим принциплари, технология ва методларини нафақат олий таълим, балки таълимнинг барча турлари – мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим жараёнларига ҳам татбиқ қилиш зарур. Бунда бевосита журналистик таълимга ёндош бўлган соҳа – медиатаълим ёрдамга келади. Мазкур фан таълимнинг барча босқичларида йўлга қўйилса,

https://buxdu.uz



ўқувчиларда креатив фикрлаш, ижодий жараёнларга бефарқ бўлмаслик шаклланади. Бу эса айни вақтда ўз фундаментал асосларига эга бўлган журналистика фанининг мавжудлигини тасдиқлашга, олий таълимда журналистикадан билим беришнинг тизимли давом эттирилишига олиб келади. Айни вақтда умумий ўрта таълимда ҳам, ўрта махсус таълимда ҳам журналистик ижодга йўналтирадиган фанлар мавжуд эмас. Бу ўз-ўзидан факультетларга қабул жараёнларидаги ижодий имтиҳонларда ҳам, таълимнинг дастлабки йилларида ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади.

2. Медиатаълим, креатив фикрлаш ва журналистик таълим методларини қўллаш муаммолари ва ҳаётий муҳим масалалари ечимини топиш учун методологик ёндашувлар бўйича тадқиқотларга эътибор қаратилиши керак. Шунда таълим ва тарбиявий жараённинг амалий вазифалари ечимини таъминланиши осон кечади.

3. Журналистика таълимида методология ва педагогика назарияси муаммоларини ишлаб чиқишга юксак малака ва тажрибага эга, илмий жиҳатдан етук университет, институт ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва малакали амалиётчи журналистларни жалб қилиш лозим.

## Адабиётлар


1. Атаева Н., Салаева М., Ҳасанов С. Умумий педагогика (Педагогика назарияси ва амалиёти асослари). Ўкув қўлланма. 2-китоб. Х.Бобоевнннг умумий таҳрири асосида. – Т..: “Фан ва технология”, 2013. - 860 бет. –Б. 34.
2. Выготский Л. С. Педагогическая психология. -М.: “Педагогика”, 1991. 480 с.- С. 89.
3. Нурматов А. ва бошқ. Журналистика назарияси, тарихи ва тараққиёти. Ж.1: - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. –24 б.
4. Загвязинский В. И., Емельянова И. Н. Общая педагогика. -М.: “Высшая школа”, 2008. -391 с.
5. Краевский В. В. Методология педагогического исследования, Самара. -Изд-во СамГПИ, 1994. 165 с.
6. Крежевских О.В. Методика профессионального обучения. Теория и методика интерпрофессионального образования: Учеб. пособие для бакалавриата и магистратуры. – М.: “Изд. Юрайт”, 2019. – 132 с. – (Серия: Образовательный процесс).
7. Крившенко Л. П., Вайндорф-Сысоева М. Е. и др. Педагогика : учебник / под ред. Л. П. Крившенко. - М.: ТК Велби ; Проспект, 2004. С. 49-50.
8. Самаров Р.С. “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш” модули бўйича ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА. – Т.: ЎзМУ, 2017. Б. 79. http://tmatm.uz/site/wp-content/uploads/2015/09/5.1.-Markazlarga-.-UUM-Tizimli-ta-lil.pdf Б. 5
9. Свитич Л.Г., Ширяева А. А. Социальная направленность журналистского образования // Журналистское образование: концепции и стратегии: межвуз. сб.; отв. ред. Г. С. Мельник, Б. Я., Мисонжников. -СПб.: Роза мира, 2006. С. 22-35
10. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. О месте психического во всеобщей взаимосвязи явлений материального мира. -М.: Издательство Академии наук. 1957. 328 с.
11. Фатеева И. А. Журналистское образование в России: теория, история, современная практика : дис. ... д-ра филол. наук. Екатеринбург, 2008. С. 320. С.83.
12. Anderson C., Glaisyer T, Smith J. Rothfeld M. Shaping 21st Century Journalism. Leveraging a “Teaching Hospital Model” in Journalism Education. New America Foundation. Washington, DC. October 2011. // https://www.academia.edu/1220873/Shaping_21st_Century_Journalism_Leveraging_a_Teaching_Hospital_Model_in_Journalism_Education
13. Ismailova Z.K., Musayev R.S., Shoyusupova A.A., O‘qitishning zamonaviy texnologiyalari. O‘quv qo‘llanma. – T., TIMI, 2010. – 72 bet.
14. Shermuhamedova N., Falsafa va fan metodologiyasi. – T., “Aloqachi”, 2008, 400 bet.
15. https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/metodologiya-uz/

https://buxdu.uz



**Умида ГИЯСОВА**
Бош илмий - методик марказ
мустақил тадқиқотчиси

# АРАЛАШ ТАЪЛИМ (BLENDED LEARNING)ДАН МАЛАКА ОШИРИШ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

*Мазкур мақолада аралаш таълимни амалга оширишнинг педагогик-психологик хусусиятлари дастурлаштирилган таълим назарияси, когнитив ва конструктив ёндашувларнинг таълим жараёнидаги аҳамияти ва ўқитиш самарадорлигига таъсири билан боғлиқ ҳолда ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *аралаш таълим, дастурлаштирилган таълим, когнитив фаолият, конструктив тамойиллар, фасилитатор, мотивация*

*В статье описаны педагогические и психологические особенности реализации смешанного обучения применительно к теории программного обучения, важность когнитивного и конструктивного подходов в образовательном процессе и их влияние на эффективность обучения.*

***Ключевые слова:*** *смешанное обучение, программное обучение, познавательная деятельность, конструктивные принципы, фасилитатор, мотивация.*

*The article describes the pedagogical and psychological features of the implementation of blended learning in relation to the theory of program learning, the importance of cognitive and constructive approaches in the educational process and their impact on learning efficiency.*

***Keywords:*** *blended learning, program learning, cognitive activity, constructive principles, facilitator, motivation.*

Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, таълим жараёнига рақамли технологияларни, е-таълимни жорий этиш орқали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш бугунги кунда олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишларидан саналади.

Дарҳақиқат, замонавий ахборот-коммуникатив технологияларининг ривожланиши сифат жиҳатидан янги босқичда илмий-маърифий дастурларни яратиш ва амалга оширишга имкон беради, ахборотлашган жамиятга мослашган шахсни шакллантиришга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, таълим жараёнига, хусусан, катталар таълими, малака ошириш жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари интеграцияси ҳақида гапирганда, унинг психологик ва педагогик хусусиятлари ва ёндашувларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, дастурлаштирилган таълим асосчиларидан бири Б.Ф.Скиннер томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурларини яратиш мезонларни аралаш таълим амалиётининг педагогик-психологик хусусиятлари сифатида кўрсатиш мумкин бўлади [3]. Жумладан, тадқиқотчи томонидан таклиф этилган, қуйидаги тамойиллар ахборот-коммуникация технологияларига асосланган таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга қаратилган:

- материалнинг таркибини кичик ҳажмларда тақдим этиш (модул тамойили);
- бир қатор саволлар асосида дастур ва фойдаланувчи ўртасида доимий алоқани боғлаш (интерактивлик тамойили);
- хатолик юз берганда кўрсатмаларни таклиф этиш (интерактивлик тамойили);
- ҳар бир муваффақиятли қадамни бирон бир мукофот билан бирлаштириш (мотивацион тамойили);
- барча таълим олувчилар ўз навбатида дастурнинг барча босқичларини ўтайдилар, аммо ҳар бири буни ўзи учун қулай бўлган тезликда амалга оширади (изчиллик тамойили, мослашувчанлик тамойили);
- таълим олувчилар ўзлари саволларга жавоб берадилар, бунинг учун керакли маълумотларни жалб қиладилар (мустақиллик тамойили).

Аралаш таълимни малака ошириш жараёнларига татбиқ этишда эътибор қаратиладиган яна муҳим бир жиҳат когнитив ёндашув назариясидир. Маълумки, таълимнинг когнитив таҳлилида асосий эътибор таълим олувчининг ақлий (когнитив) структурасини шакллантиришни ўрганишга қаратилади, бу индивидуал билимларни, шу жумладан, илгари олинган билимларни хам, янгиларини олиш стратегиясини ҳам ташкил этади. Когнитив таълим тарафдорлари (Дж., Миллер, А. Ньюэлл, Г. Саймон ва бошқалар) ўз тадқиқотларида кўпинча компьютер метафораларига мурожаат қилишди, хусусан ахборотни қайта ишлаш метафорасига мурожаат қилишди [4]. Бу, асосан, компьютер технологиялари ривожланишидаги когнитивизмнинг замонавий босқичи ва унга боғлиқ сунъий

https://buxdu.uz



интеллект назарияси билан боғлиқдир. Когнитив таҳлилда устун бўлган ахборотни қайта ишлаш модели олимлар томонидан қуйидагича тақдим этилган:

1-компонент – билимлар базаси (омбор) – инсон тараққиёти жараёнида шаклланган маълумотлар, уюшмалар ва тушунчалар;

2-компонент – когнитив стратегиялар – қайта ишлаш жараёнлари, ахборот, бунинг натижасида кейинчалик фойдаланиш учун билимга (когнитив тузилишига) айлантирилади;

3-компонент – ахборотни билиш ва қайта ишлаш субъекти сифатида ўзини англаш.

Шундай қилиб, ўқитишда когнитив ёндашув таълим олувчилар ўзларини танқидий ва ижодий фикрлаш жараёнида фойдаланиш ва ривожлантириш мумкин бўлган баъзи стратегиялар ёрдамида маълумотни мақсадли равишда қайта ишлайдиган билим субъектлари сифатида тан олишлари кераклигини назарда тутади. Бу ҳолда ўқитувчининг вазифаси нафақат ўқув дастурининг ўзига хос мазмунини ўргатиш, балки таълим олувчиларга ўз фаолиятларини рефлексив баҳолаш учун билим стратегиялари ва кўникмаларини ривожлантириш учун шароит яратишдир [1].

Ғарбий Европада, 70-йилларнинг охири – XX-асрнинг 80-йиллари бошларидан бошлаб шакллана бошлаган конструктивизм назарияси ва унинг тамойиллари аралаш таълимнинг асосий тамойилларига тўлиқ мос келади.

1. Конструктивизмнинг асосий позицияси: “билимларни таълим олувчиларга тайёр шаклда бериш мумкин эмас, сиз фақат таълим олувчиларнинг муваффақиятли қуриш ва билимларининг ўсиши учун педагогик шароит яратишингиз мумкин” [2]. Ушбу қоида аралаш таълимнинг қуйидаги тамойилларида ўз аксини топган:

- ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг ҳамкорлиги;
- хулосаларни шакллантиришда таълим олувчиларнинг иштироки;
- турли хил муқобил вариантлар билан танишиш;
- ҳар кимга тахминлар, илмий фаразлар ва тахминларни ифодалашни рағбатлантириб, ўз фикрларини билдириш имкониятини бериш. Анъанавий юзма-юз машғулотларда бунга доим ҳам вақт топилмайди, аралаш ўқитишда ўқитувчи ва таълим олувчилар билан шахсий алоқаларини йўқотмасдан (ижтимоий ўзаро муносабатлар) ҳар бир киши алоқа учун кенг АКТ танлови туфайли ўз фикрларини билдириш имкониятини ярата олади: форумлар, чатлар, блоглар, суҳбатлар ва ҳоказо;
- мустақил тадқиқот (лойиҳа усули), масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мустақил ишлаш;
- таълим олувчиларга муаммоларни ҳал қилишда ва фаолиятида ёрдам берадиган турли хил интеграл, ҳақиқий ва иммтиацион тажрибаларни шакллантирадиган ўқув вазиятларини яратиш.

2. Таълим олувчилар ўқув жараёнининг фаол субъектлари бўлиб, аввалги тажрибалар асосида бир-бири билан ўзаро алоқада бўлишади. Бундан келиб чиқадики, ўқув мазмунини лойиҳалаштириш умумлаштирилган тушунчалар, тизимли билимлари ва интеграл малакаларга, чет тилини эгаллаган даражага ва бошқаларга асосланган бўлиши керак.

3. Ижтимоий конструктивизм тамойиллари ўқитувчилар таълим жараёнининг маслаҳатчиси (фасилитатор) сифатида ҳаракат қиладиган, улар бошқармайдиган, лекин АКТ воситаларини шакллантиришда акс этади. Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган бир қатор вазифалар ушбу рол билан боғлиқ, масалан, амалий қисмга ўтишдан олдин назарий материални ўрганишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни аниқлаш мақсадида аудиторияда маслаҳат бериш; бундан ташқари, ўқитувчи маслаҳатчи (фасилитатор) сифатида индивидуал топшириқларни тайёрлашда таълим олувчи томонидан йўл қўйилган хатоларни зудлик билан аниқлаб, тузатиши керак бўлади. Бундай маслаҳатларни онлайн тарзда, масалан, суҳбат ёки Интернет орқали бошқа алоқа имкониятлари орқали ташкил қилиш тавсия этилади. Маслаҳат қачон ва қандай ўтказилишини электрон почта орқали келишиб олиш мумкин.

4. Когнитив мослашувчан, шунинг учун таълим олувчилар ўрганган нарсалари эмас, балки уни амалда қандай қўллашлари муҳим (таълимдаги компетенциявий ёндашув).

5. Коммуникатив конструктивизм тамойиллари чет тилини ўргатиш, яъни коммуникатив компетенцияни шакллантириш мақсадларида акс этади. У маданиятлар суҳбати шароитида самарали алоқани ўз ичига олади ва мулоқотга киришаётган субъектлар ҳақиқат конструкцияларининг мос келмаганлиги, натижада бир-бирини тушунмаслик ёки тўлиқ тушунмовчиликка олиб келиши мумкинлиги тўғрисида билим беради.

Юқорида келтирилган ёндашувларни умулаштириб, шуни таъкидлаш keракки, замонавий таълим тизими доирасида ягона мақбул назарияни топиб бўлмайди, биргина назария ёки ёндашув асосида таълим самарадорлигини тўлиқ таминлаб ҳам бўлмайди. Шунга қарамай, замонавий таълимнинг ўзгариши шароитида конструктивистик тамойиллар энг катта даражада чет тилини

https://buxdu.uz



аралаш таълим концепцияси учун фалсафий ва психологик-педагогик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблаш мумкин.

## Адабиётлар

1. Лефрансуа Г. Прикладная педагогическая психология. / пер с англ. СПб.: прайм ЕВРОЗНАК, 2003 – 416 с.

2. Рудакова Д.Т. Развитие коммуникативной культуры на основе использования информационно-коммуникативных технологий // Образовательные технологии XXI века ОТ'06/ под ред. С.И. Гудилиной, К.М. Тихомировой, Д.Т. Рудаковой. – М.: Изд-во Ин-та содержания и методов обучения Российской Академии образования, 2006. – С.111-118.

3. Фандей В.А. Смешанное обучение: современное состояние и классификация моделей смешанного обучения // Информатизация образования и науки – 2011. – № 4(12). – С. 115-125.

4. Constructivism. [Электронный ресурс]. URL: http://en.wikipedia.org/wiki/Constructivism (learning theory). (дата обращения 14.09.2020).

https://buxdu.uz



**Durdona AXATOVA**
Navoiy davlat pedagogika instituti
umumiy pedagogika va psixologiya kafedrasi
dotsenti, pedagogika fanlari nomzodi

# O'QUVCHILARDA MUSTAQILLIK VA TASHKILOTCHILIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK MAHORATNING O'RNI

*Maqolada o'quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish zarurati, mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishdagi faoliyat turlari va samarali yo`llari, bu jarayonda o`qituvchi amal qilishi lozim bo`lgan talablar hamda bu sifatlarni shakllantirishda o`qituvchining pedagogik mahorati mohiyati yoritiladi.*

***Tayanch tushunchalar:*** *o'quvchi, o`qituvchi, mustaqillik, tashkilotchilik, faoliyat turlari, erkin fikrlash, komil inson, yetakchilik (liderlik), faollik, tashabbuskorlik, tirishqoqlik, uyushtira olish, muomalaga kirishuvchanlik, pedagogik talablar, pedagogik mahorat.*

*В статье освещается необходимость формирования у учащихся качеств самостоятельности и организованности, виды деятельности и эффективные пути формирования качеств самостоятельности и организованности, требования, которым должен руководствоваться учитель в этом процессе, а также сущность педагогического мастерства учителя в формировании этих качеств.*

***Ключевые слова****: учитель, учащийся, независимость, виды деятельности, свободомыслие, лидерство, организация, педагогические потребности, педагогическое мастерство.*

*The article covers the necessity of formation of independence and organizational qualities in students, types of activities and effective ways of formation of independence and organizational qualities, the requirements that the teacher should follow in this process and the essence of teacher's pedagogical skills in the formation of these qualities.*

***Keywords****:teacher,activity,diligence,turnover, pedagogical skills.*

Mustaqil fikrlay oladigan, dunyoqarashi va tafakkuri keng barkamol insonlar yurtimiz taqdirini hal qiladilar. Shuning uchun ham kelajakka munosib bo'lgan ma'naviy jihatdan yetuk yoshlarni tarbiyalash bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev yoshlarni mustaqil fikr tarbiyasi zarurligiga e'tibor qaratib: "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz" [1], –deb ta'kidlaydi. Tub islohatlar davrida jamiyat hayotiga daxldorlik, millat va mamlakat taqdiriga befarq bo'lmaslik hissi shakllangan yoshlarga bo'lgan ehtiyojni hayotning o'zi taqozo etib, kelajagimiz bo'lgan yoshlarni ijtimoiy faol, mustaqil va tashkilotchi qilib tarbiyalash zaruriyatini kun tartibiga olib chiqdi.

Jamiyatimizda ayrim hollarda uchrab turadigan loqaydlik, beg'amlik, befarqlik, e'tiborsizlik, yolg'onchilik, o'g'rilik, ichkilikbozlik, fohishabozlik, giyohvandlik, shu bilan birga, diniy ekstremizm hamda terrorizm global muammo bo'lib, asr vabosiga aylanib borayotgan bir sharoitda, ijtimoiy faol, mustaqil fikrlovchi shaxs tarbiyasi alohida dolzarb pedagogik muammo bo'lib hisoblanadi.

Mustaqil, erkin fikrlovchi o`quvchi shunday shaxs turiki, u doim izlanuvchi bo`ladi, o`z ustida tinmay ishlaydi, bahs-munozarani juda yoqtiradi, turg`unlik kayfiyati, eskicha yashash, o`qish va fikrlash tarzi unga mutlaqo yot. U tashabbuskor, doim oldinga intiluvchan bo`ladi. Bugungi hech kimga tobe bo`lmagan mustaqil hayotimizda, yangi demokratik jamiyat qurish jarayonida xuddi shunday o`quvchi kerak. Bunday o`quvchining murabbiysi va ustozi esa o`z sohasining haqiqiy ustasi bo`lmog`i zarur.

O'quvchilarda mustaqillik sifatlarini shakllantirishga e'tibor qaratar ekanmiz, dastlab "mustaqillik" so'zining ma'nosiga e'tibor qaratsak. "Mustaqillik" (arabchadan - tobe emaslik; ixtiyori o'zidalik, qaram emaslik) – erkin va ozod ravishda, boshqalarning rahbarligisiz ish yurita bilish. Mustaqillik – o'zaro hurmat, bir-birlarini qadrlash, milliy va bashariy qadriyatlarga tayanib yashash, fikrlash, o'z hayotini o'zi tashkil etish imkoniyati va amaliyotini bildiradi [2].

Mustaqil, erkin fikrlovchi komil insonni tarbiyalashning muhim shartlaridan biri o'sib kelayotgan yosh avlodning ijtimoiy munosabatlar jarayonining faol ishtirokchisi bo'lishiga erishishdir. Ijtimoiy munosabatlarda faol ishtirok etish har bir shaxsdan ularni tashkillashtirish, ya'ni tashkilotchilik sifatlariga ega bo'lishni talab qiladi.

Tashkilotchilik (arabcha "tashkil" so'zidan olingan) muayyan ish harakatni boshlab berish, tashkil etish, uyushtirish yoki uyushtirishni oqilona rejatashtirish xislati. Manbalarda "tashkilotchilik" tushunchasi 1) tashkil etish xislati; 2) tashkilotchilik ishi, faoliyati, jamoani uyushtira bilish, jipslashtira olish, shuningdek, o'zining shaxsiy ishini to'g'ri tashkil qila olish, "tashkillashtirish ishlarini olib borishga bo'lgan ehtiyoj" deya ta'riflanadi. Tashkilotchilik o'yin, ta'lim va mehnat ko'rinishidagi faoliyatlarni tashkil etish, ijtimoiy munosabatlar jarayonini faollashtirish, jamoani jipslashtirish va yagona maqsad atrofida birlashtirishda tashabbus hamda nazoratni o'z qo'liga olish, uni samarali boshqarish va mavjud imkoniyatlaridan unumli foydalanish, shuningdek, jamoadoshlarni faollik ko'rsatishga rag'batlantirish,

https://buxdu.uz



yetakchilik (liderlik) qobiliyatiga egalikdir.

O‘quvchilarning tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishga yo‘naltirilgan pedagogik faoliyatning samarali natijasi ularda mustaqillik, faollik, maqsad sari intilish, jamoada tengdoshlari bilan faol muloqotga kirisha olish, o‘yin, ta’lim va mehnat jarayonida hamkorlikka erishish, shuningdek, jamoa a’zolarini uyushtirish, ularni yagona maqsad atrofiga birlashtirish hamda muayyan harakatlarni amalga oshirishda yetakchi (lider)likni qo‘lga olish kabilarning samarali shakllanganligi bilan belgilanadi.

Tashkilotchilik zamonaviy, ishbilarmon shaxsga xos sifatlar majmui sanaladi. Ingliz olimi F.Teylorning fikriga ko‘ra, zamonaviy shaxs qiyofasida aql-idrok, maxsus ma’lumot hamda texnikaviy bilimlarga egalik, chidamlilik, bardoshlilik, xushmuomalalik, ta’sirchanlik, qat’iyatlilik, haqiqatgo‘ylik, mulohazakorlik kabi sifatlar namoyon bo‘ladi.

Boshqaruv sohasida faoliyat yuritayotgan olim A.Fayol tashkilotchi shaxs, eng avvalo, uzoqni ko‘ra olish qobiliyatiga ega bo‘lishi zarurligini uqtiradi. Muallifning fikricha, tashkilotchilik sifatlari jamoani uyushtira olish, mutaxassis(kadr)larni joy-joyiga qo‘yish, istiqbolda hal etiluvchi vazifalar (uyushtiriluvchi tadbirlar)ni rejalashtirish, qatiy nazoratni yo‘lga qo‘yish bilan xarakterlanadi.

O‘qituvchida o‘ziga xos tashkilotchilik xususiyatlarining mavjudligi o‘quvchi shaxsida ijodkorlikni, tashabbuskorlik, mustaqillikni tarbiyalashga o‘z ta’sirini ko‘rsatib boradi. O‘qituvchi bolalar bilan ishlovchi, ularning dars va darsdan tashqaridagi faoliyatlarini va munosabatlarini boshqaruvchi subyekt hamdir. Shuning uchun har bir o‘qituvchi o‘zida umumiy va o‘ziga xos tashkilotchilik sifatlarini rivojlantirib bormog‘i lozim. Tashkilotchilikning umumiy sifatlari deganda, aqlning amaliy va chuqur mulohaza yurita olishi, faollik va tashabbuskorlik, qo‘yilgan maqsadga erishishda tirishqoqlik, murakkab vaziyatlarda o‘zini qo‘lga ola bilish, uyushtira olish, kuzatuvchanlik, muomalaga kirishuvchanlik kabilar tushuniladi.

Tashkilotchilikning o‘ziga xos sifatlari: ichki sezgirlik, xushyorlik, hissiy irodaviy ta’sir eta olish, tashkilotchilik faoliyatiga moyillikni o‘z ichiga oladi. O‘qituvchi o‘zini anglab yetishi, o‘ziga xos xususiyatlarini, intilishlari, imkoniyatlari, kamchiliklari va uning sabablari, kasbiy faoliyatning o‘ziga xos tomonlari va muvaffaqiyatga erishish shartlarini, o‘zining ustun tomonlarini, mazkur faoliyatning samarali kechishini ta’minlovchi imkoniyatlar va turli yo‘nalishlarda ko‘zda tutilgan vazifalarni yaxshi bilishi kerak. Bunday imkoniyatlarni o‘z kasbiy faoliyatida ochiq, erkin namoyon qila borib o‘qtuvchi bu bilan o‘quvchilar faoliyatida ochilmagan, imkon topilmagan, o‘ziga xos xususiyatlarni, jumladan, tashkilotchilik faoliyati uchun zarur bo‘lgan sifatlarni yuzaga chiqarish, ulardan foydalanish uchun keng imkoniyat yaratiladi.

O‘quvchini dunyoda yuz berayotgan voqea-hodisalarni kechishiga tezkor, oqilona, mustaqil, ijodiy munosabatlarni bildirishga tayyorlash muhimdir. Yangi avlod va uni rivojlanishi, moslashuvi, o‘zini va boshqalarning faoliyatini boshqarish bilan bog‘liq muammolarning yuzaga kelishi va uning yechimini topishga doim tayyor turish bugungi kun o‘qituvchisi oldidagi asosiy vazifatardan biridir.

O‘quvchilarning mustaqil ijodiy bilish jarayonini tashkil etish va yo‘lga qo‘yishda paydo bo‘lgan maxsus, jumladan, tashkilotchilik sifatlarini tarbiyalash, ijodiy xarakterdagi vazifalarni hal etishga yo‘naltirilgan o‘qituvchi faoliyatida yangi vosita, usul, shakllarni doimo izlab topishga ehtiyojni shaklantirish muhimdir.

O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda o`qituvchi quyidagi talablarga amal qilishi lozim:

1. O‘qituvchining o‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish jarayoniga pedagogik va metodik jihatdan to‘g‘ri yondasha olish.

2. O‘qituvchi tomonidan o‘quvchilarga tarbiyaviy ta’sir qo‘llanganda, ularning qiziqishi, faolligi, shaxsan tashabbusini inobatga olish.

3. Har bir topshiriqni bajarishda mas’uliyat, burch hissining shakllanishi, o‘zaro yordamlashishga intilish, o‘z ustida mustaqil ishlashi, birdamlik, kerak bo‘lgan paytda bo‘ysunish odatlarining tarkib topishi.

4. O‘qituvchining faoliyatni amalga oshirish tartibi yuzasidan to‘g‘ri tushuncha berishi, bola erishgan yutuqlarga munosib baho berish, rag‘batlantirish.

O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda quyidagi faoliyat shakllaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir:

1) dars jarayoni-o‘quvchilarga ijodiy topshiriqlarni berish; ularni muammoli vaziyatlarni hal qilishga jalb etish;

2) darsdan tashqari ishlar jarayonida o‘quvchilarning ommaviy tadbirlar (kechalar, bayramlar, festivallar, aksiyalar, forumlar, musobaqalar, intellektual bellashuvchilar va hokazolar)da faol ishtirok etishlarini ta’minlash; to‘garaklar (fan to‘garaklari, mohir qo‘llar va badiiy havaskorlik)ga jalb qilish;

3) maktabdan tashqari sharoitda - yoshlar tashkiloti tomonidan uyushtirilayotgan tadbirlarda ishtirok etishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish.

O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda *ijodiy topshiriqlarning* o‘rni katta bo‘lib, o‘quvchi topshiriqni bajarish jarayonida o‘zini o‘rab turgan moddiy borliq bilan bevosita muloqotga kirishadi. O`quvchida turli ijodiy topshiriqlarni bajarishga nisbatan ko‘nikma va malakalarning hosil bo‘lishi ta’lim jarayonining muvaffaqiyatli bo‘lishini ta’minlaydi. Ijodiy topshiriqlarning didaktik va

https://buxdu.uz



tarbiyaviy imkoniyatlaridan yetarli darajada foydalanish uchun ularning quyidagi talablarga javob bera olishiga e’tiborni qaratish zarur:

- tuzilgan topshiriqlar ilgarigisidan tubdan farq qilishi;
- topshiriqlarning mazmuni o‘quvchilarning yosh, psixologik va individual xususiyatlaridan kelib chiqishi;
- topshiriqlar o‘quvchilarinng qiziqishlari, ehtiyojlari hamda imkoniyatlariga mos holda tanlanishi;
- topshiriqning bajarish usullarini tanlashda o‘quvchilarning erkin va mustaqil harakat qilishlarini ta’minlashi;
- topshiriqlar tizimi mazmunida ilmiylik va tushunarlilik tamoyilining aks etishi ( bu narsa o‘quvchining ilmiy dunyoqarashi shakllanishiga yordam beradi, fan asoslarini tushunib olishlariga ko‘maklashadi);
- topshiriqlar tizimi osondan qiyinga, soddadan murakkabga qarab ketma-ketlikda tuzilishi lozim.

Ijodiy topshiriqlarni bajarish jarayonida past o‘zlashtiruvchi o‘quvchilar yaqqol namoyon bo‘ladi, ularga zarur yo‘nalishlarda qo‘shimcha yordam berish imkoniyati yaratiladi. O‘quvchining individual xususiyatlarini namoyon qilishga ko‘maklashadigan ijodiy topshiriqlarni to‘g‘ri tashkil qilish o‘qituvchining mahoratiga bog‘liq. Ijodiy topshiriqlarda o‘quvchilarning individual xususiyatlari namoyon bo‘ladi.

O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishga yo‘naltirilgan *darsdan tashqari ishlar* jarayonida, shuningdek, maktab kechalari, bolalar bayramlari, quvnoqlar va topqirlar musobaqalari ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu jarayonda o‘quvchilarni bir-biriga hurmati, axloqiy sifatlari, ular orasida muomala madaniyat shakllanib boradi.

To‘garaklar esa bolaning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishga, ularning ongida yuksak ma’naviy-axloqiy fazilatlarni mujassamlashga yo‘naltirilgan bo‘lishi kerak. To‘garak a’zolarida mustaqillik, g‘oyaviy yetakchilik, sardorlik tushunchalari shakllangan bo‘lishi, o‘qituvchini diqqat bilan eshitish, topshiriqlarni o‘z vaqtida bajarish, intizomga rioya qilishi qatiy talab etiladi.

O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda quyidagi yo‘llarning samarali ekanligini ta’kidlash mumkin:

- o‘quvchilar jamoasi oldiga individual va umumiy pedagogik talablarni qo‘yish;
- o‘quvchilar jamoasi imkoniyatlaridan to‘g‘ri foydalanish;
- o‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllashirishda ommaviy axborot vositalari xizmatidan foydalanish;
- o‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini izchil shakllantirish an’analarini tarkib toptirish.
- o‘quvchilar jamoalarining o‘z-o‘zini boshqarishiga erishtirish;
- ta’lim muassasasi va oilalar o‘rtasida sinf o‘quvchilarida mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish borasida o‘zaro hamkorlikka erishish.

Shaxsning mustaqillik va tashkilotchilik sifatlariga ega bo‘lishi shaxslararo munosabatlarda faol ishtirok etish, o‘z fikrlarini o‘zgalarga uqtira olish va ularni o‘z ortidan ergashtira bilishiga yordam beradi. O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik negizida aks etuvchi - kirishimlilik, muloqotga tez kirishuvchanlik, o‘z-o‘zini baholash va boshqarish, sinf jamoasi bilan birlikka intilish, sinfdoshlariga nisbatan ijobiy (yaxshi) munosabatda bo‘lish, ularni yoqtirish, ijtimoiy munosabatlarga kirisha olish, serharakatlilik hamda liderlik kabi sifatlarni shakllantirishda ham o`qituvchi mahorati muhim ahamiyat kasb etadi. O‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishda sinf rahbarlari va fan o‘qituvchilari muhim rol o‘ynaydilar.

O‘quvchilarda tashkilotchilik sifatlarini shakllantirishga qaratilgan pedagogik faoliyatning o‘yin texnologiyalariga asoslanishi, individual va jamoaviy topshiriqlarni berish orqali o‘quvchilarning amaliy faoliyatga jalb qilinishi hamda o‘quvchilar jamoalarida o‘z-o‘zini boshqarish organlari faoliyatining yo‘lga qo‘yilishi kabi shakllarda tashkil etilishi kutilgan natijalarni qo‘lga kiritish imkoniyatini yaratdi.

Shunday qilib, yangi, ijtimoiy vazifalarni hal etish maqsadiga yo‘naltirilgan o‘quvchilarda mustaqillik va tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish uchun zarur bo‘lgan pedagogning layoqatlilik darajasi, ta’lim sifatini ta’minlovchi kasbiy mahorati kelajakda yuqori malakali kadrlar tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

## Adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” - 2016 й, 13-14 b
2. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Тошкент:, 2006.-274-бет.
3. Комилова Ф. Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантириш. –Тошкент:, “Yangi nashr”, 2010. -108 б

https://buxdu.uz



**Дилмурод САФАРОВ**
Навоий вилоят ХТХҚТМОҲМ
педагогика ва психология, таълим
технологиялари кафедраси мудири

# “СОТУВЧИ-ХАРИДОР” МУНОСАБАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МОДЕЛИ

*Ушбу мақолада “Сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари механизми самарадорлигини таъминловчи назарий-амалий модели, сотувчи билан харидор муносабатлари, маркетинг психологиясига оид илмий манбалари, бугунги кун харидорининг хулқ-атвор моҳиятини англаш, истеъмолчилар хулқ-атворини тушунишда тегишли билим соҳалари очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *мижоз, истеъмолчи, диада, маркетинг,сотувчи, харидор, хулқ-атвор, савдо-сотиқ, бозор, маркетинг.*

***Keywords:*** *customer, consumer, diada, marketer, seller, buyer, behavior, sales, market, marketing.*

*В данной статье описывается теоретическая и практическая модель механизма взаимоотношений продавца и покупателя, взаимоотношений продавца и покупателя, научные источники по психологии маркетинга, понимание природы современного поведения потребителей, соответствующие области знаний в понимании поведения потребителей.*

***Ключевые слова:*** *покупатель, потребитель, диада, маркетинг, продавец, покупатель, поведение, продажи, рынок, маркетинг.*

*This article reveals the theoretical and practical model that ensures the effectiveness of the mechanism of the seller-buyer relationship, the seller-buyer relationship, scientific sources on marketing psychology, understanding the nature of today's consumer behavior, relevant areas of knowledge in understanding consumer behavior.*

Замонавий бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг рақобатбардошликни шакллантириш шартлари ва талаблари сифатида интеллижент маркетинг сиёсатини юритишлари асосий масалалардан биридир. Интеллижент маркетинг – бу савдо-сотиқда сотувчи билан харидор ўртасидаги муносабатларда муҳим воситачи сифатида майдонга чиқиб, савдо-сотиқни бошқаришнинг замонавий бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда мазкур муносабатлардаги тезкор ўзгаришларга эгилувчан ҳолда мослашиш имкониятини беради.

Бугунги ноаниқ бозор шароитларида жамият ва давлат ривожланиш векторларининг, маркетинг тенденцияларининг миллий, минтақавий ва халқаро даражада фаолият юритувчи “сотувчи” ҳамда “харидор” муносабатларининг субъекти бўлган савдо-сотиққа ҳам таъсири тобора катта бўлмоқда.

Тадқиқот дастурига мувофиқ қамраб олинган инсоннинг тўрт ўлчовли динамик семантик матрицаси тузилмаси контекстидаги “Сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари механизми самарадорлигини таъминловчи назарий-амалий модель (1-расмга қаранг), бизга, фазовий макон ва вақт оралиғидаги тафовутланишларга кўра иқтисодий муносабатлар эгасининг “индивид → субъект → индивидуаллик → шахс” кўринишдаги тетра тузилмасини тушунтиришда қўл келади.

Хусусан, инсоннинг тўрт ўлчовли динамик семантик матрицаси тузилмаси контекстидаги бозор муносабатлари иштирокчиси саналган, “индивид” позициясидаги “сотувчи ва харидор” муносабатларини қуйидагича тушунтириш мумкин. Бу тузилманинг ўлчов мезони бўлиб “вақт” хизмат қилади. “Сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари жараёнининг ҳар қандай вақтида “сотувчи” учун харидорнинг нейродинамик ҳолати (яъни, инсон асаб тизимидаги қўзғалиш ва торомозланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг мувозанати) ҳамда жинси аҳамиятли саналади. Масалан, сотувчи дўкон(бозор)га келган харидордаги асаб тизими билан боғлиқ ўзгаришларни, яъни бозорда ўзига керакли нарсани топа олмаганини ва бунда қимматли вақтини йўқотганига ачинаётганини ёки тезкорлик билан зарур харидни амалга ошириб, вақтни иқтисод қилишга уринаётганлигини ўз вақтида пайқаса ҳамда харидорни вақт сарфи муаммосидан халос этадиган уринишларни амалга оширсагина муносабатлар самарадорлигига эришилади. Бунда сотувчи харидорнинг жинсига қараб, зарурий хатти-ҳаракат ва хулқ-атворни намоён қилиши мақсадга мувофиқдир.

“Харидор” учун эса айнан шундай позицияда сотувчининг конституционал-антропометрик ҳолати (яъни, психологик хусусиятларнинг морфологик ва функционал жиҳатдан ўзаро мутаносиблиги) ҳамда ёши алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, харидор дўкон(бозор)га кирар экан сотувчидаги морфологик ва функционал жиҳатдан ўзаро мутаносибликка доир ҳолатни, яъни дўкон(бозор)дан ўзига керакли нарсани топа олмаслигини ва бунда қимматли вақтини бой беришини ёки тезкорлик билан зарурий харидни амалга оширолмай, вақтни иқтисод қила олмаслигини ўз

https://buxdu.uz



вақтида пайқаса, харидор вақт сарфи муаммосидан халос этадиган уринишларни олдиндан кўра олмайди ҳамда муносабатлар самарадорлиги йўққа чиқади. Бунда харидор сотувчининг ёшига қараб, зарурий хатти-ҳаракат ва қарорларни қабул қилади.

Ушбу позициядаги "сотувчи-харидор" диадаси муносабатлари тузилмасида сотувчи учун устувор ижтимоий-психологик механизм – бу "бошқаларнинг мавжудлиги" ҳисобланса, харидорга таъсир кўрсатувчи устувор ижтимоий-психологик механизм сифатида "гуруҳий босимлар" намоён бўлади. Ўз навбатида бундай сайъ-ҳаракатлар бозорни сегментацияловчи "**демографик**" омиллар кўринишида ҳам намоён бўлади ҳамда диада муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Тўрт ўлчовли динамик семантик матрицадаги иқтисодий муносабат эгалари ҳисобланган, "субъект" позициясидаги "сотувчи ва харидор" муносабатларини қуйидагича таҳлил этиш мумкин: "Энергия" мазкур тузилманинг ўлчов мезони бўлиб хизмат қилади. "Сотувчи-харидор" диадаси муносабатлари вақтида сарфланган ҳар қандай энергия манбаида "сотувчи" учун харидорнинг иродавий ҳолати ҳамда тафаккур жараёни аҳамиятли бўлади. Масалан, сотувчи дўкон(бозор)га келган харидордаги иродавий ҳолат билан боғлиқ жиҳатларни, яъни бозор-ўчар учун мақсадли ташрифни, эҳтиёжлар қондиришга қаратилган режали харидлар билан боғлиқ қарорларини ўз вақтида пайқаса ҳамда харидорни энергия сарфи муаммосидан халос этадиган хатти-ҳаракатларни содир этсагина ўзаро муносабатлар самарадорлигига муваффақиятли кечади. Бунда сотувчи харидорнинг иқтисодий онги, билимдонлиги, тафаккурига қараб, керакли сайъ-ҳаракат ва хулқ-атворни намоён этиши зарур.

Шунингдек, "харидор" учун мазкур позицияда сотувчининг аффект ҳолати (яъни, ҳиссий ҳолатнинг бузилиши) ҳамда перцепция (яъни, шахсларнинг бир бирини тушуниши жараёни) алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, харидор дўкон(бозор)га кирар экан сотувчидаги ҳиссий ҳолатнинг бузилишини, яъни мазкур дўкон(бозор растаси)дан режалаштирилган харидни амалга оширолмаслигини ва ортиқча энергия сарфи билан боғлиқ асаббузарликни ўз вақтида пайқаса, харидор энергия сарфи муаммоси ечимига қаратилган уринишларни олдиндан кўра олмайди ҳамда ўзаро муносабатлар ўрнатилмай қолади.

Бунда харидор сотувчининг мулоқотдаги перцептив томонига, яъни идентификация, стереотипизация ва рефлекция хусусиятларига қараб, ўзи учун мақбул қарорни чиқаради.

Бир-бирларига нисбатан "субъект" позициясидаги "сотувчи-харидор" диадаси муносабатларида сотувчи учун устувор ижтимоий-психологик механизм – бу "теварак-атрофга бўлган юқори даражадаги ҳиссий хулқ-атвор"ни намоён қилиш ҳисобланса, "етакчилар фикрларига алоҳида-алоҳида қўшилиш" эса ўз навбатида харидорга таъсир кўрсатувчи устувор ижтимоий-психологик механизм бўлиб хизмат қилади. Бундай сайъ-ҳаракатлар бозорни сегментацияловчи "**хулқ-атвор**" омиллар кўринишида ҳам намоён бўлиб, бозор муносабатлари субъекти саналган диаданинг ўзаро муносабатларида ҳам акс этади.

Назарий-амалий моделнинг "индивидуаллик" позициясидаги "сотувчи ва харидор" муносабатларини тўрт ўлчовли тузилма контекстида қуйидагича баён қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу позицияда "ахборот" тузилма учун ўлчов мезони сифатида хизмат қилади. "Сотувчи-харидор" диадаси ўзаро муносабатлари жараёнида айирбошланадиган ҳар қандай ахборот манбаида "сотувчи" учун харидорнинг самарадорлик ҳолати (юқори, ўрта ва қуйи сегмент вакили эканлиги) ёки жамиятдаги обрўли (авторетет) шахс ҳамда ундаги индивидуал-типологик хусусиятлар алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, сотувчи дўкон(бозор)га кириб келган харидордаги башанг ҳолат билан боғлиқ жиҳатларни, яъни реклама товарларига бўлган қизиқишлари, таниш-билишларининг тавсияси ёки ижтимоий тармоқлардаги тарғиботлар орқали эҳтиёжни қондиришга қаратилган харид қарорини ўз вақтида пайқаса ҳамда харидорни товар (хизмат) билан боғлиқ зарурий ахборот билан таъминласа, ижтимоий эҳтиёжлар муаммосидан халос этадиган сайъ-ҳаракатларни амалга оширсагина диада ўзаро муносабатлари самарадорлиги юқори даражада бўлади. Бунда сотувчидан харидорнинг характери, темпераментига қараб, муносиб хатти-ҳаракат ва хулқ-атворни намоён этиш талаб этилади.

"Харидор" учун мазкур позицияда сотувчининг индивидуал хотиралари (яъни, сўнгги ташриф, сўнгги харид ҳолатлари) ҳамда ўзаро муносабатлардаги тажриба (яъни, дисконт-чегирмалар, мижозга нисбатан сервис хизмати) муҳим аҳамият касб этади. Масалан, харидор дўкон(бозор)га кирар экан сотувчига нисбатан индивидуал хотираларни, яъни мазкур дўкон(бозор растаси)дан қилинган аввалги харидлари билан боғлиқ салбий хотиралар (муддати ўтган товарлар хариди, қайтимни бермаслик, ишончини суистеъмол қилиниши ва бошқалар)ни эслаб қолса, харидор товар-хизматлар тўғрисидаги сохта ахборот (фейк маълумот)лар қуршовида қолишини яна "ҳазм" қила олмаслигини англаб етади, муносабатлар ўрнатилмай туриб, дўкон(бозор)ни тарк этади. Бунда харидор сотувчи билан аввал

бўлиб ўтган шахсий мулоқотдаги тажрибага таяниб, яъни тезкор бирёқлама қарорни қабул қилади.




**1-расм. “Сотувчи-харидор” диадаси муносабатлари механизми самарадорлигини таъминловчи назарий-амалий модель**

https://buxdu.uz



“Индивидуаллик” позициясидаги “сотувчи-харидор” диадаси муносабатларида сотувчи учун устувор ижтимоий-психологик механизм – бу “баҳам кўриш (улашиш)” сифатида, “обрўли шахс, референт гуруҳ” эса харидорга нисбатан таъсирнинг устувор ижтимоий-психологик механизми тарзида намоён бўлади. Амалга оширилган ушбу сайъ-ҳаракатлар ўз навбатида бозорни сегментацияловчи “**географик**” омиллар кўринишида гавдаланиб, бозор иштирокчилари ҳисобланган “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари мазмунида ҳам акс этади.

Шунингдек, моделнинг “шахс” позициясидаги “сотувчи ва харидор” муносабатларини динамик семантик матрица мезонлари контекстида қуйидагича ифодаласа бўлади. Сўнгги позицияда “борлиқ” тузилма учун ҳал қилувчи ўлчов вазифасини ўтайди. Ўзаро муносабатлар жараёнида “сотувчи-харидор” диадасини ўраб турган борлиқ фонида “сотувчи” учун харидорнинг йўналганлик ҳолати (харидни кимга ёки нимага атаб қилаётганлиги) ҳамда ундаги қобилият муҳим аҳамият эга. Масалан, сотувчи дўкон(бозор)га ташриф буюрган харидордаги ориентацияси қараб, яъни харидни ўзи, ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, севимли инсони, устози, бошлиғи учун амалга ошираётганлигини ўз вақтида пайқаса ҳамда харидорни харид учун танланган товарнинг борлиқ билан боғлиқ хусусиятини намойиш этса, харидорни диди, мўлжали билан келиб чиқадиган муаммолардан халос этадиган хатти-ҳаракатларни амалга оширсагина диада ўзаро муносабатлари самарадорлиги ижобий бўлади. Бунда сотувчидан харидорнинг харид қобилиятига қараб, муносиб сайъ-ҳаракат ва хулқ-атворни намоён этиш талаб қилинади.

Мазкур позицияда “харидор” учун сотувчининг индивидуал-типологик хусусиятлари, хусусан темпераменти ҳамда ўзаро муносабатлардаги характер-хусусияти алоҳида аҳамиятли саналади. Масалан, харидор дўкон(бозор)га кирар экан сотувчига нисбатан илиқликни, табассумни, очиқликни, босиқликни кўрса, харидор дўкон(бозор)даги товарларни тартиб билан жойлаштирилганини, ўзаро муносабатлардаги самимиятни англаб етса, муносабатлар бошланмасидан туриб (ҳатто маблағи етмаган ҳолларда ҳам), харид тўғрисидаги дастлабки қарорни чиқариб бўлади. Бунда харидор вазиятни бошқа дўкон(бозор)даги ҳолат билан таққослаб, яъни ўзи учун фойдали деб ҳисоблайдиган қарор чиқаради.

“Шахс” позициясидаги “сотувчи-харидор” диадаси муносабатларида сотувчи учун устувор ижтимоий-психологик механизм – бу “роллар боғлиқлиги” ҳисобланса, харидор учун эса устувор ижтимоий-психологик механизми – бу “референт гуруҳ” саналади. Фикримизча, шундай тарзда кечадиган хатти-ҳаракатлар ўз навбатида бозорни сегментацияловчи “**психографик**” омиллар кўринишида намоён бўлиб, “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатлари мазмунининг ядроси сифатида гавдаланади.

Умуман олганда, яратилган мазкур модел аморфлик хусусиятидан йироқ бўлиб, истиқболдаги тадқиқотлар режасига мувофиқ, нафақат диада, балки триада, тетра, шериклик каби субъектларнинг ўзаро муносабатлари кўринишларини ҳам ўз ичига қамраб олган инвариантини ишлаб чиқиш мумкин.

## Адабиётлар

1. Priyanka Dey. Consumption of green goods: Indian marketing strategy // International Journal of Management Research and Business Strategy. – Vol. 4, No. 1, January 2015. // This article can be downloaded from http://www.ijmrbs.com/currentissue.php

2. Ишмухамедов Б.Ж., Муратов Р.С. Тадбиркорлик фаолиятини асослари: услубий қўлланма –Т.: “Иқтисодиёт”, 2018. - 137 б. / [Электрон ресурс] URL: http://alternatus.uz (кириш санаси:16.10.2019 й.)

3. Қобилов Ш.Р. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси”, 2013. – 775 б. (Б. 133-250)/ [Электрон ресурс] URL: http://el.tfi.uz/images/Iqtisodiyot_nazariyasi_Qobilov_mfoa_uz_ ddde2.pdf (кириш санаси: 16.10.2019 й.)

4. Микроиқтисодиёт: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Салимов Б.Т. ва бошқ. - Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 9. (320 б.)

5. Райзберг Б.А., Стародубцева Е.Б. Курс экономики: Учебник. – 5-е изд., исправл. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 686 с.

6. Исаев В.В. Маркетинг личности. Учебное пособие. – СПб.: СПбГИЭУ, кафедра маркетингаи управления проектами, 2003 – 259 с. / [Электрон ресурс] URL:https://www.marketing.spb.ru/lib-mm/tactics/personality.htm# (Кириш санаси: 19.09.2019 й.)

7. Priyanka Dey. Consumption of green goods: Indian marketing strategy // International Journal of Management Research and Business Strategy. – Vol. 4, No. 1, January 2015. // This article can be downloaded from http://www.ijmrbs.com/currentissue.ph

https://buxdu.uz



**Шокир РАДЖАБОВ**
Урганч давлат университети
педагогика фанлари номзоди

**Ўринпошша ҚАЛАНДАРОВА**
Урганч давлат университети
ўқитувчиси

# ТАЪЛИМ БЕРИШДА ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Мақолада глобаллашув реал жараён сифатида бир қатор омиллар билан бугун юксак тараққий қилган мамлакатларнинг устуворлигини таъминлашга, кам тараққий қилган ёки тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг онги, қалби ва дунёқарашида "боқимандалик" руҳиятини ривожлантириш омиллари хусусида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:** глобаллашув, ахборот, фан ва техника, инвестеция, технология, иқтисодий, интеллект.*

*В статье глобализация рассматривается как реальный процесс, в котором существует ряд факторов, обеспечивающих приоритет сегодняшних высокоразвитых стран, развитие духа "зависимости" в умах, сердцах и мировоззрении слаборазвитых или развивающихся стран и их народов.*

***Ключевые слова**: глобализация, информация, наука и технологии, инвестиции, технологии, экономика, интеллект.*

*The article considers globalization as a real process, in which there are a number of factors that ensure the priority of today's highly developed countries, the development of a spirit of "dependence" in the minds, hearts and worldview of underdeveloped or developing countries and their peoples.*

***Keywords:** globalization, information, science and technology, investment, technology, economics, intelligence.*

Бугунги кунда глобаллашув жараёни ривожланаётган мамлакатларга ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Асосий хавф шундан иборатки, у юксак ривожланган мамлакатларга энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлардаги миллатлар ва элатларни қарам қилиш, уларнинг моддий бойликларини қўлга киритишда қирғинбарот қурол кучи билан эмас, балки ўзларида мавжуд бўлган фан ва техника, технология ютуқларини оммалаштириш, инвестициялар киритиш, иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш каби омиллардан фойдаланиш воситасида уларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш, охир-оқибатда улар устидан ҳукмронликни тўла ўрнатиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Кўринишдан, ҳар икки томон ҳам глобаллашув жараёнидан манфаат кўраётгандек бўлса-да, амалда асосий манфаатни катта интеллектуал салоҳият, фан-техника, технология ютуқлари ва оммавий коммуникацияларга эга бўлган мамлакатлар кўрмоқда, бунга эга бўлмаганлар эса ана шу тараққий этган мамлакатларга ўзлари охиригача англаб етмаган ҳолатда уларга боғланиб қолаётир. Глобаллашув реал жараён сифатида бир қатор омиллар билан бугун юксак тараққий қилган мамлакатларнинг устиворлигини таъминлашга, кам тараққий қилган ёки тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг онги, қалби ва дунёқарашида "боқимандалик" руҳиятини ривожлантирмоқда. Ушбу жараён қуйидагилар орқали юзага келмоқда: а) иқтисодиёт омили; б) фан-техника ва технология ютуқларини оммалаштириш; в) юксак тараққий қилган мамлакатларнинг қудратли иқтисодий, интеллектуал ва уддабуронлик салоҳияти устуворлиги асосида вужудга келган "оммавий маданият"ни жаҳон халқларинг ўртасида кенг ёйиш ва улар онгига сингдириш борасида олиб борилаётган фаолиятлар орқали; г) кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг иқтисодий, интеллектуал салоҳиятлари глобаллашув жараёнларининг ривожланиш даражаларидан орқада қолаётганлиги кабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистондаги заҳира ресурслари жуда катта иқтисодий баҳога эга. "Ҳалқ сўзи" газетасида келтирилган ҳисоб китобларга қараганда, Ўзбекситон ресурс бойлиги (минерал ва хомашё ресурслари)нинг ҳозирги вақтда фойдаланишга тайёр қисми 970 млрд АҚШ долларига тенг. Мамлакатнинг умумий минерал ва хомашё ресурслари 3.5 трлн. долларлик деб баҳоланмоқда. Конлардан қазиб олинаётган ва жахон бозорида рақобат қила оладиган минерал ва хомашё ресурслари республикада ЯММнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилади, Ҳар йили 5.5-6 млрд. долларли бойлик қазиб олинмоқда. Геологик разведка ишлари туфайли ҳар йили конлар захирасининг қиймати 6-7 млрд долларга ошиб бормоқда.

Бундай рақобатга бардош берадиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уни керакли даражада ривожлантириб бориш ҳар қандай давлат таълим системасига катта вазифалар қўйиши турган гап.

https://buxdu.uz



Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар ўз келажаги ва қудратини фақат одамлар сонини ўстиришда эмас, балки уларни интеллектуал салоҳияти ўсишида кўрмоқдалар. Яъни одамларни сифатини ўсишини ўлчаяптилар. Европа даватларида бу IQ (интеллект коэффиценти) янги билимларни ўзлаштириш ва янги билимлар яратиш қобилияти тести билан ўлчанади ва одамни қўйган мақсадига эришиш қобилияти мантиқий ўйлови, ўз ишидан ўзи камчилик топиб уни бартараф этиш йўлларини қидириш ҳамда уни асослаб бериш қобилиятига эгалигини кўрсатади.

Бу борада хорижлик олимларнинг олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижаларига ҳам назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди.

Р.Линн ва унинг хамкасблари томонидан олинган тадқиқот натижаларига асосан интеллект коэффиценти IQ миллий кўрсаткичлари қуйидагича берилган Россия ва Украина – 97 балл, Болгария ва Босния- 90, Грузия -94, Экватериал Гвинея- 64, Эстония – 99, Исроил-95, Ҳиндистон – 82, Ирландия - 92, Испания – 98, Италия – 102, Қозоғистон -94, Канада – 99, Қирғизистон – 90, Хитой – 105, Латвия – 98, Литва – 94, Македония – 94, Мальта - 97, Голландия – 100, Норвегия – 100, Жанубий Корея – 106, Полъша – 99, Португалия - 95, Руминия – 94, Сербия – 89, Сингапур – 108, Словакия – 96, Словения – 96, АҚШ – 98, Тожикистон – 87, Туркманистон – 87, Туркия – 90, Ўзбекистон – 87, Финляндия – 99, Франция – 98, Хорватия – 90, Чехия – 98, Швейцария – 101, Швеция - 99, Япония – 105 [1].

Юқоридаги тадқиқотлар муаллифлари фикрича дунёнинг ҳар хил мамлакатларидаги цивилизацион ривожланишнинг сифати ва тезлигини тушунтирувчи тизим асосини миллат интеллекти таркиб топтирар экан. Ушбу тадқиқотлар 2008 йилда эълон қилинган.

Бундан ташқари интеллектуал коэффиценти юқори давлатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам юқори даражаларда турибди. Қуйида мамлакатлар ўртасида олинаётган даромадларнинг тақсимланишига оид маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди.

“Халқаро статистика маълумотларига қараганда, умумжаҳон даромади 20% қашшоқ мамлакатларнинг улуши 1960 йилдаги 2.3% дан 1990 йилда 1.4% га, 1994 йилда эса 1.1% гача камайган. Ер шарининг энг бой 20% аҳолиси билан энг қашшоқ 20% аҳолиси ўртасидаги тафовут 1960 йилда 30:1,1991 йилда 61:1, 1994 йилда эса 78:1 ни ташкил этган. 1969 ва 1989 йиллар оралиғида 20% энг бой мамлакатларнинг жаҳон ялпи миллий маҳсулотлардаги ҳиссаси 70% дан 83% га ошган бўлса, қашшоқ 20% мамлакатларнинг улуши 2.3 дан 1.4% га камайган”[2]. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар тобора ривожланиб, қашшоқ давлатлар эса борган сари қашшоқлашиб бормоқда. Бугун етакчи трансмиллий коорпорациялар кимнинг қўлида бўлса ўшаларнинг таъсир доираси кучли бўлмоқда. 1998 йилда 200 та энг катта трансмиллий коорпорацияларнинг 74 таси АҚШ байроғи остида бўлган. Шунга ўхшаш коорпорациялар барча товар айланмаларининг 36,5% и улар ҳиссасига тўғри келган. Америкаликлар барча Трансмиллий коорпорацияларни биргаликда олганда энг кўп ”даромад ишлаганлар” Улар 52,7% фойда кўрганлар. Дунёдаги энг катта 50 та компаниядан 33 тасининг штаб квартираси АҚШда жойлашган. Улар биржада барча катта қийматга эга бўлган акцияларнинг 71,8% ига эгалик қиладилар. Дунёдаги мавжуд 201 та катта саноат ва молия компанияларининг 90% и АҚШ. Буюк британия, Германия ва Франция каби катта беш мамлакат ҳиссасига тўғри келади [3].

Бугун жаҳондаги мамлакатлар орасидаги иқтисод соҳасидаги рақобат уларнинг таълим-тарбия системалари ўртасидаги рақобатга айланаяпти. Гап шундаки ривожланган давлатларда ҳар томонлама ўз соҳасининг билимли инсонлари жамиятнинг иш билан банд қисмининг тенг ярмини ташкил қилган ҳолда мамлакатнинг ривожланиши ва тараққий қилишида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Интеллектнинг инсон цивилизациясининг ривожланишидаги аҳамияти нафақат технологик-ишлаб чиқариш ва иқтисодий омиллар таъсирида, балким ижтимоий омиллар таъсирида ҳам ошиб бормоқда.

Бугунги кунда ривожланаётган давлатлар ўз келажаги ва қудратини фақат одамлар сонини ўстиришда эмас, балки уларни интеллектуал салоҳияти ўсишида кўрмоқдалар. Яъни одамларни сифатини ўсишини ўлчаяптилар. Европа даватларида бу IQ (интеллект коэффиценти) янги билимларни ўзлаштириш ва янги билимлар яратиш қобилияти тести билан ўлчанади ва одамни қўйган мақсадига эришиш қобилияти мантиқий ўйлови, ўз ишидан ўзи камчилик топиб уни бартараф этиш йўлларини қидириш ҳамда уни асослаб бериш қобилиятига эгалигини кўрсатади.

Сиз кимнингдир IQ си юқори, деганда нимани тушунасиз? IQ кўрсаткичи билан нима ўлчанади? IQ кўрсаткичининг юқорилиги ютуғингизни кафолатлайдими?

IQ кўрсаткичи юқори одамлар моддий жиҳатдан жуда яхши таъминланганликка эришадиларми?

https://buxdu.uz



Луғавий адабиётларда IQ га шундай таъриф берилади. –“Бу инсон ақлий қобилиятлари кўрсаткичини белгиловчи сон бўлиб, у қуйидагича топилади: стандарт тести бўйича (одамнинг) боланинг ақлий ёши аниқланиб, у биологик ёшига бўлинади. Чиққан натижани 100 га кўпайтириб топилади”. Масалан ўқувчининг стандарт тестдан кўрсаткичи 13, бу ўқувчининг ақлий ёши бўлади. Ўқувчи 10 ёшга кирган. Демак 13/10Х100 =130 IQ. Бу ерда ўқувчини иқтидори баланд, чунки унинг ақлий ёши биологик ёшидан юқори бўлиб 13 яшар ўқувчиникига тенг.

Юқоридагилардан кўринадики, ёшларимиз интеллектини ошириш ва уларни етук мутахассис қилиб тайёрлаш учун мамалакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ушбу сўзларини келтиришни лозим топдик. “Ҳаммамиз яхши биламиз, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда. Мамлакатни инновацион ривожлантириш стротегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган иннтеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ” [4].

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг натижалари ўз самарасини бераяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномасида 2018 йилда амалга оширилган ишлар ва 2019 йилга мўлжалланган режалар атрофлича кўрсатиб берилди. Мурожатномада илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Жумладан, “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”, дея қайд этилади Мурожатномада.

Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун таълим - тарбия ишларини такомиллаштириш, хусусий мактаблар ташкил этиш, давлат – хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш, олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш зарурлиги қайд этилади. Ҳақиқатдан ҳам фарзандларимиз қобилиятини, иқтидорини рўёбга чиқаришга болаликдан жиддий эътибор қаратишимиз келажакда ўзининг смарасини беради. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида ҳар бир боланинг истеъдодини тезда аниқлаш ва уларни қўллаб қувватлаш учун барча имкониятлар яратилган. Фақат таълим муассасаси маъсуллари, тарбиячилар, ўқитувчилар мураббийлар болаларнинг қобилиятларини тезкорлик билан аниқлаб, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлашлари муҳимдир. Инсон капитали XXI асрда инсониятнинг, ҳар бир давлатнинг ривожи, салоҳиятини, келажагини белгилайдиган муҳим мезонлардан биридир. Айни пайтда ахборот коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ҳаётга кириб келиб, ривожланмоқда ва улардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш керак. Интеллектуал, маънавий омил давлатнинг, жамиятнинг ривожланганлик даражасини ҳам белгилайди.

Инсон капитали инновацион иқтисодиёт ва ривожланишнинг кейинги босқичи билимларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бош омил ҳисобланади. Инсон капитали, одам ақлий салоҳиятининг жамиятимизга, иқтисодиётга таъсири бениҳоя катта бўлиб, барча соҳаларнинг тезкорлик билан ривожланишига замин яратади. Чуқур билим, яратувчилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, юксак касбий салоҳият бугунги кунда тармоқлар ривожида муҳим омилдир. Дунё тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталига йўналтирилган маблағлар бошқа омилларга нисбатан ўзини оқлайди. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурслари мавжудлиги, ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда замонавий мунтазам янгиланиб турадиган технологияларни яратиш ва ўзлаштиришга қодир юксак билимга, кўникмаларга эга бўлган инсон капиталига ҳам боғлиқдир. Шу туфайли мамлакатимизда энг устувор вазифаларидан бири бўлган таълим-тарбия соҳасига, шунингдек соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ҳажми йилдан-йилга ошмоқда.

https://buxdu.uz



Президентимизнинг 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стротегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш йўли ва бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ошириб, инновацион жиҳатдан тараққий этишини таъминлайдиган асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш мазкур стротегиянинг бош мақсади сифатида кўрсатилди. Инсон капиталини ривожлантирмасдан туриб, инновацион тараққиётга эришиш мумкин эмас. Ҳар томонлама юксак натижаларга эришиш учун ҳар тарафлама етук мутахссисларни тайёрлаш талаб этилади.

“Ҳаммамиз яхши биламиз, бугунги давр юқори технологиялар, инновациялар замонидир. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда. Мамлакатни инновацион ривожлантириш стротегияси ва механизмлари энг аввало шу давлатда яратилган иннтеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ”[4].

Ривожланишнинг асосий йўналишлари таҳлили шуни кўрсатадики 21 асрда мамлакатларнинг ҳар хил стротегик муаммолорини ечишда инновация ва инновацион иқтисодга асосий урғу берилмоқда. Ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсишининг 75% га инновациялар асосида эришилмоқда. Инновациялар маҳсулдорлигига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция қатор Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, скандинавия давлатларида К.Фримен томонидан “Миллий инновация тизими” деб номланган фаолият кўрсатаётган тизимининг мавжудлиги асос бўлмоқда. Бу тизимнинг қатъий бир универсал модели мавжуд бўлмай бу борада ҳар бир давлат тузилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бироқ миллий инновация тизимини шакллантирадиган асосий омил ва элементлар таркибида умумийлик кузатилади. Бу борада бизнинг мамлакатимизда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда жамиятни барча йўналишларидаги янгиликларни яратиш ва уларга тайёр туришини ўз ичига оладиган инновацион маданиятни шакллантиришни ишга тушириш ва ташкиллаштириш кузатилмоқда. Бу борада хориж мамлакатларида аҳолининг инновацион маданияти оширилади. Бунда аҳоли янгиликларни тўғри қабул қилиши ва уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилишини қўллаб-қувватлдаши кўзда тутилади. Миллий инновацион тизимнинг асосий элементларидан бири – илм фандир. Илм- фан соҳасида Фанлар академияси, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар, илмий марказ ва илмий жамиятлар аҳамияти катта бўлади. Инновацион тизимнинг навбатдаги элементи бўлиб технопарклар хизмат қилади. Технологиялар инновациялар майдони ҳисобланади. Бу борада АҚШда 160 та технопарк мавжуд бўлиб улар дунё технопаркларининг 30% ини ташкил қилади. Россияда 60 та, Хитойда 50 таси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал қобилиятларини ўстиришда нафақат республикамизнинг етакчи, балким, бу борадаги ҳалқаро тажрибаларга ҳам асосланган ҳолда иш тутилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу билан бирга таълим-тарбия муассасаларида ёшларнинг интеллектуал қобилиятлари кўрсаткичларини оширишга оид ишларни изчил давом қилдириш ва самарали усул ва воситаларни излаб топиб уларни тезлик билан амалиётга татбиқ этиш ҳам талаб қилинади.

Интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши АҚШ олимлари айтишича, 30-35 фоизи оила наслига, 30-35 фоизи сув, йод, ва озиқ-овқат терапиясига, қолган 30-35 фоизи атрофида устоз-ўқитувчиларига ва шифокорларга боғлиқ экан.

Юқоридан кўрсатилган учта йўналиш бўйича ҳам мамлакатимизда ишлар олиб борилмоқда. “Миллий интеллект” тушунчасини таҳлили шуни кўрсатадики, у жамиятнинг маънавий ҳаётини акс эттирувчи тасаввурлар, қарашлар тизимида етакчи ўрин эгаллайди. Интеллектуал қобилият коэффиценти кўрсаткичлари билан бирга ушбу қобилиятдан амалда қай даражада тўғри фойдаланиш кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилиш зарурдир. Бугунги кунда долзарб бўлмаган ёки ўз-ўзини иқтисодий жиҳатдан оқламайдиган, иқтисодиёт соҳаларини ривожланишига хизмат қилмайдиган йўналишларда олиб борилаётган нофундаментал илмий-тадқиқот ишлар кам эмас.

Тадқиқотчи олим В.В.Орлов фикрича инсоният интеллекти тарихи инсон маънавий маданиятини ривожланишида асосий ўрин тутади. Миллатнинг интеллектининг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан унга мос жамият тимзимида белгиланиб, у ижтимоий институтлар

https://buxdu.uz



бўлмиш таълим, оила, фан, маданиятга боғлиқдир. Бунда ҳал қилувчи йўналиш бўлган таълим соҳаси асосий ўрин тутади [5].

Кам ривожланган мамлакатларда юқори малакали, интеллектуал меҳнатни қадрига етишмайди. Кўпинча олимлар ва мутахассислар оддий жисмоний меҳнатда ва бюрократик лабиринтларда вақтларини ўтказишади. Интеллектуал меҳнат анча қиммат туришини тушунишмайди. Шунинг учун араб ва кўп мусулмон давлатларида ҳозир Европа иттифоқи давлатларига экспорт қилиниши мумкин бўлган инновациялар ва технологиялар деярли яратилмайди. Фарзандларини импорт қилиб келтирилган янги технологиялардан фойдаланишга малакаси етмайди. Бу эса ўз навбатида давлат ва миллат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Кейинги пайтларда араб мамлакатлрида содир бўлган воқеалар бунга яққол мисол бўла олади. Бундан яна бир хулоса келиб чиқадики мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал коэффицентини ўстириш ишлари уларнинг маънавий-мафкуравий тарбияси билан бирга олиб борилиши лозимлигини кўрсатади.

Ўз даврида Туркистон чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин вужудга келган жадидчилик ҳаракатининг ҳам туб моҳияти миллат ёшларининг интеллектуал қобилиятлари ва дунёқарашини кўп мароталаб оширишни ва бунинг натижасида мустамлакачилик тутқинидан халос бўлишни назарда тутган.

Бугунги кунда бизнинг таълим-тарбия борасида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Инсон интеллектини самарали шакллантириш учун болаларда хотирани, диққатни, қизиқувчанликни, янгиликни сезишни, ақл чуқурлигини, эгилувчанликни, асослиликни, мантиқийликни, фикрлашнинг танқидийлиги ва кенглигини, муаммоларни интуитив еча олиш қобилиятини ривожлантириш зарур.

2. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга индивидуал хусусиятлари ва ёшини инобатга олган ҳолда интеллектни ривожлантиришга ёрдам берадиган ўйинчоқлар билан таъминлаш зарур. Буларга бўлаклардан ҳар хил конструцияларни йиғиш ва ажратиш имконияти бор ўйинчоқлар мисол бўла олади.

3. Оилаларда ҳам худди шундай ўйинчоқлар билан ота-оналарнинг фарзандлари билан шуғулланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фарзандларга таълим-тарбия беришда интеллектуал қобилиятларини ўстиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

4.Таълим муассасаларида ўқиётган ёшларга интеллектуал коэффицент аҳамияти ва моҳиятини тушунтириш керак. Ёшларга таълим беришда улар орасидан интеллектуал коэффиценти бошқаларга нисбатан юқориларини танлаб олиш ва улар билан алоҳида иқтидорли ўқувчи-талаба сифатида шуғулланиш ва рағбатлантириш керак.

5. Таълим муассасаларида адабиётлар ва дидактик материаллар комплекслари ёшларнинг интеллектуал коэффицентларини ўстириши нуқтаи назаридан яратилиши керак.

6. Интеллектал коэффицентни оширишга оид тадбирлар ва тавсиялар яратиш ва ёшлар IQ – аниқлаш тестларидан кенг фойдаланишни таълим муассасаларига оммавий тарзда жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини, яъни кучли фуқоролик жамияти ва хуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсадимизни аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, давалтимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ҳамда профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

## Адабиётлар

1. Линн Р. Интеллект и экономическое развитие / Р.Линн // Психология. Журнал Высшей школы экономики. – 2008.-М.: 5. - № 2. – С. 89-108.

2. Худойберганов А. Сиёсий глобаллашув: шаклланиш негизлари ва намоён бўлиш хусусиятлари.//Жамият ва бошқарув.2009, №4.34-бет

3. Отамуратов С.Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). -Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.43-б

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. -168 б.

5. Орлов В.В. История человеческого интеллекта – Пермь: Изд-во Пермского университета, 1998.-3 с.

https://buxdu.uz



**Акмал НАЗАРОВ**
Бухоро давлат университети
психология кафедраси доценти

# СПОРТЧИЛАР ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК МУҲОФАЗАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Ушбу мақолада спортчиларнинг психологик ҳимоя механизмини ривожлантириш орқали спортчиларнинг фаолият самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мақолада дунёнинг машҳур психолог олимлари ва машҳур спортчиларнинг илмий-амалий изланишларининг таҳлиллари келтирилган. Замонавий спортчиларда психологик мухофазаси механизмининг турлари ва усуллари ҳақидаги фикр мулоҳазалар мавжуд.*

***Калит сўзлар:*** *психологик муҳофаза, ирода, методология, механизм, индивидуал, компонент, адекват, малака, барқарорлик, адаптация, қобилият, психоаналитик, феномен, стратегия, стресс, эмоция, функционал, когнитив, ҳиссий, хулқ-атвор, адаптив, қўрқув, онгсиз, экстремал, психотерапия, онг, безовталик, эмоцоинал, стереотип, патологик, агрессия, психоанализ, қўрқув, реабилитация, психокоррекция, тренинг.*

*В данной статье высказываются замечания по созданию методики обеспечения совершенствования личности через развитие физических и психических возможностей спортсменов. Также в статье приводится научно-теоретический анализ работ всемирно известных ученых-психологов и профессиональных спортсменов. Дана информация о методах демонстрации психологического соответствия у современных спортсменов.*

***Ключевые слова:*** *психологическая защита, сила воли, методология, мексанизм, индивид, компонент, адекватность, квалификация, устойчивость, обожание, способность, психоаналитический, феномен, стратегия, стресс, эмоция, функциональный, когнитивный, эмоциональный, поведенческий, адаптивный, страх, бессознательный, экстримальный, психотоксичность, сознание, тревога, эмосоциальный, стереотип, патологический, агрессия, психоанализ, страх, реабилитация, психокоррекция, тренинг.*

*In this article, comments are made on the creation of a method for ensuring the improvement of the individual through the development of physical and mental capabilities of athletes. The article also provides a scientific and theoretical analysis of the works of world-famous scientists-psychologists and professional athletes. Information about methods of demonstrating psychological compliance in modern athletes is given.*

***Keywords:*** *psychological defense, willpower, methodology, mexanism, individual, component, adequacy, qualification, stability, adoration, ability, psychoanalytic, phenomenon, strategy, stress, emotion, functional, cognitive, emotional, behavioral, adaptive, fear, unconscious, extreme, psychotoxicity, consciousness, anxiety, emosocial, stereotype, pathological, aggression, psychoanalysis, fear, rehabilitation, psychocorrection, training.*

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Дарҳақиқат, спорт соҳасида эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча халқларга ғурур-ифтихор бағишлайди. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва руҳан баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Спорт турли касалликлар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Биз учун, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Истеъдодли болаларни танлаш ва профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича узлуксиз тизим яратилди. Спорт юксак маданият, руҳий барқарорлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда спортчиларнинг жисмоний-руҳий имкониятлари ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шуни, алоҳида таъкидлаш жоизки, спортчилар ўзларининг психологик имкониятлари, ютуқлари, камчилиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг мусобақага тайёргарлик кўриш ва мусобақа жараёнида учрайдиган ҳар қандай муваффақиятсизликларни бартараф этишга, ўз имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш имконини беради. Бошқа мутахассислар қаторида психологлар ҳам спортчиларда мавжуд психологик муаммоларни ўрганиб келмоқда.

Спортчиларнинг психологик хусусиятини ўрганиш, мураббийларнинг бу борадаги қобилиятини ошириш, спортчини ёки жамоани руҳан қўллаб-қувватлаш, машғулотлар жараёнидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берадиган психологик муносабатни ривожлантириш, стрессни енгиллаштирувчи воситалар ишлаб чиқилмоқда ва амалга қўланилиб келинмоқда. Бу ўз навбатида, мусобақаларда иштирок этишда, захирадан катта спортга ўтишда юзага келадиган жиддий психологик муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради. Шахсни психологик муҳофаза қилиш муаммоси ҳамиша инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Шахснинг ҳар жихатдан ижтимоий-психологик тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини ривожлантира бориши жуда кўплаб омилларга боғлиқдир.

https://buxdu.uz



Психология нуқтаи назардан спортчининг психологик ҳимояси - спорт фаолиятининг экстремал шароитларида спортчининг онги ва хулқ-атворини руҳий жиҳатдан ўз-ўзини тартибга солиш механизмлари ва усуллари тизимидир. Психологик ҳимоянинг мақсади спортчиларда "Мен-тушунчаси"нинг яхлитлигини унинг мусобақалардаги муваффақиятсизлик, қўрқиш, хавотирланиш ёки ноаниқликнинг салбий психологик жароҳатлардан ҳимоя қилади. Индивидуал психологик ҳимоя спортчининг муваффақиятга эришишга тайёргарлик ҳолатини шакллантириш ва уни амалга оширишнинг субектив механизми ҳисобланади. Спортчиларни индивидуал психологик ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиш зарурияти замонавий талабларидан келиб чиқиб, мутахассислар малакали спортчиларни масъулиятли мусобақаларга индивидуаллаштирилган ҳолда тайёрлаш усулларига қаратди. Психологик ҳимоя бу ҳодисага хос бўлган психологик қонуниятларга эга бўлган индивидуал субъектив ҳодиса бўлиб ҳисобланади.

Спортчиларда психологик ҳимояни ўрганиш спортчининг барқарор руҳий ҳолатини таъминлаши, қўрқув ҳис-туйғуларининг олдини олиши ёки бостириши учун қандай ҳис-туйғуларни бошдан кечиришини тушунтиришга ва руҳий барқарорлик ҳиссини бошдан кечиришга имкон беради. Психологик жиҳатдан спортчи шахсининг ривожланишида психологик ҳимоя қандай рол ўйнаши, уни қийинлаштириши ёки унинг кейинги такомиллашувига ҳисса қўшишини билиб олиш зарур. Муайян шароитларда психологик ҳимоя спортчига фойдали ёки салбий ҳодиса сифатида ҳаракат қилиши мумкинлигини тушуниш психиканинг ривожланишига тўсқинлик қилади, спортчиларни масъулиятли мусобақаларга психологик тайёрлашда янги муаммоларни келтириб чиқаради. Агар айрим ҳолларда психологик ҳимоя ижобий, ҳимоя, адаптив вазифани бажарса, бошқаларида эса спортчи шахсининг ривожланишига тўсқинлик қилса, буни нафақат психолог, балки мураббий, спорт мутахассиси ҳам билиши керак.

Психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда спортчиларнинг психологик муҳофаза муаммоси тўлиқ ўрганилмаган. Жамоадаги ва рақиб билан психологик ҳимоя вазифасини ўташи мумкин бўлган мусобақаларда спортчиларнинг хулқ-атвори ва мулоқот шаклларининг турларини аниқлаш, фарқлаш ва ўрганиш, спортчилар билан ишлашда мураббийликда фойдаланиш кераклиги билан характерланади. Амалий жиҳатдан спортчиларнинг хулқ-атвори, кўникма ва малакаларини тарбиялаш ва ривожлантириш мумкинми, деган савол туғилади. Тадқиқот натижалари турли мутахассислар билан биргаликда малакали спортчиларни психологик тайёрлаш жараёнида, уларнинг муҳим фазилатларини шакллантириш, спорт психологи, жамоа шифокори ва мураббийларидан спортчиларга психотерапия, психокоррекция, реабилитация ва бошқа психологик ёрдам кўрсатишда қўлланилиши мумкин. Мазкур муаммо психолог олимлар томонидан спортчиларни тайёрлаш соҳасидаги замонавий тадқиқот амалиётида спортчиларни психологик ҳимоя қилиш муаммоси тизимли ўрганилмаган. Психологик ҳимоя спортчиларнинг фаоллиги натижасида юзага келадиган психологик ҳимоя ҳодисасидир. Психологик ҳимоя шахснинг онгини фикрлардан ҳимоя қилувчи ҳар қандай фаолиятнинг муҳим индивидуал психологик механизми кўп функцияли характерга эга бўлиб, спорт фаолияти мотивациясига киради ва инсоннинг "Мен-тушунчаси" яхлитлигига таҳдид солувчи рақобатнинг экстремал вазиятларида фаоллашади. Малакали спортчиларда психологик ҳимоянинг индивидуал хусусиятларининг намоён бўлишига уларнинг когнитив соҳаси жинси, ёши, индивидуал психологик сифатлари ва ҳолатлари таъсир кўрсатади, улар рақобат стрессининг субъектив муҳим ва ҳиссий тажрибали омилларини сезганларида спортчилар тафаккурининг мазмунини белгилайди.

Спортчиларда психологик ҳимоянинг шаклланиш даражаси, барқарорлиги, мослашувчанлиги, ўзгарувчанлиги ва самарадорлиги уларнинг муваффақиятга эришиш ёки мусобақаларда муваффақиятсизликка учрамасликка интилишдаги спортчилик ва тактик фикрлаш қобилиятлари билан боғлиқдир. Ақлий ҳимоя турлари ва механизмларининг типик ва индивидуаллашган кўринишлари билан характерланадиган рақобат фаолиятининг индивидуал психологик ва спорт омиллари турли ихтисосликлар бўйича малакали спортчиларнинг индивидуал психологик ҳимоясини намоён этишнинг ўзига хос хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатади. Спортчиларнинг фикрлари бўйича психологик ҳимояни шакллантириш ва ривожлантириш уларнинг спортдаги карерасида жуда муҳимлиги ва зарурлигини таъкидлашган. Нафақат спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш пайтида, балки спортчилар шахсий ҳаётида ҳам психологик ҳимоянинг зарурлигини таъкидлашган. Спортчиларда психологик ҳимоянинг қиёсий таҳлили ҳимоянинг ҳар хил турларидан фойдаланишдаги гендер фарқларини очиб берилган. Эркакларда турли хил психологик ҳимоя турлари ўртасидаги муносабатларнинг тузилиши, интенсивлиги ва катталиги аёлларга нисбатан кучлироқ ва юқори эканлиги тадқиқот жараёнида аниқланди.

Спортчиларда турли психологик ҳимоялардан фойдаланишда ёш динамикаси ҳам инобатга олинади. Спортчиларнинг психологик ҳимоясига спортчиларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ўрнатилди. Спортчиларнинг тажрибаси ошиши билан спортчилар томонидан психологик ҳимоядан фойдаланиш камаяди. "Инкор" ҳимоя механизми спортчининг фаолият самарадорлгини ошишига

https://buxdu.uz



таъсир кўрсатади. Турли спорт турлари бўйича спортчиларда психологик ҳимоя тузилишидаги сезиларли фарқлар аниқланди.

Спортчилар учун ҳимоянинг асосий доминант ижобий тури "инкор" бўлиб, у спортчиларнинг ўз-ўзини фаоллаштиришга, уларнинг фаолият самадорлигининг ўсишига кўпроқ ёрдам беради. Спортчиларнинг психологик ҳимояси бўйича олинган натижалар таҳлили амалий тавсиялар ишлаб чиқишда спортчиларнинг психологик ҳимоясини шакллантириш ва оптималлаштириш бўйича ижтимоий-психологик тренинг дастурини таклиф этиш имконини беради. Спортчининг психологик ҳимоясини шакллантиришга қаратилган махсус ташкил этилган психологик тренинглар дастури натижасида самарадорлик ошади.

Спорт мутахассислари, айниқса, спортчилар ва уларнинг мураббийларининг иштироки мусобақаларда муваффақиятга эришиш учун мотивация даражасини сезиларли даражада оширади, психологик ҳимоя механизмларини оптималлаштиради ва унга мослашувчанлик, ўзгарувчанлик ва самарадорлик беради. Спортчилар ва мураббийларнинг психологик ҳимояни яхшилаш учун онгли ишлаши жамоада психологик хавфсизликни кучайтириш туйғусини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади, бу шахсий психологик хавфсизликни жамоа хавфсизлигига айлантириш, жамоавий бирдамликни мустаҳкамлаш, жамоавий фаолиятни кучайтириш ва спортчиларнинг ҳис-туйғуларини кучайтиради. Юқори малакали спортчилар билан мураббий ишида индивидуал ёндашувни амалга оширишда психологик билимларни талаб қилади, бу эса ўз навбатида психологик ҳимоя турлари ва механизмлари ҳақида билимларни ўз ичига олади.

Психологик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, психологик ҳимоя спортчи фаолиятидаги асосий руҳий ҳодиса ҳисобланади. Психологик ҳимоя ҳодисаси унинг кўп даражали ва кўп функцияли хусусиятини ҳисобга олувчи ва ўзининг таркибий ва динамик хусусиятига эга бўлган шаклидир. Психологик ҳимоянинг турли омилларига қараб спортчи ҳаётида турли хил вазифаларни бажариши мумкин: салбий адаптив ва ижобий. Спортчини психологик ҳимоя қилиш спорт ҳаётининг экстремал шароитларида руҳий тартибга солиш ва ўз-ўзини тартибга солиш усул ва усуллари тизимидир. Психологик ҳимоя спортчи руҳиятини турли екстремал спорт омиллари (муваффақиятсизликлар, мағлубиятлар, жароҳатлар, стресс, низолар ва инқирозлар)нинг деструктив таъсиридан ҳимоя қилиш учун зарурдир.

Рус тадқиқотчиси Ф.Б.Березин олиб борган тадқиқотлари бўйича шундай хулосага келади - “психологик ҳимоянинг мақсади ҳиссий зўриқишни камайтиради ва хулқ-атвор, онг ва умуман психиканинг тартибсизлашувига йўл қўймайди. Психологик ҳимоя механизмлари тартибга солиш таъминлаш, ориентация, ташвиш ва ҳиссий хавотирни камайтиради”. Турли соҳа тадқиқотчилари малакали спортчиларда психологик ҳимоя хусусиятларини ўрганишнинг назарий аҳамияти рақобат фаолиятининг экстремал шароитларида техник-тактик ҳаракатлар ва спортчиларнинг самарали хулқ-атворининг психологик моделларини яратишган. Психологик ҳимоя тушунчаси замонавий психологик тушунчаси бўлиб, психоанализнинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган ва қолмоқда.

Психологик ҳимоя муаммосини ўрганишга доир манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу ҳодисанинг илмий тадқиқот объекти сифатидаги мақомини аниқлашнинг мураккаблиги ва номувофиқлигининг бир қанча сабабларини мавжуд. Аввало, психологик ҳимоя ҳодисаси илмий ҳодиса сифатида илк бор психоаналитик назарияларида қайд этилган. Кейинчалик ушбу муаммони машҳур олим З.Фрейд ҳам изчил ўрганган. Замонавий психолог олимларнинг психоанализдан воз кечиш сабаблари бири сифатида мафкуравий тартибсизлик омилларини биринчи ўринга қўядилар.

Г.А.Илин психоанализ назариясига шундай таъриф беради: "Фрейд ижтимоий пессимизм, жамиятни бошқаришда куфр, халқ хатти-ҳаракатларини шакллантириш имконияти билан, инсон қайта таълими”. Бу ҳолат жамият ва одамларни бошқариш муаммосини ҳал этиш нафақат мақсадга мувофиқ, балки ҳаётий аҳамиятга эга бўлган замонавий дунё эҳтиёжларига қарши боради.

Психологик ҳимоя ҳодисасининг психоанализ назарияси муаммоси эканлиги, унинг кўпчилик тадқиқотчиларнинг илмий қизиқишлари доирасидан ўрин олишига олиб келди. Психологик муҳофаза механизми муаммоси ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган ва шу билан бирга илмий объект сифатида эътироф этилган, бу ҳодисасини қатъий асосли илмий-амалий ўрганилмаган. Хулқ-атвор нуқтаи назаридан маъносиз, ҳаракатларнинг ўзи ва уларнинг мотивацияси ўртасидаги фарқ бу ерда энг муҳим рол ўйнайди.

Буларнинг барчаси илмий адабиётларда алоҳида ва махсус тавсифларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва умумийликни фарқлашни қийинлаштиради. Бундан ташқари, баъзи ҳимоя механизмлари бир-бири билан жуда яқин боғлиқ, шунинг учун уларни ажратиш осон эмас ва аниқ чегараларни жуда шартли равишда белгилаш мумкин. Психологик ҳимоя механизмининг турлари ва шакллари, шунингдек, жамиятда хулқ-атворни ташкил этишдаги роли ҳақида олимларнинг умумий нуқтаи назари йўқлигига қарамасдан, адабиётлар ўрганилаётган ҳодиса бўйича асосий нуқтаи назарларни қисқача қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

https://buxdu.uz



Таниқли рус психологи Б.Г.Ананев психологик ҳимоя тўғрисида - "турли тизимлар ва уларнинг нотекис ривожланишини инсон онтогенетик эволюциясининг асосий зиддияти деб ҳисоблайди. У агар барча ҳайвонларда, шу жумладан приматларда жисмоний етуклик бутун организмнинг муҳим етуклигини - унинг ҳаёти ва хатти-ҳаракат механизмларини англаса, одамларда нейропсикик ривожланиш жисмоний етилиш ва етуклик доирасига мос келмайди", шундай деб ёзган эди.

Муҳитнинг барча воқеликларига мос келмайдиган шахснинг ўз-ўзидан фаолияти ўртасидаги зиддият ва муҳитнинг айрим жиҳатларининг қарама-қарши қаратилган жавоби билан ифодаланади. Бундай турдаги узоқ муддатли ўзаро таъсирнинг ҳалокатли оқибатлари мақсадли ижтимоийлашув орқали ташқи даражада, ички даражада эса муайян тартибга солувчи тизимларни шакллантириш, масалан, психологик ҳимоя орқали олдини олинади. Индивидуал онтогез даражасида, балки аниқ ҳаётий вазиятда зиддият турли хил йўллар билан ифодаланади, масалан, истак ва имконият, истак ва бурч, истак ва тақиқлаш ўртасидаги зиддият, мақсад ва етишмовчилик ўртасида, мотивлар кураши сифатида, объектга икки томонлама муносабат сифатида ва бошқалар. Шу билан бирга, ривожланиш манбаи бўлган зиддиятларнинг ўзи эмас, балки уларнинг тўпланиши ва қабул қилиниши қилиниши, асотирлиги эмас, балки уларни ҳал этиш жараёни эмас, балки бу жараёнлар натижасида шаклланишидир. Психологик ҳимоя механизмлари онтогенезнинг муайян босқичларида энг муҳим жиҳати сифатида ташкил этилади. Улар шахс психикасининг динамик хусусиятларига устма-уст тушиб, унинг характерининг асосий хусусиятларини ва катта даражада унинг атрофдагилар билан муносабатларининг бутун тизимини шакллантиришни белгилаб беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, зиддиятни ўта кескин ва уни олиб ташлашни талаб қиладиган ва уни ҳал қилишнинг характери шахснинг ривожланишидаги йўналишни белгилайдиган кечиккан зиддиятнинг интрапсихик ва интерпсихик кўриниши сифатида белгилаш мумкин. Бироқ, бу жараёнда амалга оширилаётган ривожланиш нафақат тараққиёт чизиғини, (энг пастдан энг баландга кўтарилиш), балки регрессияни (энг баланддан энг пастгача), шунингдек, ўлик чизиқларни ҳам ўз ичига олади. Ақлий ҳаракатни тўсиш ҳам амбивалент маънога эга: бир томондан, зиддиятни ҳал қилишда алоҳида хусусиятларнинг ривожланиши учун имконият, яъни акс эттириш ва тартибга солишнинг юқори даражасига ўтиш ва шу билан адаптив қобилиятларни яхшилаш имконини беради. Бошқа томондан, агар ҳиссий кучланиш жуда кучли ифодага эришса, у барча функцияларнинг парчаланишига ва ҳатто Г.Селега кўра, "чарчаш босқичи"ни патологик йўқ қилишга олиб келиши мумкин. Охирги чора шубҳасиз назарий имконият бўлса-да, бундай жуда кучли ва узоқ муддатли стресс кундалик ҳаёт амалиётида жуда кам учрайди. Шуниг учун аксарият шахслар низоли вазиятларга тушиб, ҳиссий стрессни бартараф етиш ва ташқи можарони ҳал қилиш учун кўпроқ ёки камроқ конструктив мудофаа стратегияларини ишлаб чиқиш ва ишлатишлари мумкин.

Шундай қилиб, психологик ҳимоя реал вазиятнинг когнитив ва таъсир этувчи компонентларини изчил ўзгартириш йўлларининг комбинацияси сифатида белгиланиши мумкин. Бу ўзгаришларга руҳий жараёнларнинг кечишининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб эришилади. Психологик ҳимоя механизмлари онтогенетик ривожланиш ва ўрганиш маҳсулидир. Улар ижтимоий-психологик мослашувнинг ўзига хос воситаси сифатида ривожланади ва шахснинг тажрибаси унга ўз тажрибасининг эҳтимолий салбий оқибатлари ҳақида сигнал берган ҳолларда турли ҳиссиётларни енгиш учун мўлжалланган.

Психологик муҳофаза механизмлари онтогенезда шаклланиш вақтига ва ҳақиқий фаолиятда онгнинг иштирокига қараб мураккаблик мезонига кўра фарқ қилади. Шу билан бирга ҳаётнинг қийинчиликларини енгиш учун зарур бўлган турли хил ҳимоя механизмларини ишлаб чиқишга олиб келади.

**Адабиётлар**

1. Мухторов Э.М. Ўсмирларда ўз-ўзини психологик муҳофаза қилиш ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг илмий-амалий асослари: Психол. ф.н......дис.- Б.: 2008.
2. Ворогушина, О.В. Индексы жизненного стиля иностранных усыновителей / О.В. Ворогушина // Психолого-педагогические проблемы личностного развития. СПб.: Вестник БПА, вып. 38, 2001.
3. Штроо, В.А. Исследование групповых защитных механизмов / В.А. Штроо // Психологический журнал. 2001. - № 1.
4. Юрзова, Н.В. Исследование зависимости защитных механизмов от типа и характера акцентуаций / Н.В. Юрзова //Психолого-педагогические проблемы личностного развития. СПб.: Вестник БПА, вып. 38, 2001.

https://buxdu.uz



**Иван КРУПНИК**
Херсонский государственный университет,
доцент кафедры общей и социальной
психологии, кандидат психологических наук

# ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ СОПРОВОЖДЕНИЕ ШКОЛЬНИКОВ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ

*В статье представлена авторская психолого-педагогическая программа «Сотрудничество», а также описаны практические результаты ее применения. Целью программы является повышение уровня учебной успеваемости и коррекция поведения учеников в аспекте дисциплинированости на уроке, выполнения требований учителей. Рассмотрены функции участников - учеников, учителей, классного руководителя, психолога, родителей и этапы проведения эксперимента. Указаны факторы воздействия на успешность обучения и поведение на уроках. Базовые принципы работы – взаимодействие, ответственность за результат, поддержка команды. Используя в организации учебно – воспитательной деятельности как внутренний взаимоконтроль в командах, так и внешнее оценивание (учителя-предметники, классный руководитель) - достигается цель данной программы. Охарактеризованы методы и методики с помощью которых проведена проверка эффективности эксперимента. Намечены пути дальнейшей работы психолога для повышения эффективности представленной программы.*

***Ключевые слова:*** *совместная деятельность, мотивация, система санкций.*

*The article presents a author psycho-pedagogical program "Cooperation" and described the practical results of its application. The goal of the program is to increase the level of educational performance and correction of students in terms of discipline in behavior in the classroom, meet the requirements of teachers. The functions of the participants - students, teachers, psychologist, parents and the stages of the experiment. Listed factors impact on the success of learning and discipline in behavior in the classroom. The underlying principles of the interaction, the responsibility for the result, support of the team. Using in the organization of educational activities as an internal mutual control and in teams, and external evaluation (teacher, class supervisor) - achieved the goal of this program. Described methods and techniques through which tested the effectiveness of the experiment. The ways of further work of the psychologist to improve the efficiency of the presented programs.*

***Key words:*** *interaction, motivation, the system of sanctions.*

*Мақолада муаллифнинг "ҳамкорлик" психологик-педагогик дастури келтирилган, шунингдек, уни қўллашнинг амалий натижалари баён етилган. Дастурдан кўзланган мақсад академик кўрсаткич даражасини ошириш ва синфдаги интизом жиҳатида ўқувчиларнинг хулқ-атворини тўғрилаш, ўқитувчилар талабларига жавоб беришдан иборат. Иштирокчилар - ўқувчилар, ўқитувчилар, синф ўқитувчиси, психолог, ота-оналарнинг вазифалари ва експеримент босқичлари кўриб чиқилади. Синфда ўқиш ва хулқ-атвор муваффақиятига таъсир етувчи омиллар кўрсатилади. Ишнинг асосий тамойиллари ўзаро ҳамкорлик, натижалар учун жавобгарлик ва жамоани қўллаб-қувватлашдир. Ўқув фаолиятини ташкил етишда жамоаларда ҳам ички ўзаро назорат, ҳам ташқи баҳо (предмет ўқитувчилари, синф ўқитувчилари) дан фойдаланиб, ушбу дастурдан кўзланган мақсадга еришилади. Тажриба самарадорлигини синаш учун қўлланиладиган усул ва методлар баён етилган. Тақдим етилган дастур самарадорлигини ошириш учун психологнинг кейинги иш йўллари баён етилган.*

***Калит сўзлар:*** *биргаликдаги фаолият, мотивация, санксиялар тизими.*

В условиях трансформации современного общества в целом и образования в частности, личность сталкивается с социально-психологическими проблемами, которые не были актуальны еще несколько лет назад. В частности с проблемой соотношения гуманизации образования и требований к качеству знаний. Меняется характер взаимоотношений между учителем и учениками. Поддержка дисциплины на уроках является проблемой номер один в современных школах, и касается она уже не только молодых учителей, но и опытных, имеющих первую и высшую категории специалистов. Гуманистический, не директивный стиль общения учителя с учениками может привести к потере дисциплины на уроках, что, в свою очередь, приводит к снижению качества обучения. Основываясь на трудах В. Давыдова, Д. Эльконина, А. Леонтьева, А. Марковой и других выдающихся ученых, указывающих на воспитательное воздействие сотрудничества в процессе совместной деятельности, нами разработана программа «Сотрудничество» [1; 2; 4; 5]. Программа наиболее актуальна для детей среднего школьного возраста.

Цель: повысить уровень учебной успваемости и улучшить поведение учеников в аспекте дисциплинированности на уроке, выполнения требований учителей.

Базовые принципы работы – взаимодействие, ответственность за результат, поддержка команды.

Работа проходит в несколько этапов.

1. Этап: Организационный. Класс делится на три команды (можно по рядам). Дается название каждой команде. Школьникам объясняют по каким правилам будут проводиться занятия. Каждая команда несет общую ответственность за успеваемость и поведение. В свою очередь, каждый ученик

https://buxdu.uz



может своей высокой оценкой и активностью на уроках заработать баллы для своей команды. Главный принцип теперь «Один за всех и все за одного».

2. Этап: Действие в командах.

2.1. Работа учителей. Учитель оценивает на занятии каждую команду по двум критериям: поведение и успеваемость. Результаты передают классному руководителю.

2.2. Работа классного руководителя. Руководитель делает итог (подсчет баллов) каждого дня и освещает результаты на «доске успеха». Он также делает итог в конце недели и объявляет команду-победительницу и команду-аутсайдера.

2.3. Работа психолога школы. Проводить мониторинг психологического состояния класса, команд и каждого ученика. Проводить диагностику мотивации, сплоченности, эмоционального состояния учащихся. Оказывать эмоциональную поддержку учащимся. Работать с отдельными учениками, которые не включились в совместную деятельность команд. При необходимости проводить консультирование родителей этих учеников. Привлечение родителей к сотрудничеству. Выявлять причины неуспеваемости команд и проводить коррекционно-развивающую работу с ними (диагностика, психологические тренинги, беседы).

2.4. Работа родителей. Оказывать поддержку работе учителей и учеников, поскольку родители являются очень значимыми лицами для ребенка. Заинтересованность семьи в школьных делах ребенка, помощь в преодолении трудностей и проживания совместно с ребенком радости при достижениях являются жизненно важными факторами для улучшения учебной успеваемости.

3. Этап: Система санкций. Психологическое значение и смысл поощрений и наказаний состоит в предоставлении ребенку обратной связи о соответствии его поведения и поступков социальным ожиданиям и принятым в обществе нормам и правилам. Функцией поощрений и наказаний является регуляция поведения ребенка с помощью позитивного или негативного подкрепления его действий [5]. Команды-победительницы по обеим номинациям награждаются (сладости, поход в кино, грамоты). Желательно делать награждения публично, задействовав администрацию и родителей, что повышает степень желательности победы. Наказание в данном случае является более моральным, поскольку ученики, которые не победили, не получают положительных эмоций, уважительного отношения к себе.

Мотивация на этом этапе внешняя. Использована мотивация двух типов положительная и отрицательная, то есть метод наград и наказаний (техника внешней дисциплины).

4. Этап постепенного перехода к внутренней мотивации (мотивов социального сотрудничества, самообразования, учебно-познавательной мотивации). Работает или положительная мотивация, или отрицательное подкрепление. Таким образом, используя в организации учебно – воспитательной деятельности как внутренний взаимоконтроль в командах, так и внешнее оценивание (учителя, классный руководитель) - достигается цель данной программы.

Проведение и эмпирическая проверка эксперимента. Программа внедрялась на базе «Лицея журналистики, экономики и правоведения» г. Херсона. Участие приняли 29 учеников седьмого класса.

По результатам психологического наблюдения на занятиях, было выявлено следующее:

- Большинство учащихся приняли правила и новые условия учебно-воспитательного процесса. Школьники на занятиях активно работали на команду, самостоятельно поддерживали дисциплину, напоминали учителям о необходимости поставить баллы за активность и за знания, спрашивали сколько плюсов получила команда за урок.

Для проверки успешности действия программы было проведено:

- анкетирование учителей, с целью выявления их мнения об эффективности программы.
- анкетирование учащихся, для изучения отношения к классу в аспекте их успешной учебной деятельности в группе.
- сравнительный анализ академической успеваемости до и после проведения эксперимента.

Анкетирование учителей. После окончания эксперимента педагогам было предложено несколько вопросов для освещения оценок учителей относительно успешности эксперимента, то есть достигнута ли поставленная цель. В анкетировании приняло участие 9 учителей, которые преподают учебные дисциплины в классе [3] .

Согласно результатам анкетирования 55, 5% опрошенных считают, что эксперимент достиг поставленной цели, поскольку удалось повысить уровень учебной успешности и улучшить поведение учеников. Но при этом учителя считают, что уровень успеваемости повысился недостаточно. Успеваемость учащихся, по мнению учителей, по десятибалльной шкале, повысилась в среднем на 3,6 баллов, то есть на 36%. Поведение на уроках улучшилось в среднем на 50%.

Анкетирование школьников. Методика «Оценка взаимоотношений подростка с классом». Анкета позволяет выявить три возможных "типа" восприятия индивидом группы. В качестве

https://buxdu.uz



показателя типа восприятия выступает роль группы в успешности индивидуальной деятельности ученика.

Для проверки достоверности выявленных изменений в восприятии школьниками своего класса, нами был применен φ-критерий Фишера, с помощью которого обнаружено статистически значимое различие по показателю восприятия группы. Изменения восприятия группы касались индивидуалистического типа (см. табл. 1).

Таблица 1.

**Значимые различия показателей типа восприятия группы (φ-критерий Фишера)**

| Тип восприятия группы (%) | Средний балл (до эксперимента) (n= 29) | Средний балл (после экспери-мента) (n= 28) | Критерий Фишера | Уровень значимости |
|---|---|---|---|---|
| Индивидуалистический | 31,0 | 10,7 | 1,95 | P≤0,05 |

Согласно данным, изложенным в таблице 1, имеется возможность сделать вывод о том, что в группе значительно уменьшилось именно восприятие группы как помехи в учебной деятельности. Это говорит о том, что дети получили положительный опыт совместного взаимодействия.

Изучение учебной успешности учащихся. Учитывая, что эксперимент проводился в период февраль-март, показателями критерия успешности было принято семестровые оценки за первое полугодие и средний балл по двум тематическими контрольным, которые были проведены в конце каждого месяца действия психолого-педагогической программы «Сотрудничество».

Анализируя результаты показателей успеваемости, выявленных с помощью t-критерия Стьюдента, было выявлено тенденцию улучшения успеваемости по большинству учебных дисциплин (см. табл. 2).

Таблица 2.

**Значимые различия показателей успеваемости по учебным дисциплинам до и после проведения эксперимента**

| Учебные дисциплины | Средний балл (до эксперимента) (n= 29) | Средний балл (после экспери-мента) (n= 28) | t-критерий Студента | Уровень значимости |
|---|---|---|---|---|
| Биология | 6,4 | 7,3 | 1,85 | P≤0,1 |
| Химия | 7,0 | 7,7 | 1,89 | |
| Информатика | 7,7 | 8,6 | 1,7 | |
| История | 8 | 7,3 | 1,69 | |
| Украинская литература | 8,3 | 9,2 | 1,86 | |

Следует отметить, что улучшение успеваемости касается показателей успешности как гуманитарных, так и естественнонаучных и математических дисциплин. Заметим, что только один показатель успешности, а именно средний балл по предмету «история» уменьшился.

Выводы. По результатам психологического наблюдения, анкетирования учителей, учащихся и анализа показателей успешности следует сделать вывод, что цель программы была достигнута.

Однако, следует отметить важность дальнейшей работы над программой в аспекте коррекционно-развивающей деятельности психологической службы. Целесообразно разработать и внедрить психологические тренинги, как для школьников (с целью усиления внутренней учебной мотивации), так и для учителей и родителей (с целью повышения умений совместной взаимодействия, навыков коммуникации, понимания чувств и развития эмпатии). По нашему мнению, при применении в будущем данной программы желательно включить еще один этап: этап объединения команд, для дальнейшего сплочения школьного коллектива, но при этом сохраняя принципы взаимопомощи и сотрудничества.

**Литературы**

1. Блинова О.Є. Відкритість до спілкування педагога і старшокласника: діагностика і формування / О.Є. Блинова // Теоретичні і прикладні проблеми психології. – 2013. – № 2. – С. 35–41.
2. Возрастные и индивидуальные особенности младших подростков / Под ред. Д.Б. Эльконина и Т.В. Драгуновой. – М.: “Просвещение”, 1967. – 360 с.
3. Крупник І.Р. Психолого-педагогічна програма «Співпраця» / І.Р. Крупник. – Розвиток основних напрямів соціогуманітарних наук: проблеми та перспективи: матеріали ІІІ Всеукраїнської науково-практичної конференції з міжнародною участю. – Дніпродзержинськ: ДДТУ, 2016. – С. 86-88.
4. Леонтьев А.Н. Потребности, мотивы и эмоции / А.Н. Леонтьев. – М.: “Изд-во Моск. ун-та”, 1972. – 575 с.
5. Маркова А.К. Формирование мотивации учения в школьном возрасте: Пособие для учителя / А.К. Мароква. – М.: “Просвещение”, 1983. – 96 с.

https://buxdu.uz



**Sabohat MAZDONOVA**
Navoiy davlat pedagogika institutining
umumiy pedagogika va psixologiya
kafedrasi oʻqituvchisi

# BOSHLANGʻICH SINF OʻQUVCHILARINI OILADA KITOBXONLIKKA OʻRGATISH TEXNOLOGIYASI

*Maqolada kitobxonlik malakalarini takomillashtirish, "Mutolaa madaniyati", "Kitobxonlik madaniyati", "Oʻqish madaniyati" kabi atamalar bilan qoʻllanilib kelayotgan ijtimoiy hodisalar axborot olish madaniyatini tarkib toptirish muammolari toʻgʻrisida fikrlar yuritilgan.*

***Tayanch tushunchalar:*** *kitobxonlik, mutolaa, internet, jurnal, oʻqish madaniyati, axborot, bolalar kitobxonligi.*

*В статье рассматриваются вопросы совершенствования навыков и культуры чтения.*

***Опорные слова:*** *чтение, интернет, журнал, культура чтения информациа, детское чтение.*

*The article deals with the improvement of reading skills and culture.*

***Supporting concepts****: reading, internet, magazine, reading culture, information, children's reading.*

Jamiyatimizda kitobxonlik masalasiga yondashuv turli davrlarda turlicha boʻlgan. Har bir davrning oʻz ehtiyojidan kelib chiqib, kitobxonlik darajasi belgilangan. Binobarin, har qanday davlatning kuch-qudrati oʻz fuqarolarining ongliligi bilan belgilanar ekan, bunda albatta kitobxonlik masalasiga alohida e'tibor berilgan. Bugungi kunda "Mutolaa madaniyati", "Kitobxonlik madaniyati", "Oʻqish madaniyati" kabi atamalar bilan qoʻllanilib kelayotgan ijtimoiy hodisalar axborot olish madaniyatining tarkibiy qismlaridir.

"Mutolaa" soʻzi arabcha "oʻqish" degan ma'noga ega boʻlsa-da, bugungi kunda u kitob oʻqishdan koʻra kengroq tushunchani anglatmoqda. A. Umarov fikricha: "Mutolaa" madaniyati ijtimoiy guruhlar, uyushmalar va alohida individlarning umumiy ma'lumot olishga yoʻnaltirilgan jarayon, xulq-atvor va faoliyatlari mazmuni hamda tarkibiy tizimlarida yuz beruvchi oʻzgarishlar majmuini ifodalovchi bilimlar, me'yorlar, ijtimoiy hodisalar va boshqa atributlardir. Ayni chogʻda mutolaa madaniyatini ta'lim tizimlari orqali maxsus shakllantiradigan, ixtisoslashgan ma'lumotni inson hayoti davomida turli manbaalar - kitoblar (badiiy, ilmiy, oʻquv, qomusiy), ommaviy axborot vositalari (gazeta, jurnal, televideniya, radio va shu kabilar), zamonaviy axborot texnologiyalari (internet, elektron gazeta, jurnal, qoʻllanma va hokazolar), shuningdek, subyekt bilan bevosita muloqotga kirishuvchi shaxslar (oila a'zolari,...) orqali ega boʻlinadigan turli yoʻnalish va shakldagi umumiy ma'lumotdan farqlash lozim boʻladi" 2. Professor E.I.Yoʻldoshev "Oʻqish madaniyati" tushunchasiga shunday ta'rif beradi: "Oʻqish madaniyati - juda keng qamrovli tushuncha boʻlib, kitobga qiziqish va uni sevish, adabiyot bilan kengroq tanishishni, kitob va u bilan ishlash haqidagi maxsus bilimlarga ega boʻlishni, shuningdek, kitobdan toʻla ravishda foydalanishga yordam beruvchi koʻnikma va malakaga ega boʻlishni taqozo etadi".

Jumladan, axborot olish madaniyati badiiy adabiyotni toʻgʻri tushunish, undan estetik zavq olish, shuningdek, ilmiy adabiyotlar, barcha turdagi resurslar bilan ishlash, ma'lumot-bibliografiya va barcha turdagi axborot materiallaridan oʻzini qiziqtirgan ma'lumotlarni qidirib topish, cheksiz axborot oqimlari orasidan kerakli, muhim boʻlgan ma'lumotlarni ola bilish, oʻz kasbiy malakalarini oshirishda foydalanish, axborot-kutubxona muassasasidan toʻgʻri foydalanish yoʻllarini oʻrganish ham axborot olish madaniyati tushunchasi doirasiga kiradi. Axborot olish madaniyatini toʻliq egallagan shaxsga nisbatan esa kitobxon terminini qoʻllash oʻrinlidir.

Safo Matchon: "Kitobxonlik - oʻqilgan kitoblar soni bilan belgilanmaydi, balki u tushunib oʻqish, ya'ni maqsadli oʻqishdir. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, kitobxonning yozuvchi aytmoqchi boʻlgan fikrini nechogʻli uqishini, ya'ni asar "tili"ga tushunishi kitobxonlik madaniyati, talanti darajasi koʻrsatadi. Shu tufayli adabiyotimiz talantli yozuvchilar bilan birga talantli kitobxonlarga ham hamisha ehtiyoj sezadi". Uning fikricha kitobxonlik talanti tugʻma emas, balki tarbiya vositasida kamol topadi. Kitobxonlik haqida gap ketganda, olmon mutafakkiri Gyotening quyidagi fikrini keltirish joizdir: "Kitobxonlikka oʻrganish uchun qanchalik koʻp vaqt sarf qilinishini odamlar tasavvur qilmaydilar, buning uchun men hayotimning 80 yilini bagʻishladim, lekin hali ham oʻrgandim, deb ayta olmayman".

Professor V.F.Asmus oʻzining "Kitobxonlik - mehnat va ijod" nomli maqolasida esa kitobxonlikka shunday ta'rif beradi: "Mutolaa vaqtida asar bir koʻzadan ikkinchi koʻzaga quyilgan suv kabi kitobxon miyasiga quyilib qolmay, balki ijodkor kitobxon tomonidan qayta idrok etiladi". "Taraqqiy etgan xorijiy mamlakatlarda,- deb yozadi X.Toʻxtaboyev,- kitobxonlik fan darajasiga koʻtarilgan. Kitobxonlik kitobni targʻib qilishgina emas, balki kitob oʻqishni, oʻqiladigan kitobni tanlay olishni, magʻzini chaqishni, ya'ni kitob yordamida oʻzini anglashni oʻrgatish hamdir".

https://buxdu.uz



Ta'lim o‘qitish, o‘qish, rivojlanish mujassam amalga oshiriladigan jarayondir. Axborot olish madaniyatini tarbiyalash ta'lim jarayonida amalga oshadi. Egallangan bilimlar o‘quvchilarni izchil shakllantirib borishini ta’minlaydi.

Ta'lim jarayonining mazmunini tashkil qiluvchi bilim, ko‘nikma va malakalar faqatgina sinfda o‘qitiladigan darslarda shakllanib qolmasdan, balki sinfdan tashqari, aniqrog‘i axborot-kutubxona muassasalarida mustaqil tarzda shug‘ullanish orqali egallanadi.

Axborot-kutubxonachilik ishidagi mavjud tajriba shuni ko‘rsatadiki, axborot olish madaniyatini tarbiyalashning eng samarali vositasi - axborot- kutubxonachilik bilimlarining o‘quvchilar orasida targ‘ib qilishdir. Buning eng samarali yo‘llaridan biri - axborot-kutubxonachilik darslarini tashkil etish hisoblanadi.

Axborot olish, u bilan ishlashning asosiy usullari haqida ma'lumot berish axborot-kutubxonachilik darslarining negizini tashkil etadi. Ushbu darslarda axborot bilan ishlash, kitob bilan tanishish, kitobni bevosita o‘qish, eng muhimi, uni uqish, o‘rganish malakalari singdirib borilishi kerak. Shuningdek, elektron kutubxonadan foydalanish, elektron kataloglar, ma'lumotlar bazalari haqida axborotga ega bo‘lish, ulardan foydalanishni o‘rganish kabilar kiradi. Bu esa o‘z-o‘zidan amalga oshadigan, jo‘n narsa emas, albatta. Buning uchun axborot-kutubxona muassasalari mutaxassislaridan juda keng bilim, mahorat talab qilinadi. Axborot-kutubxonachilik darslarini qay tarzda tashkil etish mumkin, degan savolga ham javob berib o‘tish lozim. Tajriba shuni ko‘rsatadiki, axborot-kutubxonachilik darslarini o‘tkazish uchun sinfdan tashqari darslar va tarbiyaviy soatlardan alohida soatlar ajratib olish mumkin. Dars jadvali tuzishda asosan sinflar soni, nazariy va amaliy dars soatlari, o‘qituvchi va kutubxonachi o‘tkazadigan soatlar, darsni o‘tkazish joyini, ya'ni sinfda yoki axborot-kutubxona muassasasida o‘tkazilishini aniqlab olish zarur.

Ayni paytda bir necha tashkiliy masalalarni ham hal etish zarur. Chunonchi, ko‘pgina o‘qituvchilar dars berish uslubiyotini yaxshi egallagan bo‘lsalar-da, axborot-kutubxonachilik sohasida yetarli bilim va malakaga ega bo‘lmaydilar. Kutubxonachilar esa aksincha. Shu sababli ham o‘qituvchilarga axborot-kutubxonachilik sohasidan ma'ruzalar o‘qib, ularni axborot-kutubxonalar faoliyati bilan tanishtirish, kutubxonachilarga esa dars o‘tish qoidalari, uslubiyotini o‘rgatish muhimdir. Bizningcha, hozirgi kun talablaridan kelib chiqqan holda o‘quvchilarda axborot olish madaniyatini tarbiyalashning o‘ta muhimligini hisobga olib axborot-kutubxonachilik darslarini ommalashtirish, yo‘lga qo‘yish zarur. Avvalo, buning uchun masalaning tashkiliy jihatini hal etish, ya'ni axborot-kutubxonachilik darslarini yo‘lga qo‘yish yuzasidan qaror qabul qilish, shu qarorga asosan umumiy o‘rta ta'lim muassasalari va axborot-kutubxona muassasalar faoliyatini muvofiqlashtirish, axborot-kutubxonachilik darslarini tashkil etish va o‘tkazishning aniq shakllarini ishlab chiqish zarur.

Bolalar kitobxonligini shakllantirishda maktab hamda ota-onalar zimmasiga nihoyatda murakkab va mas'uliyatli vazifa yuklanadi. Buning uchun ota-onalarning o‘zi ham yuksak didga ega va ma'rifatli va bilimli bo‘lishlari kerak. Ma'lumki, bola kitob o‘qishni bilgan taqdirdagina, kitob uning ma'naviy hayotida muhim rol o‘ynaydi. Kitob bolaning ma'naviy boyishi uchun uni ma'naviy, aqliy, estetik o‘sishga yo‘llashi zarur. Buning uchun dastlabki turtki oilada bolaga o‘qib berilgan birinchi kitob bo‘lsa, ikkinchisi, bola otasi va onasining o‘qishini eshitib, badiiy obrazlar go‘zalligini tasavvur qilishi, kitob bilan ana shu birinchi va ikkinchi uchrashuv bolaning keyingi o‘smirlik davrida uning ma'naviy hayotining barcha sohalari: mehnat, o‘yin, musiqa, bolalar ijodi bilan bog‘liq bo‘lib, uni hayotining hamma tomonlarini qamrab olishi zarur. Chunki, bola hayotini ijodiy mehnat, ertaklar olami, fantaziyalar, o‘yin va musiqasiz tasavvur etish qiyin. Bularning barchasini kitobxonlik ham qamrab olsa, uning hayoti mazmunsiz, voqea-hodisalarning tub mohiyatini anglab olishga harakat qiladigan, turmush ziddiyatlarini tushunadigan aql-zakovatli ma'nan barkamol shaxs bo‘lib yetishishiga yordam beradi. Ana shunday aql-zakovatni shakllantiruvchi, inson ma'naviy dunyosini boyituvchi vosita - bu kitob, kitobxonlikdir.

Haqiqatan ham, kitobxonlik insonni barkamollikka yo‘llasa, uni o‘qimaslik johillikka, ma'rifatsizlikka olib kelib, natijada bolada qashshoqlik yuzaga keladi. Maktabda, oilada muhim vazifa - kitobxonlikni inson hayotida zaruriyatga aylantirishdan iborat. Agar kitobxonlik zaruriyatga aylanmasa, oilada ham, maktabda ham unga mehr-muhabbat, e'tibor kuchaytirilmasa, farzandni kitobga bo‘lgan munosabatini o‘zgartirish mumkin emas.

Oila kitobxonligi bu - oila a'zolarining aql-zakovati va yuksak ma'naviyatini shakllantiruvchi, inson ma'naviy dunyosini boyituvchi, kitobga mehr-muhabbat hamda uni zaruriyatga aylantirishning ma'lum tizimidir. Bu tizim o‘smirlarning aqliy, ma'naviy, axloqiy, estetik rivojlanishi tizimidan iborat bo‘lib, o‘zbek oilalarining kitobxonlikka doir boy an'anasi va hozirgi davrda to‘plangan boy tajribasiga asoslanadi.

O‘zbek oilasi bugun eski totalitar jamiyat mafkurasi singdirilgan kitoblardan voz kechmoqda. Yangi mazmun va mohiyatga ega bo‘lgan kitoblar tanlanmoqda. Bu jarayonda kitobxonlik pasayganday ko‘rinsa ham, aslida u sifat jihatdan yangi bosqichga ko‘tarilmoqda.

https://buxdu.uz



Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ma'naviyati rivojlanib boruvchi faol jarayon. Shu sababli ota-ona kitobdan foydalanishda quyidagi omillarga e'tibor berishlari lozim:

1. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida kitob o‘qish ishtiyoqini shakllantirish nihoyatda murakkab jarayondir. Bu masala ularlarning kitobxonlikka bo‘lgan munosabatini belgilaydi. Tan olish kerak, boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining bugungi kitobxonlik darajasi qoniqarli emas. Bu ijtimoiy muammodan chiqib ketishning yagona yo‘li ota-onaning yordamga kelishidir. Maktabda o‘qituvchi, uyda ota-ona bolada kitob o‘qish ko‘nikmasini hosil qilishi kerak. Bunda oddiydan murakkablikka, ya'ni murakkabligi jihatidan normal, bolaning kamolot darajasiga mos bo‘lgan kitoblar tanlash qo‘l keladi.

2. Kitob tanlashda bolaning ma'naviy darajasini hisobga olish lozim. Ota-onaning bolada kitob o‘qish ko‘nikmasini hosil qilishdagi ilk vazifasi kitob tanlashga yordam berishdir. Ularning saviyasiga mos bo‘lgan adabiyotlarni keng targ‘ib qilish bolalarni jamiyatning munosib fuqarosi, mustaqil davlatimizning yetuk, barkamol insonlari bo‘lib yetishishi uchun va ma'naviyatining yuksakligi bilan oilasiga va jamiyatga foyda keltirishga olib keladi. Buning uchun oilada kitobxonlik ruhi bo‘lishi kerak. Kitob tanlashda bolaning yosh xususiyatini hisobga olish uning ratsional o‘sishiga olib kelsa, ma'naviy darajasini hisobga olish esa intellektual rivojlantiradi. Bu esa ratsionallikdan ko‘ra keng qamrovli va samaralidir. Oiladagi kitobxonlik ruhi bevosita bola ruhiyatiga ham ta'sir etadi, shu sababli, bunda birinchi galda badiiy adabiyotni, keyinchalik ixtisosliklar bo‘yicha kitoblarni tavsiya etish mumkin.

3. Kitob tanlashga ixtisoslashish. O‘qituvchi, ota-ona o‘smirni kitobxonga aylantirib borishida uni ixtisoslashtirib borish yo‘lini tutishi kerak. Bu borada eski texnologiya - bola yuqori sinfga o‘tganda ixtisoslashtirish kerak, degan fikrdan voz kechish lozim.

Aksincha, dastlabki (boshlangich) bosqichlardanoq bolaning ma'naviy dunyosi, tarbiya muhiti, qiziqishi, dunyoqarashi va ruhiy xususiyatlari hisobga olinib, ixtisoslashtirilib borilishi kerak. Bu tajriba Amerika ta'lim tizimida o‘zini oqlagan. Ularda bolani 12 yoshga qadar ixtisoslashtirishga harakat qilinadi va shunga qarab kitob tanlab beriladi. Bu dastlab mutaxassislarni cho‘chitgan edi, lekin Amerika ta'lim tizimining keyingi 30 yillik tajribasi o‘smirlarni boshlang‘ich sinflardayoq ixtisoslashtirish samarali ekanligini isbotladi. Natija o‘smirda mustaqil fikrlash va harakat qilishga intilishning paydo bo‘lishiga erishildi.

Kitob tanlashda faqat o‘zbek adabiyotigina emas, qardosh va chet el adabiyoti namunalaridan ham bolalarga tavsiya etish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Sh.Peroning “Qizil shapkacha”, aka-uka Grimmlar, M.Tven, X.K. Andersen, J.Rodari, J.Svift, R.Hamzatov, N.Dumbadze, Ch.Aytmatov, A.S.Pushkin asarlari, K.D.Ushinskiy, L.N.Tolstoy, S.Marshakning hikoyalari doimo bolalar uchun qiziqarli.

Oilalarda yana bir muhim muammo - kitobni asrash va uni o‘zidan keyingi oila a'zolariga yoki boshqalarga yetkazishdir. Ko‘pincha biz kuzatgan oilalarda kitob tanlash, uni o‘qishga e'tibor beriladi-yu, lekin avaylab-asrashga, kitobga mehrni tarbiyalashga befarq qaraydilar. Kuzatishlar natijasida darsliklar, juda ko‘p rangli bolalarbop kitoblar yirtilib, chizilib, axlat qutilariga tashlanganligining guvohi bo‘ldik. Bolalarga “Kitob ham nondek aziz”ligini tushuntirishda kattalarning o‘zi ibrat bo‘lishi zarur. Ajdodlarimiz doimo qog‘ozni uvol qilmanglar, uni avaylab-asranglar deb kelganlar. Bu an'anani yosh avlod ongiga singdirish bir tomondan bolalarda kitobni asrash eng muhim insoniy xislat sifatida shakllantirsa, ikkinchi tomondan hozirgi bozor iqtisodi sharotida kitob zahirasini yaratish muhim omil sanaladi. Ayniqsa, serfarzand oilalarda xoh darslik bo‘lsin, xoh badiiy yoki ommaviy adabiyotlar bo‘lsin, ular har bir xonadon a'zosiga o‘zidan keyingi oila a'zolariga ham kerakligini tushuntirish asosiy vazifalardandir.

Boladagi barcha tarbyaviy xislatlar dastlab oilada shakllanadi, demak, kitobxonlik ham o‘z oilasi a'zolari ko‘magi va ta'sirida yuzaga keladi, rivojlanadi. Kitobxonlikning yaxshi yoki sust rivojlanishida oiladagi boshqa a'zolarning kitobga, o‘qishga munosabati katta ta'sir ko‘rsatadi. Ota-ona har bir ishda, jumladan kitobga munosabat va uni o‘qishda ham bolalariga o‘rnak bo‘lishlari lozim. Oilada bola kitobxonligining faollashuvida shaxsiy kutubxonadagi kitoblarni birgalikda o‘qish va ularni muhokama qilish; ota-onaning boladan har bir javob haqidagi shaxsiy tushuncha va fikrini so‘rash, bu fikrni bildirish uchun bolaning kitob haqida mushohada yuritishni o‘rganish (aniqrog‘i o‘rganish) muhimdir.

Kitobxon - o‘quvchi oilada o‘rgangan hayotni kitobdagi hayotiy voqealar bilan boyitib, hayot haqidagi tushunchalari, insoniy fazilatlar, yaxshilik, qadriyatlarni, avlodlari hayoti bilan faxrlanish, Vatanga muhabbat, do‘stga sadoqat, hurmat, mehnatsevarlik, sabr-toqatlilik fazilatlari yuksalib boradi. Bu borada eng katta yordamchi badiiy adabiyotdir. Badiiy adabiyotda har qanday voqea-hodisa badiiy obrazlardan, ta'sirchan shaklda ifodalandiki, unda yosh kitobxon ko‘p fazilatlarni o‘rganish, ma'nan boy shaxs bo‘lib shakllanishi mumkin.

Yuqoridagi mulohazalardan ko‘rinadiki, ma’naviy barkamol kitobxon avlod tarbiyasida oila muhim va mustahkam poydevor. Shu bois jamiyatda kitobxonlikni rivojlantirish, mutolaa madaniyatini

https://buxdu.uz



takomillashtirish borasidagi har qanday faoliyatda oila bilan hamohang, hamfikr ish yuritish ko‘zlangan maqsadlarga erishishga munosib zamin yaratadi.

## Adabiyotlar

1. Matchon S. Kitob o‘qishni bilasizmi. – T.: “ O‘qituvchi “.
2. Masharipova U. Badiiy asarlarni idrok etishga tayyorlash. // Boshlang`ich ta'lim, 2010, №4.
3. Nishonov S. Ta’lim tizimida barkamol shaxs tarbiyasi. – J.: “Xalq ta’limi”, 2000-y.1-son, 12,16-b.
4. Tolipov O‘. O‘quvchilarni mustaqil ishlashda o‘qitish vositalari. – T.: “Xalq ta’limi”, 2000-y. №3.

https://buxdu.uz



**Умида АБДУРАСУЛОВА**
Наманган вилояти халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
ҳудудий маркази тилларни ўқитиш методикаси
кафедраси ўқитувчиси

# ЎҚУВЧИЛАРДА МОРФОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Ушбу мақолада морфология, морфологик компетенция тушунчалари ҳамда ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш масалалари хусусида фикр юритилади.*

***Таянч тушунчалар:*** *морфология, морфологик компетенция, компетентлик, лингвистик компетенция, замонавий технология .*

*В статье рассматриваются понятия морфологии, морфологической компетентности, а также использование современных технологий в формировании и развитии морфологической компетентности у студентов.*

***Опорные понятия****: компетенция, компетентность, лингвистическая компетенция, педагогическая технология, морфология, методы*

*In this article highlighted morphology, morphological compentence and issuies of using modern technologies in forming and improving morphological competence of students.*

***Supporting concepts****: morphology, morphological competence, competence, linguistic competence, modern technology.*

Мамлакатимизда ўзбек тилшунослигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадрият [1] эканини назарда тутган ҳолда она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришда замонавий технологиялар ўрнини белгилаш зарурати кун тартибида турган асосий вазифалардан биридир.

Барча фанлар қатори она тили бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси умумий маданиятининг зарурий элементи бўлиб, азалдан таълим-тарбия тизимида етакчи ўринни эгаллаб келган. Шунинг учун жамият она тили таълими олдига ўқувчи шахсида фикрлаш, ўзгалар фикрини англаш ва фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда саводли баён қила олиш, яъни мустақил ва ижодий тафаккурни ҳамда коммуникатив саводхонликни ривожлантириш вазифасини қўяди [2,31-б]. Она тили дарсларида ўқувчилар бажарадиган ишлар: кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, умумлаштириш каби ақлий фаолият усуллари; хаёл, диққат, хотира, тафаккур каби шахсий психик хусусиятларни ривожлантириш, қийинчиликларни енгиш, мустақил ижодий фаолият кўрсатишга самарали таъсир кўрсатади. Бу эса айни вақтда ўқувчи шахсини ривожлантиради [3, 50-б].

Маълумки, морфология сўзларнинг грамматик маънолари ва уларни ифодаловчи грамматик шаклларни ўрганадиган тилшунослик бўлими бўлиб, умумий ўрта таълим мактабларининг, хусусан, 5-,6-,7-синф ўқувчилари учун берилган амалдаги дарсликлар асосий қисмини шу бўлимга тегишли мавзулар ташкил этади. Чунки морфологияни ўрганиш ўқувчининг мустақил ва ижодий тафаккур доирасини кенгайтиради, сўзнинг турли шаклларини ўрганиш ва янги сўз ҳосил қилиш, уларни ўзаро қиёслаш ва танлаш, танлаб олинган сўзни гап таркибида ҳамда боғланишли нутқда ўринли ишлатиш кўникмаларини ривожлантиради. Уларда муайян нутқий маданият шаклланади [4, 108-б].

Биз биламизки, турли воқеа, ҳодисаларни мукаммал англаб етишимиз учун улар ўртасидаги фарқларни топиш, ўхшашлик томонини ҳам англаб етишимиз зарур бўлади. Сабаби тил ҳодисаларини ажрата олмаслик кўп ҳолатларда уларни нотўғри қўллашга олиб келади. Масалан, келишик билан эгалик, турланиш билан тусланиш. Шунинг учун морфологик компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришда тилшуносликнинг бўлимларини қиёслаб ўргатиш орқали ўқувчиларда бошқа тил компетенцияларини ҳам ривожланишига эришиш мумкин.

Ўзбек тилида сўзларга қўшимчалар қўшиш жараёнида товуш ўзгаришлари юз беради ва бунда таққослаш орқали мавзуни тушунтириш ўқувчида ҳам фонетик, ҳам морфологик компетенцияларнинг ривожланишига ёрдам беради. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ўқувчи мазкур уйғунликни амалиётга татбиқ қилиш натижасида мустақил фикрлайди, ўз имкониятларини намоён этади, бир вақтнинг ўзида барча ўқувчилар дарсга жалб қилинади, хотираси кучаяди ва таққослаш ва

https://buxdu.uz



таҳлил қилиш орқали фикрлашга одатланади. К.Д.Ушинский тафаккур ва билиш жараёнларидаги таққослашнинг жуда муҳим аҳамияти борлигини уктириб, бундай деган эди: "...таққослаш ҳар қандай тушунишнинг ва ҳар қандай тафаккурнинг асосидир. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини таққослаб кўриш йўли билан билолмасак, бошқа йўл билан билолмаймиз, агар биз ҳеч нарса билан солиштиришимиз ва фарқини билиб олишимиз мумкин бўлмаган бирор янги нарсага дуч келганимизда эди, у ҳолда биз шу нарса тўғрисида ҳеч қандай фикр ҳосил қила олмаган бўлур эдик ва унинг тўғрисида бирор сўз айта олмаган бўлур эдик".

"Морфология" бўлимини ўқитишда таққослашнинг яна бир эътиборли жиҳати бу бўлимда ўзаро ўхшаш ҳодисалар ва грамматик шакллар кўплаб учрайди. Масалан, феълнинг равишдош шакли равиш сўз туркумига, сифатдош шакли эса сифат сўз туркумига ўхшайди. Феъл ясовчи -а, -й, -ай, -са қўшимчаларига шаклдош бўлган худди шундай қўшимчалар феълнинг замон, майл шакллари ҳамда равишдошни ҳосил қилишда иштирок этади. Бу ўхшаш ҳодисалар ва шакллар ўзаро қиёслаб ўргатилмаса, шу орқали улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар тушунтирилмаса, ўқувчилар айни феъл категорияларини фарқлашда қийинчиликларга дуч келаверадилар. Уларни таққослаб ўргатиш учун ўхшаш ҳодисалар ва шакллар ёнма-ён қўйилиши лозим. Ўқувчилар уларнинг гаплар таркибида қўлланиши ва бажарадиган вазифасини ўқитувчи ёрдамида қиёслаб кўрадилар, фарқлашга ҳаракат қиладилар. Бунда замонавий технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, "Капалак" технологияси. Бунда маълумотлар капалак қанотларига ёзилади. Мазкур технология орқали ўқувчилар лингвистик компетенцияларни ўрганиш баробарида уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини топадилар.

Ушбу технологияни қўллашда дастлаб ўқувчилар кичик гуруҳларга ажратилади ва топшириқ берилади. Ўқувчилар топшириқни гуруҳда бажариб бўлишгандан сўнг ҳар бир гуруҳ тақдимоти ўтказилади. (1 расмга қаранг).

**Сифат** **Сифатдош**




Ушбу технологияни мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, феълнинг вазифа шакллари ва бошқа мавзуларни ўқитиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин.

Ўқувчиларда морфологик компетентликни шакллантиришда таққослаш тамойилига асосланиш ўрганилаётган мавзуларни онгли ўзлаштириш, аввал ўрганилган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Она тили ўқув фан сифатида маълум тизимдан иборат. Дарсликда кетма-кетликда берилган мавзулар ўқувчиларни олдинги билимларини мустаҳкамлаш билан бирга билимларни янги шароитда қўллаш имкониятини беради. Она тили таълимида ўқувчиларда морфологик компетентликни тизимли шакллантиришда:

– ўқувчи фаолияти мазмунини таҳлил қилиш;

– натижаларни олдиндан кўра билиш;

–режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг шахсий қобилиятини аниқ билиши ва буни эътиборга олиши лозим. Чунки ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, билим даражаси, топшириқларни мустақил бажара олиши ҳар хил бўлади. Ўқувчи имкониятига қараб берилган топшириқ, энг аввало, ўқувчини ўзига бўлган ишончини оширади, фанга бўлган қизиқишини кучайтиради. Бундан кўринадики, фан

https://buxdu.uz



ўқитувчиси технологиялардан фойдаланиш жараёнида ўқувчилардаги бўшлиқларни аниқлаш ва аста–секин янги билимлар билан тўлдириб бориш орқали кутилган натижага эришиши мумкин.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг"Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сонли қарори.

2. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти. –Тошкент: 2015.

3. Ғуломов А ва б. Она тили ўқитиш методикаси. –Тошкент: “Фан ва технология”, 2012.

4. Набиева Д. Холматова Г. Замонавий тилшуносликнинг муаммолари // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2016.

https://buxdu.uz



**Зулфия БОЛТАЕВА**
старший преподаватель кафедры
метрология и стандартизация Бухарского
инженерно-технологического института

# ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ПРОЕКТИРОВАНИЕ КАК ИННОВАЦИОННЫЙ КОМПОНЕНТ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ

*Maqolada institut ta'limi sharoitida o'qituvchilar faoliyatini pedagogik loyihalash masalasi obyektiv zaruriyat va shu bilan bir qatorda an'anaviy ta'lim tizimini IT-texnologiyalarga asoslangan kompyuter va telekommunikatsion texnologiyalarga asoslangan innovatsion ta'lim tizimiga aylantirish sharoitida pedagogik faoliyatning xususiyatlarini tasdiqlaydi.*

***Kalit so`zlar:*** *pedagogik dizayn, IT-texnologiyalar, institut ta'lim, innovatsiya, fazzing.*

*Статья посвящена вопросам педагогического проектирования деятельности преподавателя в условиях институтского образования, в которой обосновывается объективная необходимость и в тоже время особенности педагогической деятельности в условиях преобразования традиционной системы образования в инновационную образовательную систему, основанную на IT-технологиях – компьютерные и телекоммуникационные технологии.*

***Ключевые слова:*** *педагогическое проектирование, IT-технологии, институтское образование, инновации, фаззинг.*

*The article is dedicated to the issue of teacher pedagogical design in a university education, where substantiates the objective necessity and at the same time features of pedagogical activity in the conditions of the traditional education system transformation into an innovative educational system, based on IT-technologies - computer and telecommunication technologies.*

***Keywords:*** *pedagogical design, IT-technologies, institute education, innovations, fuzzing.*

Актуальность статьи определяется поиском новых путей подготовки конкурентоспособных специалистов в высших учебных заведениях Узбекистана.

Педагогическое проектирование становится в современных условиях важнейшим компонентом деятельности преподавателя, так как качество образовательной деятельности преподавателя во многом зависит от его проектировочных умений, которые в педагогической деятельности рассматриваются с двух сторон:

- с одной стороны, как процесс деятельности преподавателя;
- с другой стороны – его результат.

Данная проблема имела развитие с давних времен в трудах ученых, педагогов, психологов.

В России первые разработки проектов появились в 1905 году в трудах ученых исследователей С.Т. Шацкого, Н.К. Крупская [1].

В Республике Узбекистан, модернизация системы образования, происходящая в последние годы направлена на поиск оптимальных путей совершенствования обучения и воспитания, главной целью которых является профессиональная подготовка конкурентоспособных кадров для рынка труда и самореализация личности.

Мы считаем, что решение данной проблемы возможно на основе педагогического проектирования, которая включает в себя анализ, диагностику, прогнозирование деятельности, структурирует и упорядочивает как преподавательскую, административную, воспитательную деятельность.

Теоретический анализ рассматриваемой нами проблемы свидетельствует, что большинство учёных (В.П. Беспалько, В.А. Сластенин и др.) сущность понятия «педагогическое проектирование» изучают во взаимосвязи.

Сопоставляя различные определения данного понятия в научной литературе, мы разделяем точку зрения авторов, что педагогическое проектирование рассматривается в двух аспектах:

во-первых, как процесс;

во-вторых, как результат деятельности;

Педагогическое проектирование – это вид деятельности, имеющий свою специфику; способ, способствующий развитию личности; управленческая процедура.

Основным условием педагогического проектирования является создание наиболее благоприятных условий для саморазвития и самореализации личности обучающихся.

Деятельность по проекту включает государственную стандартизацию образования, разработку учебных и рабочих программ, выполняемых высшими учебными заведениями, а именно оценку

https://buxdu.uz



фаззинга [2] (разновидность программного обучения) и организационной логики педагогического процесса, а также прогнозирование личностного и профессионального развития субъектов.

Педагогическое проектирование деятельности преподавателя в условиях университетского образования реализуется на основе совокупности использования методов обучения (Таблица 1).

Таблица 1 – Методы обучения

| № | Группа методов обучения | Методы обучения |
|---|---|---|
| 1 | Словесные методы | объяснение, беседа, дискуссия, лекция, семинар, изложение, экскурсия. |
| 2 | Наглядные методы | метод иллюстраций, метод демонстраций. |
| 3 | Методы практического обучения | упражнения, творческие работы, лабораторные работы, практические занятия. |
| 5 | **Активные методы обучения** | диалог, деловая игра, обучение в сотрудничестве, метод проектов, уровневая дифференциация. |

Педагогическое проектирование деятельности преподавателя в условиях университетского образования выдвигают дополнительные требования к качеству разрабатываемых учебных материалов – Электронный учебно-методический комплекс дисциплины (ЭУМКД), который размещен в программе.

Теоретический и практический анализ показал, что педагогическое проектирование как инновационный компонент деятельности преподавателя в условиях университетского образования может быть эффективным, если он не просто вписывается в уже существующую образовательную систему, а входит как равноправный элемент в инновационную образовательную систему (Рисунок 1).




Рисунок 1 – Элементы инновационной образовательной системы

Необходимо отметить, что для педагогического проектирования, необходимо из учебного материала выбрать те темы лекций, практических, лабораторных занятий, а также самостоятельных работ, которые подлежат проектированию.

Педагогическое проектирование способствует использованию компьютерных технологий на занятиях, позволяя моделировать различные процессы и явления, ибо натуральная демонстрация в лабораторных условиях технически очень сложна, либо просто невозможна [4].

Опытно-экспериментальная работа показала, что педагогическое проектирование является процессом бесконечным, в связи с этим, побудительными причинами для совершенствования учебного курса могут быть мотивы:

-внутренние мотивы – стремление к профессиональной самореализации;

https://buxdu.uz



-внешние мотивы – повышение квалификации или изменения внешних условий педагогической деятельности (изменение состава и характера внешних требований к курсу, изменение часов для проведения аудиторных занятий и т. д.), нечеткость границ существования педагогических инноваций.

Реализовать на практике в полном объеме задуманное в рабочей программе учебной дисциплины не всегда возможно в силу неготовности и социально-педагогической среды, и самого преподавателя следовать своему же проекту на практике, что требует от него больших, чем обычно затрат на перестройку привычного ритма занятий, отказа от стереотипов в педагогической деятельности; сложность и неоднозначность определения результатов инноваций, а также многое зависит и от личности обучающихся.

Поэтому, затраты времени и сил на педагогическое проектирование должны быть замечены и оценены руководством учебного заведения, а преподаватели должны быть заинтересованы в занятиях педагогическим проектированием и в практической реализации своего педагогического проекта [5].

Основные принципы педагогического проектирования:

- Конкретная цель.
- Эмоциональная вовлеченность участников.
- Доверие.
- Прозрачность сбора средств.
- Полное удобство.
- Результативность.

Мы разделяем точку зрения авторов, что важнейшим результатом педагогического проектирования является не только собственно педагогический проект, но и формирующаяся в ходе процесса педагогического проектирования способность преподавателя принимать перемены, определять собственную позицию по отношению к ним, умение критически оценивать свой проект и сделать педагогическое проектирование обязательным компонентом своей профессиональной деятельности [6].

Выпускники БМТИ отмечают позитивный уровень полученных теоретических знаний и приобретение практических профессиональных компетенций.

Одним из важных этапов педагогического проектирования в период вузовского обучения является творческий подход, который может рассматриваться как:

- поиск наиболее простого решения (через призму высших ценностей);
- умение и желание привносить что-то свое уникальное в любую повседневную рутину;
- способ стимулирования творческой активности, обеспечивающий развитие профессионально важных уникальных качеств.

Таким образом, педагогическое проектирование является процессом, основная цель которого совпадает с целями профессорско-преподавательского состава и обучающихся.

Объективные трудности возникающие при педагогическом проектировании можно учесть в рамках специально разработанной программы методической поддержки преподавателя в процессе проектирования, где педагогическое проектирование, предшествующее построению учебного процесса, может изменить в корне осознание целесообразности своей деятельности и впоследствии саму эту деятельность как отдельных преподавателей, так и педагогического коллектива в целом.

Педагогическое проектирование становится инновацией в деятельности преподавателя, если его результаты вносят в учебный процесс относительно стабильные, воспроизводимые элементы.

Педагогическое проектирование в сочетании с современными информационными технологиями повышают эффективность профессиональной подготовки конкурентоспособных кадров в соответствии с заказом современного общества.

**Литературы**

1 Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. – М.: “Просвещение”, 2010.

2 Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. Инновационный курс. Книга 2. – Казань. Изд-во Казанского университета, 2008. – 317 с.

3 Беспалько В.П., Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно- воспитательного процесса подготовки специалистов. – М.: “Высшая школа”, 2009. –142 с.

4 Бургин М.С. Инновации и новизна в педагогике // Советская педагогика. – 2009. – №12. – С. 36-41.

5 Непрерывное педагогическое образование. Вып.2: Методическое обеспечение психолого-педагогических дисциплин. – СПб.: “Образование”, 2013. – 139 с.

6 Сластенин В.А. Педагогика: инновационная деятельность. / В.А. Сластенин, Л.С. Подымова. – М.: ИЧП “Изд-во Магистр”, 2007.

https://buxdu.uz



**Санобар АКБАРОВА**
Республика спорт тиббиёти илмий-амалий
маркази катта илмий ходими,
психология фанлари номзоди

# ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАРИДА ВИЗУАЛЛАШТИРИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Визуаллаштириш қобилияти когнитив қобилият ҳисобланиб, уни 15-16 ёшли ўсмирларда ўрганиш учун "Букланган қоғоз" тести стандартлаштирилди. Тадқиқотда Ўзбекистоннинг турли вилоятлари мактабларида 9-синфда таҳсил олувчи 994 та (521 та ўғил бола ва 473 та қиз бола) ўқувчи қатнашди. Ўғил ва қиз болаларда визуаллаштириш қобилиятининг намоён бўлишида гендер фарқлар кузатилмади. Ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти турли фан ва касб соҳаларига қизиқиши билан боғланмаган бўлса, қиз болаларда бу қобилият математика, физика ва ҳуқуқ соҳаларига қизиқиш билан ижобий боғланган.*

***Калит сўзлар:*** *визуаллаштириш, "Букланган қоғоз", қобилият, тест, стандартлаштириш, баҳолаш, касбга йўналтириш.*

*Визуализация является когнитивной способностью, и тест «Сложенная бумага» был стандартизирован для изучения подростков в возрасте 15–16 лет. В исследовании приняли участие 994 ученика 9-х классов (521 мальчик и 473 девочки) в школах разных регионов Узбекистана. При проявлении способности к визуализации у мальчиков и девочек половых различий не наблюдалось. Хотя способность к визуализации у мальчиков не была связана с интересом к различным наукам и профессиям, у девочек эта способность была положительно связана с интересом к математике, физике и праву.*

***Ключевые слова:*** *визуализация, "Сложенная бумага", способности, тест, стандартизация, оценивание, профориентация.*

*Visualization is a cognitive ability, and the "Paper Folding" test has been standardized for study that ability in adolescents aged 15–16 years. The study involved 994 9th grade school pupils (521 boys and 473 girls) in different regions of Uzbekistan. No gender differences were observed in the manifestation of visualization ability in boys and girls. While visualization ability in boys was not associated with interest in various sciences and professions, in girls this ability was positively associated with interest in mathematics, physics, and law.*

***Keywords:*** *visualization, "Paper Folding", ability, test, standardization, assessment, career guidance.*

**Кириш.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар барча соҳаларни тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Бу эса ўз ўрнида ёшларнинг келажакка ва ўз кучларига таянган ҳолда жамиятда муносиб ўрин топишларига бўлган умидларини янада кучайишига сабаб бўлмоқда.

Албатта ишончнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бу ишонч жамиятимиздаги фаолият олиб борувчи ижтимоий институтлар, ва энг асосийси, таълим масканларида хизмат қилувчи педагог ва психологларнинг тегишли фаолиятларининг такомиллаштирилиши билан мустаҳкамланиши зарурдир. Лекин педагог ва психологларнинг фаолиятлари фақат белгиланган стандартлар қобиғида чегараланиб қолаяпти ва уларнинг ривожланиши кўпроқ олимларимизнинг илмий фаолиятига боғланиб қолмоқда. Шундай экан, бу соҳани ривожлантиришда олимларимизга янада катта масъулият юкланади. Улардан бир неча ўн йиллардан бери ривожланган хорижий мамлакатларда аллақачонлар таълим бериш ва ёшларни ўз ҳаёт йўлларини, касб фаолиятларини танлашга доир қилинган ноёб илмий ишларини ўрганиб Ўзбекистон шароитига олиб кириш ва бу ютуқлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш талаб қилинади.

Ёшларнинг қобилияти ва иқтидорига давлат томонидан ҳам катта эътибор берилаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Жумладан, 2019 йил 9 сентябрьдаги ПФ-5815-сон "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони [1] ҳамда 2020 йил 7 майда "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Бугунги кунда математика, физика, кимё ва биология фанлари мутахассисликлари доирасида фаолият олиб борилишида муҳим бўлган когнитив қобилиятларни [2] ўрганувчи тестларни 9-синф ўқувчилари учун мослаштириш ва стандартлаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, дедуктив тафаккур, индуктив тафаккур, идрок тезлиги, ҳисоб-китоб, ғоялар кўлами, визуал хотира, якунлаш тезлиги, яширинган предметни топиш, маълумот изчиллиги, ёзма изоҳлаш каби қобилиятларни аниқлашга доир тестлар республикамизнинг 15-16 ёшли ўсмирлари учун мослаштирилди ва стандартлаштирилди. Эндиликда физика ва кимё каби табиий фан доирасидаги мутахассисликлар учун зарур бўлган қобилиятлар сирасига кирувчи визуаллаштириш қобилиятини

https://buxdu.uz



ҳам ўрганувчи муайян тестни стандартлаштириш ва ушбу қобилиятнинг ўсмирларда ўрганилиши зарур ҳисобланади.

**Визуаллаштириш** – бирон нарса ёки уни қисмининг турли томонга бурилиши ёки жойини ўзгартиришидан кейин қандай кўринишда бўлишини тасаввур қилиш қобилияти [3, Б. 33].

Визуаллаштириш – бу маълумотни сиз кўрадиган расмларга айлантириш демакдир. Баъзида тарқоқ фикрларни ёрқин ақлий тасвирларни яратишга қодир бўлган ҳикояга йиғиш ҳамдир. Иккала ҳолатда ҳам, мижозлар ва уларнинг тажрибаларини визуал тарзда тасвирлаш уларни инсоний ва ҳақиқий қилади [4, Б.49].

Визуаллаштириш қобилияти дастлаб "омил" сифатида АҚШ психолог олимлари томонидан қайд этилган. Адабиётларни ўрганар эканмиз, унинг 1963 йилда унинг "визуаллаштириш" деб номланиши асосида қуйидаги таърифи келтирилганлигига гувоҳ бўлдик: "визуаллаштириш – фазовий намуналар расмини манипуляция қилиш ёки бошқа визуал тартибга солиш қобилиятидир" [5].

Визуаллаштириш қобилияти алоҳида омил бўлиб ажралиб чиқиши билан уни ўрганишга қаратилган психометрик тестлар турли ёш даврлари ва миллат популяциялари учун мослаштирилиши ва стандартлаштирилиши амалга оширила бошланган. Биз олдинги мақолаларимизда визуаллаштириш қобилиятининг ўрганилишига хизмат қилувчи бир нечта тестларнинг ўзига хос томонларига тўхталиб ўтган эдик. Шу билан бирга визуаллаштириш қобилияти ўта муҳим бўлган турли касб-ҳунар мутахассисликлари рўйхати ҳақида ҳам етарли маълумот бериб ўтган эдик [6].

Э.А.Флейшманнинг "Инсон қобилиятлари таксономияси" рўйхатида когнитив қобилиятлар қаторига яна "Фазовий мўлжал олиш" қобилияти ҳам киритилган. Бу қобилиятдан визуаллаштириш қобилиятини фарқлай олиш муҳимдир. Чунки, иккисининг аҳамияти, таърифи ва ўрганиш усуллари ҳар хилдир.

Фазовий мўлжал олиш – атрофдаги муҳитга ёки унинг ўзига нисбатан нарсанинг қаердалигини билиш қобилиятидир. Бу компаснинг нуқталарига нисбатан подшипникларда йўналтирилган йўналишни сақлашни ўз ичига олади [3, Б.31].

Олимлар визуаллаштириш қобилиятинининг намоён бўлишида гендер фарқлар кузатилиши мумкинлигини аниқлашган. Масалан, "Букланган қоғоз" тести орқали визуаллаштириш қобилияти ўрганилганда, ўсмир ёшидаги ўғил болаларнинг қиз болаларга нисбатан юқори балл олиши d=0.63 ва d=0.77 гача қайд этилган [7]. Лекин когнитив қобилиятлардаги бундай гендер фарқлар ҳамма мамлакатда ҳам кузатилавермаслиги мумкинлиги ҳам аён бўлган. Шундай экан Ўзбекистонда ёшларда мазкур қобилият қандай намоён бўлиши ўрганилмаган.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон шароитида визуаллаштириш қобилиятини 9 синф ўқувчиларида ўрганишга қаратилган методикани стандартлаштириш долзарб бўлиб, бу орқали нафақат психодиагностика ва касбга йўналтириш соҳаларининг ривожланишига, балки мазкур методика орқали ёшларнинг визуаллаштириш қобилиятининг намоён бўлиш даражасини ўрганишга ҳам эришиш мумкин. Биз тадқиқотимизда визуаллаштириш қобилиятини турли фанларга қизиқиш билан алоқадорлигини ҳам ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик, зеро ушбу масаланинг ёритилиши ўсмирлардаги қобилият ва қизиқишлар ўртасидаги ҳамоҳангликнинг қай даражада акс этишини кўрсатиб беради ва келгусида касбга йўналтириш ишларини янада такомиллаштириш учун илмий база яратиб беради. Мақоламиз мана шу вазифани амалий жиҳатдан ёритиб беришга қаратилади.

**Синалувчи респондентлар.** 2018–2020 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотимизда республикамизнинг турли вилоятларида жойлашган, жумладан, шаҳар, туман маркази ва қишлоқларни қамраб олган ҳолда умумий ўрта мактаблар ва аниқ фанларга ихтисослашган ИДУМ ўқувчилари жалб қилинди. Умумий сонда 9 синфда таҳсил олувчи 994 та (521 та ўғил бола ва 473 та қиз бола ўсмирлар) ўқувчилар тадқиқотда қатнашдилар. Синалувчиларнинг 15-16 ёшда бўлиб, тадқиқот Жиззах (Зомин т.-31), Наманган (Жумашуй т.-13), Бухоро (Қоракўл т.- 1-ИДУМ, 18, 20), Хоразм (Ургенч ш.- 12, 14; Хива ш.-17-ИДУМ), Қашқадарё (Қарши ш.-8, 21, 41-ИДУМ) ва Тошкент (Ўртачирчиқ т.- 72-ИДУМ; Оҳангарон т.-49; Тошкент т.-8; Нурафшон ш.-10; Тошкент ш.- 98, 107, 135, 172, 202, 273, 291, ТФИДУМ) вилоятларининг ўрта таълим муассасаларида олиб борилди.

**Метод.** Визуаллаштириш қобилиятини ўсмирларда ўрганиш учун "Букланган қоғоз" тести танланди. Ушбу тест дастлабки синовларда "Фазовий шакл қуриш" тестига нисбатан ўқувчилар томонидан кўпроқ тушунарлироқ ва равшанроқ англанганлиги сабабли айнан мана шу тест танлаб олинди. Қизиғи шундаки, "Букланган қоғоз" тести жаҳон миқёсида психолог олимлар томонидан кенг қўлланилганлигига қарамай, унинг муаллифи номаълумлиги эътироф этилади [3] ва унинг дастлабки стандартлаштирилиши ҳақидаги маълумотлар 1930 йилларга тегишли бўлиб, АҚШнинг Миннесота университети фаолияти билан боғланади.

“Букланган қоғоз” тести 2 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмида 10 тадан топшириқ берилади. Топшириқлар мазмуни асосан қуйидагича: бир варақ қоғознинг турли кўринишда букланиши штрих чизиқлар билан кўрсатилади; ушбу букланган ҳолатида унинг бир жойи тешилади; ўқувчилар қоғозни қайта ёйилган ҳолатига келтиришни фақат мияда тасаввур қилган ҳолда амалга оширадилар; ёйилган қоғозда тешиклар қандай ҳолатда жойлашишини топишлари сўралади; ўқувчилар берилган бешта жавоб вариантларидан битта тўғри жавобни танлаб жавоб устунининг тегишли катагига жавоб вариантини белгилайдилар. Қуйида мазкур тестнинг йўриқномасини келтирамиз:

Букланган қоғоз тести

Ушбу тестда қоғоз варағининг турли букланиши ва шу ҳолатда тешилиши ёки қирқилиши берилади. Сиз шу букланган қоғознинг қайта ёйилишини тасаввур қилиб унинг қандай кўринишда акс этишини топишингиз керак бўлади. Ҳар бир тест вертикал чизиғининг чап томонида қоғознинг букланиши ва ўйилиши кўрсатилган. Вертикал чизиқнинг ўнг томонида шу қоғознинг қайта ёйилишида бўлиши мумкин бўлган бешта ҳолати кўрсатилган. Сиз мана шу бешта ҳолатдан битта тўғрисини кўрсатишингиз сўралади.

Мисол.




жавоб

Бу ерда тўғри жавоб - C жавобдир. Унинг тўғрилигини исбот қилиш учун қоғознинг букилиши ва ёйилиши босқичларини кўриб чиқамиз.



Тўғри жавобларни ўнг томондаги устунга ёзишингиз керак бўлади.




Жавоб

C

Тест икки қисмдан иборат. Ҳар бир қисмни бажаришга 3 дақиқа вақт берилади. “Старт” сўзи айтилганда тестни 1-қисмини ишлашни бошланг ва “Стоп” сўзидан кейин тўхтатинг. 2-қисмга ҳам алоҳида “Старт” берилади ва “стоп” сўзи билан тўхтатилади. Таваккал қилиб белгиламанг. Қайси бирини ишлай олмасангиз жавобсиз қолдиринг. Тестнинг асосий мақсади сизни 3 дақиқада қанча мисолни тўғри ишлашингизни аниқлашдан иборат.

Саволларингиз бўлса, тест бошлангунча инструктордан сўраб билиб олинг.

Тестдаги ҳар бир тўғри бажарилган топшириқ бир балл билан баҳоланди. “Букланган қоғоз” тестидан тадқиқотимизда топшириқлар мазмуни ва тузилмасига ҳеч қандай ўзгартириш киритилмаган ҳолда фойдаланилди. Шунинг учун ҳам бу ерда тестнинг ишончлилигини текшириш жараёнига зарурият бўлмади.

https://buxdu.uz



Шу билан бирга ёшларнинг турли фан соҳаларига бўлган қизиқишларини ўрганишда А.Э.Голомштокнинг 174 саволдан иборат “Қизиқишлар харитаси” методикаси ҳам қўлланилди [8].

**Натижалар ва муҳокама.** “Букланган қоғоз” тести бўйича олинган натижалар ўғил ва қиз болаларда алоҳида таҳлил қилинди. Ушбу натижалардаги баллар тақсимоти 1- ва 2-гистограммаларда акс этган.

**Гистограмма 1. Ўғил болаларда “Букланган қоғоз” тести баллари тақсимоти**




**Гистограмма 1. Қиз болаларда “Букланган, тешилган қоғоз” тести баллари тақсимоти**




Олинган натижалар психометрик тестларни стандартлаштиришга қўйилган меъёрлар асосида тегишли статистик таҳлилдан ўтказилди ва визуаллаштириш қобилиятини мазкур тест орқали баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди (1-жадвал).

**Жадвал 1. 15-16 ёшли ўсмирларни визуаллаштириш қобилиятини баҳолаш мезонлари (“Букланган қоғоз” тести асосида)**

| Визуаллаштириш | Ўғил болаларда баллар | Қиз болаларда баллар |
|---|---|---|
| Жуда паст | 1-3 | 1-3 |
| Пастроқ | 4-5 | 4-5 |
| Ўрта | 6-11 | 6-11 |
| Яхши | 12-13 | 12-14 |
| Юқори | 14-20 | 15-20 |
| Дисперсия | 14,10 | 14,36 |
| Стандарт четга оғиш | 3,75 | 3,79 |
| Ўртача қиймат | 8,52 | 8,81 |

https://buxdu.uz



Визуаллаштириш қобилиятидаги гендер фарқларни ўрганишда хорижда асосан Кохен [9] томонидан тақдим этилган қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$d = \frac{\text{Xўғ} - \text{Xқ}}{\sqrt{\frac{\text{SDўғ}^2 + \text{SDқ}^2}{2}}}$$

Бу ерда $X_{\text{ўғ}}$ — ўғил болаларда олинган натижаларнинг умумий ўртача қиймати; $X_{\text{қ}}$ — қиз болаларда олинган натижаларнинг умумий ўртача қиймати; $SD_{\text{ўғ}}$ — ўғил болаларда олинган натижаларнинг стандарт четга оғиши; $SD_{\text{қ}}$ — қиз болаларда олинган натижаларнинг стандарт четга оғиши.

Формулага асосан биз ўрганган ўсмирларда визуаллаштириш қобилиятидаги гендер фарқ даражаси d=0,07 га тенг. Бу қиймат икки гуруҳ ўртасида фарқ йўқлигини англатади. Демак, тадқиқотимиз бошқа олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларига зид равишда гендер фарқланишни кўрсатмади. Кўпчилик олимларнинг фикрича турли мамлакатлардаги қобилиятларнинг гендер жиҳатдан фарқланишига оид ўрганилган тадқиқотларда турли натижаларнинг қайд этилишига сабаб мамлакатлардаги гендер тенгсизликларнинг даражаси билан изоҳланади. Яъни олимлар гендер тенглик кўрсаткичлари юқори бўлган мамлакатларда когнитив қобилиятларнинг ва, айниқса, математик қобилиятларнинг гендер жиҳатдан фарқланиши камайиб йўқолиб боради [10].

Натижаларни таҳлил қилишнинг кейинги босқичида визуаллаштириш ва турли соҳаларга бўлган қизиқиш ўртасида боғланиш таҳлил қилинди. 100 та қиз болаларнинг натижаларида визуаллаштириш қобилиятининг энг юқори даражада корреляция коэффициентлари қайд этилган соҳалар физика (0,360), математика (0,334) ва ҳуқуқ (0,236) соҳалари қайд этилди.

100 та ўғил болаларнинг худди шу кўрсаткичлари таҳлили натижаларида кутилмаган ҳолатлар қайд этилди. Яъни ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти қиз болалардан фарқли равишда ҳеч бир соҳада ҳатто, 0,100 га яқин бўлган ижобий боғланиш кўрсаткичлари ҳам қайд этилмади. Шундай бўлсада, нисбатан кичикроқ қийматга эга бўлган тўғри пропорционал боғланишлар қурилиш (0,038), элетротехника (0,099), физика (0,066), енгил ва озиқ-овқат саноати (0,044), геология (0,030) ва география (0,021) соҳаларига тўғри келди. Бу рўйхат қаторига математика фани кирмаганлиги жуда таажжубли ҳолатдир. Демак, ўсмир ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти ва математика соҳасига қизиқиши ўртасида боғланиш мавжуд эмас. Биз бу ҳолатга урғу беришимизнинг сабаби, кўпгина олимлар олиб борган тадқиқотларда математик қобилиятлар ва визуаллаштириш қобилияти ўртасида доим тўғри пропорционал боғланиш қайд этилиб келган. Албатта биз юқорида таажжуб билдирган ҳолатда ўрганилган психологик хусусиятнинг иккиси ҳам қобилият эмас, яъни бири қобилият (визуаллаштириш), иккинчиси эса қизиқиш (математика). Шунинг учун биз тадқиқотимиз доирасида эришилган кенг имкониятдан фойдаланиб, математик тафаккур, ҳисоб-китоб қобилияти ва визуаллаштириш қобилиятлари ўртасидаги муносабатларни корреляция усули билан текшириб кўришга ҳам қизиқдик. Натижаларда ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти дарҳақиқат матемамтик тафаккур қобилияти билан ҳам (0,451), ҳисоб-китоб қобилияти билан ҳам (0,416) юқори даражадаги ижобий боғланишга эгалиги кўринди.

Ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти хорижий тиллар (-0,236) ва педагогика (-0,236) соҳалари билан энг катта тескари пропорционал боғланишга эгалиги қайд этилди. Қиз болаларда мутлақо ўзгача бўлган натижалар акс этди, яъни уларда визуаллаштириш қобилияти билан энг юқори тескари пропорционал боғланган соҳа мусиқа (-0,146) ва жисмоний тарбия (-0,124) соҳалари билан характерланди.

Ўзбекистон шароитида когнитив қобилиятларни ўрганишга хизмат қилувчи тестларни мослаштириш ва стандартлаштиришга оид тадқиқотимизда умумий жиҳатдан 15 хил когнитив қобилиятларга урғу берилган бўлиб, турли вилоятларда ўтказилган синов жараёнларида катта миқдордаги эмпирик маълумотлар жамланган эди. Шу боис, мазкур тадқиқотимизда ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти билан бошқа когнитив қобилиятлар ўртасидаги муносабатни ўрганишга ҳам имконият мавжуд бўлди. 15 хил когнитив қобилиятлар булар: математик тафаккур, ҳисоб-китоб, дедуктив тафаккур, индуктив тафаккур, маълумот изчиллиги, оригиналлик, ғоялар кўлами, ёзма матнни тушуниш, ёзма изоҳлаш, идрок тезлиги, яширин предметни топиш, якунлаш тезлиги, ихтиёрий диққат, хотира (визуал) ва муаммони ҳис қилиш қобилиятларидир. Визуаллаштириш қобилияти мазкур ўрганилган бошқа когнитив қобилиятларнинг ичида ўғил болаларда энг кучли ижобий боғланишга эга бўлган когнитив қобилият бу яширин предметни топиш қобилияти эканлиги аниқланди (0,611). Қиз болаларда ҳам энг юқори ижобий боғланиш яширин предметни топиш қобилиятига тўғри келди (0,332), лекин унинг қиймати ўғил болаларда қайд этилган қийматдан икки

https://buxdu.uz



баравар кичикроқдир. Дарҳақиқат яширин предметни топиш қобилияти тестида синалувчи визуаллаштиришга оид қобилиятга ҳам эга бўлиши керак, у кўп сонли чизиқлар ва тасвирлар ичидан олдиндан берилган намунани ажрата ола билиши керак. Шунинг учун ҳам визуаллаштириш ва яширин предметни топиш қобилиятлари ўртасида катта ўзаро боғланиш намоён бўлди. Афсуски, тадқиқотимизда фазовий мўлжал олиш қобилияти алоҳида ўрганилмади. Бизни назаримизда визуаллаштириш қобилияти мана шу фазовий мўлжал олиш қобилияти билан янада кучлироқ боғланишга эга. Чунки бу икки қобилиятни АҚШ олими Флейшман бир турдаги қобилиятлар синфига киритгандир.

**Хулоса.** Ўзбекистонда визуаллаштириш қобилияти 15-16 ёшли ўсмирларда ўғил ва қиз болаларда намоён бўлишида гендер фарқланиш мавжуд эмас. Ўғил болаларда визуаллаштириш қобилияти ва турли фанларга бўлган қизиқиш ўртасида кучли намоён бўлувчи тўғри пропорционал боғланишлар мавжуд эмас, яъни ушбу қобилиятнинг қай даражадалиги уларнинг қизиқишларига таъсир қилмайди. Лекин қиз болаларда визуаллаштириш қобилияти ва математика, физика ва ҳуқуқ соҳаларига қизиқиш ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд. Демак, қиз болаларда визуаллаштириш қобилияти юқори бўлса, уларнинг аниқ фанларга (математика ва физика) ҳам қизиқишининг даражаси ҳам ошиб борар экан. Ўсмирларда визуаллаштириш қобилияти яширин предметни топиш қобилияти билан юқори боғланишга эга ва бу боғланиш қиз болаларга нисбатан ўғил болаларда икки баравар кучлироқ акс этган. Ўрганилган адабиётлар ва тадқиқотимиз натижалари таҳлиллари асосида қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. 15-16 ёшли ўсмирларни визуаллаштириш қобилиятини ташхис қилишда юқорида баҳолаш мезонлари келтирилган, стандартлаштирилган “Букланган қоғоз” тестидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Дизайнерлик, мухандислик, архитектор, пардозчи каби касб-ҳунар соҳаларига қизиқувчи ёшлар махсус тренинглар ёрдамида (асосан “Букланган қоғоз” тести топшириқларига ўхшаш ва бошқа масалаларни ечишни машқ қилиши) ўзларининг визуаллаштириш қобилиятларини ривожлантиришлари керак.

3. Мактаб битирувчиларини касбга йўналтириш ишларини олиб боришда ўқувчиларнинг қизиқишлари билан бирга турли қобилиятларини ҳам ташхис қилиб юқори даражада намоён бўлувчи қобилиятларини ҳам ҳисобга олиш керак.

## Адабиётлар

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 10.09.2019 й., 06/19/5815/3717-сон

2. Akbarova S.N. Abilities in psychograms of natural sciences specialties // Psycho-pedagogical problems of a personality and social interaction: materials of the XI international scientific conference. –Prague (Czech Republic). May 15–16, 2020. Pp. 5–9.

3. Fleishman E.A., and Relly M.E. (1992). Handbook of human abilities: Definitions, measurement, and job task requirements. Bethesda, MD: Management Research Institute.

4. Liedtka, J., & Ogilvie, T. (2011). VISUALIZATION. In Designing for Growth: A Design Thinking Toolkit for Managers (pp. 49-60). New York; Chichester: Columbia University Press. doi:10.7312/lied15838.7

5. John B. Carroll, Carroll John B. (1993). Human Cognitive Abilities: A Survey of Factor-Analytic Studies. Cambridge University Press. 819 p.

6. Акбарова С.Н. Визуаллаштириш қобилияти ва уни ташхис қилиш методикаси // Ўзбекистон Миллий университети хабарномаси. -Тошкент, 2019. № 1. Б. 76-81.

7. Loring-Meier, S. & Halpern, D.F. (1999). Sex differences in visual-spatial working memory: Components of cognitive processing. Psychonomic Bulletin & Review. 6, 464-471.

8. Карелин А. Большая энциклопедия психологических тестов. М., 2005. С.232.

9. J. (1977). Statistical power for the behavioral sciences. (rev.ed.) New York: Academy Press.

10. Guiso, L. et.al. Culture, gender, and math // *Science*. – 2008. – Т. 320, № 5880. –Р. 1164-1165.

https://buxdu.uz



**Мухтор АБДУРАХМАНОВ**
Самарқанд давлат университети
ахборотлаштириш технологиялари
кафедраси ўқитувчиси

# ЁШЛАР ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАМДА УНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*Ахборот жамиятининг тезкор шаклланиши ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларида ахборот таҳдидларининг муттасил ўсиб бораётган ҳозирги шароитида ёшлар ҳаёти ва умуман жамият хавфсизлигини, шу жумладан, уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кўп босқичли маърифий ишлар алоҳида аҳамиятга эга.*

***Калит сўзлар:** маълумотлар, таҳдидлар, таҳликалар, хавфсизлик, жамият, ҳаёт, манбалар.*

*В современных условиях стремительного формирования информационного общества и сопутствующего этому росту информационных угроз во всех сферах жизнедеятельности человека особую актуальность приобретает многоуровневая образовательная работа по обеспечению безопасности жизнедеятельности молодежи и общества в целом, в том числе их информационной безопасности.*

***Ключевые слова:** информационные, угрозы, риски, обеспечения, безопасность, общества, жизнедеятельность, ресурсы.*

*In modern conditions of rapid formation of the information society and the accompanying growth of information threats in all spheres of human life, multi-level educational work to ensure the safety of the life of young people and society as a whole, including their information security, is of particu lar relevance.*

***Key words:** information, threats, risks, security, security, society, life activity, resources.*

Жаҳон бўйлаб жадал тус олаётган ахборотлар оқими ҳозирги глобаллашув жараёнига хос бўлган ғоялар кураши, ахборот хуружи авж олган бир даврда мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод, ёшларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш янада долзарб ҳамда муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз ёшларига замон талабига мос таълим-тарбия бериш жараёнига янги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тизими ва Интернет тармоғи имкониятккларининг татбиқ этилиши ўзининг самарасини ошириш омили эканлигини аллақачон намоён этмоқда. Жаҳонда шиддат билан тараққий этиб бораётган АКТ тизими ва Интернет тармоғидан самарали фойдаланиш ёшларда ижодий тафаккурларини ривожлантириб, ўзлигини намойиш этишларига имкон бераётганлиги ҳам янги замонавий технологияларнинг афзалликларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур афзалликлардан фойдаланиб, ёшларимиз ўз интеллектуал салоҳиятлари ва қобилиятлари, истеъдодларини намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишлари мақсадида таълим-тарбия жараёни замон талабига мувофиқ ташкил этилиб, барча зарур техника воситалари билан таъминланмоқда [5].

Шу билан бир қаторда, олимлар, мутахассислар, педагоглар ва бошқалар томонидан мазкур янги технологиялар ёшлар тарбиясига турли таъсир кучларига эга, жумладан, салбий таъсирга ҳам эгалиги таъкидланмоқда. Маълумки, Интернетдан фойдаланувчиларнинг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этади [1].

Ёшлармизни АКТ ва Интернет тармоғидаги салбий мазмунга эга ахборотлардан ҳимоя қилиш, уларда Интернет тақдим этадиган ахборотдан тўғри танлаб фойдаланиш маданиятини шакллантириб, ўргатиб боришимиз зарурати. Мамлакатимиз тараққиётини кўзлаган ҳолда халқимиз тарихи, урф-одатларини қадрловчи, миллий қадриятларга содиқ, маънавий етук баркамол шахсни тарбиялаш, ахборот муҳитидаги салбий таъсирлар ҳамда таҳдидлардан сақланишга ўргатиш, шунингдек, тармоқдан айрим хорижий ахборот оқими орқали кириб келаётган ёвуз ғояларнинг олдини олиш ва таъсир кучини камайтириш, ахборотдан хавфсиз фойдаланишларини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради [7, 1116-1120].

Кўпчилик ёшлар ҳаётий тасаввурга етарлича эга бўлмасада, аммо ахборот воситаларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олишмоқда, турли сайтлардан фойдаланиб, Интернетнинг чекланмаган оламига кириб бормоқда. Интернетнинг ҳам ўзига хос безорилиги, жиноий олами, зарари ва номақбул томонлари мавжуд. Виртуал мулоқот инсонларга, айниқса ёшларга бир дамнинг ўзида зарар келтирувчи манба бўлиб қолиши ҳам мумкин [4, 335-341].

Сўнгги пайтларда Интернетда кўпгина тажовузкор ва ижтимоий хавфли материаллар кўпайиб бормоқда. Компьюердан фақат ишчи ўринларида эмас, балки маиший турмуш масалалари, хонадонда ва дам олишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. https://napoleoncat.com сайти берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда “Фейсбук” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан.

https://buxdu.uz



Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг энг катта қисми 18-25 ёшдагилар, аксарият қисмини эса талабалар ташкил қилади [9].

Ҳозирда АКТ ва Интернет инфротузилмаси ҳар қачонгиданда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ўқитувчилар ҳам "менежерлар"га айланиб боришмоқда. Яъни, уларнинг вазифаси маълумотни тақдим этиш эмас, балки қайси китобларни қайси электрон кутубхонадан ёки сайтдан топиш ҳамда ўқиш мумкинлигига йўналтиришдир. Замонавий таълимни визуализация ва тақдимотлар билан ташкил қилиш талаба ўзлаштиришининг юқори бўлишига олиб келади [1].

Мақсадимиз — ёшларни Интернетдан ажратиб қўйган ҳолда эмас балки, ундан тўғри фойдаланган ҳолда таълим олиш ва дунёқарашини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратишдир. Айни замонда Интернет ёшлар таълим-тарбиясида ўта муҳим ўринни эгаллайди. Чунки, ёшлар таълим-тарбиясига оид хулқ-атвор кўникмаси, ҳаёт тамойиллари, фикрлаш ва оламнинг яхлит манзарасини кўпроқ айнан Интернет ёрдамида ўрганиш ва ўзлаштириш имкониятига эга. Айрим ота-оналар фарзандининг компьютер қаршисида бўлган вақтида ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, деб ўйлайди. Бироқ виртуал оламда ҳам уларни муайян таҳдидлар, хавф-хатарлар кутиб турган бўлиши сир эмас. Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар томонидан таҳликали шароитларда қай тарзда ўзини муҳофаза қилиш, хавф-хатарлар ва таҳдидлардан ҳимояланиш мумкинлигини англаш учун мураккаб бўлмаган қоида ва тавсиялар ишлаб чиқилган, Интернетда ишлаш пайтида уларни эсда тутиш ва эътибор қаратиш сўралади. Қуйида ана шу атамалар устида тўхталиб ўтамиз.

**Хавф-хатар** — уларнинг тармоқда учта асосий тури мавжуд:

*Контент хавфи* — ёш авлоднинг ахлоқий ва маънавий тарбиясига салбий таъсир этувчи (матнлар, тасвирлар, аудио, видеофайллар, ҳаволалар) ноқонуний, ахлоқсиз ва зарарли бўлган турли ахборотларнинг (зўравонлик, ёвузлик, ҳаёсизлик, одоб-ахлоқ меъёрларига зид сўзлашув, ирқий, диний ва миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи, терроризм ва диний экстремизм, наркотик ва психотроп моддалар тарғиботи, жонига қасд қилиш, тақиқланган ўйинлар) Интернет тармоғида доим мавжуд.

*Коммуникацион хавф* — Интернет тармоғида номаълум (яхши таниш бўлмаган) шахслар билан мулоқот жараёнида пайдо бўлади. Тармоқдаги анонимлик ва жавобгарликка тортилмасликни англаш ҳисси кўп фойдаланувчилар томонидан хақорат, қўрқитиш, кибербуллинг, хиралик ҳамда шантаж қилиш каби ҳолатларга йўл очади.

*Техник хавф* — зарарли дастурлардан фойдаланиб (вирус, бот, айғоқчи дастурлар ва шу кабилар), дастурий маҳсулотларга зарар етказиш, махфий ва шахсий ахборотлар ёки шахсга оид маълумотларни ўғирлаш, киберфирибгарлик.

**Таҳдидлар** — мутахассислар томонидан умумжаҳон "ўргимчак тўри"да ёшлар дуч келадиган ва уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидларнинг асосий турлари таснифланиб берилди.

1. Мазмунан зўравонлик, ёвузлик, ҳаёсизлик, ахлоқсизлик, Интернетдаги қимор ўйинлар, наркотик моддалар тўғрисида ахборот, ҳуқуқбузарлик, ирқий нафратланишга оид сайт ва материалларга (фото, видео, аудио ва босма материаллар) осон кира олиш имконияти.

2. Нотаниш кишилар билан электрон почта, телеграм, фейзбук, ижтимоий тармоқлар ва турли шубҳали форумлар воситасида мулоқотлар қилиш, турли ёзишмаларни амалга ошириш.

3. Ёшларимиз Интернетдан фойдаланганда дуч келиши мумкин бўлган ҳолатлар, яъни назорат қилинмайдиган жараён Интернет орқали харид қилиш ва онлайн ёзишмаларда вақт ўтказиш.

**Таҳликалар** – ахборот хавфсизлиги экспертлари томонидан 5 та асосий таҳлика таснифи белгилаб берилди. Агарда уларга бефарқлик билан қаралса, ёшларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

***1. Интернетдан назоратсиз фойдаланиш оқибатида ота-она обрўсининг заифлашуви.*** Гоҳида ота-оналар "фарзандим улғайди ёки болам бирор-бир машғулот билан банд бўлиб, менга халақит бермасин", дея уни глобал тармоқ билан ёлғиз қолдирадилар. Бундай ҳолатлар ёшларнинг Интернетдан назоратсиз фойдаланиш оқибатда, ёшлар ўз ота-оналарини тингламай, уларни алдаш ва менсимасликни одат қилиб олишади.

***2. Маданият, ғоя, мафкураларнинг аксил тизими.*** Ҳаётнинг ушбу мураккаб даврида ёшлар ўзини кўрсатиш ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаш йўлларини излайди. Мустақил бўлиш кайфиятига эҳтиёж сезади. Ушбу йўлда Интернет тармоқларида тарқалаётган ва тарғибот қилинаётган аксилмаданият тизими, хусусан, "гот", "эмо" ва бошка субмаданият оқимлари, диний-экстремистик оқимдаги мафкуралар ҳали шахс сифатида барқарор шаклланиб улгурмаган ёш авлодга катта хавф туғдирмоқда. Бундан ташқари, тармоқларда одоб-ахлоқ меъёрларига зид сўзлашув, тушкунлик,

https://buxdu.uz



инсониятга нафрат, жиноят оламига хос мазмундаги қўшиқларни ҳам учратиш мумкин. Айрим қўшиқларда жамиятга карши бориш, қонунларга ҳурматсизлик, низолар, жиноят, суиқасд, наркотик моддалари истеъмоли кабилар ҳам мавжуд. Уларнинг ижобий жиҳати мутлақо бўлмагани боис, уларга ортиқча таърифга ҳожат йўқ.

***3. Аноним Интернет-мулоқотлар.*** Таъкидлаш лозимки, онлайн мулоқот ўзининг табиати билан жонли мулоқотдан тубдан фарқ қилади. Бу ерда мутлақо ўзгача хулқ меъёрлари, этика стандартлари, фарқли мезонлар амал қилади. Форумлар, чатлар, ҳамжамиятларда номаълум шахслар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Анонимлик ҳолати фойдаланувчиларга Интернетда реал ҳаётда айта олмайдиган фикрлар ва ҳаракатлар содир қилишга изн беради. Аноним мулоқотлар ҳақорат, кибербуллинг, камситиш ва хиралик қилиш сингари ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин.

***4. Шахсий маълумотларни йўқотиш*** – бу Интернет тармоғи фойдаланувчиларининг ўта ишонувчанлиги ва очиқлиги боис содир бўлади. Ушбу ҳолатлар ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтиш пайтида, онлайн харидлар қилаётганда, телеграм, чат ва форумларда анкеталарни тўлдириш чоғида кузатилади. Шахсий маълумотлар тўплами ёвуз ниятли кишилар учун жуда қулай ўлжа бўлиб, бундан улар ўзларининг ғаразли ва ноқонуний мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар (саҳифалар) шахсий маълумотлар йўқоладиган (ўғирланадиган) асосий жой бўлиб ҳисобланади. Кўп сонли ёш фойдаланувчилар ўз аккаунтларида эркин фойдаланиш учун барча маълумотларни, яъни туғилгаи куни ва исмини (телефон рақами, ўқийдиган таълим муассасаси, яшаш манзили, қайси жойларда бўлишни яхши кўришини, кайфияти ва характерини ёзишни хуш кўради), шу жумладан, катта ҳажмда фотосуратларни ҳам жойлаштиради.

***5. Ўйинларга карамлик.*** Онлайн ўйинлар ҳақиқатан ҳам қизиқарли, уларнинг яратувчилари болалар ўйин жараёнида кўпроқ вақт давомида қолиб кетишлари учун барча чораларни кўриб қўйишган. Замонавий онлайн ўйинларда маълум босқичлардан ўтиш ва ўйин қаҳрамонларини такомиллаштириб бориш учун кўп вақт талаб этилади ва бу жиҳатлар, ўз навбатида болаларнинг ўйин жараёнида узоқ вақт қолиб кетишларини таъминлайди. Ўспиринлар ўзларини намоён қилишга эҳтиёж сезганлари боис, бундай имкониятни айнан ана шундай онлайн ўйинлардан ахтаришади. Бу ҳолатлар эса боланинг руҳий қашшоқлашувига, ўйинга қарам бўлиб қолишига олиб келади. Ўйинларга қарам бўлиб қолиб, кўп болалар овқатланиш, дарс тайёрлашни унутиб, уйқусизликка ҳам дучор бўладилар [8].

Интернетдаги хавфни камайтириш учун нима қилиш лозим? Ёшлар интернетдан фойдаланаётганларида ёвуз ниятли инсонларга дуч келиб қолсалар нима қилишлари лозим? деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Хусусан, Интернетдаги номаълум шахс билан мулоқот турли ҳолатларга олиб келиши мумкин, жумладан, ишончли ва дўстона муносабат ўрнатиш ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Биз ёшларимизни тармоқдан қандай фойдаланишга ўргатсаккина уларни интеретдаги турли таҳдид ва хавфлардан асрай оламиз. Меъёрни билиш, Интернетдан тўғри фойдаланиш таҳдид ва хавфлардан сақланишга олиб келади. Айнан ана шу меъёрни кўпчилик ёшлар билишмайди. Бу эса аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ахир компьютер ёки смартфонни четга қўйиб, бирон-бир дам олиш жойларда хиёбонларда айланиш нақадар ёқимли ҳолат, шундай эмасми. Кузатувларга кўра, бунга кўпчилик ёшларда ўз соғлиғига нисбатан эътиборсизлик ҳолатлари учрайди. Доимий компьютер ва смартфондан фойдаланиш инсон соғлиғига қанчалик зарар келтириши ҳақида ёшларимиз ўйлаб ҳам кўришмайди. Шу сабадан уларга доимий равишда АКТ зарари ва фойдаси ҳақида маълумотлар бериб бориш, ана шундай маълумотлар тақдим этувчи сайт ва телеграмм каналларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, глобал тармоқнинг чегара билмаслиги фойдали ахборотлар билан бир қаторда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига зиён етказиши мумкин бўлган носоғлом мазмундаги ахборотларнинг ҳам тарқалишининг олдини олиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир, бу ҳақида барчанинг, яъни каттаю кичикнинг диққатида бўлиши заруратдир.

**Адабиётлар**

1. Мухина С. А., Соловьева А.А. Нетрадиционные педагогические технологии в обучении. Ростов на Дону: “Феникс”, 2004. - 379 с.

2. Марусева И.В., Румянцев И.А., Серегин И.А. Теория построения контрольно-обучающих программ различных типов., СПб.: “Образование”, 1991. -132 с.

3. Сэвидж Д. BETT 2000: новые горизонты образования // Информатика и образование. - 2000. - N 6. - С. 74 – 75.

4. Тряпицына А.П. Инновационные процессы в образовании. В сб.: Инновационные процессы в

https://buxdu.uz



образовании. И. Интеграция российского и западноевропейского опытов. СПб., 1997. - с. 3-27.

5. Shadiyev R.D. Methods and Forms to Ensure Understanding in Educational Process. Eastern European Scientific Journal. DOI 10.12851/EESJ201805. www.auris-verlag.de

6. Shadiev R.D., Turdiyev Sh.R. On questions of particularities of teaching mathematics in technical higher education institutions (HEI). Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. № 9–10.Vienna , 2014.pp 141-144

7. Abdurakhmanov M. Computer info-didactics in the context of improving educational technology resources. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7 (12), 1116-1120. (2019).

8. Интернетда ёшларни ҳимоя қилиш бўйича қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги **2016 йил 7 апрел**

9. https://napoleoncat.com

https://buxdu.uz



**Анвар ЖАЛИЛОВ**
Навоий давлат педагогика институти
математика ўқитиш методикаси
кафедраси доценти

# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

*Ушбу мақолада таълимнинг умумий ўрта таълим босқичида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хосликлари, муаммолари ва бу муаммоларнинг ечими ҳақида гапирилган бўлиб, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг йўл ва воситалари кўрсатилган.*

***Калит сўзлар:*** *ўқув жараёни, таълим, тизим, таълим шакллари, таблим воситалари, тарбия, билим, метод.*

*В данной статье рассматриваются особенности, проблемы и пути решения организации учебного процесса на этапе общего среднего образования, а также пути и средства организации учебного процесса.*

***Ключевые слова:*** *образовательный процесс, образование, система, формы обучения, средства интерпретации, образование, знание, метод.*

*This article discusses the features, problems and solutions to the organization of the educational process at the stage of General secondary education, as well as ways and means of organizing the educational process.*

***Keywords:*** *educational process, education, system, forms of education, means of interpretation, education, knowledge, method.*

Таълим жараёнининг мазмуни шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, унинг мазмуни негизида таълимнинг шакл, метод ва воситалари белгиланади. Ўқув муассасаларининг асосий вазифаларини ҳал этиш машғулот мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситаларининг натижасига боғлиқ. Таълим шакли, метод ва воситалари ўқувчиларни маънавий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб, уларда чуқур билим, кўникма ва компитентлигини оширади, дунёқарашни ривожлантиради.

Таълим шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда белгиланган тартибда ташкил этиладиган, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятидир. Таълим шакллари учта гуруҳга бўлинади.

Таълим шаклларидан бири аньанавий синф дарс тизими:

- янги билимларни баён қилиш дарси;
- ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси;
- билим кўникма ва малакаларни текшириш дарси;
- кириш дарслари ва такрорлий умумлашма дарслар;
- аралаш дарс.

Яна бири якка тартибдаги таълим:

- репититорлик;
- маҳсус таълим.

Учинчиси ноанъанавий таълимдан иборат бўлиб

- маъруза;
- семинар;
- лаболатория машғулотлари;
- саёҳат, бахс мунозара;
- давра столи;
- викторина;
- конференция ва бошқа дарслар.

Бугунги кунда республикамиз таълим муассасаларида ўқитишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилмоқда.

Анънавий таълим ўзида синф-дарс тизими моҳиятини акс эттиради. Мазкур тизимнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

а) ўқувчилар ёши ва тайёргарлик даражаларига кўра синфлар бириктирилади ва умумий ишни бажарадилар;

б) ўқув предметининг мазмуни бўлим ва мавзуларга, бўлим ва мавзулар эса баравар ва изчил жойлаштирилган қисмларга ажратилиб, улар бирин-кетин, маълум жадвал бўйича келадилар.

Синф дарс тизими ёши ва билими бир хил бўлган ўқувчилар жамоасини ташкил этувчи синф; дарс эса белгиланган вақт ичида, белгиланган хонада, бевосита педагогнинг раҳбарлиги ҳамда назорати остида ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим жараёнини англатувчи тушунчалардир.

Дарс ўқув ишларининг асосини ташкил қилади. Синф-дарс тизими қуйидагилардан иборат:

https://buxdu.uz



- ҳар бир синф ёши ва билимига кўра бир хил бўлган ўқувчиларни жамоага бириктиради;
- дарс жараёни 45 дақиқа давом этиб, белгиланган жадвал доирасида амалга оширилади;
- дарс педагог ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳли ва якка тартибда олиб борилади;
- дарс машғулоти турли хил методлар ёрдамида олиб борилади.

Дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўиилади:

Дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги, таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги, ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари, вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қиладиган методларини танлаш.

Машғулотлар турли шаклларда жамоа, гуруҳли ва якка тартибдаги шаклларини қўшиб олиб бориш, педагогнинг рахбарлиги, ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.

Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш, ўқувчи эркинлигини таъминлаш уларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт шароит яратиш.

Замонавий таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда таълим олиш ўз ўрнига эга. Якка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра муайян фандан билим олиш; айрим фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ечимини топиш, шунингдек, узоқ, вақт соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири репетиторлик таълими.

Умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шакли - маъруза кенг қўлланилади. Маъруза, асосан, ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида қўл келади. Маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг билим ва фаолият малакасини ошириш, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилади.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: ҳикоя, суҳбат, мунозара ҳамда оммавий маъруза.

Маърузалар асосан ёзма шаклда ифода этилади. Шу боис маърузачи ўқитувчидан маъруза мавзусида тайёрланган режа ҳамда конспект бўлади.

Маърузада баён қилинган материалнинг ўқувчилар томонидан тушунилиши ва қабул қилиб олиниши бошланғич синфларда қуйидагича изоҳланади:

Ўқувчилар томонидан қабул қилинадиган материаллар хажми 1 -синф 20-25 та, 2 -синф 25-30 та, 3 -синф 30-35 та, 4 -синф 35-50 та сўздан иборат.

Ўрта таълим мактабларида маъруза умумий 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича семинар машғулотлари ташкил этилмоқда. Семинар машғулотларни ташкил этишдан мақсад ўқувчиларнинг айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари, мустақил ишларини ривожлантириш, адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ва уни презентация тайёрлаш, муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга олдиндан тайёргарлик кўрилади. Чунки адабиётларни ўрганиш, материал йиғиш, кузатишлар ўтказиш анча вақтни олади.

Семинар машғулоти педагог раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган муҳокамани якунлайди, қўшимча маълумотлар билан тўлдиради, материални муайян тизимга солади, ўқувчилар фаолиятини баҳолайди.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, қизиқишини орттириш, уларни дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришга ҳизмат қилади.

Ўқитишнинг ноанъанавий шаклларидан бири амалий машғулотлардир. Улар одатда махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида олиб борилади.

https://buxdu.uz



Умумий ўрта таълим мактабларининг катта синфларида амалий тажриба машғулотлар мактаб устахонаси, махсус жиҳозланган хоналар ва ўқув-тажриба ер майдонида олиб борилиши лозим.

Ноанънавий дарс шаклларидан бири ҳисобланган саёҳатлар синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан фарқ қилади. Ушбу фарқ қуйидагилардан иборат:

- педагог ўтказиладиган барча саёҳатларга рахбарлик қилсада, у саёҳат объектларининг барча элементларини яхши билмаслиги мумкин, бундай ҳолларда махсус тайёргарликка эга экскурсовод олиб боради;
- саёҳат муддати турлича бўлиб, доимий ўқув жадвали талабларига амал қилиш шарт эмас;
- ўқитувчи ёки экскурсоводнинг раҳбарлик усули ва ўқувчиларнинг фаолияти турлича бўлиши мумкин.

Саёҳат давомида кўчиб юрилади. Бундай ҳолларда ўқувчилардан интизомга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ўқитувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Саёҳат охирида бугунги кузатганларини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб суҳбат ўтказади. Саёҳат материаллари асосида баён ёки иншо ёзишларини тавсия қилади.

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган яна бир нечтасини кўриб чиқамиз. Булар баҳс-мунозара, давра столи, конференциялар бўлиб, муайян предметнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда химоя қилиш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида - мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқитувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Викторина, мусобақа, заковот, интеллектуал ўйин шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни активлаштиради.

Ўқув жараёнининг муваффақияти унинг шакли ҳамда қўлланилаётган методлар самарадорлигига чамбарчас боғлиқдир.

Таълим назариясида ўқитиш методлари марказий ўрин эгалаб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолият усулларидир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усуллари ҳамда ўқув материалини назарий ва амалий жиҳатдан йўналаштириш йўлларини англатади.

Методлар гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўзи узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинадиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишини ҳисобга олсак, биринчи гуруҳ методларига сўз орқали узатиш ва ахборотни эшитиш орқали қабул қилиш методлари; ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари; ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш киради.

Демак, амалиётда кенг қўлланилаётган методларни асосан қуйидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

- оғзаки
- кўргазмалилик
- амалий машғулотлар

Мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган метод Ўқув материалини оғзаки баён қилиш методи бўлиб, мазкур методга ўқув предметлари бўйича ҳамма синфларда мурожаат қилинади.

Ушбу методнинг таълимнинг бошқа методларидан фарқи, баён қилинаётган маълумотларни тўғридан-тўғри ўқитувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсифланади, яъни:

- ҳикоя;
- тушунтириш;
- маъруза;
- суҳбат;
- дарслик ва адабиётлар билан ишлашда қўлланилади.

Ҳикоя қилиш ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир Ҳикоя қилиш ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда кенг қўлланилади.

Ҳикоя қилиш давомида ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб қолмасликларига, аксинча, уларнинг фаолликларини ошириш, диққатларини мавзуга жалб этиш, ҳодиса ва воқеалар хусусида фикр юритишларини таъминлаш мақсадида саволлар бериб бориш, кўргазмали куроллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

https://buxdu.uz



Мактаб маърузаси, асосан, юқори синфларда бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериш, илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш асосида билимлар муайян изчилликда ўтказилади.

Ўқув материалини тушунтириш ўқитувчи томонидан ўрганилаётган ҳодиса, қонун, қоида ёки ҳаракатнинг моҳиятини очиб беришга мисоллар келтириш йўли билан исботланади.

Суҳбат методи савол-жавоб методи деб ҳам юритилиши мумкин. Чунки ушбу метод-савол жавоб тарзида олиб борилади. Суҳбат методи ўқувчиларда фаолликни юзага келтиради, берилган саволга жавоб топиш, шахсий фикрларини билдириш, далиллашга ҳаракат қилади. Ўқув жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади. Янги мавзунинг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ҳам суҳбат методидан фойдаланилади.

Дарслик ёки манба (китоб) билан ишлаш материални оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида муҳим ўрин тутади.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади:

- дарс жараёнида дарслик ва ўқув адабиётлар билан ишлаш;
- дарс мавзусига оид синфдан ташқари ҳолларда дарслик ва ўқув адабиётлар билан эркин шуғулланиш.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан бирга хилма-хил қўшимча адабиёт, илмий ва илмий оммабоп мақолалар, шунингдек, газета, журнал материалларидан фойдаланишга ўргатиб бориш лозим.

Кўрсатмалилик методининг қуйидаги турларидан фойдаланилади: тасвирлаш, намойиш этиш презентация қилиш, саёҳат методлари.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш, методларини амалга оширишда қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита бу ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материали ҳисобланади. Таълим воситалари дарслик, ўқув қўлланмалар, асбоб ускуналар, лаборатория жиҳозлари, ахборот ва техник воситалар, кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, радио, телевидение ва компьютер ва ҳоказолардан ташкил топади.

Ўқув жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар, слайдлар, предмет, схема, диаграмма, сурат ва бошқалар; лаборатория ёки намойиш этишга асосланувчи машғулотлар жараёнида қўлланиладиган асбоб ускуналар, ўқув қуроллари, микроскоп, кадоскоп, кампютер ва бошқа аппаратлар қўлланилади.

## Адабиётлар


1. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 2004.
2. Очилов М. Янги педгогик технологиялар. –Қарши: “Насаф”, 2000.
3. Толипов Ў. Таълим: ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти //Соғлом авлод учун ж. 2000. №7-8.
4. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умум меҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. -Тошкент: “Фан”, 2004.

https://buxdu.uz



**Рухшона ИСРОИЛОВА**
Навоий давлат педагогика институти
бошланғич таълим методикаси кафедраси
ўқитувчиси

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

*Мақолада бошланғич синф она тили дарсларини лойиҳалаш хусусида фикр юритилган. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш тўғрисидаги тасаввурларни умумлаштириш ва улар асосида тадқиқотни давом эттириш ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосининг таркиби, унинг фанда қўйилиши, педагогик амалиётдаги ўрни, уни ҳал этиш концепцияси каби қатор саволларга жавобни тақозо қилади.*

***Калит сўзлар:** она тили, таълим мазмуни, лойиҳа, бошланғич синф, ижодий фаолият, восита, фаолият, ўқувчи.*

*В статье дается представление о дизайне уроков родного языка начальной школы. Обобщая размышления о проектировании творческой деятельности студентов в процессе обучения родному языку и продолжая исследования на их основе, состав проблемы проектирования творческой деятельности студентов, ее значение в науке, ее роль в педагогической практике, концепция ее решения и др., необходимо ответить на ряд вопросов.*

***Ключевые слова:** родной язык, значение обучения, проект, начальное обучение, творческая деятельность, преподаватель, деятельность.*

*The article gives an idea of the design of the lessons of the mother tongue of the primary school. Summarizing the reflections on the design of the creative activity of students in native language education and continuing the research on their basis, the composition of the problem of designing the creative activity of students, its implication in science, its role in pedagogical practice, the concept of its solution, etc., necessitates the answer to a number of questions.*

***Key words:** mother tongue, the value of learning project, initial training, creative activity, teacher, activity.*

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси дидактика, шунингдек, методика фанлари соҳасидаги янги, замонавий йўналиш. Шу боис, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосини тадқиқ қилиш анъанавий мавзуларни ўрганишга нисбатан мураккаб кечади. Анъанавий мавзуларда илмий тадқиқот ўтказиш йўллари, воситалари, илмий жамоатчилик тан олган принциплар маълум даражада аниқланган, сайқалланган бўлса, она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммоси соҳасида қўлланиладиган тадқиқот усуллари ва воситаларига етарли ишлов берилмаган, принциплар атрофлича таҳлил қилинмаган. Бундай мураккаб билиш муаммосини ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли етарли ўрганилмаган ғояларни назария даражасида таҳлил қилиш, билимларни категорияларга синтезлаштириш. Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосига оид абстракт ғоя — билимларни, эмпирик қарашларни “таълим”, “ижодий фаолият”, “лойиҳа”, “лойиҳалаштириш” каби категориялар воситасида баён қилиш “моҳиятдан воқеликка”, “воқеликдан моҳиятга” ўтишни тақозо қилади.

Моҳиятдан воқеликка ўтиш — бу ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш муаммосига оид мавжуд билимлар, фаолиятда ишлатиладиган тажрибалардан янги билимларга, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришнинг такомиллашган тажрибасига қараб боришни англатади. Воқеликдан — биз таклиф қилаётган она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш технологиясидан моҳиятга ўтиш — бу янги тажриба хусусиятлари, ишлатилган усул, восита, риоя қилинган принциплар асосида таълимни лойиҳалаштириш муаммосининг ривожланган шакли.

Она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаш муаммоси бўйича қайд қилинган билимлар ва биз ўтказадиган тадқиқот, унда эришиладиган билимлар ўртасидаги ворисликка риоя қилиб, моҳиятдан воқеликка, воқеликдан моҳиятга ўтишида назарий билимлар ривожланиб она тили таълимида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалашнинг янги моделини асослашга олиб келади. Жамиятнинг узлуксиз ривожланиши сингари инсоннинг билиши ҳам узлуксиз давом этади. Шу йўл билан ўрганилаётган объект тўғрисидаги билимлар категорияларда мужассамлашиб, назарияга айланади.

Лойиҳалаш педагогик жараённи ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир.

Педагогик жараённи лойиҳалашда:

https://buxdu.uz



-педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;

-натижаларни олдиндан кўра билиш;

-режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади. Бу босқичда ўқитувчининг мустақил, шу билан бирга ўқувчи билан ҳамкорликда ўқув жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаш асосида лойиҳалаштирилган фаолият етакчи ўрин тутади. Демак, педагогик жараённи лойиҳалаш – лойиҳа → мазмун → фаолият учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир [1].

Лойиҳалар предмет ва унинг йўналишига кўра бир-биридан фарқланади. Лойиҳаларда педагог томонидан кетма-кет амалга оширилувчи ва ташхиснинг қўйилиши билан якунланувчи таҳлилий фаолият; олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш каби ижодий фаолиятлар намоён бўлади. Ташхис, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда тақвим-режа, қисқача ёзма баён сифатида акс эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали ҳал этилиши лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогнинг фаолияти, педагогик воситаларни қўллаш мазмуни ва имкониятигина ҳисобга олинмаслиги керак. У, асосан, алоҳида ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур.

Мактабларда она тили таълимини ижодий ташкил этиш амалиётини таҳлил қилиш бу соҳанинг қатор заиф томонларини белгилаш имкониятини беради. Ҳозирги пайтда бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида она тили таълимини ижодий ташкил этиш соҳасида қатор қийинчиликлар бор. Булар:

-она тили таълимини ижодий ташкил этишнинг мақсад, вазифаларини атрофлича англамаслик;

-она тили таълимини болалар ижодкорлигига мўлжаллаб лойиҳалаш технологиясини билмаслик;

-она тили таълими мазмунини таълим жараёни хусусиятларига мослаштира олмаслик;

-ижодий таълим натижасини объектив қайд этиш, баҳолаш меъёрларининг она тили ўқитиш тажрибасида асосланмаганлиги билан изоҳланади. Бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида учрайдиган камчиликларни бартараф этиш охир-оқибатда она тили таълимининг самарадорлигини оширишга, она тилини ўзлаштиришнинг ижодий йўналишини кучайтиришга олиб келади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўқитувчининг педагогик маҳоратида амал қила бошлаган янгиликлар, аввало, ўқув материалида юз берадиган ўзгаришлар, шу ўзгаришларни қайд қила билиш, олдиндан пайқаш (антиўипирик) қобилиятидир.

Биз юқорида ўқитувчи фаолиятидаги ўзгаришларни ўқув материали таъсирида юзага келадиган ҳосила ўзгариш сифатида ажратдик. Ўқув материалларидаги ўзгаришларни сеза оладиган, олдиндан пайқай биладиган, онгида антиўипирик лаёқатлар ривожланган ўқитувчиларгина таълимни ижодий ташкил эта олиш қобилиятига эга бўлади. Илмий тадқиқотларда онгнинг антиципирик лаёқати контекстида унинг уч хил функцияси (бажарадиган иши) ажратилади: билиш (фаразлар қўйиш, келажакни кўра билиш); лойиҳалаш (фикран ҳисоб-китоб қилиш, лойиҳани олдин онгда, кейин амалиётда тайёрлаш); тасдиқлай билиш (мақсад, режа, дастур, концепцияларни амалга ошириш).

Таълимни ижодий ташкил этиш маҳорати ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчи фаолиятида қатор вазифаларни — функцияларни бажаради.

1. Изоҳлай олиш функцияси. Ўқитувчиларнинг машғулотларига кириб, айнан олинган бир ўқув материалини турли хил изоҳлашлари — тушунтиришларига гувоҳ бўламиз: бир ўқитувчи ўқув материалини болаларбоп, оммабоп шаклда баён қилса, бошқа бир ўқитувчи мавзуларни "оғир тилда" тушунтиради.

2. Олдиндан кўра билиш (прогноз қила билиш) функцияси. Ижодкор ўқитувчи таълимдан кўзланган натижани олдиндан пайқай олади, шу натижага эришиш мақсади, воситасини аниқ, тўғри танлайди, таълимнинг самарадорлигини оширишга мос келадиган ташкилий шаклларни белгилай билади. Ўз фаолиятида педагогик амалиёт натижасини олдиндан пайқай оладиган ўқитувчи болалар олдига улар бажара оладиган топшириқ, муаммо, саволларни қўя олади. Шунингдек, бундай ўқитувчи фаолиятида таълим жараёнида болаларнинг ўзлаштиришида юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни олдиндан сезиш, бу қийинчиликларни бартараф этиш чоралари олдиндан белгиланади, таълим учун зарурий воситалар ишлаб чиқилади, таълимнинг самарадорлигини ошириш талабларига жавоб берадиган усуллар олдиндан танланади.

3. Таълимни болаларбоп лойиҳалаш функцияси. Таълимни лойиҳалаш жараёни ўзаро алоқадор уч компонентнинг ўзаро таъсири шаклида амалга оширилади: лойиҳалашга оид фаолият (ўқитиш),

https://buxdu.uz



лойиҳалаш предмети (ўқув материали), лойиҳалаш воситаси. Таълимни турли шаклларда лойиҳалаш мумкин: нутқ шаклида. Таълимни лойиҳалашнинг бу кўриниши ҳозирги пайтда етакчи шакл саналади. Таълимни муаммо ёки топшириқлар тизими шаклида лойиҳалаш. Бу кўринишдаги дидактик лойиҳалар болаларнинг ўқув материалларини ижодий ўзлаштиришини, бинобарин, уларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш талабларига жавоб бўлади. Таълимнинг турли моделлари — билимларни тайёр ҳолда ўрганиш, муаммоли, топшириқли шакллари кабилар ҳам лойиҳалаш маҳсули саналади.

4. Телеономик (грекча "tele" — мақсад, "onomik" — ном бериш) функция. Ҳозирги пайтда таълим мақсадларини, уларнинг тизимини ишлаб чиқиш энг долзарб муаммо бўлиб қолди. Педагогик амалиётга таълим технологияси ғояларининг кириб келиши, таълимга технологик ёндашишнинг қарор топиши таълим мақсадларини аниқлашнинг янги тамойили шаклланишига олиб келмоқда.

5. Дастурлаштириш функцияси. Дарс конспекти ва таълим эталонлари тайёрлаш, чораклик ва йиллик режалар тузиш, дастурлардаги камчиликларни таҳлил қилиш, дарсликларга қўшимчалар киритиш ижодкор ўқитувчи фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидир.

6. Децизивлик (лотинча "decusio" — ечимларни танлаш) функцияси. Педагогик муаммоларни ечишга оид фаразлар айтиш, уларни ҳал қилишга оид альтернатив йўл, восита, ташкилий шакллар ҳамда тамойилларни танлай олиш ижодкор ўқитувчи фаолиятига хос бўлган функционал сифатлардир.

7. Аксиологик функция. Ўзининг, ҳамкасб ўртоқларининг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қила билиш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни камайтириш йўллари, воситаларини қидириб топишдаги ижодкорлик.

Таълим мазмунини ижодий ўрганишни ташкил этиш масалаларини жараён сифатида таҳлил этганда, учта таркибий қисм тўғрисида фикр юритишга тўғри келади: ўқитиш (ўқитувчи фаолияти), ўқиш (ўқувчи фаолияти); синфга ўрганиш учун олиб кирилган таълим мазмуни (ўқув материали). Бу таркибий қисмлар ўртасида турли-туман муносабат, боғланиш ҳамда алоқалар мавжуд. Уларни янада аниқ тасаввур этиш мақсадида 1-чизма келтирилади.

Ўқитиш ва ўқиш фаолиятлари ўртасидаги муносабат энг қадимий, генетик жиъатдан бирламчи, инвариант характердаги боғланишдир.

1-чизма.




Аввало, ўқитиш ва ўқиш ўртасидаги боғланиш — дидактиканинг тадқиқот предмети. Қолаверса, у дидактик ҳодисаларнинг барчаси — таълим мазмуни, таълим воситаси, принципи, методи, ташкилий шакллари таркибида иштирок этади. Ўқитиш ва ўқиш ўртасидаги муносабат амал қилмай қолган пайтда, таълим ижтимоий институт сифатида йўқолади. Бу муносабат турли алоқалар шаклида амал қилади. Дидактик тадқиқотларда ўқитиш ва ўқиш ўртасидаги алоқаларнинг икки тури ажратилади: тўғри алоқа; тескари алоқа. Бу алоқа турларининг ҳар бири ўз навбатида аксиал (ўқсимон), ретиал (тўрсимон) шаклда амал қила олади. Аксиал, ретиал алоқаларнинг ўзи ҳам информацион, коммуникатив, энергетик, предметли, аралаш кўринишларга эга. "Ўзаро таъсирнинг мавжудлигидан флюктиация — икки томонлама таъсирнинг кучайиши ҳодисаси амал қила бошлайди" [2]. Бу таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро англашувини, тушунишини таъминлайди. Бир-бирини (ўқитувчининг ўқувчиларни, аксинча, ўқувчиларнинг ўқитувчини) тушуниш мақсадларни англашни ҳам қамраб олади. Аммо анъанавий таълим тизими ва унга оид педагогик амалиётда бир-бирини тушуниш суст амал қилади. Бунинг асосий сабаби мақсадни вербал тушунтириш таркибида англашдир. Таълим мазмунини ижодий ўзлаштиришни ташкил қилишда тамоман янги ҳолатни — ўқув мақсадларини алоҳида англаш, англанган мақсад асосида муаммо, топшириқларни бажариш жараёнида учратамиз. Бинобарин, бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш таълим субъектлари — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир-бирини тушунишини ҳам

https://buxdu.uz



жадаллаштиради, таълимнинг самарали якунланиши, ўқиш-ўрганишнинг онгли кечишини ҳам таъминлайди.

Чизма бўйича фикрлашувни давом эттирамиз. Ўқитувчи ва ўқув материали ўртасида ҳам қатор боғланишлар мавжуд: ўқитувчи таъсирида ўқув материали ўзгаради. Шу ўзгариш натижаси сифатида келажакда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигида амалга ошириладиган таълим модели яратилади. Агар анъанавий таълимда ўқитувчи ўқув материалини болаларга айтиб беришни режалаштирса, ижодий таълимда муаммо, ўқув топшириқларини тайёрлайди, уларни болаларнинг реал билиш имкониятлари, тафаккурига мувофиқлаштириш хусусида ўйлайди. Бу ўз навбатида таълимнинг самарадорлигини ошириш, болаларда ижодкорликни тарбиялашга замин яратади.

Она тили таълимидиа ўқувчилар фаолиятини лойиҳалашда педагогик вазифанинг яхлит ҳолда мазмунан, ташкилий-методик, моддий-техник ҳамда ижтимоий-психологик (ҳиссий, коммуникатив ва ҳ.к.) жиҳатдан ҳал этилишини таъминлаш талаб этилади.

Педагогик жараённи лойиҳалаш босқичида педагог дуч келадиган биринчи муаммо - бу педагогик фаолият мазмунини лойиҳалаш саналади. Ўқув дастури ёки ўқувчи шахси таълим мазмунини лойиҳалашнинг асоси бўлиб, бу вазиятда ўқитувчи педагогик фаолият, мақсад ва шароитларга мувофиқ ҳолда ўқувчиларга нимани тақдим этиш хусусида мустақил қарор қабул қилади. Қарор қабул қилиш жараёнида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

-ўқувчилар тавсия этилаётган маълумотдан нимани ва қандай ҳажмда ўзлаштиришлари зарурлиги;

-ўқувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражаси, уларнинг ўқув маълумотларини қабул қилиш имкониятлари;

-ўқитувчининг шахсий, шунингдек, таълим муассасасининг моддий-техник базаси. Бу ўринда **ўқув маълумотларини лойиҳалаш технологияси** муҳим ўрин тутади. Унда:

1) ўқувчиларга тақдим этиладиган материаллар;

2) ўқувчиларга мустақил бажариш учун бериладиган вазифалар;

3) ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган маълумот (билим) турлари (В.К. Козвонина) ўз аксини топади [3].

Технологик муносабатда ўқув материали ва унинг тузилиши муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал этишда “дидактик материал” ва “ўқув материали” тушунчалари моҳиятини фарқлай олиш зарур. Т.В.Бондарь нуқтаи назарига кўра, дидактик материал шундай объектлар тизимидан (яъни, **дидактик материал объектлар тизими**) иборатки, уларнинг ҳар бири ижтимоий билим ва тажрибадан келиб чиқиб, моддий ёки моддийлашган модел тарзида қўлланилади [4 ].

Модомики, ўқув фаолияти ўқув вазифаларини ҳал этиш жараёни сифатида қаралар экан, табиийки, ўқув вазифаси ўқув материалининг маълум қисмларига мувофиқ тузиб чиқилади. Шу билан бирга ўқув материалини педагогик жиҳатдан мақсадга эришишга йўналтирилган тизим сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, ўқитувчи фаолиятида ўқув вазифалари тизими ўқув материалини лойиҳалаш ва дидактик материални шакллантириш сифатида акс этади.

## Адабиётлар

1.Маҳмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалаш. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002. -79 б.

2. Образование в XXI веке : проблемы и поиски их решения Текст. : учеб. пособие / под ред. А. Ф. Аменда, В. В. Латюшина. Челябинск : Юж.-Урал. кн. изд-во, 2003. - 592 с.

3. Козвонина В.Л. Развитие творческих способностей учащихся. // Начальная школа. -2000. №7. С. 17-23.

4. Бондарь Т.В. Особенности формирования мотивации учения младших школьников на основе уровневой дифференциации обучения: автореф. дис. канд. ппсихол. наук: -Краснодар, КГУ, 2000. -26с.

https://buxdu.uz



**Гулнора САТТАРОВА**
Қарши давлат университети
психология кафедраси доценти,
психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

# ИЛК ЎСПИРИНЛАР ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИ ПСИХОКОРРЕКЦИЯЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада иродавий сифатларни психокоррекциялаш дастури, унинг мақсади, вазифалари, амал қилиш тамойиллари ёритилган. Шунингдек, дастурнинг самаралилик даражаси (илк ўсмирин ёшидаги ўқувчиларнинг ижтимоий номаъқул феъл-атворини тормозлаш, салбий одатларини бартараф этиш, хулқ-атворини қайта қуриш ва уларда иродавий сифатларнинг янги ҳосилаларини шакллантириш жараёнларида) ўрганилганлиги баён қилинган. Эмперик натижалар статистик мезонлар асосида таҳлил қилинган. Иродавий сифатлар психокоррекцияси бўйича тадбирлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи илмий хулосалар ва тавсиялар тақдим этилган.*

***Таянч сўз ва тушунчалар:*** *ирода, илк ўспирин, гармонизация, мотивация, тренинг, фаолият, эмоционал ҳолат, ўз-ўзини бошқариш, респондент*

*В данной статье представлены информации о программе психокоррекции волевых качеств, ее целях, задачах, принципах реализации. Также изучена уровень эффективности данной программы и апробирована в исследованиях, направленных на преодоление негативных привычек у ранних подростков, подавление и восстановление социально-неприемлемого поведения, формирование новых производных волевых качеств в их поведении. Результаты были проанализированы на основе статистических критериев. Представлены научные выводы и рекомендации для обеспечения эффективности мер по психокоррекции волевых качеств.*

***Ключевые слова и понятия***: *воля, раннее юношество, гармонизация, мотивация, тренинг, мотивация, эмоциональная намерение саморегуляция респондент.*

***Annotation:*** *In this article informed about the psycho-correction instructions of willful qualities, its aims, tasks, acting trends. Also, it was given account of instructions were learned, abolishing negative habits of pree-teen pupils, braking social nonsensical character, reconstructing, forming of new results of willful qualities. The resuts were analyzed with statistical criterias. It was presented the scientific summaries and recommendations of action results on psycho-correction of willful qualities.*

***Key words and concepts:*** *will, preteens, gormonization, motivation, trening, activities, emotional condition, self behaviour, participants.*

Ҳозирги кунда психология соҳаларида сабаб ва оқибат алоқадорлиги қонуниятларига асосланган ҳолда тадқиқотчи олимлар томонидан инсоннинг эмоционал, когнитив, мотивацион ва фаолият соҳасига таъсир қилувчи замонавий (стандартлаштирилган ёки эркин) услубдаги психокоррекцион дастурлар яратилмоқда [4]. Улар ўзининг тузилиши, иш шакли, техникасига кўра турлича мазмунда ишлаб чиқилган бўлиб, психологларнинг мижоз билан ишлаш, мижоз тараққиётини оптималлаштириш ва гармонизациялаш, онгига фаол таъсир кўрсатиш, эмоционал ҳолатини меъёрлаштириш каби қатор ишларида самарали татбиқ этилмоқда. Коррекцион дастурлар вазифаси, мазмуни, тузилишига кўра бир-биридан ўзаро тафовутлансада, бироқ барча коррекцион ишларнинг туб моҳиятида ягона эзгу мақсад мужассамлигини пайқаш мумкин, у ҳам бўлса, инсонни ёш, жинс, субъектив хулқ хусусиятларини ҳисобга олиб, шахсига хос ресурсларни фаоллаштириш, уни ижтимоий ахлоқий меъёрларга мос келувчи ҳолатга олиб келиш, ривожланишдаги оғишларни тўғирлаш ва камолатга интилувчи шахсни таркиб топтиришдир. Чунончи, ёшларни Ватанимизнинг барқарор тараққиётига ҳисса қўшадиган баркамол шахс - комил инсон этиб тарбиялаш мамлакатимизнинг биз олимлар, педагог-психологлар олдига қуйган муҳим талабларидан биридир. Зеро, мамлакатимиз президенти асарларида ҳам Ватан равнақи, эркин ва фаровон ҳаёт кафолати, бир сўз билан айтганда, юрт келажаги, барча – барчаси бугунги кун ёшларининг эгаллаётган билими, онг-у шуурига боғлиқлиги бот-бот таъкидланади [2].

Қуйида эффективлиги таҳлил этилаётган иродавий сифатларни психокоррекциялаш дастури ҳам айнан ана шу мақсад ва ғояларга уйғун, дастур тузишнинг муайян мезон, талаб ва тамойилларига асосланиб ишлаб чиқилган ҳамда дастурнинг асосий мақсади этиб ижтимоий номаъқул феъл-атворли, яъни, журъатсиз, ўзини назорат қила билмайдиган, қатъиятсиз, лоқайд, ўз ишига масъулиятсиз ўспиринларни аниқлаш, улардаги бундай салбий одатларни тормозлаш, бартараф этиш ва қайта қуриш, улар табиатида иродавий сифатларнинг янги ҳосилаларини шакллантириш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, психология фани соҳаларида мавжуд психокоррекцион ишлар орасидан иродавий сифатларни психокоррекциялашга доир дастурларни топиш мушкул [2].

Иродавий сифатларни психокоррекциялаш дастурини тузишда қатор ҳолатларга эътибор қаратилди. Дастлаб дастурининг тамойиллари белгилаб олинди. Улар қуйидагича:

https://buxdu.uz



а) шахснинг ривожланиш шароитида ички ва ташқи шарт-шароитларни назарда тутиб, коррекция ва ривожланишнинг ягоналиги;

б) ёш ва индивидуал хусусиятлар бирлигини ҳисобга олиш;

в) диагностика ва коррекцион ривожланишнинг бирлигига эришиш;

г) психик фаолият тараққиётининг тизимлилик тамойили;

д) психокоррекциянинг фаолият тамойили;

е) илк ўспиринларнинг ирода тўғрисидаги тасаввурлари билан уни амалий фаолиятда намоён этиш бирлиги.

Иродани шакллантириш жараёни инсонни руҳий зўриқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, психокоррекцион дастур машғулотлари уч босқичли тизимда ишлаб чиқилди:

Биринчи босқичда иштирокчиларни тренингга тайёрловчи, фаоллаштирувчи ва мушоҳадаловчи машқлар ўрин олди;

Иккинчи босқичда иштирокчиларни муаммога олиб кирувчи машғулотлар киритилди. Бу босқичда респондентлар иродалилик ва иродасизликнинг моҳиятини англашлари ва ироданинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида тушунчага эга бўлишлари назарда тутилди.

Дастурнинг учинчи босқичида (илк ўспиринларда) ироданинг етарлича шаклланмаган сифатларини ривожлантирувчи, қайта конструкцияловчи машғулотлар ўрин олди. Тренинг дастурини умумий ҳажми 2 ҳафтага мўлжалланди. Тренинг жараёнида динамика ва ўзгаришлар кутилиши сабабли реципентлар учун кўрсатмалар ишлаб чиқилди, психологик таъсир самарасини белгилашда психофизиологик методлардан ҳам фойдаланилди. Улар иштирокчиларнинг вегетатив-соматик, физиологик ва психик функцияларини баҳолайди. (Машғулотлар ҳафтада 2-3 марта ўтказилади 1-1,5соат ).

Тренингда асосий жараён бу- иштирокчиларга машғулотлар вақтида амал қилиниши керак бўлган гуруҳий меъёрларни, яъни тренинг шартлари ва қоидаларини тушунтиришдир. Тренингларни ўтказишдан олдин қоидаларга риоя қилиш кераклиги тўғрисида иштирокчилар билан келишиш ва ҳар бир аъзонинг розилигини олиш муҳим. Бу иштирокчилар ўртасида қулай психологик иқлимнинг яратилишини таъминлайди ва тренинг мақсадига эришишда асосий тактикалардан бири саналади.

Олдиндан белгиланган мақсад ва вазифалар, тамойил ва қоидаларга амал қилган ҳолда "Иродавий сифатларни психокоррекциялаш" дастурининг самаралилик даражаси синовдан ўтказилди. Босқичма-босқич амалга оширилган машқлар, топшириқлар жараёнида илк ўспиринларда ўз иродасини ривожлантиришга нисбатан хохиш доминантлик хусусиятини касб эта борди. Тренинг иштирокчилари ўз муаммоларини, стреотипларини, установкаларини секин-асталик билан тушуна бордилар. Машғулотлар босқичма-босқич ўтказилиши, ҳар бир машқ олдингисидан мазмунан бойиб бориши натижасида синалувчи ўзини муқаррар равишда тенгдошларига таққослаб кўрди, ўзида бошқаларга ўхшаш ёки ўхшамайдиган сифатларни топди, ўзининг ҳамда тенгдошларининг фазилат ва камчиликларини пайқади, баҳо берди. Шу тариқа ўз хулқ атворини ўзгартиргиси келди, бирон ўртоғига мумкин қадар ўхшашга ёки ўхшамасликка қарор қилди.

Психокоррекцион тадбирлардан сўнг психодиагностика жараёнида қўлланган методикалар (М.В.Чумаковнинг "Шахснинг иродавий сифатлари" тести Э.Ғозиев томонидан модификация қилинган варианти Н.Е.Стамбулованинг "Талабаларнинг ўз иродавий сифатларини ўзи баҳолаши" сўровномаси) [7] қайта респондентларга татбиқ этилди ва натижалар дастурни татбиқ қилишга қадар бўлган ҳолат билан солиштирилганда қатор ижобий ўзгаришларга эришилганлиги кузатилди.

**1-жадвал**

**Илк ўспиринлар иродавий сифатларини психокоррекция қилишдан олдинги ва кейинги натижалар**

| № | Иродавий сифатлар | Психокоррекциядан олдин | | Психокоррекциядан кейин | | T |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | x | σ | x | σ | |
| 1 | Масъулиятлилик | 4,46 | 0,74 | 7,93 | 1,387 | -9,539*** |
| 2 | Ташаббускорлик | 4,20 | 1,20 | 4,33 | 1,11 | -1,622 |
| 3 | Қатъиятлилик | 5,86 | 1,40 | 7,40 | 0,98 | -3,440*** |
| 4 | Мустақиллик | 4,13 | 1,76 | 4,60 | 0,73 | -1,104 |
| 5 | Сабр-тоқатлилик | 5,64 | 1,82 | 7,35 | 0,92 | -3,379*** |
| 6 | Тиришқоқлик | 3,80 | 0,94 | 7,20 | 0,941 | -11,129** |
| 7 | Ғайратлилик | 8,46 | 1,50 | 8,86 | 0,83 | 1,292 |
| 8 | Зийраклик | 4,00 | 0,65 | 5,60 | 0,91 | -1,208 |
| 9 | Собитқадамлик | 4,13 | 1,16 | 4,73 | 0,83 | 1,418 |

**Изоҳ:** *p<0,05, **p<0,01

https://buxdu.uz



Шуни ҳам унутмаслик керакки, психокоррекцион дастурлар муаммонинг бутунлай ҳал бўлишини олдига мақсад қилиб қўймайди, балки самарали иш олиб боришда муаммоларнинг йўқолиши ва ечилишига ҳар томонлама баҳо берилаётганига ҳам қаралади [3]. Илк ўспиринлар натижаларида методикада келтирилган тўққизта иродавий сифатдан тўрттасида ижобий ўзгариш кузатилди. Масъулиятлиликнинг дастлабки кўрсаткичи ва тренингдан кейинги ҳолати 4,46 ва 7,93 миқдорни ифодалади. Сабр-тоқатлилик сифатининг тренинг олди ва тренингдан кейинги кўрсаткичида ҳам ижобий натижага эришилди ( 5,64 ва 7,35). Бу, албатта, яхши натижа. Чунки, сабр-тоқатлиликнинг шаклланганлиги ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атворини бошқаришида барқарор руҳий муҳитни, ўзига ишонч, ютуқ ва камчиликларини объектив баҳолай олиш имконини кенгайтиради.

Илк ўспиринларда масъулиятлиликнинг ўсиши мустақиллик, сабр-тоқатлилик, ғайратлиликни ривожланишини қувватлар экан. Қатъиятлиликнинг ўсиши ғайратлиликнинг ортишига сабаб бўлди. Сабр-тоқатлиликни ривожлантириш орқали тиришқоқлик ва сабитқадамликнинг ўсишига эришилди. Тиришқоқлик эса ғайратлилик даражасини оширди. Аммо иродавий сифатларда яққол ўзгаришлар акс этмаган натижаларга мурожаат қилсак, уларда ҳам миқдорий жиҳатдан тафовут мавжуд, лекин аҳамиятли эмас. Масалан, синалувчиларда ташаббускорликнинг тренинггача бўлган ва тренингдан кейинги кўрсаткичларида аҳамиятли фарқ кузатилмади (4,20 ва 4,33). Ўз навбатида, мустақиллик (4,13 ва 4,60), зийраклик (4,00 ва 5,60), собитқадамлик (4,13 ва 4,73) каби сифатлар шулар жумласидандир. Юқорида синалувчиларда тўртта сифат бўйича методика меъёрларига мос натижалар кузатилмагани, жараённинг бундай тус олиши бизда, биргина психокоррекция дастури билан иродавий сифатларни коплекс ривожлантиришнинг имкони йўқ, ироданинг ҳар бир сифатини ривожлантиришга йўналган психокоррекцион дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда иродавий сифатларни индивидуал ривожлантиришга оид машқлар тизимини шакллантириш зарур деган хулосани берди. Демак, биз олимлар, тадқиқотчилар ирода муаммоси доирасида ҳали кўплаб изланишлар олиб боришимиз керак. Ирода психодиагностикаси ва психокоррекциясига доир тадқиқотларни давом эттиришимиз зарур. Гарчи шундай хулосага келган бўлсакда, биз илк ўспиринларнинг тренинглардан кейинги ҳолати бўйича иродавий сифат кўрсаткичлари ўртасида муносабатларни аниқлаш мақсадида корреляцион ишларни амалга оширдик. Навбатдаги таҳлиллар шунга қаратилади.

Назорат гуруҳидаги ўқувчиларнинг иродавий сифатларида қисман ўзгариш бўлган, аниқловчи ва назорат тажрибалари орасидаги фарқлар аҳамиятсиз. Бу эса биз тузган психокоррекцион ривожлантирувчи дастурнинг самаралилигидан далолат бермоқда. Психокоррекциядан кейинги натижаларда илк ўспиринларнинг иродавий сифатлари ўртасида алоҳида боғлиқликлар мавжудлиги аниқланди.

**2-жадвал**

**Илк ўспиринлар иродавий сифатларининг психокоррекциядан кейинги натижалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ифодаланиши**

| № / Иродавий Сифатлар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Масъулиятлилик** | | **0,206** | **0,642**** | **0,345** | **0,509*** | **-0,101** | **0,459*** | **0,149** | **-0,202** |
| **Ташаббускорлик** | | **1** | **0,317** | **0,218** | **0,196** | **0,361** | **0,205** | **0,253** | **0,281** |
| **Қатъиятлилик** | | | **1** | **0,114** | **0,359** | **0,278** | **0,767**** | **0,397** | **0,486** |
| **Мустақиллик** | | | | **1** | **0,245** | **0,141** | **-0,575*** | **-0,376** | **0,323** |
| **Сабр-тоқатлилик** | | | | | **1** | **0,590*** | **0,048** | **0,132** | **0,659*** |
| **Тиришқоқлик** | | | | | | **1** | **0,558*** | **-0,069** | **0,290** |
| **Ғайратлилик** | | | | | | | **1** | **0,114** | **0,271** |
| **Зийраклик** | | | | | | | | **1** | **0,182** |
| **Собитқадамлик** | | | | | | | | | **1** |

**Изоҳ**:*p<0,05, **p<0,01

Илк ўспиринларда масъулиятнинг ўсиши баробарида қатъиятлилик (r=0,642, p≤0,01), сабр-тоқатлилик (r=0,509, p≤0,01), ғайратлилик (r=0,459, p≤0,05) сифатларида ижобий ўзгариш кузатилди. Мустақилликнинг заифлиги эса ғайратлиликнинг пасайишига сабаб бўлди (r=-0,575, p≤0,01). Қатъиятлиликнинг ўсиши ғайратлиликнинг (r=0,767, p≤0,01) ўсишига, тиришқоқликнинг (r=0,541, p≤0,05) ортиши ғайратлилик (r=0,575, p≤0,05) ва собитқадамлик (r=0,523, p≤0,05) сифатларини ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди. Илк ўспиринларда сабр-тоқатлилик сифатининг шаклланиши тиришқоқлик (r=0,458, p≤0,01) ва собитқадамликнинг (r=0,659, p≤0,01) ривожланишини таъминлади. Тиришқоқликдаги ўсиш (r=0,558, p≤0,01) ғайратлиликнинг ортишига олиб келди. Биргина ижобий сифатнинг ўсиши бошқа бир муҳим сифатнинг ривожланишига ёки аксинча кичик

https://buxdu.uz



бир салбий одатнинг пайдо бўлиши бошқа бир ёмон одатнинг вужудга келишига сабаб бўлиши тажрибада исботланди. Шундай қилиб, эмпирик кўрсаткичлар, натижалар муайян фарққа эга бўлса-да, бироқ, машғулотларнинг респондентларга ижобий таъсир кўрсатиши, шахслараро, гуруҳлараро муносабатлар моҳиятига кириб бориш, фикрий жараённинг кучайиши, муаммоли вазиятда қийинчиликларни енгиш, бартараф этиш усуллари билан танишиши (тасаввур қилиши, англаши) натижасида синалувчиларда иродавий сифатларнинг ривожланиши динамик хусусият касб этиб борди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки:

- иродавий сифатлар психокоррекцияси энг кам ишланмаларга эга бўлган йўналиш ҳисобланади, биргина психокоррекция дастури билан иродавий сифатларни коплекс ривожлантириш мушкул. Ироданинг ҳар бир сифатини ривожлантиришга йўналган психокоррекцион дастурлар яратиш, иродавий сифатларни индивидуал ривожлантиришга оид машқлар тизимини шакллантириш зарур;

- иродавий сифатларни психокоррекция қилишда тренинг иштирокчиларига курсни тўғридан-тўғри татбиқ қилиб бўлмайди. Психотренинг қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда иш тутиш лозим. Бу амалиётчи психологлардан тренинг иштирокчилари билан фаолиятни оқилона ташкил қилиш ва ҳамкорлик муҳитини тўғри шакллантиришни талаб этади. Шундагина психокоррекцион тадбирларда юқори натижаларга эришиш мумкин;

-эмперик натижалари таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини психокоррекциялаш борасидаги ҳаракатлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Худди шу боисдан, иродавий сифатларни ривожлантириш ва тузатиш ишларини узлуксиз давом эттириш, мавжуд психокоррекцион дастурларни зарур бўлса қайта ишлаш, миллий муҳитга мослаштириш ва такомиллаштириб бориш лозим.

Иродавий сифатлар псиокоррекцияси бўйича тадбирлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи **тавсиялар;**

− иродавий сифатлар психокоррекцияси энг кам ишланмаларга эга йўналиш бўлганлиги сабабли, у юзасидан ишланмалар, тренинг ва коррекцион дастурлар ишлаб чиқишда илмий жамоа шакллантирилиш зарур;

− психологлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида ирода психокоррекциясига бағишланган ўқув-машғулот блокини йўлга қўйиш муҳим;

− иродавий сифатларни коррекциялашга доир психотренинг ва коррекцион дастурлар алоҳида иродавий сифатларни шакллантиришга мўлжалланиши ташкил этилаётган тадбирларни самарадорлигини таъминлайди;

− иродавий сифатларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда психокоррекциясига доир машқлар ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқишда, иродавий сифатлар ривожланишига кўра бошқа сифатлар билан алоқадорлигини ва узвийлигини инобатга олиш керак;

− иродавий сифатлар психокоррекцияси дастурида машқлар оддийдан мураккабликка йўналтирилган ҳолда тизимлаштирилиши тадбирлар самарадорлигини кафолатлайди ҳамда психолог билан тренинг иштирокчилари ҳамжиҳатлигини таъминлайди;

− иродавий сифатлар психокоррекцияси бўйича тажрибаларни маҳаллий матбуот, илмий–малий анжуман ва илмий семинарларда оммалаштириш муҳимдир.

## Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни ЎРҚ-406 сон. //Ҳалқ сўзи.- 2016. 15 сент. № 182
2. Далимова Н.М. Компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси хусусиятлари. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Т:-2010.–160 б.
3. Нишонова З. Т., Алимбаева Ш. Т., Сулаймонов М. В. Психологик хизмат. Дарслик. - Т: “Фан ва технологиялар”, 2014. 148-152 бетлар.
4. Рогов Е.И. Эмоции и воля. Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, М.:- 1999.-240с
5. Саттарова Г.И. илк ўспиринлар иродавий сифатларининг психодиагностикаси ва психокоррекцияси. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация Тошкент – 2018 УДК: 371:15 (09) (575.142 бет.
6. Стамбулова Н. Б. Выделение волевых черт личности // Вопр. психологии. - 1998.-. 102-123с.
7. Тошимов Р.Ю., Ғозиев Э.Ғ. Психодиагностика ва амалий психология. ЎзМУ ,Т:- 2004.- 132б.
8. Ильин Е.П. Психология воли. 2-е изд. -СПб.: Питер:- 2009. – 368 с.
9. Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методикалари тўпламӣ //Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма. ЎзМУ, Т:- 2003.- 94 б
10. Шарафутдинова Х. Г. Узлуксиз таълим тизимида ақлий қобилият диагностикаси ва коррекцияси (Ўспиринлик ёш даври мисолида). Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Термиз:-2010.–198 б.

https://buxdu.uz



**Акрам СУЛТОНОВ**
Қарши давлат
университети ўқитувчиси

# ЎҚУВЧИЛАРДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

*Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф тарбияси оғир ўқувчиларида миллий ғояни шакллантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида тавсифланиб, унинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, "ғоя" ва "миллий ғоя" тушунчаларига таъриф берилиб, ушбу тушунчаларнинг адабиётларда ёритилиши умумий таҳлил қилинган. Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг асосий мақсади, вазифалари, шакллари кўрсатиб берилган. Шу билан биргаликда ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигининг асосий босқичлари таҳлил қилинган.*

***Таянч сўз ва иборалар:*** *таълим ислоҳоти, ижтимоий зарурият, умумий ўрта таълим, ғоя, миллий ғоя, оила, маҳалла, мактаб, концепция, шахс, мафкура, дунёқараш, мафкуравий бўшлиқ, ёт ғоя, миллий тарбия, маънавий-маърифий ишлар самадорлиги.*

*В данной статье рассказывается о формировании национальной идеи в социально-педагогической необходимости у учеников 5-9 классовобщеобразовательных школ. Он также описывает понятия "идея" и "национальная идея" и предоставляет общий обзор этих понятий в литературе. Представлены основные цели, задачи и формы взаимодействия школы, семьи и общества в формировании национальных идей у трудолюбивых учащихся. В нем также анализируются основные этапы участия школы, семьи и сообщества в формировании национальных идей у учащихся.*

***Ключевые слова:*** *реформа образования, социальная необходимость, общее среднее образование, идея, национальная идея, семья, школа, концепция, личность, идеология, мировоззрение, идеологический вакуум, национальное воспитание, эффективность духовно-воспитательной работы.*

*This article describes the formation of a national idea in the socio-pedagogical necessity in the hard students of 5-9 grades of secondary schools. It also describes the concept of 'idea' and 'national idea' and provides a general overview of these concepts in the literatures. The main goals, objectives and forms of interaction between the school, family and society in the formation of nationalideas for hardworking students are presented. It also analyzes the main stages ofthe participation of the school, family and community in the formation of national ideas among students.*

***Key words:*** *education reform, social necessity, general secondary education, idea, national idea, family, school, concept, personality, ideology, outlook, ideological vacuum, alien, national education, effectiveness of spiritual and educational work.*

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ёшларнинг салоҳиятига, уларнинг интилишлари ва ақл-идрокига боғлиқ. Ёшларни баркамол шахс сифатида етиштириш ҳозирги даврда жамиятимиздаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки уларнинг тарбиясида пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатнинг олдини олиш, ёшлар онги ва қалбига миллий ғояларимизни сингдириш, айни вақтда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги ПҚ-3160-сонли Қарори[1]нинг қабул қилиниши ҳам миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш масалаларига эътиборни қаратиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, "ғоя – бу инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Миллий ғоя инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуидир" [3;9].

Ғоялар тизими мафкурани яратади. "Мафкура эса муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир" [3;9].

Файласуф Э.Юсупов ёшлар онгига миллий ғояларимизни сингдириш жамият ва миллат маънавий тараққиётига хизмат қилса, тараққий этган жамият ҳар бир шахснинг манфаатларига тўла мос келишини эътироф этади [149;132-182].

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол Шахсни вояга етказишга асосланган таълим-тарбия тизимининг миллий модели яратилди. Шахс деганда биз "ўз ҳақ-ҳуқуқини

https://buxdu.uz



танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахс”ни [2;9] тушунамиз.

Айнан шу маънода шахс – бу муайян ғоянинг ташувчиси, субъекти, онгли, фаол ва ахлоқли одам. Шунинг учун ҳам мутахассислар “шахс – фуқаролик жамиятининг эркин, онгли, мустақил таркибий қисмидир” - дея таъриф беришади [6,29].

Демак, ҳақиқий фуқаро бўлиш учун Шахс бўлиш лозим. Шахс эса изчил тарбия орқали шакллантирилади. Маҳалла, оила эса, юқорида таъкидланганидек, тарбиянинг дастлабки ва узоқ вақт таъсир этувчи омилларидир.

Шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ғоялар тизими ва уларнинг мазмуни доимо жиддий ижтимоий-педагогик мавзу бўлиб келган. Шу сабабли “Шахсни ғоявий баркамолликка етказишда қандай мезонларга таяниш лозим?”, “Бундай шахс қандай ижтимоий муносабатлар ва тарбиянинг қандай механизмлари асосида вояга етади?”, “Уни ёт бузғунчи ғоялардан қандай ҳимоя қилиш лозим?” каби муаммоларни илмий таҳлил қилиш бугунги ижтимоий педагогиканинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий тарбиялашда миллий ғоя методологик таянч вазифасини бажаради. Маҳалладаги 5-9-синф ўқувчилари орасида олиб бориладиган мафкуравий профилактика ишлари бу – ўқувчилар онги ва тушунчалари тизимини ёт мафкуралар манфаатларига хизмат қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий қарашлардан миллий ғоя асосида муҳофаза қилишга қаратилган педагогик жараёндир.

Мафкуравий дунёқараш – бу мактаб, оила, маҳаллада миллий ғоявий тасаввур ва тушунчаларнинг бир бутунлигидир. Шу маънода оилада 5-9-синф ўқувчиларининг мафкуравий дунёқараши тўғри педагогик назорат остида шакллантирилиши керак.

Мана шу ғоявий, оилавий, педагогик-профилактик омиллар натижасида 5-9-синф ўқувчилари ўз олдига мақсадларни қўйиб, уларга эришишни ўрганиб ўсади. Унинг шахсий ва жамият манфаатлари уйғунлигига қурилган ўз ғоялари вужудга келади.

Миллий тарбия йўналиши орқали ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб, фидоилик фазилатлари шакллантирилади.

5-9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда қуйидагилар оиланинг вазифалари этиб белгиланади:

- фарзандларнинг ота-онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишни таъминлаш;
- болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, миллий ғоя ва мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- оила, мактаб ва маҳалла олдида ўз фарзандларининг барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликларини ҳис этиш.

5-9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида маҳалланинг вазифалари:

- ёшлар диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг моҳиятини тўғри англаб етишига ота-оналар орқали таъсир кўрсатиш, улуғ аждодларимизнинг тарбиявий ўгитларини сингдириб боришга жамоатчиликни сафарбар қилиш;
- маҳаллаларда миллий давлатчилик ва миллий мафкура ғояларини, республикамизда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар тарғиботини амалга ошириш борасида турли тадбирлар ташкил қилиш;
- “Маънавият ва маърифат”, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Эл-юрт умиди”, “Улуғбек”, “Нуроний” жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари, турли жамиятлар, бирлашмалар ва ижодий уюшмалар ҳамда ёшлар иттифоқини ёш авлодни миллий ғояларимиз асосида тарбиялаш ишига, муаммоли масалаларнинг ечимини топишга фаол жалб қилиш.

5-9-синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги жараёнида мактабнинг вазифалари:

- ўз ҳудудидаги маҳалла жамоаларининг фаолиятини тарбиявий мақсад йўлида мувофиқлаштириш;
- тарбияси “оғир”, қаровсиз қолган болалар ва ота-оналари билан ишлаш, уларга педагогик ёрдам бериш;
- бола тарбияси яхши йўлга қўйилган оилаларни тегишли идоралар ҳамкорлигида ўрганиб, тажрибаларини оммалаштириш;

https://buxdu.uz



- ўқишни ва ишлашни хоҳламайдиган, безорилик йўлига кириб кетган 5-9 синф ўқувчиларини ҳисобга олиб, уларнинг ота-оналари билан келишган ҳолда муҳокама қилиш;
- турар жойда ва маҳаллада олиб борилаётган барча тарбиявий, маънавий, маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари маркази — мактаб бўлишига эришиш;
- ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, жамоатчилик билан ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш, тарбия жараёнининг барча иштирокчилари орасида миллий мафкурани тарғиб қилиш, ақидапарастлик ва миллий тараққиётимизга зарарли ғояларнинг кириб келишига қарши муросасиз курашишни ташкил этиш;
- 5-9 синф тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари ва босқичларига эътибор қаратиш.

Ёш авлодни яхши хулқли, миллий ғояларимизга садоқатли қилиб тарбиялашда уларнинг ёш жиҳатларига, характерига алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки буларсиз тарбияда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида қуйидаги босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади: 5-9 синф ўқувчиларининг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоқлик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, 5-9 синф ўқувчилари гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

Таълим ва тарбия соҳасига эътиборни кучайтириш, бу борада ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатларни, директив кўрсатмаларни самарали бажариш учун оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги фаолияти ўзига хос педагогик тизим, услуб ва шаклларга эга бўлиши зарур.

Ўтказилган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик мужассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, зстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши керак.

5-9 синф ўқувчиларини мустақил фикрлаш, мустақил ҳаракат қилиш ва мустақил фаолиятда бўлишга одатлантириш учун ота-она, ака-опалар унинг ҳар бир саволига тўғри ва аниқ жавоб бериб бориш билан унда мустақил фикрлаш туйғусини рағбатлантира боришлари зарур. Чунки булар 5-9 синф ўқувчилари шахсида ўз ғояси, фикрига ишониш, уни намоён қилиш кўникмасини ҳосил қилади. 5-9синф ўқувчиларида мақсадли бўлиш, мақсадни рўёбга чиқариш ва ўз ғоясига ишончни шакллантириш ғоявий собитлик фазилатларига замин тайёрлай боради.

Оилавий муҳит тарбияси оғир ўқувчиларни тарбиялашнинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Чунки оила – жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчга эга. Мафкуравий профилактикага хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида шаклланади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигини таъминлаш мафкуравий профилактика вазифаларини амалга оширишда таянч бўлади. Оила мафкураси бу – муайян қондош ижтимоий гуруҳ аъзоларининг умумий эҳтиёжлар, тилак, орзу, умидлар ҳамда манфаатлари, қарашлари, тасаввурлари ифодасидир. Ҳар бир маърифатли жамият аъзолари ўзларининг туб мақсад ва манфаатлари асосида бирлашадилар. Бу муштарак бирлик давлат мадҳиясини ёд билиш, ҳар бир хонада давлат байроғининг фахр билан осиб қўйилиши ва бошқа умуммиллий анъаналарда намоён бўлади. Бу қарашлар тизими ҳар бир ота-она, ўғил-қизни ўз ватани, юрти билан фахрланиши, келажаги учун қайғуриш, бу йўлда тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш ва уни ёт таъсирлардан мудофаа этишга ундайди.

Соғлом ғоялар тарбияси ва мафкуравий профилактика ишлари уйғунлигида шакллантириладиган мафкуравий иммунитет юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини англатади. Мафкуравий иммунитет – тартибга солинган, яхлит тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни мафкуравий полигонларда ўзлигини сақлаган ҳолда муносиб ўрин эгаллашга, ёт мафкураларга фаол қарши туришга чорлайди.

Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан ижтимоий-тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик ғоялари сингдириб борилади.

Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ким ўз халқига қарши курашмоқчи бўлиб, аҳмоқона йўлга ўтган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз мақсадига эришмайди. Чунки азал-азалдан ўз ота-онаси ва эл-

https://buxdu.uz



юртига қарши қўл кўтарадиган фарзанд “оқпадар” деган ланатга учраганини талай мисолларда кўришимиз мумкин.

Маҳалла, аввало, соғлом миллий-ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган ижтимоий-педагогик тарбия маҳалла аҳлининг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида ҳимоя қилиб, асраб, тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани табияси оғир ўсмирларни тарбиялаш маскани деб ҳам аташ мумкин.

Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс.

5-9-синф ўқувчилари дунёқарашининг шаклланиши, эътиқодининг мустаҳкамланиши учун ўта сезгир, сензитив босқич ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу давр нафақат шакллантириш учун, балки маълум бир номақбул қарашлар шаклланиб улгурган бўлса, уларни ўзгартириш учун ҳам қулайдир.

Педагогикада “ўсмирлик даври” ибораси кенг оммалашиб кетган тушунча ҳисобланади. 5-9-синф ўқучиларига алоҳида эътибор берилишига сабаб шундаки, бу даврда бола соматлик, жисмоний, жинсий ва ижтимоий тараққиёти жиҳатидан жиддий ўзгаришларга учрайди. Шунинг учун ҳам жамият томонидан 5-9-синф ўқучилари даври ва унинг хусусиятларига бериладиган баҳо айнан шу жамиятнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Агар 5-9-синф ўқучилари даврининг бошланиши одатда кўпроқ жинсий жиҳатдан етилиш билан боғланса, субъектив жиҳатдан бу даврнинг якунланиши ҳаётда устун мавқега эга бўлган ижтимоий аҳвол, таълим олиш муддати кабиларга боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкин. 5-9-синф ўқучиларинг ёши нуқтаи назарига ижтимоий-психологик ёндашув яна шу билан изоҳланадики, аввалги даврда 5-9-синф ўқучилари учун етакчи бўлган ўқув фаолияти энди ўзининг катталар дунёсида ва ижтимоий муносабатлар таркибида ўз мавқеи ва ижтимоий ўзлигини англашга қаратилган фаолият билан алмашади. Шунинг учун ўсмирлик бу – боланинг улғайиш йўлидаги бир босқич ёки “ўтиш даври” эмас, балки теран мазмун, шахсий моҳият ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мустақил ёш даври ҳисобланади. Проф. М.Қуронов “Оталар китоби”да ўсмирлик даврига шундай таъриф беради: “… ўсмирнинг қўл–оёғи кўпинча унинг фикридан олдин юради. Масаланинг моҳиятига, “ичига кириш”дан кўра юзаки, тез ва хом қарор қабул қилади. У ўзига катталарнинг ишонишини, бирор жиддий нарса билан шуғулланишни истайди. Бироқ катталар уни бола деб билиб, эътиборсиз қолдиришади. Натижада ундаги фаоллик қаровсиз қолади.

Бировлардаги камчиликларни бўрттириб кўрсатади. Ўспиринлик – “ота-онам кўп нарсаларни билмайди” дейдиган давр. Бу давр – орзулар даври. Сирдош дўст, идеал қидириш даври” [7,42–49].

Айнан шу нуқтаи назардан тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда фойдаланилган асосий тушунчаларни кўриб чиқиш зарур бўлади. Бундай тушунчалар сирасига “ижтимоийлашув”, яъни боланинг жамият аъзоси бўлиб қолишига имкон берувчи қоида, ҳолат, хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, шунингдек “5-9-синф ўқувчилари ривожланишининг ижтимоий вазияти” сингари тушунчалар киради.

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Миллий мафкурамизнинг бош ғояси манфаатларига хизмат қилувчи ёш ўзбекистонликларнинг вояга етказилиши оиладан, маҳалладан бошланиши лозим. Ижтимоий педагогикамизнинг мақсади ҳам шунга йўналтирилган. Мисол учун, асосий педагогик ҳужжатларимиздан бири “Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги” концепциясида “Оилада соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш, фарзандлар учун ота-она ҳар томонлама ўрнак бўлиши, фарзандларнинг ота–онасига, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, ўзаро ғамхўр бўлишини таъминлаш – оилавий тарбиянинг асосий вазифаси” эканлиги таъкидланади [5,16].

Тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчилари онгига миллий ғояни сингдириш яхлит педагогик фаолият жараёни бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал этилиши мақсадга мувофиқ:

- тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчиларини ғоявий-мафкуравий таълим-тарбиянинг моҳияти ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар билан қуроллантириш;
- тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчиларида ғоявий ва мафкуравий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни вужудга келтириш ҳамда мафкуравий тафаккурни қарор топтириш;

https://buxdu.uz



- тарбияси оғир ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчиларининг ғоявий-мафкуравий, амалий фаолиятларини ташкил этиш борасида кўникма, малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда қуйидаги илмий концепцияга асосландик:

- 5-9-синф ўқувчиларининг онг даражаси ижтимоий муносабатлар жараёнида, уларнинг жамият, атроф-муҳитга бўлган ёндашувида намоён бўлади;
- 5-9-синф ўқувчиларининг камолоти улар яшаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига боғлиқ;
- ёшлар онгида миллий ғояни маънавий-мафкуравий, объектив ва субъектив шарт-шароитларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил этиладиган, узлуксиз тизимли таълим-тарбияни йўлга қўйиш натижасида вужудга келади;
- 5-9-синф ўқувчиларининг ғоявий жиҳатдан ривожланиши давлат ва жамият манфаатларини ифодалайди.

Ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришга доир педагогик, фалсафий, психологик адабиётларни ўрганиш натижасида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурияти пайдо бўлди:

- 5-9-синф ўқувчилари ҳаётида кенг кўламли ижтимоий, маънавий соғлом муҳит яратиш;
- ўқувчилар онгига миллий ғояни сингдириш асосида миллий дунёқарашни кенгайтириш;
- 5-9-синф ўқувчиларининг билим ва тафаккурлари асосида ижтимоий фаоллигини ошириш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9-синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда қўйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

- 5-9-синф ўқувчиларининг миллий ғояни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини қарор топтириш, шахс камолотини таъминлашга эришиш;
- ёшларнинг сиёсий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида миллий ғоя мафкурасининг бош ва асосий ғояларига таяниш;
- тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9 синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим-тарбия шакл, метод ва усулларини белгилаб бериш ҳамда уларни татбиқ этиш;
- тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9 синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда маҳалла, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлардаги маънавий-маърифий ишлар билан уйғунлаштириш.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида миллий ғояни шакллантиришда 5-9 синф ўқувчиларининг ўзига хос характер, қобилият ва лаёқати каби шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълим-тарбиянинг мезонларини ташкил этувчи масъулият, эътиқод, иймон каби маънавий сифатларни мукаммал тизимда улар онги ва қалбида собит ўрин эгаллашига қаратилган фаолиятни ташкил этиш муҳимдир. Бизга маълумки, инсоннинг мафкуравий етуклигини белгиловчи сифатлардан бири унинг онги ва қалбидаги ғояларнинг барқарор ўрин олганлигидадир. Қалб, шахсий онг ва ғоявий узвийлик асосида инсоннинг мафкуравий иммунитети шаклланади ва унинг мустаҳкамлиги эътиқод ҳамда иймон билан белгиланади.

Тарбияси оғир ўқувчиларда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигида 5-9 синф ўқувчилари онгида миллий ғояни шакллантиришда, унинг ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки даражаси ва сифатига боғлиқ равишда мақсадли ҳамда режали тарздаги муносабатлар кўриниши шахсда мафкуравий иммунитетнинг сифатларини шаклланишига олиб келади. Шу боис жамият ҳаёти, ижтимоий тузумда қарор топган мафкуравий муносабатлар мазмуни унинг ғоялари 5-9 синф ўқувчиларида миллий ғояни шакллантиришда етакчи ўрин тутади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори. Lex.uz.
2. Каримов. И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. - Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 413 б.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:“Ўзбекистон”, 2000. -80 б.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Т.: “Университет”, 1998. -184 б.
5. Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1998. – 16 б.
6. Қаршибоев М. Бунёдкор халқ ғояси. Маъруза матни. –Т.: “Маънавият”, 2001. -166 б.
7. Қуронов М. Оталар китоби. - Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 78 б.

https://buxdu.uz



**Наргиза МИРАШИРОВА**
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
умумий психология кафедраси доценти

# БОЛАНИНГ МАКТАБДА ЕТУКЛИК ДАРАЖАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОТА-ОНАЛАР МУҲИМ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ[1]

*Мақолада болани мактабга тайёрлаш муаммолари ҳақида фикрлар келтирилган. Боланинг нутқи тафаккурининг ривожланиши билан боғлиқлиги муаммолари ва ота-онанинг муносабати ҳис-туйғуларининг намоён бўлиши фарзандининг тафаккурини ривожланишига таъсир қилиши ҳақида фикрлар келтирилган.*

***Таянч сўзлар:** Тил, нутқ, мулоқот, эҳтиёж, ҳис-туйғу, эмоция.*

*Статья дает представление о том, как подготовить ребенка к школе. Предполагается, что речь ребенка связана с развитием его мышления и что отношение его родителей может влиять на мышление их ребенка.*

***Ключевые слова:** язык, речь, общение, потребность, чувство, эмоция.*

*The article gives an idea of how to prepare a child for school. It is assumed that the child's speech is related to the development of his thinking and that the attitude of his parents can influence the thinking of their child.*

***Key words:** language, speech, communication, need, emotion.*

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганларидек: **“**Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1].

Дарҳақиқат, бизнинг асримизда электрон ахборот воситалари ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ; жамият бизнинг хар биримиздан тил маҳоратлари - ўқиб, ёзиб, эшитиб ва мулоқотга киришa олиш қобилиятини самарали ривожлантиришни талаб қилмоқда. Инсон мулоқотга муҳтож бўлади, шунинг учун ҳам унда бир-бирига боғлиқ бўлган маҳоратлар вужудга келади. Бевосита таълим ва доимий тил маҳоратлари уларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради. Ҳатто қандайдир бир тил соҳасидаги маҳоратларнинг ривожланишига олиб келиши ҳам умумий тафаккур жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда Ж.Пиаже, Б.Блум ва Э.Эриксоннинг тадқиқотлари шарофати билан биз ўқишни ўрганиш учун зарур бўлган билимни бола мактабгача бўлган вақтда олади. Кичкина бола катталар билан мулоқотда бўлганида тил маҳоратини такомиллаштиради ва боланинг эски тажрибаси нутқ махоратининг ривожланишига, эшитиш ва ўйлаш қобилиятига олиб келадиган муҳитни яратади ва болани сўзларнинг маъносини ажрата билишга тайёрлайди. Болаликнинг биринчи йилларида ота-оналар учун ваҳимали кунлар бошланади ва “Яна ниманидир ўргатиш учун қандай қилиб вақт топиш мумкин?” дея тушкунликка тушишади. Лекин унутмаслик керакки, фарзандлар ва ота-оналар орасидаги *алоқани мустаҳкамлаши* ва *ижобий муносабатларнинг*, ота ва она ўргатган малакани қабул қилиш қобилиятининг пайдо бўлишига имкон яратиши мумкин.

Қачонки инсоннинг ривожланиши генетик қонуниятлар билан белгиланиши аҳамиятлилиги ўз кучини тўлиқ йўқотса, ўқитиш бошланади. Ва, айниқса, мактабгача бўлган йилларда болалардаги туғма истеъдод ва салоҳиятини аниқлаш ва ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Айнан шу давр ота-она фарзанди ҳаётида энг муҳим ўрин эгаллайдиган пайт ҳисобланади. Ушбу давр мобайнида бола фақат бошқалар билан муомала қилишнинг одатий усулларини ўрганар экан, унда ўзи ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўла бошлайди.

Ота-она ва фарзандининг келажагини ҳал қилади. Фарзандини энг қулай шароитлар билан таъминлашга ҳаракат қилади (албатта, турмуш тарзи ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда) ёки фарзандининг ривожланишига бефарқлик қилиб уни ўз ҳолига қўйиб беради. Иккинчи ҳолатда фарзанди ички салоҳиятининг ривожланиши ва максимал даражада уни ошкор қилишга йўналтириш имкониятини бутунлай бой берган бўлади.

• Фарзанд учун ота-она тил ва нутқ намунаси ҳисобланади. Чунки болалар тилни ва гапиришни эшитиб, кузатиб, тақлид қилиб ҳамда қўл билан ушлаб кўриб ўрганади.

• Фарзанд албатта уйингиздаги ёки қўшниларингиздек гапиради. Эҳтимол фарзанд ҳақидаги “Худди отаси ёки онасидек гапиради” деган фикрларни эшитгансиз. Халқимиз орасида “қуш уясида кўрганини қилади” деган гап бекорга айтилмаган, ахир.

[1] Мақола “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги ОТ-Ф1-126 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси асосида бажарилди.

https://buxdu.uz



• Фарзандингиз доимий равишда кузатиб боради ва у гапира оладиганидан кўпроқ нарсани тушуна олади.

• Бола ота-она у билан гаплашса, уни тингласа ва фикр алмашса, тилни тез ўрганади.

Тил ва нутқ хотиржамлик, хавфсизлик ва меҳр-муҳаббат муҳити ичида анча яхши ривожланади, чунки бундай шароитда суҳбатлар учун кўпроқ имкониятлар ва сабаблар мавжуд. Ота-она овози билан улар болага ва умуман ҳаётга қандай алоқаси борлигини аниқлашингиз мумкин. Бир ота ёки она ўзидан сўраши мумкин: “Мен болага мурожаат қилганда, овозимнинг садоси қандай эшитилади: қувноқ, тушунарли, боланинг қизиқиши ва буни амалга ошириш истаги борми?” Агар бу саволга жавоб бериш қийин бўлса, болангиз билан суҳбатлашишга ҳаракат қилинг, мусиқани 10-15 дақиқа давомида ёқинг. Овозини тингланг ва хулоса чиқаринг.

• Болангизга фикрлаш ва гапириш қобилиятини ўргатишда боланинг интеллектуал, ҳиссий ва лингвистик ривожланиши муҳим ўрин тутади.

• Болангизга турли хил ҳисларнинг ҳар бирини сезиши учун кенг имкониятлар яратиб беришингиз керак: у атрофдаги дунёнинг турли қисмларини кўриши, эшитиши, тегиниши ва ҳис қилиши керак. Бу эса, у яшайдиган уй ҳақида, атрофдаги нарсалар ҳақида, шунингдек уйдан узоқда бўлган жойлар ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини беради. Ўз фарзандингизнинг ўқитувчиси сифатида сиз уни тинглашингиз, суҳбатлашишингиз, диққатини тўғрилашингиз ва кўпинча унга ўқиб беришингизга тўғри келади.

• Доимо боланинг яқинида бўлиш шарт эмас. Ахир, ота-оналарнинг фарзандларига бағишлаган вақти эмас, балки сифати муҳим аҳамиятга эга.

Икки-беш ёшли болангиз сизнинг тилингизни ўрганаётганига ишонмасангиз, фарзандингиз қандай қилиб ўйнаётганини четдан туриб бироз кузатиб кўринг. “Она-бола” ўйини ўйнаган пайтида эса Сиз айнан ўзингизнинг овозингиз, овозингиз оҳанги, севимли ва кўп ишлатадиган сўзларингизни билиб оласиз.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-оналар фарзандлари учун асосий тил ўқитувчилари бўлиб қолишади ва ўргатиш жараёнини тезлаштириш мумкин. Фарзандингиз билан кундалик мулоқотда сиз тилни ўрганиш тамойилларини ҳисобга олиб уриниб кўрсангиз самаралироқ бўлишини кўришингиз мумкин. Ва бундан ташқари, сиз нафақат тарбия масаласида, балки таълим олишда ҳам боланинг ишончини қозонасиз. Ўқиш, дастурхон атрофида ўтириш ва дарсда иштирок этиш каби ўзини тутиш дегани эмас. Бу болани кундалик ҳаётда қилган ишингиз ҳақида ва у билан бирга бажариш ҳақида:

• Агар сиз чақалоқни қўлингизга олиб, у билан гаплашсангиз, сиз уни иссиқлик ва хавфсизлик ҳисси билан таъминлайсиз (гарчи у сизга бу ёшда у буни сезмаса ҳам).

• Тингловчиларни тингланг. Ўғил боланинг гаплашиши учун дастлабки заиф ва тўлиқсиз уринишларини ҳатто рағбатлантиришга ҳаракат қилинг. Мактабгача ёш даврида кўрсатилган сабр-тоқат келажакда ўз вазифангизни енгиллаштиради.

• Фарзандингизга кўпроқ вақт беринг. Эрта болалик даврида оиланинг тил ривожланиши, билимни ривожланиши ва боланинг жамиятга таъсири ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мактабгача ёшдагиларга ишончсизлик ва уйдан ташқарида муваффақиятли алоқа қилишнинг асослари қўйилади. Нутқни эрта ривожлантириш даражасида боланинг мактабда, тенгдош компаниясида, иш жойида кейинги ҳаракатини таъминлайди.

• Телевизорни томоша қилаётган болага қўшилинг. Уни қизиқтирадиган нарсаларни топишга ҳаракат қилинг.

У билан кўрган нарсаларини муҳокама қилинг. Масалан, саволлар беришингиз мумкин: - Сенингча, нима бўлди? Ҳозир унга нима бўлди? - Нима деб ўйлайсан, буни у қилдими? - Сенингча, келажакда нима бўлади?

• Ҳар бир боланинг ўзига хослиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, ёқтирадиган ва ёқтирмайдиган нарсалари бор. Унинг ўзига хослигини ҳурмат қилинг.

• Ўзингиз ва фарзандингиз учун аниқ мақсадларни қўйинг. Унга раҳбарлик қилинг ва йўл кўрсатинг, лекин зинҳор уни ўзингиздан четлаштирманг.

• Фарзандингизнинг турли хил таассуротларини ҳис қилмасликдан асранг, лекин агар унинг барча талабларини ва истакларини бажаришга қодир бўлмасангиз, ўзингизни йўқотманг: ота-оналар ҳам “яшаши” керак.

Тил, яъни гапириш қобилияти бу бизнинг фикримизни ифодаловчи ҳамда инсонлар билан мулоқот қилиш тизимидир. Тил қуйидаги хусусиятларга эга:
1) аниқ мазмунга; 2) лингвистик қоидалар орқали ифодаланади; 3) керакли вазиятда қўлланилади.

Луи Блумнинг фикрича, нутқ ривожланишига қуйидаги учта хусусият таъсир қилади:

- атрофдаги нутқни эшитиш қобилияти;
- хар хил турдаги тил билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни бажариш, масалан: тўп билан ўйнаш, банан арчиш, стулга чиқиш.

https://buxdu.uz



- билимни ташкил этувчи, фикрлаш қобилиятини ва хотирани ривожлантириш.

Болада нутқ ривожланиши қуйидаги тартибда юзага келади:




Боланинг тилни ўзлаштириши ижтимоий вазиятда табиий равишда пайдо бўлади. Тил ва ибора ўзаро чамбарчас боғлиқ ва нутқнинг ривожланиши фикрлаш тараққиётига хизмат қилади. Боланинг туғилишидан бошлаб, у мулоқот қилишни ўрганадиган ижтимоий вазияти - бу унинг ўз ота-онаси ҳисобланади. Боланинг фикрлаш тарзи ривожланиши унинг ҳаётида иштирок этаётган объектлардан фойдаланиши, улар ва бошқалар билан мулоқотда бўлишидан бошланади ва шу пайтдаёқ болалар англашни ва тушунишни бошлайдилар.

Тил - болаларнинг шахслараро муносабатларни ўрнатиш, бошқаларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш, моддий эҳтиёжлар ёки истакларни қондириш, ўрганиш ва таснифлаш, уларнинг ён-атрофидаги барча нарсалар, бошқа одамлар билан хабарлар ва маълумот алмашиш, ўзларининг тасвирини яратиш воситасидир.

Таниқли психолог Ж. Пиаженинг айтишича, бола нарсаларга алоҳида эътибор бериш ёки улар билан ўзаро алоқа қилиш орқали турли ёндашувларни ишлаб чиқарадиган билимларни эгаллайди. Ва ушбу ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ - объектларни биринчи марта ажратиш содир бўлади: судраш мумкин бўлган нарсалар, ейиш мумкин бўлган нарсалар ва силкитиш мумкин бўлган нарсалар. Болаларнинг тилни ўрганиш тезлиги, асосан, унинг тажрибаси ва онанинг педагогик қобилиятлари билан белгиланади. Агар болага уйда ишлаш ёки ўйин давомида ташқи дунё билан мулоқот қилиш имконияти берилса, у билиш ва билимларни ривожлантириш жараёнига ёрдам беради деган фикрни билдиради Ж.Пиа, Д.Дю ва Л.С. Виготский.

Олтита ўзига хос билим ва ақлий жараён мавжуд:

- таниш;
- тушуниш;
- қисқа муддатли хотира;
- давомий фикрлаш;
- фикрлашни бўлиш;
- баҳолаш.

Ўтказилган тадқиқотларга қараганда бола уч ёшидан бошлаб сабаб ва натижа орасидаги боғлиқликни топишга қодир бўлади, лекин уни ўз-ўзи билан ифодалай олмаслиги мумкин. Тажрибада бола бундай илмоқли нарсаларни, ҳодисалар орасидаги боғлиқликни, уч ёшдан бошлаб англай бошлайди. Ўқиш - бу фақатгина сўзлардан гап тузиш эмас, балки ундандa кўпроқ. Китоб ўқиш даврида болада қанча кўп ўқилган сўзларнинг маъносини ўзаро боғлашга ёрдам берадиган ҳаётий ва бошидан ўтказган тажрибаси кўп бўлса, бу сўзлар бола учун шунча кўп маънога эга бўлади. Агар бола хурмо мевасини тозаласа, уни еса, бу меванинг уруғларини экса, суғорса, парвариш қилса, ўсишини кузатса, “хурмо” сўзини ўқиш у учун анча енгилроқ бўлади.

М. Коулнинг фикрича, уй шароитида ўқиш қобилияти худди юриш ва гапириш қобилиятлари сингари табиий ҳолда келади. Болага қуйидаги шароитларни яратиб бериб, унинг ўқиш қобилиятини ривожланишига ёрдам бериш мумкин:

https://buxdu.uz



1) болага доимий равишда саноқ ҳақидаги шеърларни, доимий такрорланадиган сўзлари кўп бўлган болалар шеърларини, расмли китобларни, турли хил ҳикояларни ва бошқаларни овоз чиқариб ўқиб беринг;

2) болага қизиқ бўлган ҳикояларни ўқиб беринг: ҳайвонлар, ўйинчоқлар, динозаврлар, цирк ва шу кабилар ҳақида;

3) суҳбатлашиш учун вужудга келган ҳар бир вазиятдан унумли фойдаланинг: бола билан суҳбатлашинг, унинг китоблар ҳақидаги ва бошқа саволларига албатта жавоб беринг;

4) боланинг қалам, қайчи, қоғоз ва ҳоказолардан эркин фойдаланишига рухсат беринг;

5) кундалик ҳаётда кўп қўлланиладиган сўзлар ёзилган карточкалар ясанг;

6) бола айтиб берадиган ҳикояларни ёзиб олиш (диктофон ва ҳ.к.);

7) ҳудуд бўйлаб экскурсия ташкил қилиш ва экскурсияни муҳокама қилиш (экскурсиядан олдин ва кейин);

8) уй муҳити осойишта, ота-оналар эса сабрли бўлишлари керак;

9) уйда боланинг қўл остида ҳар доим ўқиш учун етарлича материал бўлсин;

10) ота-она китоб, газета, журнал ўқиб, ўз боласига намуна бўлиши керак;

11) ота-оналар вақти-вақти билан болалари билан кутубхонага боришлари керак. Бу жуда фойдали. Биринчидан, бола кутубхона жавонларидаги ва ўқиш залидаги китобларни варақлаш имкониятига эга бўлади. Иккинчидан, бир неча китобни танлаб, уйга олиб кетиши мумкин.

Ўқишни билилимлар мамлакатига йўл десак бўлади. Кейинчалик олинадиган таълим- математика, биология, ижтимоий фанлар - боланинг ўқиганини тушуна олиш, нутқни ривожлантириш, матнни маъноли қисмларга бўлиб чиқишига ёрдам беради.

Агар бола ўқиш, суҳбатлашиш, тинглаш ҳар кунлик одатий ҳол бўлган оилада униб улғайса, у мактабда ҳам китобдан олинадиган мазмунли ва ҳар томонлама кенг бўлган маълумотларни тез ўзлаштиради ва у ўқувчи сифатида шаклланган шахсга айланади. Боланинг онги ривожланиши билан бирга икки дунё мавжудлигини англай бошлайди-“менинг ички дунёйим ва атрофдаги олам”. Айнан шу фактни англаб етиш (ташқи дунё ва боланинг ички дунёсининг мавжудлиги) болани ўзини индивид (мустақил шахс) сифатида ҳис қилишига ёрдам беради. Бу икки дунё орасидаги қарама-қаршилик эса китоблар ёрдамида бизни ўраб турган олам ҳақидаги билимларининг кенгайтиришга ёрдам беради.

| **Ички омиллар** | **Ташқи омиллар** |
| --- | --- |
| фикрлаш қобилияти | ота-онанинг меҳр-муҳаббати ва қўллаб-қувватлаши |
| фикрлаш қобилияти | бажариб кўриш ва адашиш эркинлиги |
| ҳавф-хатар ва таваккал қилишига чанқоқлик | ота-онаси билан ўзаро муносабат |
| тартибга одатланиш | ҳазил ҳисси |
| мустақил бўлишга интилиш | ўз фикрини баён қилиш ва тинглаш имкони |
| ҳамкорлик қилиш | уйдаги шароит |
| ўз ҳаётини шакллантириш қобилияти | Таассуротларнин ранг-баранглиги |
| ташаббускорлик | турли, манипуляция қилиш мумкин бўлган материалларга рухсат |
| хушчақчақлик | Газеталар, китоблар, журналлар |
| мослашувчанлик | яхши парвариш, кўмак |
| қайишқоқлик | малака ва уни ҳаётда қўллаш |
| жисмонан соғломлик жисмонан соғломлик | таълим ва тарбия |
| | оила ва яқин қариндошлар |
| | учун қадрли бўлган қадриятлар |

Бола тилни қанчалик мураккаб билса, ўқишга бўлган хоҳиши шунча ошади; тил ўрганиш, бола боғча ёшига етишидан анча олдин бошланади.

**Адабиётлар**


1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”-2016. – Б.21.
2. Карабанова О. А. Возрастная психология. Конспект лекций. — 2005.
3. Обухова Л. Ф. Концепция Жана Пиаже: за и против. — М.: Изд-во Московского университета, 1981.
4. Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка. — Государственное учебно-педагогическое издательство, Москва — Ленинград, 1932.
5. Пиаже Ж. Ранная концепция. О развитие мышения ребёнка
6. Э.Эриксон Теория развития личности.

https://buxdu.uz



**Азимжон ҚАЛАНДАРОВ**
Бухоро давлат университети
дифференциал тенгламалар
кафедраси ўқитувчиси

# АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ “ДОНИШНОМА” АСАРИ ҲАҚИДА

*Мақолада Абу Али Ибн Сино (Авиценна)нинг “Билимлар китоби” (Донишнома) асари, унинг ёзилиш тарихи ва ўрганилиши ҳақида сўз боради. Асарни ташкил этувчи боблари, унда кўтарилган масалар ҳақида қисқача маълумот берилган.*

***Калит сўзлар:** “Донишнома”, геометрия, астрономия, арифметика, мусиқа, дискрет ва узлуксиз миқдорлар.*

*В статье рассматривается вопрос о истории возникновения и степень изученности произведения Абу Али ибн Сина (Авиценна) “Донишнома” – “Книга знаний”. Приведены данные о главах и их содержание.*

***Ключевые слова:** “Донишнома”, геометрия, астрономия, арифметика, музыка, дискретные и непрерывные величины.*

*The article examines the history of the origin and the degree of study of the work of Abu Ali ibn Sina (Avicenna) “Donishnoma” - “The Book of Knowledge”. The data on the chapters and their contents are given.*

***Keywords:** Donishnoma, geometry, astronomy, arithmetic, music, discrete and continuous quantities.*

Ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк олим Абу Али Ибн Сино (Авиценна)нинг “Билимлар китоби” (Донишнома) фалсафий, мантиқий, физик ва математик билимларнинг қисқача қомусини ташкил этади. Бу ва худди шундай араб тилида ёзилган ва “Қутқариш китоби” (Китоб ан-нажот) деб номланган китобнинг математик боблари Ибн Синонинг “Даволаш китоби” (Китоб аш-шифо) деб номланган кўп томлик илмий ишларининг қисқартирилган шакли ҳисобланади.

“Билимлар китоби”нинг биринчи учта боби мантиқ, фалсафа ва физикага бағишланган бўлиб, 1957 йилда А.М.Богоутдинов томонидан русча таржимада Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги мақола билан бирга чоп қилинган.

С.У.Умаров ва Б.А.Розенфельд томонидан нашр этилган китобнинг русча таржимасида “Донишнома” – “Билимлар китоби”нинг математик боблари Муҳаммад Ашен ва Анри Массе томонидан француз тилига ўгирилган таржимаси ётади.

Бу таржима Лондондаги Британия музейи (қўлёзма Оμ. 2361) ва Теҳрондаги Мажлис кутубхонасида сақланаётган форс қўлёзмалари асосида бажарилган. Қўлёзмадаги бўш жойлар Истамбулдаги Аҳмад III кутубхонасида сақланаётган “Қутқариш китоби”нинг арабча қўлёзмаси (қўлёзма №34481) ва Коҳира миллий кутубхонасида сақланаётган “Даволаш китоби” (қўлёзма №331) асосида тикланган. Ашен ва Массе математика ва астрономия масалаларида машҳур француз математика тарихчиси Рене Татон, шунингдек француз архившуноси Эмманюэл Пуль ва ўрта аср фанлари билимдонлари Анавати ва Борекё билан маслаҳатлашишига қарамасдан кўплаб математик хатоликлар ва ноаниқликларга йўл қўйишган. Мазкур таржимада “Қутқариш китоби” бобларининг арабча матни асосида тузатилган – геометрия, арифметика ва “Китоб аш-шифо”нинг математик боблари арабча қўлёзмасига бағишланган Арманистондаги “Матенадаран” қадимий қўлёзмалар омборхонасида сақланаётган “Қутқариш китоби” қўлёзмасининг фотонусхаси (араб-форс фонди қўлёзма №45, 108-125 варақ) ётади.

Эслатиб ўтиш жоизки, “Китоб ан-нажот”нинг мусиқага бағишланган арабча матни Маҳмуд ал-Ҳафний томонидан немис тилига ўгирилиб, нашр қилинган.

“Китоб аш-шифо”нинг математикага оид боблари таржимасида Леден университети кутубхонаси (қўлёзма Codo №84/3, микрофильм) қўлёзмасидан фойдаланилган. Бу қўлёзманинг мусиқага бағишланган боби французча таржимада Рудольф д’Эрланже томонидан чоп қилинган.

Астрономияга оид бобларни чоп қилишда Г.И.Поподько (Коломна), мусиқа назариясига бағишланган бобларни таҳлил қилишда профессор И.И.Дубовский ***(Олма-ота)*** яқиндан ёрдам кўрсатишган.

Ибн Сино “Донишнома” китоби сўзбошисида ёзадики, бу китоб Исфаҳон амири Аъло ад-Довулнинг илтимосига кўра ёзилган. Маълумки, аллома 1023 йилдан умрининг охиригача унинг саройида яшаган. Бу китобнинг бошқа номи “Китоб ал-Аълои (“Аъло китоби”) шу билан тушунтирилади.

Ибн Сино таъкидлайдики, китобнинг мақсади қадим донишмандликнинг бешта илми асослари ва масалаларини қисқача баён қилишдан иборат. Биринчидан, мантиқ – ўлчов ҳақидаги фан; иккинчидан физикани, сезгиларга таъсир қилувчи ҳаракатда ва ўзгаришда бўлган нарсалар ҳақидаги

https://buxdu.uz



фан; учинчидан коинотнинг тузилиши ва жойлашиши ҳақидаги номуносиб тарзда ҳақиқатни англаш мақсадида осмон ва юлдузлар ҳаракати шакллари ва ҳолати ҳақидаги фан; тўртинчидан мусиқа ҳақидаги фан, товушлар гармонияси ва дисгармонияси сабабларини очиш ва куйнинг хоссалари; бешинчидан табиатдан ташқарида жойлашган нарсалар ҳақидаги фан (яъни метафизика, Ибн Сино даврида "фалсафа" деб аталган). Бу Бобларни тушуниш осон бўлиши учун астрономия бобидан олдин геометрия боби, мусиқа бобидан олдин арифметика боби келиши керак. Лекин "Донишнома" – "Билимлар китоби" математикага оид бобларининг сўзбошисида Ибн Синонинг шогирди ал-Жузжоний ёзадики: "Бу китобнинг математикага оид қисмлари йўқолган" ва ал-Жузжоний томонидан ўзидаги мавжуд қўлёзмалар асосида қайта тикланган.

"Билимлар китоби"нинг сўзбошисида Ибн Сино томонидан эслатиб ўтилган "қадим донишмандликнинг беш илми" – геометрия ва арифметика билан биргаликда машҳур етти "эркин санъат" (artes liberales) бўлиб, қадимда ва ўрта асрларда фалсафий маълумотларнинг асосини ташкил қилган. "Билимлар китоби"нинг фалсафа бобида Ибн Сино фалсафий илмларни "Олий илм", математик илмларни "ўрта илм", физикани "қуйи илм" деб атаган. Европада ўрта асрларда тўртта математик фан – геометрия, астрономия, арифметика, мусиқа quadrivium (тўрт йўллик) ташкил қилиб, олий мактабларда ўқитилган. Грамматика, диалектика (баҳс санъати) ва риторика (нотиқлик санъати) trivium (уч йўллик) ташкил қилиб, элементар (тривиал) мактабларда ўқитилган. Ўрта аср Шарқида ҳам фанларни ўқитиш шундай ташкил қилинган эди. Шунинг учун "Билимлар китоби"нинг математик бобларида келтирилган фанлар мажмуаси ўрта аср "квадривиум"ининг асосий мазмунини ташкил этади.

"Квадривиаум" ўзаро боғлиқ назарий ва амалий математик фан сифатида қадим пифагорчилардан келиб чиққан бўлиб, унинг асосий принципи геометрия ва арифметиканинг (пифагорчилар сонни бирликлар – нуқталардан маълум тарзда ташкил топган фигура сифатида қараганлар) ҳамда астрономия ва мусиқанинг (бу унинг самовий сфераларнинг мусиқаси ҳақидаги таълимоти билан боғлиқ) узвий боғлиқлигига асосланган. Ибн Сино "квадривиуми"нинг асосида тўртта қадим мумтоз асар – Евклиднинг "Бошланғичлар"и, Клавдий Птоломейнинг "Математик ясашлар"и (Алмагест), Гераслик Никомахнинг "Арифметикага кириш"и ва Клавдий Птоломейнинг "Гармония ҳақида таълимот"и ётади.

Ибн Сино асосан фалсафа ва тиббиёт соҳасида изланишлар олиб борган бўлса-да, математик фанлар соҳасида ҳам илмий тафаккур юритган. Ал-Жузжоний Ибн Синонинг биографиясида ёзади: "Исфаҳонда у "Китоб аш-шифо"ни якунлаш билан шуғулланди, шунингдек "Логика" ва "Алмагест"ни тугатди. Бунгача у Евклидга ("Бошланғич" – геометрия), арифметика ва мусиқага қисқача изоҳ берди ва ҳар бир китобга математик фанлар ёрдамида қўшимчалар киритди, чунки уларга бундай қўшимчалар киритишни қатъий зарурат деб топди. "Алмагест"га параллакс ҳақидаги ўнта таклифни киритди ва "Алмагест"нинг охирига астрономияга оид шундай нарсаларни қўшдики, булар унгача мавжуд эмас эди. Шунингдек, Евклидга арифметикага оид баъзи теоремаларни (қатор қизиқарли нозик томонларни) қўшди, мусиқада бир неча масалаларни киритдики, булар аввалгилар томонидан қаралмаган эди".

Энг аввало, Ибн Синонинг бу соҳага қўшган ҳиссаси шундан иборатки, "Китоб аш-шифо"нинг математикага оид бобларида квадратга ва кубга кўтариш амалларини тўққизлик усули билан текширишни ишлаб чиқди. "Китоб аш-шифо"нинг геометрияга оид бобларига Ибн Сино киритган қўшимчалари К.Локач ва Х.Муҳаммадиев томонидан ўрганилганига қарамасдан ҳали тўлиқ тадқиқ қилинган эмас.

Янги астрономик асбоб ҳақидаги ва оддий машиналарга бағишланган "Ақл ўлчови" номли механикага бағишланган илмий асар ҳам Ибн Сино илмий-амалий фаолиятига мансубдир.

"Билимлар китоби"нинг фалсафага оид бобида Аристотелнинг "Осмон ҳақида" ва "Физика" асарларига бағишланган Абу Райҳон ал-Беруний билан ўзаро илмий мулоқотларида кўтарилган математика масалалари қайд этилган.

Ибн Сино "Билимлар китоби"нинг фалсафага оид бобларида шунингдек дискрет миқдор ва узлуксиз катталикнинг, нуқта, кесма, сирт ва жисмнинг таърифини беради ("Бошланғичлар" I китобининг 1-, 2- ва 5-таърифи ва XI китобнинг 1-таърифи), шунингдек атомистларга қарши қаратилган фазовий чексиз бўлинишнинг беш исботини келтиради.

"Осмон ҳақида" китобнинг 3-масаласи бўйича Ибн Сино ал-Берунийнинг саволларига шундай жавоб беради: жисм фақат куб бўлгандагина олтита томони мавжуд бўлади деб ҳисоблаш керакми ёки ҳар доим ҳам шундай бўладими, чунки ҳар қандай жисм унинг шаклидан қатъи назар фақат учта ўлчовга эга. Шу китобнинг 4-масаласи бўйича ал-Беруний атомистларнинг нуқтаи назарини ҳимоя қилиб, фазонинг чексиз бўлинишини исбот қилади. 6-масала бўйича Ибн Сино тухумсимон ёки ясси

https://buxdu.uz



шаклдаги айланиш жисмлари, яъни чўзилган ва ялпоқ айланиш эллипсоидлари ҳақидаги масалани муҳокама қилади. 5-масалада Ибн Сино "Физика" тўғрисида иккита кесишувчи тўғри чизиқлар ҳосил қилган тўрт бурчакдан ясалган параллелограммларнинг уриниши ҳақидаги масалани текширади.

Геометрия, астрономия, арифметика ва мусиқа қисқача баён қилинган "Билимлар китоби"нинг математикага оид боблари дастлабки кўринишида эмас, балки ал-Жузжоний таҳрир қилган кўринишда бизгача етиб келган бўлиб, бунда Ибн Синонинг ўз шахсий фикрлари тушиб қолган бўлиши мумкин.

Шунга қарамасдан бу боблар материалларнинг танланишига кўра ҳамда фан тарихи учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Геометрияга оид қисмида барча фактлар Евклид усулларига мос келмайдиган исботлар ва исботлаш усуллари билан келтирилади.

"Билимлар китоби"нинг геометрияга оид боблари 12 та бўлимдан иборат. Баён қилиш усули Евклиднинг "Бошланғичлар"ига яқин бўлса ҳам мазмун жиҳатидан улар бир-бирига тўғри келмайди. Бу ерда Ибн Сино нуқта, чизиқ ва сиртнинг таърифини келтирмайди, Евклиднинг "Бошланғичлар"и эса айнан шундан бошланади. Бунга сабаб эса бу таърифлар фалсафага оид бобларида келтирилади. Лекин на фалсафага оид бобларда, на геометрияга оид бобларда тўғри чизиқ ва текисликнинг таърифини беради. Ибн Сино Евклиднинг баъзи аксиома ва постулатларини кўриниб турган ҳақиқатлар дея уларни келтирмайди, лекин Евклиднинг мураккаб постулатларидан бири – V постулат (параллел чизиқлар ҳақидаги постулат)ни исботлашга уринади.

Астрономияга бағишланган боб 9 бўлимдан иборат. У Птоломей "Алмагест"ининг жуда қисқартирилган баёнидан иборат.

"Билимлар китоби"нинг арифметикага бағишланган боби 7 бўлимдан иборат. У Никомахнинг "Арифметикага кириш" асарининг қисқартирилган баёнидан иборат.

"Билимлар китоби"нинг мусиқа назариясига бағишланган боби 9 бўлимдан иборат. Биринчи қисми Птолемейнинг "Гармония ҳақида таълимот" I китоби, боб яхлит Абу Наср ал-Форобийнинг "Мусиқа ҳақида катта китоб" асарининг қисқача баёнидан иборат.

Алайҳи роҳман шайх Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ал-Жузжоний айтади:

Мен шайх ур-раиснинг хизматида бўлганимда унинг асарларига эга бўлишга ва тўплашга ҳаракат қилдим. Чунки шайх ур-раиснинг ким асарларини сўраса ўзига бирон нусхасини қолдирмай берадиган одатлари бор эди. Унинг йирик асарларидан бири "Билимлар китоби" бўлиб, бу асар математикага оид йирик асар ва у менинг қўлимга тегмай йўқолган эди. Бу асарнинг тўлиқ бўлмаганлиги менга оғир ботарди. Шайх ур-раис битган бу асарнинг фақат "Бошланғич" (геометрия)га бағишланган қисми менда бор эди. Бунда шайх ур-раис айтадилар, ким "бошланғич" (геометрия)ни ўргана олса, "Алмагест"ни ўрганишга имкон топади. Бу китоб Евклид ("Бошланғичлар")нинг қисқача баёнидир, унинг турли жойларида қўлланиш усуллари келтирилади ва шу йўл билан "Алмагест"га олиб келинади. Менда шайх ур-раиснинг умумий (астрономик) кузатишлар ва осмон жисмларининг тузилишини англаш ҳақидаги бошқа асарлари ҳам бор: бу ҳам "Алмагест"нинг қисқа баёнидир. Шунингдек менда мусиқа илмининг қисқа баёни ҳақидаги китоб бор. Арифметикадан фақат ўзлари айтиб берган маълумотлар бор эди, холос. Шунинг учун "Китоб аш-шифо" дан мусиқа илмини тушуниш учун зарур бўлган масалаларнигина арифметика китобига киритдим. Бу барча асарларни форсий-дарий тилига ўгирдим ва маълумотлар тўлиқ бўлиши учун уларни "Билимлар китоби"нинг биринчи уч қисмига киритдим".

Ибн Синонинг математикага оид ишлари, хусусан "Билимлар китоби"нинг математикага оид бобларининг аҳамияти шундаки, бу математикага оид ишлар кейинги авлод олимларининг диққатини тортди. Айниқса ўрта асрларда яшаган йирик математик Умар Хайём фалсафий трактатларида Ибн Синони ўзининг устози деб атайди.

## Адабиётлар

1. Абу Али Ибн Сина. Математические главы Книги знания (Донишнома). – Душанбе: "Ирфон", 1967.
2. Аҳадова М., Мирханова М.А., Қаландаров А.Д. Марказий осиёнинг машҳур олимлари ва уларнинг математикага доир ишлари. – Тошкент: "Наврўз", 2016.

https://buxdu.uz



**Камола НОРОВА**
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон
Педагогика фанлари
илмий тадқиқот институти
таянч докторанти

# ОЛИЙ ТАЬЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ” ЎҚУВ КУРСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШГА ОИД ЁНДАШУВЛАР

*Олий таьлимда педагогик жараёнларни бошқаришга оид ёндашувлар таълим соҳасида самарали бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун назарий асосни яратадилар. Таълим мажмуаларини бошқариш асосида уларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатишини тушуниш имкониятини берувчи тизимли ёндашиш ётади. Қолган ёндашувлар тизим доирасида унда кечувчи жараёнларни мақбуллаштириш, уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро энг яхши таъсирини таъминлаш имкониятини берадилар.*

***Калит сўзлар**: ёндашув, таьлим, стандарт, обьект, “Таьлим менежменти”, педагог, моделлаштириш, режалаштириш, назорат қилиш, ташкил этиш.*

*Подходы к управлению педагогическими процессами в высшем учебном заведении дают теоретическую основу для реализации эффективной управленческой деятельности в сфере образования. В основе управления образовательными комплексами лежит системный подход, позволяющий понять их структуру и работу. Остальные подходы позволяют оптимизировать процессы, происходящие в системе, обеспечивая лучшее взаимодействие составляющих ее элементов.*

***Ключевые слова**: подход, образование, стандарт, объект, “Управление образованием”, педагог, моделирование, планирование, контроль, организация.*

*Approaches to the management of pedagogical processes in higher education provide a theoretical basis for the implementation of effective management activities in the field of education. Underlying the management of educational complexes is a systematic approach that allows to understand their structure and operation. The remaining approaches allow optimizing the processes that take place in the system, ensuring the best interaction of its constituent elements.*

***Key words**: approach, education, standard, object, “Education management”, pedagogue, modeling, planning, control, organization.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган узлуксиз ислоҳотлар ривожланишнинг бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келаётган рақобат муҳитида устувор аҳамият касб этиб, таълим сифатини такомиллаштириш борасида янги талабларни юзага келтирди.

Таълим тизимининг сифат даражасини ошириш таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш билан бир қаторда, таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш тизимини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки ҳозирги кунда таълим муассасаларида яратилаётган замонавий шароит ва имкониятлардан самарали фойдалана оладиган, ўз ишига нисбатан талабчан, таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган, чуқур билимли ҳамда ўзини-ўзи ривожлантирувчи раҳбар ва педагог кадрларнинг фаолият кўрсатишини талаб қилмоқда.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишида вужудга келаётган замонавий талаблар сифатида: педагогик жараёнлар иштирокчиларида ўзаро муносабатларни, субъект-объект ва субъект-субъект муносабатларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш; компетенсиявий диагностика; таълим сифати бошқарувининг замонавий технологияларини амалиётга татбиқ этиш; халқ таълими (раҳбар, педагог ва мутахассис) ходимларида малака оширишга бўлган эҳтиёжларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш; халқ таълими ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантириш; таълим сифати бошқаруви тизимини шакллантириш ва мунтазам такомиллаштириб бориш масалаларини келтириш мумкин. Бинобарин, олий таълим муассасаларида педагогик жараёнларни бошқаришда “Таълим менежменти” ўқув курси таълим шаклларини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, педагогик жараёнларни бошқаришдек ижтимоий буюртмани бажариш асосида жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида ҳисса қўшади. “Таълим менежменти”нинг мақсади ва вазифаларининг белгиланишида ижтимоий муносабатлар мазмуни, давлат ва жамият ривожланиш стратегияси, унинг ҳаётида етакчи ўрин тутувчи ғоялар моҳияти муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида “Таълим менежменти” ўқув курси юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тарбиялаш тизимини ишлаб чиқиш, илғор хорижий тажрибалар асосида таълим бошқаруви ва унинг назариясини ривожлантириш вазифасини ҳал этади. Мазкур жараёнда қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратилади:

https://buxdu.uz



Аналитик - таълим ва тарбия жараёни мазмуни, моҳияти, сабаб-оқибат алоқадорлигини ташкил қилиш, педагогик тажрибани таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш.

Прогностик - илмий асосланган мақсадларни белгилаш ва таълим-тарбия тизимини ривожлантириш стратегияларини белгилаш;

Ташкилий – янги педагогик технология, инновацион шакл ва воситаларни ишлаб чиқиш; - педагогик тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш;

Таълим ва маорифни юксалтириш, миллий ғояни рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш - давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири. Бу улуғвор вазифларни амалга ошириш учун 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида, педагогика фани учун қонуний замин бўлган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди ва бу норматив ҳужжатларда жамиятда камол топаётган ёш авлод тарбиясига, ўқитувчи касбини эгаллаган шахсларга катта эътибор қаратилди.

“Таълим менежменти”нинг вазифалари жаҳон таълим амалиётида бошқарувнинг самарали усулларини ўрганиш, танлаш, интеллектуал, моддий ва молиявий ресурсларни сафарбар қилиш масалаларини таҳлил қилишдан иборат.

Бугунги кунда менежментда, иккита йўналиш: тижорат ва иқтисодий ёки, ташкилий-техник ва психологик-педагогик (инсон ресурсларини бошқариш, пировард мақсадга эришиш учун жамоани ташкил этиш) етакчилик қилишини инобатга олиб, таълим менежменти фақат ўзига хос бўлган хусусиятларга ва қонуниятларга эга эканлигини қайд этиш лозим.

М.А.Юлдашев ўзининг “Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш” мавзусида ёзган докторлик диссертациясида “сифат” тушунчаси турлича, баъзан бир-бирига зид маънода талқин қилинади, яъни педагогика фанида у: бир предмет ёки ҳодисани бошқасидан фарқловчи муҳим аҳамиятга эга бўлган белгилар, хусусиятлар, ўзига хосликлар; шунингдек, у ёки бу хусусият, қадр, яроқлилик даражаси, маънавий-ахлоқий категория (сифатли = мукаммал) ёки соф иқтисодий тушунча каби талқин этилади» [1] -деб ёзади. Олим тадқиқот ишида “сифат” категориясига таъриф берар экан, уни – “корхона ва ташкилот, шу жумладан, таълим муассасаларининг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида ички ва халқаро бозорда маблағ сарфлашнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолаётгани бутун дунёда сифатни таъминлаш муаммоларига эътиборнинг ошиб боришига сабаб бўлмоқда” [1], - деган фикрни баён қилади. Дарҳақиқат, таълим сифати таълимнинг натижавийлиги, давлат, жамият, шахс манфаатларига мувофиқлиги, ижтимоий аҳамиятга эгалиги билан белгиланади.

М.А. Юлдашев таъкидлашича: “Таълим сифати таълим олувчилар томонидан фақатгина академик билимларни ўзлаштирганлик даражаси билан эмас, балки ҳаётий фаолиятнинг турли соҳалари бўйича компетенцияларнинг шаклланганлиги, бир умр ўқиб-ўрганишга тайёрлик, шахсий ва касбий ривожланиш каби мотивацияларнинг турғунланиш даражаси билан ўлчанади”.

Ф.А.Абдуллаевнинг таъбирича, “таълим сифати – таълимнинг натижавийлигини таъминлайдиган жараён, ижтимоий тизим бўлиб, у турли эҳтиёжлар, давлат, жамият, шахс манфаатларига мувофиқ ҳолда ташкиллаштирилган, ижтимоий аҳамиятга эга педагогик ҳодисадир”. [2]. Биз муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда, “таълим сифати ҳар бир таълим жараёни иштирокчиларининг мазкур йўналишда сифатли таълимни таъминлаши, яъни таълим муассасасининг муваффақиятли равишда фаолият олиб бориши”, -деган таърифни беришимиз мумкин.

Л.М.Фридман эса модель сифатида одатда бирор бир объект ёки тизим тадқиқот жараёнида белгиланиб, у бошқа объект ҳақида хулоса чиқариш имконини беради деб таъкидлайди. [3]

А.М.Новиков ва Д.А.Новиковлар томонидан моделларга қўйилган талаблар сифатида биринчидан, ингредиентлилик (ажралмас таркибий қисмга эгалик) – модели яратилаётган объект ва унинг шарт-шароитлари билан уйғунлиги, иккинчидан содда ва қулай бўлиши, учинчидан унинг адекватлиги – тўлиқ ишлаб чиқилганлиги, аниқлиги ва реал ҳаётга мувофиқлиги таъкидланган. [4]

М.М.Ваҳобовнинг эътирофича “Моделлаштириш инсон фаолиятининг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Асосан олинган маълумотлар бўйича самарадор ечимлар қабул қилиш жараёнида, лойиҳалаш ва бошқариш соҳаларида моделлаштириш қўлланилади. Моделлаштиришдан мақсад ташқи муҳит ва ўзаро алоқада бўлган объектлар ҳақидаги маълумотларни олиш, ишлатиш, тасвирлаш ва қайта ишлашдан иборат. Бунда модель объект ҳолати хоссалари ва қонуниятларини ўрганиш учун восита сифатида иштирок этади” [5].

Таълим модели – бу маълум бир давлатнинг таълим-тарбия тизими ва фаолиятини ташкил қилишдаги ўзига хос услубидир. Ҳар бир мамлакат ўз миллий таълим тизимини шакллантиришда, аввало, қуйидагиларни ҳисобга олади:

https://buxdu.uz



- аниқ бир тарихий давр учун таълим тизимини ривожлантиришдан ушбу мамлакат кўзлаётган асосий мақсад ва кутилаётган натижа;

- таълим тизими олдига қўйилган мақсадларни амалга оширишда қўлланиладиган механизм ва воситалар.

- давлат ва жамиятнинг таълим тизимини молиялаштириш борасидаги иқтисодий имкониятлари ва бошқалар.

Ўзбекистонда ислоҳотлар истиқболи нафақат мамлакатдаги мавжуд барча тажриба, анъана ва қадриятлар, балки илғор халқаро тажрибадан ҳам фойдаланишга асосланган. Ўзининг миллий хусусиятларига эга бўлган таълим тизимини шакллантириш жараёнида республикамиз педагоглари дунёнинг бошқа мамлакатлари ютуқларини ҳисобга олиш ва ижодий ёндашган тарзда улардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси таълим моделининг асосий мақсади – интеллектуал ривожланган баркамол инсон, етук малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Мамлакатимизда замонавий таълим муассасаси амалиётига педагогик менежментнинг жорий этилиши, таълим муассасалари бир хилликдан узоқлашганда, аҳолига ўзгарувчан таълим хизматларини кўрсатадиган, демократлаштириш асосида ривожланиб, инновацион жараёнларда иштирок этаётган менежер (ташкилот раҳбари директори, таълим муассасаси раҳбари ва бошқалар) ни тайёрлашни назарда тутади.

Менежмент соҳасидаги касбий билимлар учта бошқарув воситаларини ўқитиш билан боғлиқ бўлган менежерларнинг хабардорлигини белгилайди: 1) ташкил қилиш, бошқарув иерархияси, бу эрда асосий восита мотивация, режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш, рағбатлантириш ва бошқалар орқали таъсир кўрсатади; 2) бошқарув маданияти, яъни, жамият, ташкилот, жамоа томонидан ишлаб чиқилган ва тан олинган қадриятлар, ижтимоий меъёрлар ва муносабатлар, хулқ-атвор хусусиятлари; 3) бозор, бозор муносабатлари, яъни, маҳсулотлар ва хизматларни сотиш ва сотиб олишга, сотувчи ва харидор манфаатларининг мувозанатига асосланган муносабатлар. Бу нафақат таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишидаги муаммоларни, балки таълим субъектлари муносабатларини мувофиқлаштиришни, таълим сифатини таъминлашнинг инновацион усулларини амалиётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Таълим ўз таркибига турли ташкил этувчиларни қамраб олган мураккаб ижтимоий тизим сифатида уни бошқаришга алоҳида ёндашишни талаб қилади. Шу билан бирга, таълим жамият ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг бир қисми сифатида, жамият бошқарувининг умумий қоида ва тамойилларини таълим бошқарувида ҳам қўллаш имкониятини рад этмайди. Шунинг учун ҳам таълим тизимини бошқаришга доир тадқиқотларда ижтимоий соҳаларни бошқаришни таҳлил қилишда қўлланиладиган методологик ёндашувлардан фойдаланилади.

"Бошқарув" фан сифатида шаклланганига қадар ўтган даврларда ҳам ушбу жараённинг туб моҳияти ва мазмунини тушунган ва амалиётда қўллаган, турли таркибдаги инсонлар гуруҳларига муваффақиятли раҳбарлик қилган, ўз тажриба ва нуқтаи назарларини келажак авлодга мерос сифатида қолдирган буюк шахслар бўлганки, уларнинг ғояларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай сифатларга эга шахслардан бири Соҳибқирон Амир Темурдир. Тарихий адабиётлар, жумладан "Темур тузуклари" ни ўрганиш орқали, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш мумкин.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар сабабли вужудга келаётган таълим фалсафасининг ўзгаришлари янги бошқарув парадигмасига ўтишни тақозо этади.

Мамлакатимиз таълим тизимини бошқаришда кўп қўлланиладиган ёндашувлардан яна бири – дастурли-мақсадли бошқарувдир. Мақсадлар, одатда, берилган вазиятни исталганидан фарқловчи бир қатор муаммолар ҳал этилгач, бошқарув тизими муайян вақтдан кейин берилган вазиятдан ўтиб бориши лозим бўлган исталган вазиятни акс эттиради. Яъни мақсадни қўйиш босқичидаёқ келажакнинг умумлашган модели вужудга келади. Ушбу босқич ечимнинг муқобил вариантларини кўриб чиқиш ва тугал вариантини танлаш билан якун топади.

Таълим менежментида мақсадга самарали эришишнинг асосий шартларидан бири мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш: мақсадлар олдиндан белгиланган ва аниқ шакллантирилган бўлиши; бажарувчилар томонидан қабул қилинган ва уларга тушунарли бўлиши; мақсадлар таҳлил қилинган ва бажарилиш муддати белгиланган, шунингдек, бажарувчиларнинг ҳаракати мотивлаштирилган бўлиши; вертикал ва горизонтал бўйича келишилган турли хил топшириқлар йўналишида тақсимланишида мақсадлар бирлигининг сақланиши зарур.

Мақсадлар ва кичик мақсадлар келишилган ва даражаларга ажратилгандан кейин дастур, одатда, барча ижрочилар учун бажарилиши шарт ҳисобланган директив ҳужжат мақомига эга бўлади. Аммо уни амалга ошириш жараёнида, бошқарув тизимида ёки ташқи муҳитда (илгари ҳисобга олинмаган) ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бундай ўзгаришлар дастурни ёки унинг айрим

https://buxdu.uz



босқичларини амалга оширишда жиддий қийинчиликларни туғдириши мумкин. Шу боис дастур ва унинг ҳар бир босқичи бажарилишини доимо тўлиқ назорат қилиш лозим.

Назорат натижаларига кўра таҳлил ўтказилиб, дастурдан четга чиқишлар юз берганда уларнинг сабаблари аниқланади, сўнгра дастурга тузатиш киритиш ёки камчиликларни бартараф этишга доир чоралар кўрилади.

Мамлакатимизда барча даражаларда дастурий-мақсадли бошқарув бўйича муайян тажриба тўпланган. Қайд этилган ёндашувни қўллашга Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнлари ёрқин мисол бўла олади.

Тизимли ёндашув ва дастурий-мақсадли бошқарув менежмент методологиясининг фундаментал қоидаси сифатида таълимни бошқариш қонуният, тамойил, вазифа ва усуллари билан узвий боғлиқ бўлади.

Таълимни бошқариш қонуниятлари бошқарув жараёнида турли элементлар ва ҳодисаларнинг объектив равишда мавжуд бўлган, такрорланувчи ўзаро алоқаларини акс эттиради. Тадқиқотларда таълимни бошқариш қонуниятлари умумий ва хусусий тавсифда бўлиши таъкидланади.

**“Таълим менежменти” ўқув курсини ўқитишда бошқарувнинг умумий ва хусусий қонуниятларига таяниш**

| Бошқарувнинг умумий қонуниятлари | Бошқарувнинг хусусий қонуниятлари |
|---|---|
| Устувор самарадорлик ва онгли режали бошқариш қонунияти | Бошқарув функцияларининг ўзгариши қонунияти |
| Бошқарадиган ва бошқариладиган тизимларнинг, бошқариш объекти ва субъектининг ўзаро муносабати қонунияти | Бошқарув босқичлари сонининг мақбуллаштирилиши |
| Бошқарувда меҳнат тақсимоти ва кооператсия жараёнларини кучайтириш қонунияти | Бошқарув функцияларининг жамланиши (бошқарув ходимлари сонининг кўпайиб бориши) қонунияти |
| | Назоратнинг кенг тарқалиши қонунияти |

Умумий қонуниятлар бошқарувнинг барча тизимларига хос бўлса, хусусийлари айрим таълим муассасаларига нисбатан амал қилади (1-жадвал).

“Таълим менежменти” ўқув курсида бошқарув қонуниятлари тўлиқ ҳисобга олинади. Таълимни бошқариш тамойиллари, бу – бошқарув тизими, тузилмаси, бошқарувни ташкил этишнинг асосий талабларини белгилаб берувчи қоидалардир. Бошқарув тамойиллари ҳам қонуниятлар сингари умумий ва хусусийларга бўлинади.

Таълимни бошқаришнинг умумий тамойиллари: аниқ мақсадга йўналтирилганлик; таълимни режали бошқариш; рағбатлантириш; поғонавийлик.

Таълимни бошқаришнинг умумий тамойиллари универсал табиатга эга бўлиб, бошқарувнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади.

Бошқарув қонуниятлари ва тамойиллари бошқариш функциялари билан узвий боғлиқдир.

Таълимни бошқариш функциялари, бу – улар бошқарадиган кичик тизим бошқарув объектига таъсир кўрсатишида ёрдам берадиган фаолият туридир. Бошқарув функциялари умумий ва хусусий функцияларга бўлинади.

Менежментга татбиқан режалаштириш, ташкил этиш, мотивлаштириш, назорат каби умумий функциялар ажратиб кўрсатилади.

Бошқарувнинг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда таълим сифати ва таълим муассасасини бошқаришга методологик ёндашувлар вужудга келтирилади.

Таълимни бошқариш методлари, бу – бошқарув субъектининг муайян мақсадларга эришиш учун бошқарилаётган объектга таъсир кўрсатиш методларидир.

“Таълим менежменти” ўқув курси талабаларни ўқитишда бошқарувнинг иқтисодий методлари, ташкилий-бошқарув методлари ва бошқалар билан таништиради.

Режалаштириш, бу – фаолият кўринишларидан бири бўлиб, уни бажариш натижасида келгусида қандай натижаларга эришилиши (мақсадлар қўйилиши) кўзда тутилаётганлиги, бунинг учун қандай ҳаракатлар қандай изчилликда ва қайси муддатларда бажарилиши кераклиги, яъни нима, қаерда ва қай йўсинда амалга оширилиши лозимлиги белгиланади.

Ижрочиларнинг биргаликдаги самарали фаолияти учун ким ва қандай ишларни бажариши (функсионал вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги), бунда ким билан ва қай йўсинда ўзаро муносабатда бўлиш лозимлигини белгилаш (тақсимлаш) керак. Бундай вазифаларни амалга ошириш бошқарувни ташкил қилиш деб аталади.

https://buxdu.uz



Назорат бошқарувнинг “кўзини равшан” ва ўзгаришларга нисбатан таъсирчан қилади. Ушбу ўзгаришларга муносабат эса режалаштириш, ташкил этиш ва раҳбарлик қилишга яна қайтиш, яъни тескари алоқа орқали амалга оширилади. Натижада бошқарув даври ёпиқ ҳолга келади.

Агар тизимда янги таркибий элементлар юзага келса ёки илгари мавжуд бўлган элементлар йўқолса, шунингдек тизимнинг таркибий қисмлари ўртасида янги муносабатлар вужудга келса ёки мавжудлари йўқолиб борса, бу ҳолатлар тизим фаолият кўрсатаётганидан дарак беради. Бунда таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришлар:

унинг таркибий элементлари ва улар ўртасидаги мавжуд муносабатлар табақалашувига ва бойишига олиб келса, у ҳолда тизимнинг ривожланаётгани ҳақида гапирилади;

унинг таркибий элементлари ва улар ўртасидаги мавжуд муносабатларнинг йўқолиб кетишига ва бирлашишига олиб келса, у ҳолда тизимнинг инқирозга учраётгани ҳақида гапирилади.

Агар таълим тизимининг ривожланиши уни ижобий баҳоланадиган муайян идеалга олиб келса, у ҳолда бундай ривожланишни тараққиёт деб баҳолаш мумкин бўлади.

Таълим жараёнлари бошқаруви муаммолари йўналишидаги тадқиқотларни ва юқорида келтирилган ёндашувларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида олинган натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, таълим жараёнларини бошқаришда ихтиёрий ёндашувларни таълим жараёни субъекти ва объектининг шунчаки ўзаро таъсири шаклида амалга ошириш самара бермайди.

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда юқорида келтирилган ёндашувлар муҳим аҳамият касб этиб, улар асосида бошқарув фаолиятини илмий тарзда ташкил этиш жараёни иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда натижаларнинг самарадорлигини ҳамкорликда таҳлил қилишни назарда тутади.

Демак, таълим самарадорлигини таъминлашда таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг ўзиёқ бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурий шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш каби қатор бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади. Бу эса мазмун-моҳиятига кўра бошқарувни ифодалайди.

Таълим сифатини бошқариш жараёнларини ҳам бошқарув объекти сифатида асослаш ва мазкур йўналишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш таълим сифати ва таълим сифати менежменти тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ҳамда мазкур йўналишлар бўйича педагогика назарияси ва амалиётидаги ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш заруриятини белгилайди.

Олий таълимда бошқарув объекти сифатида таълим жараёнини ташкил этиш, бошқариш, сифат ва самарадорлигини таъминлашда бошқарув функциялари ва уларнинг вазифалари, бошқарув методлари ва улардан фойдаланиш, бошқарув алгоритми ва унинг моҳияти, бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари, раҳбарлик услублари ва уларни қўллаш каби қатор тушунчаларга эга бўлиш зарур ҳисобланиб, мазкур тушунчаларни таълим менежменти фани тадқиқ этади.

“Таълим менежменти” ўқув курсини ўқитишда бўлажак мутахассисларни касбий компетентлилигини ошириш, методик таъминотни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш қуйидаги устувор йўналишларда амалга оширилиши лозимлиги аниқланди:

таълим жараёнига инновацион ва ахборот технологияларни татбиқ этиш;

интеграциялаш имкониятларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг интеллектуал салоҳияти, креатив қобилиятларини ривожлантириш, компетенциявий ёндашув асосида келажакда эгаллашлари лозим бўлган касбий соҳаларга йўналтирадиган замонавий методик таъминотни яратиш;

таълим сифатини таъминлашга қаратилган самарали амалий тадқиқотлар олиб бориш. Ушбу кўринишлар талабаларни замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларига, инновацион таълим муҳитига, ўқитишнинг янги стратегияларига мослаштириш, доимий янгиланиб, ўзгариб, такомиллашиб бораётган таълимий ахборот инфраструктураси базасининг касбий фаолиятга алоқадор параметрларини эгаллаш, технологик тараққиёт талаблари билан уйғунлаштириш, инновацион технологиялар асосида ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Адабиётлар**

1. Юлдашев М.А. “Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш” мавзусида ёзган докторлик (DSc) диссертацияси.
2. Абдуллаев Ф.А. “Олий таълим муассасасини бошқаришда ахборот хизмати тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
3. Фридман Л.М. Педагогический опыт глазами психолога. “Просвещение” 1987.
4. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология – Москва, 2007.
5. Ваҳобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторингини моделлаштириш. – Тошкент: “Фан ва технология” - 2016.

https://buxdu.uz



**Феруза ШЕРМАНОВА**
Қори Ниёзий номидаги илмий
тадқиқот инститyти
таянч доктаранти

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯЧИ-ПЕДАГОГЛАР МЕДИА АХБОРОТ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ДОЛЗАРБ МУАММО СИФАТИДА

*Бугунги кунда таълим соҳасининг барча бўғинларида медиа таълимнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим соҳасида ҳам медиатаълим имкониятларидан фойдаланиб, болаларнинг ижодий имконияларини ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу мақолада таълим муассаларида медиатаълимнинг ўзига хос имкониятлари ҳақидаги фикирлар баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *медиатаълим, мактабгача таълим, креативлик, информацион муҳит, техник воситалар, ахборот, мулоқот маданияти.*

*Сегодня медиаобразование играет особую роль во всех сферах образования. В настоящее время в сфере дошкольного образования развитию творческих возможностей детей способствует использование возможностей среднего образования. В данной статье рассматриваются взгляды на специфические возможности медиаобразования в образовательных учреждениях.*

***Ключевые слова:*** *медиаобразование, дошкольное образование, творчество, информационная среда, технические средства, информация, коммуникативная культура.*

*Today, media education plays a special role in all areas of education. Currently, in the field of preschool education, the use of secondary education opportunities contributes to the development of children's creative abilities. This article examines the views on the specific possibilities of media education in educational institutions.*

***Keywords:*** *media education, preschool education, creativity, information environment, technical means, information, communication culture.*

Дунёда инсон онги ва қалби учун кураш кун сайин шиддатли тус олиб, мамлакатларнинг мафкуравий манзараси ўзгариб бормоқда. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсатнинг қўшилиб бораётгани, мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда мафкуравий тамойиллар аҳамиятининг ошиб бораётгани, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашаётгани, педагогика назарияси ва амалиёти олдида ушбу жараёнларга мос келадиган, янгича фикрловчи ёш авлодни тарбиялаш долзарб вазифага айланди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш – биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир” [1],- дея таъкидлагани бежиз эмас.

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши ва унинг асосида амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотлар устувор аҳамият касб этиб, таълим сифатини такомиллаштириш борасида янги талабларни юзага келтирди.

Таълим тизимининг сифат даражасини ошириш таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш билан бир қаторда, таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва уни бошқариш тизимини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки ҳозирги кунда таълим муассасаларида яратилаётган замонавий шароит ва имкониятлардан самарали фойдалана оладиган, ўз ишига нисбатан талабчан, ахборот коммуникацион технологиялар бўйича чуқур билим ва савияга эга бўлган таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган ҳамда ўзини-ўзи ривожлантирувчи раҳбар ва педагог кадрларнинг фаолият кўрсатишини талаб қилмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “....биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

https://buxdu.uz



Шарқ донишмандлари айтганидек, **“Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”**

**Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”** [1] дея билдирган пурҳикмат сўзлари юқоридаги фикрларнинг исботидир.

Бугунги кунда ёш авлодга таълим - тарбия бериш, фарзандларимизнинг баркамол, юксак тафаккур ва билимга эга бўлишида ота-оналар билан бир қаторда, мактабгача таълим ташкилотлари хамда тарбиячи педагогларнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда мамлакатимизда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган.

Бу борада таълим сифати ва самарадорлигини ошириш йўналишида вужудга келаётган замонавий талаблар асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячи педагогларнинг билим савиясини таҳлил қилиш, ўрганиш, компетенциявий диагностика, яъни таълим сифатин баҳолашда замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш, мактабгача таълим ташкилотлари (тарбиячи-педагог ва мутахассис) ходимларида малака оширишга бўлган эҳтиёжларни ўрганиш, таҳлил қилиш, объектив баҳолаш, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва уларнинг **медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича билим савиясини янги методлар асосида** шакллантириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш масалаларини келтириш мумкин.

Сўнгги йигирма йил давомидаги техника ва технологиялар тараққиёти, ОАВ, ахборот манбалари ва ахборот етказиб берувчилари (кутубхоналар, архивлар, Интернет ва б.) фаолиятининг беқиёс кенгайишига олиб келиб, фуқароларга унинг улкан ҳажмидан фойдаланиш ва алмашиниш имконини яратди. Пировард натижада, фуқаролар ушбу ахборотнинг ишончли эканлигини баҳолаш, ўз фикрини эркин баён этиш борасидаги ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам кун тартибига фуқароларнинг медиа ва ахборот саводхонлигини таъминлашдек долзарб масала кўндаланг қўйилмоқда [2].

Ҳозирги кунда ахборотларнинг мазмунини ҳам, уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш усуллари ва йўлларини ҳам назорат қилиш амалда қийин бўлиб бормоқда. Ахборотнинг бундай аралаш-қуралашлиги таъсирида ўқувчининг мустақил равишда тафаккур қилиши муаммоси, унинг қарашларини, қадриятларини ва идеалларининг шаклланиши масалалари ўқувчи онгида ахборот оламини тартибга солиш йўлларини излашни, ахборот билан муомала қилишнинг янги усул ва кўникмалар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда шакллантиришни тақозо этмоқда.

Боз устига жаҳондаги таълим амалиётида бу соҳадаги изланишлар ўтган асрнинг 70- йилларидаёқ бошланган бўлиб, бу эса педагогика фани олдига ўзига хос йўналиш – медиатаълим тизимини пайдо қилди.

Медиатаълим, инсон хаётида фаол давом этадиган жараён бўлиб, бу болаларга берилаётган билим, маълумотларнинг тез, тушунарли ва эсда қоларли бўлишини таъминловчи таълим усулидир. Педагогнинг медиакомпетентлиги медиатаълимнинг натижаси бўлиб, бу эса медиатаълим жарёнига ҳисса қўшадиган педагогнинг медиа ахборот саводхонлиги хисобланади.

Медиа ахборот саводхонлиги таркибини қуйидаги асосий тушунчалар ташкил этади:

– медиа саводхонлик;
– ахборот саводхонлиги;
– ўз фикрини эркин баён этиш саводхонлиги;
– кутубхона саводхонлиги;
– янгиликлар саводхонлиги;
– компьютер саводхонлиги;
– интернет саводхонлиги;
– рақамли технологиялар соҳасидаги саводхонлик;
– кино саводхонлик;
– электрон ўйинлардан фойдаланиш саводхонлиги;
–телевизион саводхонлик, реклама соҳасидаги саводхонлик.

Шунингдек, медиа ва ахборот борасида етарли билим савияга эга бўлган тажрибали педагог қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- медианинг ва улар орқали тақдим этилаётган ахборот шаклларининг таъсирини яхши тушуниш;
- ўйланган ва мустақил қарорлар қабул қилиш;
- атроф-мухит ҳақида янги маълумот олиш;
- умумийлик ҳиссининг шаклланишига кўмаклашиш;

https://buxdu.uz



- жамоавий дискурсни қўллаб қувватлаш;
- ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиш;
- ахборотни яратиш;
- танқидий фикрлаш;
- медиадан ўзини намоён қилиш ва ижодий мақсадларда фойдаланиш;
- медиадан ўз хавфсизлигини таъминлаган ва ижтимоий масъулиятни ҳис қилган ҳолда фойдаланиш;
- демократик жамият хаётида ва глобал ахборот тармоғида фаол иштирок этиш [4].

Юқоридаги кўникмаларга эга бўлган хар қандай педагог ходимда медиа саводхонлик юқори даражада шаклланган бўлади. Аммо бугунги кунда медиа воситалар мунтазам равишда шаклланиб бораётганлиги сабабли хар бир педагог ходим ўзининг билим ва кўникмаларини мунтазам ва узлуксиз шакллантириб, янгилаб бориши учун масъулдир. Бугунги кунда медиа ва ахборот саводхонлигига оид билим ва кўникмаларимизни фаол намоён қилиб борганимиз сайин уларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англаб бораверамиз.

Мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячи педагоглар манбалардан келаётган ахборот оқимидан тўғри фойдаланиб, ўзининг билим ва малакаларини ривожлантириши учун кераkли бўлган медиа ресурслардан оқилона фойдалана олиши таълим сифати ва самарадорлиги ошишида ижобий натижа беради. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари медиакомпетентлигини шакллантириш орқали мактабгача ёшдаги бола қобилиятини медиасаводхонлик асосида такомиллаштириш, ижодкорлигини ривожлантириш ва уларнинг қизиқишларини фаоллаштириш хозирги замоннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотлар таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, яъни таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг анъанавий методларидан воз кечиб, янги медиа ва ахборот коммуникацион технологиялар асосида ривожлантириш ҳамда шу асосда замонавий талабларга мос келадиган сифатли билим ва савияга эга бўлган рақобатбардош ёш авлод кадрларини вужудга келтиришни тақозо этмоқда. Ушбу йўналиш бўйича биз ишни, аввало, мактабгача таълим ташкилотларида фалият юритиб, ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган тарбиячиларга малака ошириш институтларида информатика ва ахборот технологиялари фани мазмунига медиакомпитентлик тушунчасини чуқур сингдииш масаласини бирламчи вазифа сифатида кўришдан бошлаш даркор.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь.
2. Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиа тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Extremum-press”, 2015.
3. Намазов Б., Файзиева М., Шарафиддинов Ш. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Baktria press”, 2018.
4. Баженова Л.М. Медиаобразование школьника (1-4 классы). Пособие для учителя. – М.: Изд-во Ин-та художественного образования Российской Академии образования, 2004. – 55 с.

https://buxdu.uz



**Юсупбай Пурханов**
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети катта ўқитувчиси

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ДИДАКТИКА ВА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШИШИ

*Мақолада мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасида педагогика фанининг ривожланиши ва педагог олимларнинг дидактика, таълим методикаси бўйича тадқиқот ишлари ҳақида сўз юритилади.*

***Таянч сўзлар:*** *педагогика, таълим-тарбия, шахс, дидактика, педагогик технология, модулли технология*

*В статье говорится о развитии педагогической науки в Республике Каракалпакстан и о научно-исследовательской работе ученых, посвященной дидактике и методике преподавания педагогики.*

***Ключевые слова:*** *педагогика, образовательное воспитание, личность, дидактика, педагогическая техология, модульная технология.*

*The article discusses the development of pedagogical science in the Republic of Karakalpakstan and research works of scientists on didactics and methods of teaching of pedagogy.*

***Key words:*** *pedagogy, educational education,person, didaktics, pedagogical texnology, module texnology*

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида тубислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ишида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда таълим соҳасида қатъий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар таёрлаш Миллий дастури”нинг амалга оширилиш янги босқишни бошлаб берди. Натижада таълим тизими ва мазмун-моҳияти бозор мунособатлари шароитидан келиб чиқиб такомиллаштирилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жабов берадиган мутахассис кадрларни таёрлашни ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда. Республикамизнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар умумий ўрта таълим сифатини ошириш, ёш авлод тафаккурини шакллантириш, жамият ривожига мос билим, кўникма ва малакалар соҳиби бўлиш ва шу асосида юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этган баркамол шахсни вояга етказишга барча имкониятлар яратилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини қўллаб-кувватлаш ва рўёбга чиқариш каби йўналишлар белгиланган бўлиб” [1], бу ўз навбатида мазкур жараённи тадқиқ этиш ва таҳлилий йўналишга эга бўлган дидактик тизим сифатида кўриб чиқишда тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда дунёнинг ривожланган давлатлар таълими ютуқлари тажрибаларидан фойдаланиб, таълим жараёни мазмуни, ўқитишда шакл ва методларни такомиллаштириш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш ҳамда таълим сифатини оширишга доир педагогик тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, М.Очилов, Н.Сайдаҳмедов, Н.Н. Азизхўжаева (педагогик технологиянинг мазмун моҳияти), Ў.Толипов, М.Усмонбоевалар (меҳнат таълими жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш), Ж.Йўлдашев, С.Усмоновлар педагогик технологиялардан таълим жараёнида фойдаланиш муаммоларини [2,131], қорақалпоғистонлик олимлардан У.Алеуов, Т.Утебаев, А.Тилегенов, З.Қурбаниязова, А.Бекимбетовалар таълим жараёнида янги педагогик ва инновацион технологиялардан фойдаланишнинг илмий-назарий, илмий-амалий томонларини тадқиқ этдилар. Айниқса, Т.Утебаев, З.Қурбаниязовалар томонидан яратилган “Педагогик маҳорат: ўқитиш, ўргатиш ва шакллантириш” номли методик манбада педагогик маҳоратнинг шаклланиш босқишлари ва даражалари, педагогик қобилият, педагогик мулоқот, педагогик техника, ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш йўллари, шахсий педагогик тажрибаларни тўплаш тизими масалалари юзасидан қимматли маълумотлар берилган [3].

Бу ўз навбатида таълим-тарбия жараёнида сифат ва самарадорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Педагог олимлардан Ж.Йўлдашев ва С.Ҳасановлар таъкидлашича, “Ўзбекистон Республикаси миллий ва маънавий-маърифий тараққиётининг муваффақиятларини белгилаб берувчи, бу туб вазифаларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этишдан иборат. Бунда авторитар педагогикадан воз кечиб, “ҳамкорлик педагогикаси” технологиясини қабул қилишимиз керак бўлади”-деган эди [4]. Чунки ўқувчи-ёшларнинг қалбига йўл топиш, уларни қизиқтирадиган муаммоларни таҳлил этишда, ҳар хил интерфаол методлардан фойдаланиб, дарсни

https://buxdu.uz



ташкил этишда ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Ҳақиқатдан ҳам, узлуксиз таълимда рақобатга бардош бера оладиган, интеллектуал жиҳатдан кучли мутахассислар тайёрлаш учун, ўқитишда янги педагогик технологиялардан, интерфаол усуллардан фойдаланиш асосий вазифа саналади. Бундай ёшларни вояга етказиш йўлларини ахтариш мақсадига йўналтирилган фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан, интерфаол усуллардан фойдаланиш муаммоларига доир Қорақалпоғистон шароитида ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилди. Бу эса педагогика илмида дидактика, яъни ўқитиш методикаси йўналишида янги педагогик қарашларнинг шаклланиши ва ривожланишидан далолат беради.

Тадқиқотчи Г.Карлыбаеванинг "Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш" мавзусидаги диссертациясида бўлажак физика фани ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги даражаси таҳлил этилиб ҳамда унинг педагогик-психологик омиллари такомиллаштирилган [5].

Тадқиқот жараёнида бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёрланганлик мезонлари (ижтимоий, маънавий, педагогик-психологик) мазмуни ўзаро боғлиқлик даражасини белгиловчи касбий педагогик рефлекция кўрсаткичлари (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) асосида аниқлаштирилган. Шунингдек, исботлаш жараёнида касбий фаолиятга таёрлаш босқишлари физика фанига оид умумлаштирилган (педагогик кузатиш, тадқиқотчилик, илмий тасаввур, материалларни тизимлаш) ва кенгайтирилган (масалалар ечиш, ривожлантириш, татбиқ этиш) эмперик тушунчалар ҳамда амалий ва назарий билимларга тизимли йўналтириш ёндашуви асосида ёритилган. Энг муҳими, тадқиқотчининг физика таълимининг ахборот-методик таъминоти, интегратив дидактик воситалари, фаоллаштирувчи имкониятлар, модулли технологиядан фойдаланиш, ўзини-ўзи ривожлантириш, назорат қилиш, таҳлил методларининг доминант функцияларига оид таклифлари "Физикани ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш" номли дарслигида исботланган.

Тадқиқотчи ёш олим Н.Матжанов "Узлуксиз таълим тизимида квант тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантиришда изчиллик" мавзусидаги тадқиқот ишида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизими физика таълими жараёнида квант тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантириш изчиллигининг мазмуни ва ташкилий-педагогик асослари илмий томондан урганилган [6]. Тадқиқот жараёнида физика фанини ўқитишда квант тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик компонентлари (мақсад, концептуал, мазмун, технологик, назорат ва баҳолаш) мазмуни онгли ва коммуникатив фаолият фаоллашуви элементлари изшиллиги асосида такомиллаштирилган.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида кимё ва физика курсларида атом ва ядро физикасига оид эҳтимолий-статистик тасаввурларни шакллантириш методикаси ноаниқликлар муносабати концептлари (Комптон эффекти, Де-Бройл ғоялари, Де-Бройл тўлқини, Гейзенберг) бўйича ўқув элементлари алоқадорлиги аниқланган. Мазкур тадқиқот иши узлуксиз таълим тизимида физика ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида уларнинг танқидий ва ижодий тафаккурини рағбатлантириш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқитишнинг интерфаол усулларига оид назарий ва амалий билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориш ва уларни амалиётда қўллаш орқали касбий компетентлигини такомиллаштириши, физикани ўқитишда самарадорликка эришишга хизмат қилиши билан изоҳланади. Ҳақиқатан ҳам, ушбу тадқиқот иши бўлажак физика ўқитувчиларининг касбий компетентлигини, кўникма ва малакаларини ривожлантириб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда таълим жараёнида сифат ва самародорликка эришишда педагогик технология ва унинг таркибий қисми бўлган модулли ўқитишни такомиллаштириш ҳамда уни таълим жараёнига татбиқ этиш муаммоларини ҳал қилишга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай тадқиқотлардан бири ёш олим Г.Изетаева "Олий таълим муассасаларида математик анализ ўқув фанини модулли технология асосида ўқитиш методикаси" номли диссертациясида олий таълим муассасаларида математик анализ ўқув фанини ўқитишни модулли таълим технология асосида ташкил этишнинг усулий асосларини белгилаб ҳамда улардан амалда фойдаланиш методикасини ишлаб чиқди [7]. Ёш олима тадқиқот ишида ўқитишга тизимли ёндашувнинг дидактик имкониятлари, ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришнинг ихтирочилик, моделлаштириш ва эксперимент компонентлари мазмунини аниқлаштириш асосида илимий жиҳатдан таҳлил қилди. Шунингдек, тадқиқот жараёнида математик анализ фанини ўқитишнинг методик имкониятлари модулли ўқитиш технологиясининг функционал омиллари (педагогик-психологик, концептуал, технологик, инновацион) ни тизимлаштириш асосида ёритиб берди. Ушбу тадқиқот иши математика

https://buxdu.uz



ўқув фанларининг ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда, узлуксиз таълимнинг барча босқишларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда узлуксиз таълимнинг муҳим босқишларидан бири академик лицейларда ўқувчи-ёшларни олий таълимга таёрлашда натижали кўрсаткичлар кузатилмоқда. Бу жараёнда қатор тадқиқот ишлари олиб борилиб, методик ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Тадқиқотчи И.Алламбергенов “Академик лицей-университет тизимида математик анализ асослариини ўқитишда узвийликни таъминлаш методикаси” номли тадқиқот ишида академик лицей-университет тизимида математика фанларини ўқитишда узвийлик модели математик анализ асосларин ўқитиш мисолида такомиллаштирилиб, унинг ташкил этувчи компонентларини аниқлаштириб изоҳлаб берди. Тадқиқот жараёнида математик анализ асосларини ўқитиш узвийлигини таъминлаш моделининг мазмунли-жараёнли компоненти математик тилни ривожлантириш, таъриф ва теоремаларни ўрганишда асосий мантиқ қонунлари ва усулларини татбиқ этиш ҳамда асосланган мушоҳада юритиш компетенцияларини мақбул уйғунлаштириш асосида такомиллаштириб ёритиб беради. Шунингдек, ушбу тадқиқот иши математик анализ асосларини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган ностандарт ва мантиқий ўқув топшириқлар муаммони масалага айлантиришни, масала ешимининг тўғрилигини исботлашни талаб этадиган Пойя универсал схемаси (масалага муаммо сифатида ёндашув) асосида ишлаб чиқилганлиги билан исботланади. Юқорида келтирилган тадқиқотлар таълим жараёнида сифат ва самарадорликга эришишда, интеллектуал ёш авлодни таёрлашда муҳим манба сифатида хизмат қилади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон, 70-модда.
2. Утебаев Т.Т. Қорақалпоғистонда XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши. Монография -Нукус, Билим, 2015. -131бет.
3. Қурбаниязова З.К. , Утебаев Т.Т. Педагогик маҳорат: ўқитиш,ўргатиш ва шакллантириш. Услубий қўлланма- Нукус: ҚДУ, 2007.-64 б.
4. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA” , 2009, -3 бет.
5. Карлыбаева Г.Л. Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш: Пед.фан.бўйича.фалсафа доктори(DSc) дис… Автореф. Н.:2018.-27 б.
6. Матжанов Н.С.Узлуксиз таълим тизимида квант тааввурларни шакллантириш ва ривожлантиришда изшиллик : Пед.фан.бўйича.фалсафа доктори(PhD) дис… Автореф. Н.:2018.-27 б.
7. Изетаева.Г.К. Олий таълим муассасаларида математик анализ ўқув фанини модулли технология асосида ўқитиш методикаси : Пед.фан.бўйича.фалсафа доктори(PhD) дис… Автореф. Н.:2018.-27 б.
8. Алламбергенов И.Х. Академик лицей-университет тизимида математик анализ асослариини ўқитишда узвийликни таъминлаш методикаси: Пед.фан.бўйича.фалсафа доктори(PhD) дис… Автореф. Н.:2019.-27 б.

https://buxdu.uz



**Уйғун ЎРИНОВ**
Бухоро муҳандислик технология институти
машинасозлик технологияси
кафедраси докторанти, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

*Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган қарор ва фармонларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, олий таълими муассасаларида меҳнат бозорида талаб қилинган битирувчиларни, яъни рақобатбардош кадрларни тайёрлашда, ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассисларини, таълим мазмунини ишлаб чиқишга жалб этишдаги роли очиб берилган ва санаб ўтилган: Олий таълим мутахассисликлари бўйича тармоқ стандартларини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларининг фаол иштирокини таъминлаш; ишчи ўқув режаси ва ишчи ўқув дастурларини ҳамкорлар билан биргаликда тузиш; ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишда таълим жараёнига ишлаб чиқариш корхоналари амалиётчи мутахассисларини жалб этиш кабиларни ташкил этади.*

**Калит сўзлар***: ҳамкорлик, олий таълим, ишлаб чиқариш, стандарт, ўқув режа, амалиёт.*

*В статье рассматривается роль Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева в реализации указов и указов, роль высших учебных заведений в подготовке выпускников, необходимых для рынка труда, в подготовке конкурентоспособных специалистов, в разработке образовательного контента, специалистов. Обеспечение активного участия промышленных предприятий в разработке отраслевых стандартов для вузовских специальностей; разработка рабочих и рабочих программ с партнерами. Привлечение практических специалистов производственных предприятий к организации и ведению производственной практики.*

**Ключевые слова:** *сотрудничество, высшее образование, производство, стандарт, учебная программа, практика.*

*The article considers the role of the President of the Republic of Uzbekistan sh. Mirziyoyev in implementing decrees and decrees, the role of higher education institutions in preparing graduates necessary for the labor market, in training competitive specialists, in developing educational content, specialists: Ensuring the active participation of industrial enterprises in the development of industry standards for University specialties; developing work and work programs with partners; Attracting practical specialists of industrial enterprises to organize and conduct industrial practice.*

**Keywords:** *cooperation, higher education, production, standard, curriculum, practice.*

Жаҳон миқёсида олий таълим соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда таълим муассасалари билан иш берувчилар, меҳнат бозори субъектлари ва институтлари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Халқаро хамжамиятда ўзининг салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқарувчи ижодкор ва компетент кадрларга эҳтиёж юқори бўлиб, ишлаб чиқариш соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда ёшларга касб-ҳунарга йўналтиришда ҳам амалий ёрдам кўрсатиш лозим. Чунки меҳнат бозоридаги вазият, давлат ва жамият истиқболи бугунги ёшларнинг қанчалик даражада касбни тўғри танлаётганлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жумладан, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида инсонни ўз имкониятига мос касбга йўналтириш, аниқ фаолиятга йўналтириш ва унга мувофиқ шахсни камол топтириш учун иш берувчилар, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан олий таълим муассасалари орасида мустаҳкам ва узвий ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълим ислоҳотларига оид қатор қонун ва қарорларда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳозирги замон истиқболи талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 8 октябрь куни имзоланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат-нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди. Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: профессор-ўқитувчилар,

https://buxdu.uz



талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш; жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш; ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" номли асарида "...иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилиш" кадрлар тайёрлашдаги устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасасининг асосий вазифаси меҳнат бозорида талаб қилинган битирувчиларни, яъни рақобатбардош кадрларни тайёрлашдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун олий таълимдаги таълим мазмуни ишлаб чиқаришдаги мутахассис фаолиятини, унинг билим, кўникма ва малакаларини ўзида тўлиқ мужассамлаштириши лозим.

Мазкур долзарб масалани ижобий ҳал этиш учун таълим мазмунининг асоси ҳисобланган олий таълим тармоқ стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурларини яратиш ва уларни такомиллаштириш жараёнига таълим муассасасининг кадрлар тайёрлашдаги энг яқин ҳамкори ҳисобланган иш берувчиларни жалб этиш зарур.

Ишлаб чиқариш мутахассисларини, таълим мазмунини ишлаб чиқишга жалб этишдаги роли нималардан иборат бўлади?

Биринчидан, олий таълим мутахассисликлари бўйича тармоқ стандартларини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари фаол иштирок этиши лозим.

Олий таълим тармоқ стандартининг асосий таркибий қисмлари муайян тайёрлов йўналиши бўйича технологик жараён схемасига биноан фаолият турлари, махсус талаблар, кўникмалар ва билимларни қамраб олган. Мазкур бўлим иш берувчиларнинг талабларини ўзида акс эттириб, олий таълим муассасаси битирувчиси эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмаларни ифодалайди. Шу сабабли, ушбу бўлимни ишлаб чиқишда иш берувчилар иштироки алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини чуқур биладиган амалиётчи мутахассисларсиз уни талаб даражасида ишлаб чиқиб бўлмайди. Натижада ишлаб чиқариш билан таълим тизими интеграцияси таъминланмасдан битирувчининг билим, кўникма ва малакалари билан ишлаб чиқариш жараёни ўртасида номутаносибликлар юзага келади.

Иккинчидан, бугунги кунда олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ҳар бир таълим муассасаси ўзининг ишчи ўқув режаси ва ишчи ўқув дастурларини тузиш ва ундан фойдаланиш имкониятига эга. Бунда таълим стандартлари талабларидан оғишмаган ҳолда ҳар бир таълим муассасаси мавжуд моддий-техник ва ўқув-методик база, педагогик салоҳият, ҳудуддаги меҳнат бозори талаблари, ҳамкорларнинг эҳтиёжлари асосида махсус фанлар, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари мазмунига ўзгартириш киритиши ҳамда уларни ўқитиш вақтлари ва муддатларини ўзи белгилаши мумкин. Ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларини такомиллаштиришдаги ушбу вазифаларни ҳудуддаги ҳамкорларсиз, уларнинг мутахассислари ёрдамисиз амалга ошириб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Учинчидан, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишда таълим жараёнига ишлаб чиқариш корхоналари амалиётчи мутахассисларини жалб этиш, уларнинг базасидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш олий таълим муассасаси битирувчилари касбий кўникма ва малакаларининг талаб даражасида бўлишини ҳамда ишлаб чиқариш шароитларига тез мослашувини таъминлайди. Бунинг учун ишлаб чиқариш мутахассисларини ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари бўйича таълим дастурларини такомиллаштиришда иштирок этишларини таъминлаш зарур бўлади.

Биз томондан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш учун таълим мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда ҳамкорларни кенг жалб этишга қаратилган бўлиб, пировард натижада тайёрланган мутахассисларнинг касбий билими, кўникма ва малакалари билан меҳнат бозори талаблари ўртасида номутаносибликни бартараф қилишга эришиш, таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлашни кўзда тутади.

Ҳамкорлик доирасида ташкил этиладиган таълим жараёни бир қатор бир-бири билан ўзаро боғланган фаолиятлар доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир олинган алоҳида босқичда тегишли манфаатдорларни жалб қилиш мумкин.

https://buxdu.uz



**1. Манбаларни ўрганиш, талабларни аниқлаш**

**2. Дастлабки вазиятни таҳлил қилиш**

**3. Таълим вазифаларини шакллантириш**

**4. Таълим мазмунларини тузиш**

**5. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш**

**6. Ўқув-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш**

**7. Таълим методлари ва воситаларини танлаш**

**8. Ўқув жараёнларини ташкил этиш ва дидактик воситалардан фойдаланиш**

**9. Баҳолаш тартиблари ва методларини танлаш**

**10. Ўқув ва ишлаб-чиқариш амалиётларини ўтказиш**

**11. Таълим жараёнини баҳолаш**

**1-расм.** Ҳамкорлик доирасида таълим мазмунини аниқлаш ва таълим жараёнини амалга ошириш тизими

**Манбаларни ўрганиш, талабларни аниқлаш.** Ҳудудий миқёсдаги меҳнат бозори таҳлили амалга оширилади. Таҳлил натижасида қуйидагилар аниқланади:

- ҳар бир касб ва ихтисосликлар учун кўникма ва малакалар рўйхати;
- жорий ва келгусида зарур бўладиган кўникма ва малакалар ўртасидаги бўшлиқлар рўйхатини тузиш;
- иш берувчи ва мутахассис кадрлар орасида муҳим нотенгликлар ва муносабатларни ўрганиш.

**Дастлабки вазиятни таҳлил қилиш** ўз ичига қуйидагиларни олади:

- талабанинг мутахассислигини ўрганиш имкониятлари, унинг касбий ривожланиш босқичи, касбий таълим олди тайёргарлиги, касбга қизиқиши ва баъзи таъсир этувчи ташқи ижтимоий шароитлар;
- олий таълим муассасаси ўқитувчиларининг шахсий, касбий ва педагогик имкониятлари;
- олий таълим муассасасининг ички ва ташқи инфратузилмаси, педагогик ёндашуви. Буларга ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа ва тегишли қарорлар қабул қилиш, ота-оналарни ҳамкорликка жалб этилиши, ишлаб-чиқариш корхоналари билан алоқа тармоғи ва бошқалар киради;
- олий таълим муассасаси ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш доирасида ҳисобга олиши керак бўлган аниқ соҳалар бўйича миллий кўрсаткичлар ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари.

**Таълим вазифаларини шакллантиришда** манфаатдорлар ва ҳамкорлар асосий муҳим ҳисса қўшувчилар ҳисобланади.

Ҳар бир мутахассислик мазмуни (мисол учун, озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш ва ҳ.к.) унинг келажакдаги ривожланиш йўналиши бўйича аниқланиши керак. Манфаатдорларнинг таклифлари таълим вазифалари ва мазмунини ишлаб чиқишда муҳим хисобланади.

**Таълим мазмунларини тузиш.** Ўқитиш мазмунини ишлаб чиқишда ҳудуддаги иш берувчиларнинг талаблари, мазкур ишлаб чиқариш корхоналарида амалда қўлланилаётган техника ва технологиялар, ўқувчининг тушуниш савияси ва ушбу фан билан ўқувчининг қай даражада хабардорлиги инобатга олиниши керак.

**Ҳамкорлик доирасида ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш.** Ўқув режа ва дастурлар бўйича олий таълим муассасаси миқёсида ҳар бир ўзгартириш ҳудудий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Ўтказилган таҳлиллар шуни

https://buxdu.uz



кўрсатдики, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида биринчи ўқув йили давомида асосан умумтаълим фанлари ўқитилади. Бу ҳолат талабаларда ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича тасаввур ва тушунчаларнинг шаклланмаслиги, натижада мутахассисликка бўлган иштиёқларини сўнишига, қизиқишларини пасайишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, мавжуд ўқув режаларига асосан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти таълимнинг 2- ва 3-босқичларида амалга оширилиши кўзда тутилган. Олий таълим муассасалари фанлар ўқитилиши кетма-кетлиги ва фанлар бўйича соатлар миқдорини ўзгартирмаган ҳолда, ишчи ўқув режасини қайта тузиш имкониятига эга. Ишчи ўқув режани ишлаб чиқишда ҳамкор корхона ва ташкилотларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилиши ҳамда ишчи ўқув режада ўз аксини топиши зарур.

Биз томондан олиб борилган тадқиқот доирасида ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича ижтимоий ҳамкорларнинг талаб ва таклифлари ўрганилди.

Иш берувчилар талаб ва таклифларига асосан ўқув режасини такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Биринчи ўқув йилидан бошлаб касбий фанларни ўқитишни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун баъзи умумтаълим фанларини ўқитишни орқароққа суриш ва уларнинг касбий фанларга уйғунлигини таҳлил қилиш талаб қилинади.

2. Биринчи ўқув йилида ишлаб чиқариш корхонасида мутахассислик билан танишув амалиётини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш керак. Биринчи ўқув йилида ишлаб чиқариш корхонасида мутахассислик билан танишув амалиётини ўтказишнинг мақсади талабаларнинг ишлаши эмас, балки умумий назорат орқали корхонадаги ишлаб чиқариш бўйича тасаввурга эга бўлиш ва келажакда эгаллайдиган касбий малакалари тўғрисида фикрга эга бўлиб, ўқиш бошидаёқ бўлажак касби бўйича талабалар тасаввурини ривожлантириш ва уларни қизиқтириш.

Ўқув режани ўзгартиришлар бўйича барча қарорлар корхоналар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда келишилган ҳолда қабул қилинишига алоҳида эътибор берилди. Зарур ҳолларда киритилган ўзгартиришлар тажриба-синовдан муваффақиятли ўтгандан сўнг, олий таълим вазирлиги тасдиғидан ўтказиб амалда қўллаш учун татбиқ этилиши мумкин. Демак, ҳамкорлик доирасида ўқув режаси, махсус фанлар, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурлари таҳлилий кўриб чиқиш асосида қайта ишлаб чиқиши керак.

Ўқув режани такомиллаштириш бўйича иш берувчилар таклифлари асосида таълимнинг биринчи босқичидан мутахассислик фанларини ўқитишни йўлга қўйиш учун мавжуд ўқув режадаги айрим умумтаълим фанларини ўқитишни 2- ва 3-босқичга ўтказиш учун мазкур фанларнинг умумкасбий фанлар билан боғлиқлиги ўрганилди ва таҳлил қилинди. Чунки, мутахассисликка боғлиқ бўлган шундай умумтаълим фанлари борки, уларнинг тегишли мавзуларини ўрганмасдан туриб айрим умумкасбий ва махсус фанлар мавзуларини ўқувчилар тушунмайдилар. Шунинг учун ўқув режага ўзгартириш киришдан олдин айрим умумтаълим ва умумкасбий фанлар мазмунининг ўзаро боғлиқлиги атрофлича ўрганилди.

Ишчи ўқув дастурини такомиллаштиришда иш берувчилар иштирокини таъминлаш ҳамда уларга янада тушунарли бўлиши учун ишчи ўқув дастури мазмунига компетенция ибораси киритилди ва фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талаба қандай компетенцияга эга бўлиши, мазкур компетенцияга эга бўлиши учун уларга қандай билимлар берилиши ва қай тарзда берилиши (қандай методлар ёрдамида) ҳамда натижалар қандай баҳоланиши тўғрисида батафсил маълумотлар киритилди.

Германия Федератив Республикаси Халқ университетлари Немис Ассоциацияси (DVV)нинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан амалга оширилган “Катта ёшдагилар таълими” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган “Катта ёшдагиларни ўқитиш марказига қадамба-қадам” номли услубий қўлланмаси муаллифлари фикрига кўра “компетенция- бу бирон таниш ёки янги нотаниш фаолиятни билим, қобилият, тажриба, муносабат ва ҳоказоларнинг органик бирлиги асосида амалга ошириш лаёқатидир”.

Бизнинг фикримизча, компетенция – бу шахснинг бирор касб ёки ихтисослик бўйича касбий ва шахсий сифатлари ва хусусиятлари бўлиб билим, кўникма, малака ва уларни амалий фаолиятда қўллаш тажрибалари ҳамда мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини ўзида мужассамлаштиради.

Ишчи ўқув дастурида мавзулар бўйича компетенцияларни белгилашда ижтимоий ҳамкорларнинг эҳтиёжлари тўлиқ ҳисобга олиниши керак. Компетенцияни ўзлаштириш учун зарур бўлган билимларни шакллантиришда мазкур фаннинг намунавий ўқув дастури мазмунини асос қилиб олиш лозим. Ўқитиш методлари ўқувчиларда шаклланиши лозим бўлган умумий ва махсус малакаларни ҳисобга олган ҳолда танланиши керак.

https://buxdu.uz



Талабаларнинг мавзулар бўйича тегишли компетенцияга эга бўлганлигини баҳолаш учун баҳолаш методлари ва воситаларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишчи ўқув дастуридаги мавзуларнинг мазмуни олий таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий дастурлардан олиниши мумкин. Бироқ, уларда меҳнат бозори таҳлили асосида аниқланган янги кўникмалар ва малакалар кўрсатилмаган бўлса, адабиётлар, қўлланмалар ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда муҳим қўшимча билим ва кўникмалар мазмуни келтирилиши лозим.

Ишчи дастурда ҳар бир мавзу учун танланган таълим методлари кўрсатилади. Методларнинг фаолиятга мос келувчи турлари танланиши кераклиги алоҳида аҳамиятга эга. Битта машғулотнинг ўзида бир нечта таълим методлари қўлланилиши мумкин. Ишчи ўқув дастурининг кейинги устунларида ҳамкор корхона ихтиёрида мавжуд бўлган жиҳозлар келтирилиши керак. Шунингдек, дарс жараёнида қўлланиладиган дидактик воситалар ва таълим ресурслари рўйхати берилади. Сўнгги устунларида баҳолаш мезонлари ва методлари киритилади. Баҳоланадиган фаолиятга мос равишда бир қатор баҳолаш методлари қўлланилиши мумкин.

## Адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. www.lex.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Абдуллаева К.М. Махсус фанларни ўқитишда булажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Автореф. дис. ...пед. фан. ном.- Т.: ТДПУ, 2006. – 22 б.
4. Абульханов Р.Ф. Принципы общественной организации производства. – М.: 1982. - 176 с.
5. Ван Ренс. Социальное партнерство в области профессионального образования в странах Европейского Союза // Социальное партнерство в профессиональном образовании и подготовка кадров: доклад на семинаре. Москва: 1998. – 42 с.
6. Васильев Ю.К., Анисимов В.В. Политехническая направленность профессиональной подготовки. – М.: Просвещение, 1993.-123 с.
7. Голиш Л.В. Таълимнинг фаол усуллари: мазмуни, танлаш, амалга ошириш. Экспресс-қўлланма. – Т.- 2001.-68 б.
8. Европа иттифоқи, Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик: 116304/C/SV/UZ-11 лойиҳаси услубий қўлланма. – Тошкент, 2006. -328 б.
9. Олимов Қ.Т., Ашурова С.Й., Ўринов У.А. Замонавий таълим технологиялари: Монография. – Тошкент, 2007. - 96 б.
10. Рашидов Х.Ф. Давлат таълим стандартлари мазмунини бозор иқтисодиёти талабларини уйғунлаштиришнинг илмий асослари. // Касб- ҳунар таълими. – Тошкент, 2001.-№1.Б.5-6.

https://buxdu.uz



**Dilfuza ORIFBOYEVA**
Namangan davlat universiteti
katta o‘qituvchisi

# IJTIMOIY BOXABARLIK IJTIMOIY KOMPETENTLIKNING TARKIBIY QISMI SIFATIDA

*Ushbu maqolada bo‘lajak pedagoglarni kasbiy tayyorlashda ijtimoiy boxabarlik tushunchasi ijtimoiy kompetentlikni shakllanishiga xizmat qiluvchi asosiy tushunchalardan biri sifatidagi olimlarning qarashlari aks ettirilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *kompetensiya, ijtimoiy kompetentlik, intellektual kompetentlik, ijtimoiy bohabarlik, kasbiy tayyorgarlik,empativlik, o‘zini-o‘zi anglash.*

*В данной статье отражены взгляды ученых на концепцию социальной осведомленности в профессиональной подготовке будущих учителей как одну из ключевых концепций, способствующих формированию социальной компетентности.*

***Ключевые слова****: компетентность, социальная компетентность, интеллектуальная компетентность, социальная осведомленность, профессиональная подготовка, эмпатия, самосознание.*

*This article reflects the views of scholars on the concept of social awareness in the professional training of future teachers as one of the key concepts that contribute to the formation of social competence.*

***Keywords:*** *competence, social competence, intellectual competence, social awareness, professional training, empathy, self-awareness.*

Zamonaviy pedagogika va psixologiya fanlarining amaliyotida shu narsa sezilmoqdaki, bo‘lajak pedagog mutaxassislarning kasbiy tayyorgarlik mazmunini, shakllangan shaxs modelini va ixtisoslik faoliyatini ta’riflash me’yorlarini ishlab chiqish, faoliyat subyektining kasbiy tasavvuri va tafakkurini hamda o‘zini o‘qituvchi sifatida anglab yetishini tadqiq qilish masalalariga ilmiy jamoatchilikning e’tibori yanada ortmoqda.

Bo‘lajak o‘qituvchilarning zamonaviy talablar asosida kasbiy tayyorgarligini ta’minlash uchun mazkur jarayonning negizi hisoblangan pedagog mehnatining mazmunini hozirgi davr talablari darajasida tashkil etish zarur. Kasbiy tayyorgarlik jarayonining har bir qismi va holatini uyg‘unlashtirib yaxlit tasavvur qilingandagina, uning o‘ziga xos xususiyatlari yaqqol namoyon bo‘ladi, murakkabliklarining tarkibini aniqlash, muammolarining yechimlarini topish osonlashadi, nozik qirralari va jihatlari anglanadi, ayni paytda umumpedagogik jarayonning sifati yanada ortadi. Ana shu maqsadda bo‘lg‘usi o‘qituvchilarning kasbiy tayyorgarligi jarayoniga nisbatan munosabat tizimini o‘zgartirish muammoga yangicha yondashish, bo‘lajak pedagoglar kasbiy kompetentligining zamonaviy jihatlarini o‘rganishni taqozo etadi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev tomonidan 2020-yilning 24-yanvar kuni Oliy Majlisga murojaatnomasida “Kadrlar malakasini xalqaro mehnat bozori talablariga moslashtirish maqsadida milliy malaka tizimi ishlab chiqiladi. Ushbu tizim 9 mingga yaqin kasblar bo‘yicha kadrlar tayyorlash imkonini beradi. Oliy ma’lumot olaman, o‘z ustimda ishlab, ilmli bo‘laman, degan, yuragida o‘ti bor, jo‘shqin yoshlarimizning tahsil olishi uchun hamma qulayliklarni yaratishimiz shart.

Shuning uchun maktab bitiruvchilarini oliy ta’lim bilan qamrab olish darajasini 2020-yilda kamida 25 foizga va kelgusida 50-60 foizga yetkazamiz. Bu borada shuni unutmaslik kerakki, oliy ta’lim qamrovini oshirish to‘lov kontraktiga bog‘liq bo‘lib qolmasligi zarur” degan fikrlari oliy ta’limga ko‘plab bitiruvchilarni qamrab olish hamda barcha oliy ta’limni tamomlayotgan kadrlarda kasbga xos kompetentsiyalarni shaklantirish kerakligining alohida ifodasi deyish mumkin [1].

Psixologik-pedagogik adabiyotlarda, tadqiqot ishlarida kompetentlikning tarkibi quyidagi tarzda ko‘rib chiqiladi:

- jamiyatdagi kompetentlik muomala qobiliyati bo‘lib, bunda xabarlar almashinadi, pedagogik jarayonda ishtirokchilar bilan munosabat o‘rnatiladi va saqlab qolinadi;
- intellektual kompetentlik bilimlar yig‘indisining alohida tipi bo‘lib, u alohida faoliyat sohasida samarali qarorlar qabul qilish imkonini beradi;
- ijtimoiy-psixologik kompetentlik, mustahkam va hamkorlikdagi faoliyat yuritishda namoyon bo‘ladi (o‘quv ta’lim-tarbiyaviy, tadqiqot, amaliy), texnologiyalarni ishlab chiqishdagi eng optimal usullarda ifodalanadi. Nazorat tizimini samarali tashkil qilish o‘zini nazorat qilish ta’lim subyektlari bilan qayta aloqa o‘rnatish.

Kompetentlik (xabardorlik) – bu kompetensiyalar tizimi, berilgan sohada samarali faoliyat uchun zarur bilim va tajribaning mavjudligi. Pedagogika va ijtimoiy psixologiyada “ijtimoiy xabardorlik” ta’rifida

https://buxdu.uz



kommunikativ jihatlar yetakchilik qilib kelgan. A.Kidron ijtimoiy xabardorlikni muloqot uchun zarur ko‘nikma deb hisoblagan. Bunday ijtimoiy xabardorlikning xossalari sifatida aloqa, kirishimlilik, ishontira olish, muhokama uchun tayyorlik, o‘zini dadil tutish va h.k. ko‘rib chiqilgan.

XX asrning 90-yillaridan keyin insonning shaxsiy fazilati sifatida ijtimoiy boxabarlik ijtimoiy hayotning barcha sohalarida zarur kuchga aylanib, intizomiy fan sifatida ko‘rib chiqiladi va murakkab, ko‘p tarkibli va ko‘p jihatli hodisa sifatida tahlil qilinadi. Bu tendensiya hozirgi zamon olimlarining tadqiqotlarida o‘z rivojini topmoqda.

V.N. Kunitsin quyidagi ijtimoiy boxabarlik turlarini ajratib ko‘rsatadi: og‘zaki boxabarlik; kommunikativ boxabarlik; ijtimoiy-professional boxabarlik, ijtimoiy-psixologik boxabarlik; o‘zini o‘zi identifikatsiyalash (ego-boxabarlik) [5].

I.A.Zimnyaya insonning ijtimoiy ta’siri va ijtimoiy muhitga tegishli boxabarlikni ijtimoiy o‘zaro aloqa boxabarligiga (jamiyat, kollektiv, oila, do‘stlar, sheriklar bilan, muammolar va ularning hal etilishi, hamkorlik, bag‘rikenglik, ijtimoiy faollik) va muloqotdagi boxabarlikka (og‘zaki, yozma, dialog, monolog; urf-odat, odob-axloq me’yorlarini bilish va ularga rioya qilish; o‘zaro madaniy va boshqa tildagi muloqot; ishga oid yozishmalar; kommunikativ vazifalar) ajratadi [2].

Y.V. Koblyanskayaning tadqiqotida ijtimoiy boxabarlik “Men”ning anglash munosabati» sifatida ko‘rib chiqiladi – jamiyat, to‘g‘ri ijtimoiy yo‘nalishlarni tanlay olish, o‘z faoliyatini ushbu yo‘nalishlarga muvofiq tashkil etish mahorati. Ijtimoiy boxabarlik – “…bu jamiyat o‘z vakillarining hayoti va o‘zaro aloqasini boshqaruvchi ijtimoiy me’yorlar bilan bog‘liq bo‘lgan inson – mehnat faoliyati subyekti va mazkur sotsium vakilining fazilati”. [5].

Nemis psixologlari U.Pfingsten va R.Xitchlar tomonidan ijtimoiy boxabarlik o‘zini o‘zi boshqarishning emotsional-hissiy holati sifatida talqin qilinadi. Bu ma’lum holatlar uzoq muddatli ijobiy va salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkinligi ham uqtiriladi. G.Spivak va M. Share ijtimoiy boxabarlikni o‘zaro bir-biriga aloqador hodisa va shaxslar o‘rtasidagi ziddiyatlarni hal qilishda muhim omil deb qayd qilishadi. M.Argayle “umumiy ijtimoiy boxabarlik” tushunchasida professional va kommunikativ boxabarlikni birlashtiradi va bu bilan ularning o‘zaro aloqasini ko‘rib chiqish zarur deb hisoblaydi. X.Shreder va M.Forverg ijtimoiy boxabarlik tuzilmasini shaxsning to‘rt xususiyati kesib o‘tadi deb hisoblaydi. Bular: kirishimlilik, qat’iylik, nufuz, o‘zini hurmat qilish.

Shunday qilib, “ijtimoiy boxabarlik” ta’rifiga mavjud bo‘lgan nuqtai nazarlarning tahlili bizga ijtimoiy boxabarlikni o‘z ichiga ijtimoiylashuv oqibatida shakllangan zarur bilim, tajriba, layoqatni shaxsning integrativ xususiyati sifatida aniqlash imkonini beradi. Ijtimoiy boxabarlik yetarli darajada ijtimoiy muhitdagi muammolarni hal qilish imkonini beradi. Insonning ijtimoiy xabardorligi quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

– jamiyatdagi ijtimoiy institutlarning tuzilishi va faoliyatidan; ijtimoiy tuzilmalardan; jamiyatda sodir bo‘layotgan turli ijtimoiy jarayonlardan xabardorlik;
– u yoki bu ijtimoiy mavqega ega insonlardan talab qilinuvchi talablarni bilish;
– u yoki bu ijtimoiy mavqega yo‘naltirilgan ko‘nikma;
– umuminsoniy me’yor va qadriyatlarni, shuningdek, ijtimoiy hayotning turli sohalari – milliy, siyosiy, diniy, iqtisodiy, ma’naviy va h.k. sohalardagi me’yorlarni (odat, udum, an’ana, rasm-rusum, qonun-qoidalar va sh.k.) bilish;
– ijtimoiy o‘zaro hamjihatlikda ishlash malaka va ko‘nikmalari (og‘zaki va noog‘zaki aloqa vositalarini, muloqot jarayonidagi o‘zaro tushunish mexanizmlarini puxta egallash);
– insonning o‘zini bilishi va tasavvur qila olishi, o‘zini ijtimoiy subyekt sifatida qabul qilishi va h.k.

N.V. Kalininaning fikriga ko‘ra, shaxsning ijtimoiy boxabarligi – o‘spirinlik muammolarini ijobiy va uyg‘un hal qilishga imkon beruvchi muhim psixologik yangilik. Olim, shuningdek, ta’lim muassasasi tomonidan jamiyat, davlat, aniq sotsiumning ijtimoiy buyurtmasi bajarilish muvaffaqiyatini ijtimoiy boxabarlik bilan bog‘laydi va buni uning faoliyatidagi asosiy samaradorlik indikatori deb hisoblanishini taklif qiladi.

Xususan, muallif shunday deb yozadi: “Mas’uliyatni o‘z bo‘yniga olish qobiliyati bilan bog‘liq ijtimoiy faoliyat, shaxsiy fazilatlarning bajarilishini ta’minlovchi bilim va malakalar majmuini ijtimoiy boxabarlik sifatida aniqlab va o‘z ichiga muhabbat, e’tirof, ishonchni oluvchi ma’lum bir ma’naviy madaniyat darajasini oluvchi kichik yoshdagi ijtimoiy-boxabar o‘quvchi modelini quyidagi alomatlariga ko‘ra tasavvur qilish mumkin:

- o‘quv faoliyatida motivatsiyalar muvaffaqiyatining shakllanganligi; o‘quv faoliyati samarali usul va malakalarining rivojlanishi;

https://buxdu.uz



- o‘zini o‘zi nazorat qilish, rivojlantirish va boshqarish ko‘nikmalarining shakllanganligi; ongli ijtimoiy me’yoriy maqsad va qonun-qoidalar muomalasini boshqarish, jamiyatning odob-axloq me’yorlarini o‘zlashtirish;
- o‘zidan qoniqish hissini hosil qilish, o‘ziga yetarli darajada yuqori baho bera olish,
- o‘ziga va atrofdagilarga nisbatan tanqidiy munosabatda bo‘la olish;
- tengdoshlari va kattalar bilan konstruktiv aloqa o‘rnatish malakalarini egallash, boshqa turdagi do‘stlik aloqalarini o‘rnata olish;
- hayotda uchrab turuvchi murakkab holatlarda konstruktiv muomala ko‘nikmalarini egallash.

Ijtimoiy boxabarlikni shaxsning shakllanishi sifatida baholab, M.I. Lukyanova ushbu fenomenni “ma’lum bir fe’l-atvordagi ishonch, qarashlar, munosabat, dalil, yo‘l-yo‘riqlarda namoyon bo‘luvchi shaxsning ongli ifodasi, konstruktiv o‘zaro aloqaga yordam beruvchi shaxsiy fazilatlarning shakllanganligi” deya baholaydi [6].

V.Sh. Maslennikovaning ishlarida ijtimoiy boxabarlikka bo‘lgan qarashlar ham qiziqish uyg‘otadi. Muallifning fikricha, ijtimoiy boxabarlik ijtimoiy voqelik qadriyatlari tushunchasini birlashtiradi, shaxsning inson faoliyatining asosiy sohalarida ijtimoiy texnologiyalarni ro‘yobga chiqarish layoqatini yuzaga keltiradi. Shu sababdan bunday boxabarlik shakllanishi jarayonining markaziga yosh avlod vakillarida lokus nazoratning rivojlanishi (shaxsning o‘zining yutuq va muvaffaqiyatsizliklarini ichki yoki tashqi omillardan deb bilishi)ni joylashtirish taklif qilinadi [8].

Bo‘lg‘usi pedagoglarda ijtimoiy kompetentlikni shakllanganligini tashxis qilishda bir qator metodikalar mavjud bo‘lib ulardan Ijtimoiy omilkorlik shkalasini o‘rganishga qartilgan A.M. Prixojan tomonidan ishlab chiqilgan. Ushbu metodika 11-16 yoshli o‘smirlarga mo‘ljallangan bo‘lib, o‘smirlarning ijtimoiy omilkorligi hamda boshqa jabhalardagi omilkorligining umumiy darajasi qandayligini yoshga muvofiq aniqlashga imkon beradi.

Odatda pedagog shaxsiga qo‘yiladigan muhim talablardan muloqotdagi tolerantlik sanaladi. **Muloqotdagi tolerantlikni qisqacha qilib quyidagi ibora bilan ifodalash mumkin: boshqalar qanday bo‘lsa shunday qabul qil, o‘zligingni saqla. Shaxslararo munosabatlarda tolerantlik hissining yetishmasligi turli nizolarga sabab bo‘ladi, shuning uchun nizolarning oldini olish va hal etishda tolerantlik darajasi muhim omil sanaladi.**

V.V.Boykoning kommunikativ tolerantlik testi, muloqot jarayoni yoqimli va samarali kechishi uchun nimalarga e’tibor qaratish lozim ekanligiga ko‘maklashadi, kishining o‘z zaif nuqtalarini ko‘rib olishga va xulq-atvorning qaysi jihatlarini tuzatish zarurligini aniqlashga xizmat qilsa, **Empativ qobiliyatlar darajasini tashxis qilish metodikasi (Boykoning empativlik testi)** boshqa kishining fikrlari va his-tuyg‘ularini tushunish va hamdard bo‘la olish ko‘nikmasini baholashga mo‘ljallangan. Bo‘lg‘usi pedagoglarda empativlik darajasining yuqori darajada rivojlangan bo‘lishi o‘quvchilarni tushunishga ularni o‘rniga o‘zini qo‘yib ko‘rishga katta yordam beradi. Ijtimoiy boxabarlik bevosita o‘quvchilar bilan muloqot qilishdan, ularni tushunishdan boshlanadi deb tasavvur qilsak yuqoridagi metodikalar bo‘lg‘usi pedagoglarda ijtimoiy boxabarlikni rivojlanganlik darajasini tashxis qilishga yordam beradi.

Bizning fikrimizcha, ijtimoiy boxabarlik – bu bilimlarning noodatiy yig‘indisi, bu insonning hayotiy muammo va vazifalarni hal qilishi, egallangan bilim va malakalar, o‘quv va hayotiy tajriba, ijtimoiy qadriyatlar va shaxsiy motivlardan foydalanib, kundalik holatlarda yechim topa olish qobiliyati sanaladi. Bugungi kunda turli kasb egalari jumladan bo‘lg‘usi pedagoglar uchun ushbu xususiyatni egallash maqsadga muvofiq sanaladi. Chunki pedagogning ijtimoiy psixologik kompetentligining tarkibida quyidagi komponentlarning bo‘lishi maqsadga muvofiq:
- ijtimoiy vaziyatlarni boshqarish mahorati;
- shaxs xususiyati va boshqa insonlar emotsional xolatini to‘g‘ri aniqlashni bilish;
- munosabatda adekvat muomalani tanlashni bilish va uni tatbiq etish;
- o‘zini boshqalar o‘rniga qo‘yib ko‘rish mahorati.

Bo‘lajak pedagog ijtimoiy kompetentligi tarkibidagi psixologik kompetentlik, muloqotmandlik, tashkilotchilik qobiliyatlari, intelligentlik, predmetga yo‘nalganlik, qo‘llab-quvvatlash motivlarini rivojlantirish va tarbiyalash maqsadga muvofiq.

## Adabiyotlar

1.Ш.М.Мирзиеевнинг Ўзбекистон республикаси Олий мажлисга мурожаатномаси 2020 йил 24-январ

2.Abduqodirov G‘. va boshqalar. Bo‘lajak o‘qituvchilarning shaxsiy va kasbiy kompetentligini shakllantirishda ta’lim vositalarining o‘rni //Uzluksiz ta’lim tizimida o‘qituvchilarni kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish muammolari va istiqbollari. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari -T.: 2013, 22-23 betlar

https://buxdu.uz



2. Asranboyeva M.Orifboyeva D. Pedagog kasbiy kompetentligining psixologik tuzilishi // Uzluksiz ta'lim tizimida o'qituvchilarni kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish muammolari va istiqbollari. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari -T.: 2013, 75-77 betlar

3. Зимняя И.А., Морозова Н.А. Современное состояние проблемы концепций воспитания [Текст] / И.А.Зимняя, Н.А.Морозова. – Ярославль: Современные концепции воспитания, 2000. – С. 171.

4. Иванова, Ю. В. Развитие исследований социальной компетентности в период модернизации образования [Электронный ресурс] / Ю. В. Иванова // Актуальные проблемы образования и воспитания: международный опыт и перспективы сотрудничества: Сборник научных статей. – 2009. – Режим доступа : http://window.edu.ru/library/pdf2txt/443/67443/40627

5. Калинина, Н. В. Социальная компетентность школьников как индикатор результативности деятельности образовательного учреждения [Текст] / Н. В. Калинина // Психология инновационного управления социальными группами и организациями. – М. – Кострома., 2001. – С. 146–148.

6. Коблянская, Е. В. Психологические аспекты со-циальной компетентности [Текст] дис. … канд. психол. наук / Е. В. Коблянская. – СПб. : СПбГУ, 1995. – С. 210.

7. Лукьянова, М. И. Социальная компетентность как компонент управленческой культуры руководителя [Текст] / М. И. Лукьянова // Психология инновационного управления социальными группами и организациями. – Кострома. – 2001. – С. 240–242.

8. Масленникова, В. Ш. Личностная композиция социального отношения [Текст] / В. Ш. Масленникова // Современные концепции воспитания. – Ярославль : Изд-во ЯГПУ им. К. Д. Ушинского, 2000. – С. 84–89.

9. Рожков, М. И. Социальные пробы как фактор социализации учащихся [Текст] / М. И. Рожков // Ярославский педагогический вестник. – 1994 . – № 1. – С. 16–18.

https://buxdu.uz



**Баҳринисо ТЎРАҚУЛОВА**
Бухоро муҳандислик-технология институти
енгил саноат технологиялари кафедраси ассистенти

# ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ИНТЕГРАТИВ ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИЖТИМОИЙ МУАММО СИФАТИДА

*Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграциялашуви бўйича жаҳон амалиёти, инновацион тизимларда ишлаб чиқариш корхоналари ва таълим муассасалари манфаатларини ҳисобга олувчи ўзига хос ёндашувлар ва интегратив фаолият ҳақида фикр юритилади.*

***Калит сўзлар:*** *таълим, ишлаб чиқариш, интеграция, хорижий тажриба, тадқиқотчилик университетлари, интеграцион фаолият.*

*Рассмотрены мировая практика интеграции технических кафедр и производственных предприятий в инновационную образовательную среду, конкретные подходы и интеграционные мероприятия, учитывающие интересы производственных предприятий и учебных заведений в инновационных системах.*

***Ключевые слова:*** *образование, производство, интеграция, зарубежный опыт, исследовательские университеты, интеграционная деятельность.*

*The world practice of integrating technical departments and manufacturing enterprises into the innovative educational environment, specific approaches and integration measures taking into account the interests of manufacturing enterprises and educational institutions in innovative systems are considered.*

***Keywords:*** *education, production, integration, foreign experience, research universities, integration activities.*

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017 - 2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди. Инновацион таълимда техник кафедралар дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти. Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда техник кафедраларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан истеъмолчилар талабларига қаратилган алоқалари интеграцион жараёнларни бошқаришнинг янги усул ва шаклларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Амалиётнинг кўрсатишича, республикамиз реал иқтисодиёти тармоқлари ва корхоналарининг аксариятида технологик қолоқлик кузатилмоқда. Бу ҳолат асосан илмталаб янги технологиялар яратишга йўналтирилган интеграцион-тадқиқотчилик фаолияти талаб даражасида эмаслигида, илмий ишланмаларнинг кўпчилиги товар ишлаб чиқарувчилар ихтиёрига бориб етмаслиги, илмий ютуқларнинг катта қисми амалиётга жорий этилмаслиги туфайли улар конкрет тизимли технологияга айлантирилмаганида намоён бўлмоқда.

Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интеграциялашуви бўйича жаҳон амалиётида тадқиқотчилик университетлари алоҳида ўрин

https://buxdu.uz



эгаллайди. Улардаги кампуслар ҳудудларида ҳам талабаларга назарий билим берадиган маърузалар ўқиладиган аудиториялар, ҳам бевосита тадқиқотлар олиб бориладиган лабораториялар жойлашади. Саноат тармоқлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилгани бундай университетлар концепциясининг ўзига хос асосий аломати саналади. Бу йўналишдаги университетлар ғоясига АҚШдаги Техас, Стенфорд, Манчестер-Метрополитен ва бошқа университетлар тажрибалари алоҳида қизиқиш уйғотади [3,5].

Европа Иттифоқидаги ҳар бир давлат минтақаларидаги инновацион тизимларда ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари манфаатларини ҳисобга олувчи ўзига хос ёндашувлар мавжуд. Ҳудудларнинг инновацион равнақида университетларнинг аҳамиятини белгилаш Европа Иттифоқи мамлакатларининг инновацион сиёсатидаги муҳим тенденция саналади.

Финляндияда 20 та университет негизида маҳаллий ҳукумат органлари томонидан аксарияти уларга тегишли бўлган 22 та технопарк ташкил этилган. Барчаси Финляндия илмий паркларининг “Текел” ассоциациясига бирлаштирилган. Илмий паркларда жами 1600 та инновацион компания фаолият юритади, уларда 32 минг нафарга яқин мутахассис ва олимлар ишлайди. Технопарклар мавқеини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири давлат ёрдамисиз ўзи мустақил иш бошлайдиган ва билимларга асосланган иқтисодий фаолиятга турдош корхоналарни ҳам жалб этадиган, янги юқори технологияларга асосланадиган компанияларнинг сонидир [1].

Буларнинг барчаси интеграцион алоқалар орқали олий таълим муассасаларининг мамлакатни инновацион ривожланиш йўлига олиб ўтишдаги аҳамияти беқиёслигини англатади. Бунда давлат кўпинча илмий-тадқиқот ташкилотлари, университетлар ва бизнес субъектлари ўртасида воситачи вазифасини бажаради. Шу асно ҳар хил тузилмалар – олий ўқув юртлари ва саноат ўртасидаги кооперация марказлари, фанлараро марказлар, кичик ва ўрта бизнесга янги технологияларни бериш бўйича инновацион марказлар, ихтироларни тижорат мақсадларида рўёбга чиқариш марказлари очилади.

Европада илмий паркларнинг ғоят ривожланиши ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган. Дастлабкилари Эдинбургдаги Heriot-WattUniversity тадқиқот парки, Кембриждаги Trinity College илмий парки, Бельгиядаги Louvain-la-Neuve University ва бошқалар бўлди. Улар фаолиятининг асосий тури илм-фан талаб қилинадган жабҳаларга дахлдор фирмалар эгаларига ер майдонларини ижарага беришдан иборат эди [2,4].

Илмий паркларнинг японча модели илмий тадқиқотларнинг илғор ва етакчи тармоқларида ҳамда илмталаб саноат ишлаб чиқариши соҳаларида жамланадиган технополислар ташкил этилишини кўзда тутади. Шунга мўлжалланган “Технополис” лойиҳаси 1982 йили амалга ошириш учун қабул қилинди. Кўп ўтмай Токиодан шимоли-шарқда жойлашган Цукуба шаҳрида Япониянинг “илмий шаҳри” қад ростлади. Унда 21539 киши яшаб, 50 та давлат тадқиқот институтларида ва 2 та университетда фаолият олиб боришарди. Япониядаги 98 та етакчи давлат тадқиқот лабораторияларидан 30 таси Цукубада жойлашгани бу шаҳарни дунёдаги энг йирик илмий марказлардан бирига айлантирди [3].

Шундай қилиб, техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграцияси бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш мазкур жараён чет эл олий ўқув юртларида узоқ йиллар мобайнида аста-секин шаклланганини ва талай мамлакатларнинг инновацион тараққиётида энг муҳим омиллардан бири бўлганини кўрсатди. Бироқ Ўзбекистонда ҳозир юзага келган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида ушбу моделларни амалиётга кўр-кўрона кўчириб ўтказиш билан иш битмайди. Улардан юртимизда шу пайтгача шаклланган илмий-интеллектуал кадрлар салоҳиятини уйғунлаштирган ҳолда фойдаланиш инновацион ривожланиш тамойилига асосланган тараққиёт йўналишига ўтказишнинг ягона йўлидир.

Бугунги кунда инсон капиталига инвестициялар жадал ўзгаришларга тез мослаша оладиган, техник жиҳатдан илғор ва маҳсулдор ишчи кучини яратиш учун жуда зарур. Келгусида қайси давлат инвестицияларни таълимга, аҳолининг кўникма ва қобилиятларига самарали йўллай олса, у муваффақиятли иқтисодиётни ярата олади. Бу ўринда таълимга фақатгина ижтимоий эҳтиёжларни қондириш харажатлари деб эмас, балки келажакка йўналтирилган иқтисодий инвестициялар деб қараш лозим.

Ўз моҳиятига кўра, инновацион таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграцияси – бу миллий таълим тизимларининг ҳар томонлама яқинлашуви, ўзаро бир-бирини тўлдириши, олий таълимнинг ягона умумжаҳон ижтимоий тизимига айлантирилишидир.

Олиб борилган таҳлилларнинг кўрсатишича, ривожланган давлатларда олий таълим интеграцияси бир қатор долзарб масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган:

https://buxdu.uz



– инновацион таълим мазмуни ва даражасининг иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий-маданий соҳалар талабларига мос келишига риоя қилиш;

– турли мамлакатлар ва минтақаларда тайёрланаётган мутахассисларнинг тайёргарлик даражасини тенглаштириш;

– инновацион таълим соҳасида халқаро бирдамлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– олий ўқув юртларининг, айниқса, илғор мамлакатлардаги таълим даргоҳларининг ривожланишига ёрдамлашиш.

Кўпгина давлатлар инновацион таълимда техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциясини такомиллаштириш борасида тўплаган тажрибалардан республикамиз амалиётида фойдаланишда қуйидагиларга риоя қилиш жоиз, деб ҳисоблаймиз:

– илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга тез жорий этишга қодир бўлган тадқиқот объекти табиатига максимал даражада чуқур кириб бориш орқали нисбатан тор доирадаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи фундаментал-амалий илмий марказларни ташкиллаштириш;

– техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналари интеграциясини амалиётга татбиқ қилиш механизмларини, шунингдек, инновацион маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

– инновацион жараёнлардаги муаммоларни ҳал этиш учун илмий-техник маҳсулотлардан фойдаланишнинг минтақавий ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида инновацион жараёнларни бошқарувчи замонавий ташкилий тузилма яратиш;

– илмий-техник маҳсулотнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, илм-фанни молиявий қўллаб-қувватлаш;

– интеллектуал бизнеснинг ривожланиши ва кичик инновацион корхоналар фаолиятини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасалари қошида технопарклар бунёд этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида интеграция шакли сифатида "Корхона + ОТМ" тизими фаолиятини ривожлантириш.

Хулоса қиладиган бўлсак, республикамизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларининг умумий мақсади ушбу тизимнинг янгича ижтимоий-иқтисодий муҳитга тўла мослашишини таъминлашдир. Шуни инобатга олиб, олий таълим тизимини такомиллаштириш мамлакатимизни инновацион иқтисодиёт йўлига олиб чиқишда техник кафедралар ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнларини амалга оширишни кўзда тутади. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро интеграцион алоқаларини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

## Адабиётлар


1. Инновационное развитие регионов – зарубежный опыт (организационные и экономические механизмы)// Под. ред. Лунева А.П., Петровой И.Ю. – Астрахань. Изд. дом "Астраханский университет", 2009 г. – 140-стр.
2. Walter R. Themes //A History of the University in Europe, Vol. II: Universities in Early Modern Europe. Ed.Hilde de Ridder-Symoens. New York: Cambridge University Press, 1996. pp. 3- 42.
3. Неборский Е.В. Модели интеграции образования, науки и бизнеса в университетах США, Европы и Японии //Проблемы современного образования. 2011 г. – №1. – 48-59-стр.
4. Tukhtayeva Z.Sh. "Organizational – methodological inter-objective integrations in teaching special disciplines", European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences/ Vol.7 No.12, 2019. Page 136-139.
5. Тўхтаева З.Ш. "Олий таълимда фанлар интеграциясини таъминлашнинг ўқув-методик ва дидактик воситалари", Педагогик маҳорат. Илмий-назарий, методик журнал. – № 5. Бухоро, 2019. – 66-72 б.

https://buxdu.uz



**Муталиб МИРЗАЕВ**
Термиз давлат университети
Педагогика кафедраси илмий тадқиқотчиси

# КИТОБХОНЛИК – МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

*Ушбу мақолада китобнинг инсон маънавиятида тутган ўрни, ҳар бир шахснинг шаклланишида унинг маънавий тафаккурини тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, китобхонликни кенг ёйиш ва тарғиб этиш, ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш, уларнинг маънавий иммунитетини янада юксалтириш учун бугунги кунда олиб борилаётган давлат миқёсидаги амалий ишлар, китобнинг жамиятдаги ўрни ва унга бўлган эътибор ҳақида тавсия ва хулосалар берилган.*

***Таянч иборалар:*** *Китоб, китобхонлик, маънавий тафаккур, маънавий тарбия, ғоя, адолатлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик, билимдонлик, ақлий етуклик.*

*В этой статье подчеркивается роль книги в духовности человека и в формировании каждого человека, его или ее духовного мышления. Кроме того, даются рекомендации и выводы о текущей общегосударственной практической деятельности, роли книги в обществе и ее внимании к популяризации и популяризации чтения, повышению любви нашей молодежи к книге и укреплению их духовного иммунитета.*

***Ключевые слова:*** *книга, чтение, духовное мышление, духовное воспитание, идеи, справедливость, щедрость, гуманизм, знания, умственная зрелость.*

*This article emphasizes the role of the book in the spirituality of the human being, and in the formation of each individual, his or her spiritual thinking. Also, recommendations and conclusions are given on the current state-wide practical activities, the role of the book in society and its attention to the popularization and popularization of reading, to increase our youth's love for the book, and to further their spiritual immunity.*

***Key words:*** *book, reading, spiritual thinking, spiritual education, ideas, justice, generosity, humanism, knowledge, mental maturity.*

Мамлакатимиз таълим тизими олдида ёш авлодга замонавий билим ва ҳунарлар бўйича мустаҳкам таълим бериш билан бирга, уларни ҳар қандай мафкуравий таҳдид ва тажовузларга нафақат берилмайдиган, балки уларга қарши фаол кураша оладиган, мустақил тафаккурга ва етук онг ва фикрга эга бўлган, катта ишонч ва мақсад билан яшайдиган фидойи, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади [4]. Айниқса, халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини ўқувчилар қалби ва онгига етказиш, уларни ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалоллик, мардлик, сабр-бардошлилик, билим ва маърифат эгаллашга интилиш кабилар орқали тарбиялаш шахс маънавий тафаккур орқали камолотига олиб борувчи, қолаверса, турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашда энг самарали йўлдир [9]. Бундай фазилатларга эга шахсни маънавий тарбияси учун аввало ўқув-тарбия жараёнида:

- ёшлар онгига шарм-у ҳаё, одоб-андиша, ота-оналарга хурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатларни шакллантириш;
- шахснинг ривожланишида ўзаро муносабатлар ҳамкорлиги, буюк аждодларимиз меросига улкан ғурур туйғуларини сингдириш, асрлар оша бизгача етиб келган қадриятлар ва урф-одатларга беқиёс ҳурмат кўникмаларини шакллантириш;
- ўз дини ва ўзга динларга нисбатан бағрикенглик тамойилларини сингдириш;
- шахс камолоти ва маънавияти ижтимоий жамиятдаги муҳим омиллардан эканлигини англатиш;
- инсоний фазилатлар ва ғайриинсоний қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;
- инсонларга хос самимийлик, ватанпарварлик, меҳр оқибат, иймон-эътиқод, фидоилик каби фазилатларнинг жамият тараққиётидаги энг асосий омиллардан бири эканлигини англатиш;
- ёшларда мустақил, ижодий фикрлаш, ахборотларни саралаш, таҳлил этиш малакасини шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчи-ёшларнинг ёши, психологик хусусиятлари, ўзлаштириш имкониятларини инобатга олиб, ўқув фанларининг хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишни давом эттириш ва илмий-оммабоп, бадиий, тарихий асарларни ўқишга қизиқишларини мунтазам ошириб бориш лозимлигини қайд этган ҳолда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига қуйидагиларни тавсия сифатида келтиришни лозим топдик:

- халқ оғзаки ижоди намуналари: эртак, масал, ривоят, достонларда акс этган миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳамжиҳатлик, мардлик тушунчалари акс эттирилган қаҳрамонлар қиёфаси орқали эзгу тушунчаларни сингдириш;

https://buxdu.uz



- миллий эртак қаҳрамонлари орқали ҳалоллик, ростгўйлик, виждонлилик, меҳнатсеварлик, ўз сўзининг устидан чиқиш инсон кўрки эканлигини англатиш;
- шахс маънавий камолотида миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини давлатимиз рамзлари мисолида тушунтиришдан иборат.

Юқори синфларда:

- бадиий, тарихий асарларда акс этган миллий ва маънавий қадриятларнинг моҳиятини юксак инсоний фазилатлар: юртга муҳаббат, ватанга садоқат, унга дахлдорлик туйғуларини шакллантириш;
- асар қаҳрамонларида мавжуд бўлган ижобий хислатлар: фидоилик, тинчликсеварлик тушунчаларининг умумий мазмуни, тафаккур озодлиги, онг ва шуурнинг тазйиқдан халос этилганлиги, ақлий заковат, руҳий, маънавий салоҳият каби тушунчаларнинг мақсадга йўналтирилганлиги;
- асардаги воқеаларни ўқувчи ҳаётидаги воқеликлар билан солиштириб, кундалик фаолиятида одоблилик, ростгўйлик, виждонлилик фазилатларини шакллантириш;
- Ватанимизнинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш, ўз халқининг қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва уни ҳимоя қилиш, эзгу ниятлар оғушида меҳнат қилиб, ўз истеъдоди, бор имконияти, керак бўлса жонини юрт истиқболи, элига бахшида этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 13 сентябрда “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори № 20621 эълон қилинди. Ушбу қарор маънавий ҳаётимизни юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлиб, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга кўмаклашади. Ана шундай муҳим вазифаларни комплекс ҳал қилиш, китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ўзбек ва дунё адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш ва уларни тарғиб қилиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига етказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадига мувофиқдир [3].

Бугунги кунда кўпчилигимиз мақтаниб: “Ёшларимиз компьютерни яхши билишади, интернет тизимидан хоҳлаган ахборотни бир зумда олишади”, – дея кўп гапирамиз. Аслида-чи? Тўғри, ёшларимиз компьютер ривожланган асрда яшашяпти, хорижларда таълим олишяпти. Асосий билимни интернет саҳифаларидан олишга ҳаракат қилишяпти. Интернет саҳифалари нафақат инсоният ақлининг маҳсули, балки илоҳий неъмат бўлган китобнинг ўрнини боса олармикан. Эътибор берадиган бўлсак, болаларимиз тобора китоб ўқимай қўйишяпти. Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бошчилигида китобхонликни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар бизни янада қувонтираётган бўлсада, бугунги кунда фарзандларимизга китоб ўқишни, китобга меҳр қўйишни ўргатишимиз машаққат бўлмоқда.

Эътироф этиш жоизки, юқорида тилга олинган аниқ амалий тавсиялар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан кўрсатилган фармойиши китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнини юқори босқичга кўтарганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу муҳим ҳужжат мамлакатимизда маънавий-маърифий жараёнларни изчиллик билан амалга ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларимизнинг маънавий тафаккурини ривожлантириш ва баркамол бўлиб тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни янада кенгайтириш йўлидаги муҳим қадамдир. Ҳар қандай бузғунчи куч ва хуружни юксак маънавият билан енгиш мумкин. Шу маънода китобхонлик бугун барчамиз учун ҳаётий заруратга айланмоғи керак. Ушбу масалага шахсан давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муҳим вазифаларнинг белгилаб берилаётганлиги аҳоли ўртасида юксак маънавий тафаккурни, юксак онг ва маърифатпарварликни тарғиб қилиш йўлида барчамиз учун янги ибрат босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари “Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи”, дея таъкидлаган бўлса, соҳибқирон бобомиз Амир Темур “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир” [5], дея уқтирган. Китобнинг биринчи мўъжиза эканига бутун вужуди билан ишонган адабиётшунос олим Фитратининг теран томирлари қандай сарчашмалардан сув ичганини галдаги мулоҳазаларимиз тасдиқлайди. Жумладан, ёзувчи ва драматург С. Цвейг “Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ўзи билан ўзи оввора бўлмайди, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, у ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади”, деб ёзади. Ёзувчи ва файласуф Ж. Свифт “Китоблар ақл фарзандларидир”, деса, педагог ва ёзувчи Я. Коменский “Китоблар донишмандликни ёйиш қуролидир”, дейди. Кўриниб турибдики, маънавий камолотга етакловчи беминнат устоз ва битмас-тугамас маънавият бойлик саналган китоб ҳақидаги фикрларни бир жойга жамласа, уларнинг ўзи бир китоб бўлиши, шубҳасиз. Маънавий жасорат соҳиби деб ардоқланган атоқли адабиётшунос олим ва таржимон Озод Шарафиддинов дунёдаги етти мўъжизага таъриф бериб “...етти мўъжиза инсон

https://buxdu.uz



ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканлигини кўпгина буюк одамлар қайд қилган" деб ёзади.

Ҳозирги кунда оилавий китобхонлик маданиятига эришиш – давр талабидир. Китоб - инсон умр йўлларини ёритувчи сўнмас нур, инсон ҳаётига мазмун бахш этувчи саодат манбаи, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамроҳ бўлгувчи содиқ дўст. Инсоннинг руҳий-маънавий камолотини таъминлашда китобчалик кучли қудратга эга восита йўқдир. Шу боисдан, азал-азалдан маърифат пешволари, аҳли донишлар бутун инсониятни китоб ўқишга, ундан илму одоб сирларини ўрганишга чорлаб келишган. Тарбиянинг барча мезон ва унсурлари, аввало, оилада шакллантирилганидек, китобхонлик маданиятини тарбиялашда ҳам оиланинг ўрни ниҳоятда каттадир. Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлга таянсак, бу моҳият янада долзарб босқичга кўтарилади.

Дарҳақиқат, шахс такомилида оилавий муҳит, оилавий қадриятлар асосий восита ролини ўтайди. Ота-онанинг маънавий даражаси, ахлоқий қарашлари бевосита фарзандга ҳам кўчиб ўтади, фарзандлар шахсиятида акс-садо беради. Бинобарин, китобхонлик, бадиий адабиётга муҳаббат ҳам инсон маънавий тафаккурини, тарбия аҳволини намоён қилувчи муҳим хусусиятлар сирасидандир. Китоб дунёсига ошуфта, адабий оламга ҳамнафас, бадииятдан баҳраманд қалб эгаси ўзидаги бу туйғу ва фазилатларни атрофидагиларга, айниқса, оиласига ҳам юқтириши, сингдириши эҳтимоли юқори. Китобхон ота-оналарнинг фарзанди ҳам китобга ўзгача меҳр кўрсатади, бу маънавият хазинасига табиий қизиқиш ва интилишга олиб келади. Шу боис китобхон авлод тарбиясида, аввало, ота-онанинг тарбияли бўлиши, бадиий адабиётга ошно эканлиги муҳим заруриятдир. Яқин атрофдаги таниш оилаларимиз ҳаётига синчков назар ташласак, қайси оилада китобхонлик маданияти қайдаражада шаклланганлигига амин бўламиз. Кимдир дунёвий ҳодисалар уммонида сузиб юришни хуш кўрса, кимлардир бадиий адабиёт осмонида сайр этишга иштиёқманд. Кимдир бир ойда бир китоб ўқишга вақт ажратса, яна кимлардир бир ҳафтада бир китоб мутолаа қилишни лозим билади. Хуллас, китоб билан ҳамма ўз оламида, ўз хоҳиш ва имкониятлари чегарасида турли ҳолатда юзлашади. Шу ўринда, моҳиятни янада аниқлаштириш учун айнан бир оила мисолида китобхонликка қаратилган эътибор хусусида тўхталиб ўтамиз.

Шундай оила борки, улар хонадонида китоб ўқиш кундалик машғулот, жиддий фаолият сифатида қадр топган. Беш фарзанд ўстираётган бу хонадон соҳиб ва соҳибалари ҳам ўзлари, ҳам фарзандларининг китобхон бўлиши учун интилишади. Ўзи туғилиб ўсган оилавий муҳитида ўз вақтида китобга муҳаббат, адабиётга эътибор билан улғайган, китобхонликни оилавий муҳим қадриятга айлантирган бу инсонлар бугун фарзандларининг ҳам китоб аталмиш буюк ва бебаҳо хазинадан баҳраманд бўлиб, маънавий баркамолликка эришишини истайди. Бунинг учун, ҳам ота, ҳам она ўз вақти ва имкониятига қараб, сермазмун, бадиий-эстетик аҳамияти юқори бўлган турли адабий жанрдаги, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналарини, диний-маърифий сарчашмаларни танлаб харид қилишади. Бу асарларни фарзандларининг ёш ва қизиқишлари, ақлий салоҳияти, ўзлаштириш қобилиятини эътиборга олган ҳолда тақсимлаб беришади. Энг муҳими, китоб тақдим қилинганда, ҳажмини ҳам эътиборга олган ҳолда, мутолаа учун муайян вақтлар ажратишади.

Оила бошлиғи, яъни ота, бу борада янада талабчан. У ҳар куни ўқилиши лозим бўлган саҳифа миқдорини белгилаб беради, шеърий асарларга алоҳида қизиқиш билдириб, ҳар бир фарзандига шеърлар ёдлаб боришни тайинлаб туради. Деярли ҳар кеч ишдан қайтгач, овқатлангандан сўнг, фарзандларини бирин-кетин чақириб, бир педагог каби топширилган вазифа ижросини қабул қилиб олади. Яъники, фарзандлар ўзлари ёд олган шеърларни айтиб беришади; ўқиётган асарларидан белгиланган саҳифалар ва унинг мазмунини гапиришади; қаҳрамонлар фаолияти, характер-хусусиятига муносабат билдиришади. Китобни якунлаганлар эса асардан олган таассуротларини ҳам ўртоқлашади. Бу жараёнда фарзандларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи, топшириққа масъулият билан ёндашиш даражаси, китобхонлик маданияти ҳам ойдинлашиб, ўзига хос ёндашувларга туртки бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, фарзандлар ўзига тегишли асарни ўқиб бўлгач, китоблар алмаштирилади, бири-иккинчисининг китобини ҳам ўқиб-ўзлаштириб бораверади. Шунингдек, оила даврасида ҳам китоб ўқиб бериш йўлга қўйилган. Онанинг уй юмушлари кўп бўлгани боисидан, кўпинча дам олиш кунлари ота фарзандларини атрофига тўплаб, тарбиявий аҳамияти юқори ("Тарихи Муҳаммадия", "Ижтимоий одоблар", "Хамса" каби) асарларни мутолаа қилиб, мазмунини тушунтириб беради. Натижада, фарзандларнинг умумий тарбиясида ҳам ижобий моҳият акс этади.

Бугун жамиятимизда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасида ҳар доимги даврдан бир неча баробар кўп миқдорда самарали ишлар амалга оширилмоқда, ташвиқот-тарғиботлар олиб борилмоқда. Бироқ, шундай бўлса ҳам, оилавий муҳитда китобхонлик маданияти такомили қониқарли даражада эмас. Юқорида кўриб ўтганимиз каби китобсевар оилалар билан бир қаторда, уларнинг акси бўлган оилавий муҳитни ҳам учратишимиз ачинарли. Кўпгина

https://buxdu.uz



оилалар, ота-оналар на ўзлари китоб ўқишга қизиқишади, на фарзандларини бу борада тўғри йўналтиришади. Шунингдек, оилавий китобхонликда китоб танлови маданиятига ҳамма ҳам етарлича аҳамият қаратилавермайди. Бадиий асар танлашда фарзандининг ёш ва физиологик хусусиятлари, руҳий-маънавий дунёси, қизиқиш ва интилишлар кўламини назарда тутмас экан, ҳар қандай китобсевар ота-она бу борада ижобий ютуқларга эриша олмайди. Кўринадики, мутолаа маданиятининг ҳам ўзига хос меъёр ва талаблари мавжуд. Шуларни эътиборга олган ҳолда, оилавий китобхонлик маданиятига эга бўлиш учун қуйидаги тавсияларни эътиборга олиш назарда тутилади:

- китоб мутолаасида ота-она ҳамиша фарзандларга ўрнак бўлиши;
- муайян вақтларда оила даврасида навбатма-навбат китоб ўқиб беришни йўлга қўйиш;
- ҳар бир фарзанднинг ёш ва характер хусусиятини, руҳий-маънавий дунёсини назарда тутган ҳолда китоб тақдим қилиш;
- кичик ёшдаги болаларга кўпроқ ранг-баранг суратларга йўғрилган, катта-катта ҳарфларда ёзилган, унинг беғубор хаёлоти сарҳадларини акс эттира олган асарларни танлаш;
- ўрта ёшли китобхон фарзанд учун эса унга тенгдош қаҳрамонлар тақдири акс этган, ҳаётий, хаёлий-фантастик воқеалар тасвирланган, кўнгил кечинмалари жонлантирилган асарларни тавсия қилиш;
- катта ёшдаги мустақил, оила қурган фарзандлар билан ҳам тез-тез китоб мутолааси хусусида суҳбат ўтказиб, зарурий тавсиялар бериб туриш (бу оилавий китобхонлик анъанасини муқаддас қадрият сифатида давом эттиришга замин яратади);
-жамиятнинг моддий-маънавий тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли оила сифатида қадр топиш.

Бинобарин ёшларнинг маънавияти ва дунёқараши, мафкурасига ёт ғояларнинг таъсир этишининг олдини олишда қуйидагича хулосаларга келдик:

– оммавий маданият ва терроризмнинг ёшларга ғоявий ва мафкуравий таъсирининг олдини олишда кенг жамоатчилик (ота-она, бобо-буви, маҳалла)нинг ролини янада ошириш;
– экстремизм ва террорчиликнинг дунё бўйлаб тарқалиши, уларнинг мақсадларидаги ўхшашлик, яқинлик, экстремистик ташкилотларнинг яшаш ва куролланиш манбалари каби йўналишларни илмий тадқиқ этиш ҳамда уларнинг танлаган ғоялари ва йўллари пуч эканлигини ёшларга тушунтириш;
– Ўзбекистонда глобаллашув ва экстремистик мафкураларга қарши ғоявий курашнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ва “жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак” [1] шиорини жонлантириш;
– ёшларга мамлакатимиз тараққиётига раҳна солаётган ҳар қандай ғоявий мафкуравий қарашларнинг олдини олишда, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини назоратга олиш;
– таълим муассасалари, маҳаллаларда кутубхоналарни ташкил этиш ва китоб фондини бойитиш;
– ҳар бир оилада шахсий кутубхонанинг ташкил топишига эришиш кабилар.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан кўринадики, маънавий баркамол китобхон авлод тарбиясида оила муҳим ва мустаҳам пойдевор. Шу боис жамиятда китобхонликни ривожлантириш, мутолаа маданиятини такомиллаштириш борасидаги ҳар қандай фаолиятда оила билан ҳамоҳанг, ҳамфикр иш юритиш кўзланган мақсадларга эришишга муносиб замин яратади [2]. Шундай қилиб, китоб ўқиш маънавий оламни бойитади, сўзлашув маданиятини оширади. Буюк олимларининг айтганидек, буюк аждодларимиздан қолган миллий бойлигимизни авайлаб-асраш, уларни ўрганиш ва афкор оммага тарғиб қилиш учун ҳам китоб ўқиш лозим.

### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.–Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2.Мирзиёев Ш.М. Ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича беш ташаббус.–Т.: “Сиёсат”, 3 апрель 2019 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоааласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271 сонли Қарори. –Т.: 2017.,13 сентябрь.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.–Т.: “Маънавият”, 2008 й.
5. Амир Темур. Темур тузуклари. –Т.: “Шарқ”. 2003 й.
6. Абу Наср Форобий. Метафизика. –Т.: “Фан”. 2004 й.
7. Матчонов Сафо. Ғафлат ва Жаҳолат. –Т.: “Чулпон”. 2016 й.
8. Фарбермен Б.Л. Педагогик технологиялар. – Т.: “Ўқитувчи“, 2001 й.
9. Худойқулов Х.Ж. Маънавий комиллик мезонлари. – Т.: “Навруз”, 2016.

https://buxdu.uz



**Ugiljon AHMEDOVA**
Urganch davlat universiteti
ingliz tili va adabiyoti
kafedrasi stajyor-tadqiqotchisi

# OLIY TA’LIM TIZIMIDA TALABALARGA INGLIZ TILINI O‘QITISHDA KREATIVLIKNING ASOSIY YETTITA USTUNIDAN FOYDALANISHNING SAMARALI JIHATLARI

*Ushbu maqolada oliy ta’lim tizimida talabalarga ingliz tilini o‘qitish jarayonida kreativlikning asosiy yettita ustunidan foydalanishning samarali jihatlari yoritib beriladi. Ijodkorlikning yettita ustuni oliy ta’lim tizimida tahsil olayotgan talabalarning yoshi va darajasidan qat’i nazar, ularning til o‘rganishdagi kreativlik qobiliyati gullab-yashnaydigan sinfda ijodiy o‘quv muhitini yaratishga va bu borada qanday qilib amaliy g‘oyalarni taqdim etishga yordam beradi. Shuningdek, sinfda ijodkorlik asoslarini yaratishda katta “C” va kichik “c” ijodkorlik o‘rtasidagi farqni yodda tutish uchun umumiy omillar ham ko‘rib chiqiladi.*

***Kalit so‘zlar:*** *ijodkorlik, katta “C” ijodkorlik, kichik “c” ijodkorlik, o‘zini o‘zi qadrlash, ijodkorlikni modellashtirish, shaxsiylashtirish, ijtimoiy ko‘nikmalar, tadqiq qilish, o‘ziga xoslik*

*В данной статье рассматриваются эффективные аспекты использования семи основных столпов творчества в процессе преподавания английского языка студентам в системе высшего образования.Семь столпов творчества помогают создать творческую среду обучения в классе, где учащиеся в системе высшего образования, независимо от возраста и уровня, имеют процветающие творческие способности в изучении языка и дают практические идеи о том, как это сделать.Также будут учитываться общие факторы, учитывающие разницу между большим “С” и маленьким “с” творчеством при создании основ творчества в классе.*

***Ключевые слова:*** *креативность, большая “С” креативность, маленькая “с” креативность, самооценка, креативность моделирования, персонализированное обучение, социальные навыки, исследование, оригинальность.*

*This article discusses the effective aspects of using the seven main pillars of creativity in the process of teaching English to students in the higher education system.The seven pillars of creativity help to create a creative learning environment in a classroom where students in the higher education system, regardless of age or level, have a flourishing creative ability in language learning and provide practical ideas on how to do so.General factors will also be considered to keep in mind the difference between big “C” and small “c” creativity when creating the basics of creativity in the classroom.*

***Key words:*** *creativity, Big “C” creativity, little “c” creativity, self-esteem, modeling creativity, personalize learning, social skills, explore , originality*

Ingliz tilini o‘qitish jarayonida o‘rganuvchining shaxsiy qobiliyatlarini hamisha inobatga olish o‘qituvchi uchun eng muhim omillardan biri sanaladi. Chunki o‘quvchilarning individual xususiyatlari ularning qay darajada til egallay olishini yaqqol ko‘rsatadi va bu o‘qituvchi uchun eng foydali yordamchidir. Til o‘rganish jarayonida o‘rganuvchilarning, ayniqsa, kreativlik qobiliyatini rivojlantirish – bu til o‘rganishda o‘quvchi uchun katta va tezda maqsadga eltuvchi yo‘l kabidir. Karterning ta’kidlashicha, kreativlik ma’lum bir insonninggina qobiliyati emas, balki hamma odamlarning maxsus qobiliyatidir. [ 1. B. 29] Shunday ekan sinfda o‘quvchilarni iqtidorli yoki iqtidorsizga ajratish mumkin emas. Barcha o‘quvchilarning individual qobiliyatlari mavjud. Ularning til o‘rganishdagi qobiliyatini ulardagi kreativlik orqali rivojlantirish bugungi til o‘qitish metodikasing asosiy yo‘nalishlaridan biri bo‘lib boryapti. Ushbu maqola orqali hozirgi kunda oliy ta’lim tizimida talabalarda kreativlik qobiliyatini rivojlantirishda kreativlikning asosiy 7 ta ustunidan foydalanishning nazariy va amaliy ahamiyatini tanishtirib chiqamiz.

Biz bilamizki, ingliz tilini o‘qitishda asosiy 2 ta “BIG –C”-katta ijodkorlik va “small-c”-kichik ijodkorlik turlari mavjud. [1. B.30] Ijodning ikkala turi gullab-yashnashi uchun sinfxonada o‘quv muhiti ehtiyotkorlik bilan olib borilishni talab qiladi va bu o‘z-o‘zidan sodir bo‘lmaydi. Ijodkorlikning yettita ustuni – bu siz qanday turdagi va qanday yoshdagi o‘quvchi o‘qitishingizdan yoki qanday turdagi o‘quv materiallaridan foydalanish yoki foydalanmasligingizdan qat’i nazar sizga talabalaringizning sinfdagi ijodkorligini rivojlantirishga imkoniyat yaratadi. Kraft (2005), Fisher ( 2005) ijodkorlikning yetti ustunini eng avvalo ko‘p yillik sinf tajribasini hisobga olgan holda asoslab chiqishgan. Har bir ustun va ustundagi bo‘limlar darsda darhol foydalanish uchun yaratilgan metodik o‘yinlar va amaliy qarashlarni o‘z ichiga oladi.

**Birinchi ustun: “ O‘z-o‘zini qadrlashni o‘rgatish”-**

**Pillar one: “Build up positive self-esteem”**

https://buxdu.uz



Rizoner o‘z-o‘zini hurmat qilishni besh komponent bilan tavsiflaydi: ***xavfsizlik hissi, egalik hissi, o‘ziga xoslik hissi, maqsad va shaxsiy qobiliyat hissi***. [8. B.36] Agar talabalarda qo‘rquv kuchli bo‘lsa va iste’dod hissi yetishmasa, bu ijodkorlik uchun to‘siq bo‘lib xizmat qiladi. Talabalarning o‘zlarida mavjud bo‘lgan kuchli tomonlaridan foydalangan holda, ijodkorlikka olib boruvchi o‘z-o‘zini qadrlash xususiyati rivojlantiriladi. O‘quvchilarning o‘z qobiliyatini qadrlashni rivojlantirish uchun qo‘ygan maqsadingizni butun o‘quv uslubingizga singdirib, siz ularga g‘amxo‘rlik qilayotganingizni va ular sinf a’zosi sifatida qadrlanayotganini yetkazishingiz mumkin. O‘z-o‘zini hurmat qilishning turli tomonlarini shakllantirish uchun siz ma’lum bir o‘yinlar va jarayonlardan foydalanishingiz mumkin. Quyidagi misolni keltirib o‘tamiz:

***1.1“O‘z-o‘ziga muxlis bo‘lish”- “Self-esteem fan”***

Siz ushbu faoliyatdan foydalanib, talabalarga ijobiy ongni rivojlantirishga yordam bera olasiz. Buning uchun dastlab o‘quvchilarga bittadan varaq tarqatiladi. Tarqatilgan varaqqa ustunlar chizilishi, chizilgan ustunlar tepasiga o‘z ismida qancha harf bo‘lsa, shu harflar yozib chiqilishi aytiladi. Ismidagi har bir harfga mos sifatlar yozib chiqish kerakligi aytiladi.

Masalan: ***Helena – Hardworking, Enthusiastic, Lively, Energetic, Nice, Active.***

Keyin o‘quvchilar nimaga aynan shunday sifatlar keltirilganligini isbotlab berishlari kerak:

***I think I’m hardworking because I always do my homework.***

Undan keyingi jarayonda o‘quvchilar o‘zlarini ideal qahramon sifatidagi rasmini yaratadilar. Ideal qahramonda esa o‘zlaridagi ijobiy fazilatlarni yoritadilar.

**1.2 “*Aylana vaqti”-“Circle time”***

Ushbu usul yordamida talabalarga o‘qishni rivojlantirish, vaqtni tejash, xavfsizlik va o‘ziga xoslik hissini uyg‘otish va ijtimoiy ko‘nikmalarni, masalan, boshqalarni tinglash, o‘zgalardan foydalanish, hamkorlik qilish va o‘zingiznikidan farq qiladigan qarashlarga hurmat ko‘rsatishni o‘rgatish mumkin.

Bu quyidagicha bajariladi:

■ talabalar aylanada o‘tirishadi yoki turishadi. Yumshoq to‘p yoki boshqa buyumni aylana bo‘ylab otishga tayyor turishadi.

■ keyin aylana bo‘ylab to‘pni yoki boshqa narsalarni o‘tkazish uchun birma-bir aylanib, jumlalarni to‘ldiradilar. Bu matn, mavzu, hikoya yoki shaxsiy his-tuyg‘ularga tegishli bo‘lishi va talabalarning yoshiga va darajalariga qarab baholanishi mumkin, masalan. ***I like…, I feel happy/sad/angry when…, I think the story/video/poem is…,I think wild animals are in danger/we need to save water/global warming is worrying because…***

Doiraviy vaqtning yo‘nalishi muayyan mavzu yoki masalaning mavzusiga, masalan, yuqorida keltirilgan misollar kabi bo‘lsa, siz talabalarning javoblarini ong xaritasida yozib qo‘yishingiz va ularni mavzu haqida yozishga undashingiz mumkin.

***1.3 “So‘z tennis”-“Word tennis”***

Talabalarning shaxsiy kompetentsiyasini, shuningdek tinglash va gapirish uchun navbat olish qobiliyatini rivojlantirish uchun ushbu o‘yin versiyasidan foydalanishingiz mumkin.

Dastlab talabalarni juftlarga ajratasiz. Keyin bir talaba o‘yinni boshlaydi va u aytadi, masalan. ***I’m good at swimming.*** Ularning sherigi to‘pni orqaga urmoqchi bo‘lib, masalan: ***I’m good at dancing*** deydi. Juftliklar navbat bilan o‘zlarining yaxshi tomonlari haqida jumlalarni aytadilar va imkon qadar o‘yinni uzoq davom ettiradilar. Oxirida, talabalar eslab qolishlarini tekshirish uchun o‘z sheriklariga hisobot berishadi, masalan. ***You’re good at….*** keyin buni sinfga qarab takrorlashadi. ***Marco is good at…/We’re both good at…*** [1. B 30]

**Ikkinchi ustun: “O‘zingizdan ijodiy namuna yarating”**

**Pillar two: “Model creativity yourself”**

Boshqalarda har qanday ko‘nikma yoki sifatni rivojlantirish uchun muhim qoidalar bu o‘zingiz yaratgan modelingizdir. Masalan, agar siz talabalar sizga xushmuomalalik va hurmat ko‘rsatishini istasangiz, unda siz ularga nisbatan muloyim va hurmat ko‘rsatishingiz kerak. Shu bilan birga, siz o‘z o‘quvchilaringizni narsalarni yangicha qarashga, g‘oyalarni o‘rganishga va asl natijalarini topishga undash uchun, agar siz o‘qituvchilik uslubida ijodiy jarayonlarni modellashtirsangiz ham yordam beradi. Bular ko‘p jihatdan aks ettirilishi mumkin, masalan, siz talabalarni qanday undashingiz va jalb qilishingiz, siz taklif qiladigan vazifalar va faoliyat turlari, individual farqlar va xilma-xillikka qanday munosabatda bo‘lishingiz va sinfingizni boshqarish va tashkil etish usullariga bog‘liqdir. Ko‘pincha o‘qitishning odatiy jihatlarida qanday qilib mayda usullar orqali ijodiy bo‘lishingiz mumkinligi haqida o‘ylash ham foydalidir. [9.B. 130] Quyidagilar ikkinchi ustunni ifodalovchi fikrlardir:

***2.1 “Qatlamoq”-“Lining up”***

https://buxdu.uz



Bu bir qarashda vaqtni behuda oʻtkazadigan zerikarli oʻyinga oʻxshab koʻrinishi mumkin. Masalan: talabalarning ism familiyalarini alvafit tartibida ayttirish yoki boʻyi, yoshi, vaznini tartibli keltirish orqali ayttirish…. Bu shunisi bilan ham muhimki ular avval oson narsalarni ayta olish orqali ham keyin qiyinroq va yangiroq narsalarni ayta oladi. Bu ularda ijodkorlikni oʻzlari bilmagan holda rivojlantirishga olib keladi.

**2.2 *“Oʻquv tartiblari”-“Learning routines”***

Oʻqitish tartiblari talabalarga oʻzlarini xavfsiz his qilishlariga imkon beradi, shuningdek, tilni shaxsiylashtirish va tabiiy ravishda oʻzlashtirish uchun imkoniyat yaratadi. Siz har xil yosh va darajalarga qarab tartibni oʻzgartirishingiz mumkin. Masalan, maktab yoshidagi oʻquvchilar uchun yoqimli ochiladigan dars tartibi bu badiiy gimnastika majmuasi boʻlib, unda siz turli xil harakatlar qoʻshasiz. Oliy ta’lim tizimidagi talabalar uchun esa “Kun yangiliklari” kabi ochiq darslar rejasi har bir darsda turli oʻquvchilarga oʻz shaxsiy yangiliklarini sinf bilan boʻlishish imkoniyatini beradi.

**2.3. *“Sinfni boshqarish”-“Classroom management”***

Oʻzingizning darslaringizni samarali boshqarish uchun ijodiy usullar haqida, masalan, diqqatni jalb qilish uchun foydalanadigan signal haqida oʻylashingiz mumkin. Xulq-atvorni boshqarish uchun boshqa ijodiy gʻoyalarga misollar: futboldagi kabi sariq va qizil kartochka tizimi yoki svetoforga asoslangan ranglardan foydalanishingiz mumkin**: qizil = Juda baland!, sariq = Ovozni pastga tushiring!**

Hech qanday materialga yoki tayyorgarlikka muhtoj boʻlmagan oddiy, ijodiy gʻoyalarga ega boʻlish oʻqituvchiga ham oʻquvchilarga ham iliq sinf sharoitini yaratib beradi. [12.B 12-15]

**Uchinchi ustun: “Oʻquvchilar tanlovini taklif eting”**

**Pillar three: “Offer students’ choice”**

Talabalarga tanlov taklif qilish orqali ular chiqargan qarorlariga nisbatan javobgarlik hissini tuyushni va oʻzlarini mustaqil his qilishni, shuningdek, oʻz bilimlarini nazorat qilishni oʻrganadilar. Bu “egalik” hissi va ijodiy ishlarni bajarish uchun qoʻshimcha qadam tashlashga undaydi. Tanlovni mashq qilish, shuningdek, oʻrganishni shaxsiylashtirishga va esda qolarli qilishga yordam beradi. Siz talabalarga tanlovni turli xil yoʻllar bilan taklif qilishingiz mumkin: kichik qarorlardan tortib, kim bilan ishlash kerakligi, oʻrganiladigan mavzularni tanlash kabi kattaroq qarorlarga qadar. Tanlovni taklif qilish xatti-harakatlarni boshqarishda ham kuchli vosita boʻlishi mumkin. Tanlovni taklif qilish ustuniga misol tariqasida quyidagi metodik oʻyinlarni ham talabalardagi vazifa tanlay olish, yani ularda til oʻrganishdagi erkinlikni rivojlantirishga misol qilib olsak boʻladi.

***3.1 “Format tanlash erkinligi”-“Format Freedom”***

Iloji boʻlsa, talabalarga oʻz ishlarining formatini tanlashlariga imkon bering. Bu ham ijodkorlikni, ham harakatni ragʻbatlantiradi. Masalan, guruh loyihalari uchun talabalar oʻz ishlarining taqdim etiladigan formatini afishada, raqamli taqdimotda yoki videoda tanlashlari mumkin. Aytaylik darsning maqsadi talabalarga oʻzlari haqida nimadir hikoya qila olishni oʻrgatishdan iborat boʻlsa, ularga buni kimgadir xat yozish (writing letters) yoki suhbatdoshi bilan suhbatlashish, ya’ni dialog (dialogue) koʻrinishida va yoki shunchaki monolog koʻrinishida aytib berilishini taklif qilamiz. Odatda, talabalar tanlovni faollashtiradilar va natijada koʻproq kuch va ijodiy fikrlashga kirishadilar.

***3.2 “Doʻstlik guruhlari”- “Friendship groupings”***

Garchi har doim ham istalmagan boʻlsada, talabalarga vaqti-vaqti bilan ular oʻzlari ishlashni xohlaydigan doʻstlarini tanlashga imkon berish foydalidir, ayniqsa loyiha ishlarini bajarish davomida ular oʻzlari yoqtirgan doʻstlari bilan ishlashlari ularga nafaqat til oʻrganishdagi ijodkorlik faoliyatini balki bajarayotgan loyiha ishini mukammal boʻlib chiqishiga ham yordam beradi. Tanlash orqali kim bilan ishlash kerak boʻlsa, talabalar odatda koʻproq ishtiyoqli boʻlishadi. Hamkorlikni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun ular hissiy sarmoyaga ega boʻladilar.

**3.3 *“Dars menyusi”- “Lesson menu”***

Koʻpincha darsni boshlashdan oldin doskaga bugun bajarilishi mumkin boʻlgan 5 ta oʻyinning roʻyxatini yozib chiqasiz va talabalarga ularning ichidan uchtasini tanlashi mumkinliklarini aytasiz. Talabalar tanlab boʻlganlaridan soʻng ularni har qanday tartibda bajartirishingiz mumkinligini tushuntirasiz. Talabalaringizga tanlov berish orqali siz ularning qay darajada qobiliyatli va ijodkor ekanliklarini bilib olasiz. Ular koʻpincha ixtiyoriy ravishda eng qiyin ishlarni tanlashadi.

***3.4 “Xulq-atvor tanlovi”- “Behaviour choices”***

Tanlovni taklif qilish talabalarga oʻzlarining qarorlari uchun javobgarlikni olishga va oʻzlarining xatti-harakatlarini tartibga solishga yordam beradi. Masalan, talaba vazifani bajarib boshlamasidan burun siz unga nima qilishni afzal koʻrishini taklif qilasiz. Masalan, undan soʻraysiz: Ushbu vazifani hozir darsda qilishni xohlaysizmi? Yoki orqada qolishni va tanaffus vaqtida buni qilishni xohlaysizmi? Ijodning yettita ustuni deyarli, albatta, darsda faollikni va xohlagan narsangizni bajarishni tanlaydi. Shu tarzda, siz mumkin boʻlgan

https://buxdu.uz



mojarolardan qochasiz va talabada hech qanday yo‘qotish bo‘lmaydi, chunki natija majburiyatni emas, tanlovni anglatadi. [1.B 32]

**To‘rtinchi ustun: "Savollardan samarali foydalaning"-**

**Pillar four: "Use questions effectively"**

Talabalarni jalb qilish va ularni ijodiy fikrlashga undash uchun savollardan foydalanishingiz muhim mahoratdir. Savollarning stereotipik **initiation-response-feedback (IRF)** ya'ni **qo‘zg‘atish-javob-fikr** shakli, masalan:

***O‘qituvchi: What is the weather like today ?***

***O‘quvchi: It's sunny.***

***O‘qituvchi: Yes, very good!***

Ko‘pincha ELT darslarida keng tarqalgan, ammo cheklangandir. Garchi u ko‘plab talabalarda ishtirok etishni rag‘batlantirsa-da, bir xil turdagi savol berish fikrlashni to‘xtatishi mumkin. Talabalarni qiziqtiradigan savollarni berish va ularning fikrlarini ochish, tekshirish va kengaytirish muhimdir. Shuningdek, siz o‘quvchilarga savollarga javob berishlari uchun ularga yetarli vaqtni berishingiz va ularga qiziqarli va qiyin savollarni qurish va so‘rashlari uchun imkoniyat berishingiz kerak. Savollarni osondan qiyinga tomon tartiblashda Anderson va Krasvol Blum tomonidan qayta ko‘rib chiqilgan fikrlash ko‘nikmalarining taksonomiyasini qo‘llashni taklif qiladi. Bu ***eslash, tushunish va qo‘llash*** kabi aniqlangan pastki tartibli fikrlash ko‘nikmalariga **(LOTS)** va ***tahlil qilish, baholash va yaratish*** kabi aniqlangan yuqori darajadagi fikrlash ko‘nikmalariga **(HOTS)** bo‘linadi. **LOTS** esga olish, identifikatsiya qilish va asosiy tushunish bilan bog‘liq. **HOTS** yanada murakkab va ko‘proq bilim kuchini talab qiladi. **LOTS**ni ishlab chiqish chet tilini o‘rganish uchun juda muhimdir. Ammo, agar darslar hech qachon **LOTS** dan oshmasa, bu zerikish va demotivatsiyaga olib kelishi mumkin. **HOTS**ni o‘z ichiga olgan darslar o‘rganishni yanada qiziqarli va esda qolarli qiladi. Shuningdek, ular o‘quv jarayoni davomida o‘tkaziladigan "oqim" va ijodiy fikrlashga olib keladigan fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantiradilar. Quyida hikoya asosida savollar va shkala o‘ylash ko‘nikmalarini rejalashtirish uchun Blumning qayta ko‘rib chiqilgan taksonomiyasini qanday ishlatishingiz mumkinligi haqidagi misol keltirilgan. [2. B.78-80]

**4.1"*Question staircase"-" Savol zinapoyasi"***

8. OR in another form, e.g. a role play.

7.OR tell or rewrite from a different point of view.

6. **Create:** Invent a new ending.

5.**Evaluate:** Which part do you like/ don't you like? Why/Why not?

4. **Analyse:** Classify the characters./Explain how different parts of the story relate to each other.

3. **Apply:** What would you do in the same situation? How would you feel?

2.**Understand:** Why…? How…? What's the main idea? Sequence…, Order… Match… Describe…

**1.Remember**: Who…? What…? When…?Where…? Identify…, Name…

**Beshinchi ustun:"Bog‘lanishlar yaratish"- Pillar five: "Make connections"**

Aloqalar o‘rnatish va narsalar o‘rtasidagi munosabatlarni ko‘rish g‘oyalarni keltirib chiqaradi va ijodiy fikrlashni rivojlantiradi. Talabalarni uy va maktab o‘rtasida, shuningdek, o‘quv dasturidagi mavzular o‘rtasida aloqa o‘rnatishga undash foydalidir. Xuddi shunday, talabalarni hozirgi va oldingi o‘qish, sinf ichidagi va undan tashqaridagi tajribalar o‘rtasida, kitoblar va Internet kabi turli manbalardan o‘rganilgan g‘oyalar o‘rtasida aloqa o‘rnatish tavsiya etiladi. Ular, shuningdek, ingliz tili va o‘z ona tili va madaniyati, shuningdek, bitta kontekstda yoki mavzuda ishlab chiqilishi va boshqasida ishlatilishi mumkin bo‘lgan ko‘nikmalar o‘rtasida bog‘liqlik o‘rnatishi mumkin. Hayotlarining turli sohalari o‘rtasidagi bog‘liqlik to‘g‘risida xabardorlik bolalarning o‘ziga bo‘lgan ishonchini oshirishga yordam beradi va ular ishlab chiqargan ishlarida tobora sarguzashtga boy va ijodiy bo‘lishlariga asos yaratadi. Shuningdek, siz talabalarning g‘oyalar va obyektlar o‘rtasidagi aloqani o‘rnatish, ajralib turadigan va ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish uchun foydalanishingiz mumkin bo‘lgan ba'zi tadbirlar mavjud.

***5.1 "Ortiqcha birini chiqarib tashlash" –"Odd one out"***

Ushbu o‘yin odatda bitta to‘g‘ri javobga ega. Ushbu versiyada talabalar o‘ylashlari mumkin bo‘lgan har qanday mezonlarga muvofiq g‘alati narsani aniqlaydilar. Masalan, agar talabalar meva qanday o‘sishi haqida bilib olishgan bo‘lsa, o‘yinni beshta flesh-karta yordamida amalga oshirish mumkin, masalan. shaftoli, qulupnay qovun, ananas va uzum. Talabalar chiqarib yuborish kerak bo‘lgan g‘alati narsani navbati bilan birinma-ketin aniqlaydilar:

***I think it's peach because peaches have a stone./I think it's strawberry because the seeds are on the outside.***

https://buxdu.uz



**5.*2 “Tasodifiy birlashma”- “Random association”***

Ushbu faoliyat talabalarni aniq aloqasi boʻlmagan narsalar oʻrtasida aloqa oʻrnatishga undaydi. Kichkina kartochkalarga talabalaringiz biladigan soʻzlarni yozing va ularni sumka yoki shlyapa ichiga qoʻying. Ular tasodifiy uchta kartani olib, jumlalar tuzish yoki ularni bogʻlaydigan voqeani ixtiro qilish uchun navbatma-navbat turishadi. Xuddi shu harakatni soʻz kartalari emas, balki kichik obyektlar yordamida ham qilishingiz mumkin.

***5.3 “Qiyosiy lahzalar”-“Comparative moments”***

Simulyatsiya yordamida oʻynash moslashuvchan fikrlash koʻnikmalarini rivojlantirish va koʻpincha ijodiy va kulgili natijalarni keltirib chiqarishi mumkin. Talabalarga oʻz jumlalarini quyidagicha kulguli va ijodiy tarzda tugatishga yordam bering. Masalan, quyidagicha jumlalarni keltirish mumkin**: *A lesson is like a sandwich because… / A school is like a funfair because… Homework is like a dessert when you aren’t hungry*.**

***5.4 “Qancha yoʻl?”- “How many ways?”***

Ushbu faoliyat moslashuvchan, ixtirochilik fikrini rivojlantiradi va talabalarning soʻz boyligini zavqli ravishda kengaytirish uchun ishlatilishi mumkin. Kundalik qogʻoz buyumi, plastik idish, metall ilgich, qoziqcha yoki oʻlchagich kabi narsalarni tanlang. Talabalar juft boʻlib ishlaydi va miya hujumida siz oʻzingiz tanlagan obyektdan foydalanishingiz mumkin. Masalan, siz oʻlchagichni qilich sifatida ishlatishingiz mumkin. Agar ular ingliz tilidagi soʻzlarni bilishmasa, ularni topish uchun lugʻatdan foydalanadilar. Ular shuningdek, oʻz gʻoyalarini namoyish etish uchun rasmlar chizishlari mumkin. [5. B. 65-66]

**Oltinchi ustun: “Yangi gʻoyalarni tadqiq etish”-**

**Pillar six: “Explore ideas”**

Siz talabalarda ochiq, ijodiy tafakkurni rivojlantirish uchun kashfiyot, tajriba va gʻoyalar bilan oʻynashga undovchi ramkalar va stimullarni muntazam ravishda taqdim etishingiz kerak. Bu oʻzaro hurmat muhitida boʻlishi kerak va jarayonda qarama-qarshi fikrlar baholanadi va hukm bekor qilinadi. Talabalar muammolarni turli nuqtai nazardan koʻrib chiqadigan miya hujumi usullari, muammolarni yechish boʻyicha vazifalar va oʻyinlar orqali oʻqitiladi va bularning barchasi kashfiyotni ragʻbatlantiradigan ijodiy fikrlashga olib keladi.

***6.1 “Creative observation”- “ Ijodiy kuzatish”.***

Tasvirlardan ular bizning hissiyotlarimizga qanday ta’sir qilishini tushunish va ijodiy fikrlashni rivojlantirish uchun foydalaning. Masalan, “***What does the image make you think of?”, “How does it make you feel? Why?***” kabi savollar soʻrang. Keyingi faoliyat sifatida talabalar ma’lum bir javobni ragʻbatlantirish uchun moʻljallangan raqamli fotosuratlarni olishadi va oʻz rasmlarini almashish, javoblarni taklif qilish uchun navbatma-navbat aylanishadi. Agar ular kutganlari bilan bir xil yoki farq qilsa solishtirishadi.

***6.2 “Aqliy xaritalar”-* “*Mind maps”***

Toni Buzan (2003) asariga asoslangan aqliy xaritalar oʻquvchilarga mavzu boʻyicha fikrlarini vizual tarzda jalb qilish usulini oʻrganishga imkon beradi. Aqliy xaritalari butun sinf bilan birgalikda gʻoyalarni shakllantirish uchun foydali boʻlishi mumkin. Mavzu nomini doskaning oʻrtasiga yozing, masalan. “Fillar” (Elephants) va talabalarning fikrlashini boshqarish uchun doskaga uchta boshlangʻich sarlavha qoʻying:

***1)Tashqi koʻrinishi (Appearance)***

***2)Qayerda / qanday yashashlari (Where and how do they live?)***

***3) Nima uchun ular xavf ostida? (Whay are they in danger?)***

Bir vaqtning oʻzida bitta sarlavhani tanlang, talabalarning fikrlarini tinglang va ularni xaritaga qoʻshing. Turli xil rangli qalamlardan foydalaning va kerak boʻlganda kichik sarlavhalarni qoʻshing. Masalan, ranglar, oʻlchamlar, Afrika, Osiyo va boshqalar. Keyin talabalar aqliy xaritadan foydalanib, fillarning tavsifini yozishlari yoki oʻzlari xohlagan boshqa hayvon toʻgʻrisida oʻzlarining aql xaritalarini tuzishlari mumkin.

**6.5. - *“Tasavvur qiling-a ...!”- Imagine that…!”***

Ushbu faoliyatdan faraziy imkoniyatlarni oʻrganish uchun foydalaning va talabalarga quyidagicha misollarni keltiring. Masalan:

***Imagine that… animals can talk/we don’t need to sleep/children rule the world/we live on Mars. What happens? [***3.B36-40***.]***

**Yettinchi ustun: “Tanqidiy fikrlashga undash”**

**Pillar seven: “Encourage critical reflection”**

Va nihoyat, ijodkorlikni targʻib qilishning bir qismi sifatida, biz talabalarni oʻzlarining gʻoyalari, ishlashi, harakatlari va natijalarini tanqidiy baholash va aks ettirishga oʻrgatishimiz kerak. Talabalarning avtonomligini rivojlantirishning ajralmas qismi boʻlganligi bilan bir qatorda, ular tanqidiy fikrlash orqali oʻzlarining shaxsiy ijodiy ishlarining haqiqiyligi va qiymatini baholaydilar. Bu aks ettirish oʻquv siklining

https://buxdu.uz



bir qismini tashkil etadi va vaqt o‘tishi bilan ijodiy fikrlashni rivojlantirishga olib keladi. Siz buni o‘quv davomiyligi va darslar oxiridagi muvaffaqiyat mezonlariga qarab o‘rganish natijalarini ko‘rib chiqish orqali va o‘quvchilar kundaliklaridan yoki o‘z-o‘zini baholash varaqalaridan muntazam foydalanish orqali amalga oshirishingiz mumkin. Tanqidiy fikrlashni rag‘batlantiradigan faoliyatga quyidagi metodik usullarni taklif qilamiz.

**7.1 *“Self-assessment dictation”-“O‘z-o‘zini baholash”***

Talabalardan daftarlariga uchta ustun qo‘yishni va ularning har birining tepasida ***“yes”-“ha”, “so-so”-“shunday”*** va ***“no”- “yo‘q”*** deb yozishni so‘rang. **“Shunday”** ning ma’nosini tushuntirish uchun ishoradan foydalaning. Jumlalarni aytib bering, masalan:

***I worked hard./I co-operated. Men juda ko‘p ishladim.***

Ular o‘zlarining ishlariga tegishli deb o‘ylagan ustunlardagi jumlalarni tinglashadi va yozadilar. Keyin ular taqqoslashadi va natijalar haqida gapirishadi. **“Shunday”** ustunidagi nechta jumlalar ularga o‘tishlari mumkin. Keyingi safar **“ha”** ustuni? O‘yin shunday davom etadi.

*7.2 “Doimiy aks ettirish”- “Reflective continuum”*

Talabalarga uzluksiz fikrlash va o‘z-o‘zini baholay olishni o‘rganish uchun quyidagicha jumlalarning aksini to‘ldirishni davom ettirishni so‘rang. Masalan:

***I didn’t make an effort ----------------------------------------- I did my best.***

***I didn’t use interesting words --------------------------------- I used interesting words***

Talabalar o‘zlari ishlab chiqargan ishlari haqida fikr yuritadilar va har bir soha uchun doimiy fikrga ega ekanliklari haqida o‘ylashadi. [5. B. 65]

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, sinfda ijodkorlik asoslarini yaratishda katta “C” va kichik “c” ijodkorlik o‘rtasidagi farqni yodda tutish chet tilini o‘qitish jarayonida talabalarda kreativlik faoliyatini rivojlantirishdagi muhim omillardan biri sanaladi. Oliy ta’lim tizimida talabalar uchun yaratilgan ayrim o‘ta murakkab o‘quv rejasi, zerikarli darslik va ba’zan vaqtning yetishmasligi va tashqi imtihonlarning qaytarilishi kabi ijodkorlikni rivojlantirishda ko‘pincha to‘siqlar mavjud bo‘lsa-da, talabalar ijodini rivojlantirish va til o‘rganishda kengroq ta’lim maqsadlarini rivojlantirish uchun juda ko‘p foydali narsalarga ega. Ijodkorlikning yettita ustuni siz ta’lim beradigan talabalarning yoshi va darajasidan qat’i nazar, talabalarning til o‘rganishdagi kreativlik qobiliyati gullab-yashnaydigan sinfda ijodiy o‘quv muhitini yaratishga va bu borada qanday qilib amaliy g‘oyalarni taqdim etishga yordam beradi.

## Adabiyotlar

1. Alan Maley & Nick Peachey. Creativity in the English classroom, London, UK. British Council: 2015, pp 29-36
2. Anderson, L. and Krathwohl D. A Taxonomy for Learning, Teaching and Assessing: A revision of Bloom’s Taxonomy of Educational Objectives. New York: Longman. 2001, pp 78-80
3. Buzan, T. Mind Maps for Kids. London: HarperCollins. 2003, pp 36-40
4. Craft, A. Creativity in Schools: Tensions and Dilemmas. London: Routledge. 2005, pp 12-15
5. Fisher, R (2005b, second edition) Teaching Children to Think. London:pp 65-66
6. Ko‘chkarova M.S., Mamayeva N.K., O‘qitishning interaktiv uslublari va o‘quv jarayonini boshqarish. Trenerlar tayyorlash bo‘yicha o‘quv metodik qo‘llanma. – Toshkent. 2007. 64-b
7. Qurbonov Sh, Seytxalilov E. Ta’lim sifatini boshqarish. – T.: Turon-Iqbol. 2006, 592-b
8. Reasoner, R *Building Self-Esteem: A Comprehensive Program*. Palo Alto:Consulting Psychologists Press .pp, 1982 36-45
9. Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S.A.. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. – T.: Fan va texnologiya. 2008, 130-b

https://buxdu.uz



**Нозима МАМАДЖАНОВА**
Наманган давлат университети докторанти

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ушбу мақолада бошланғич синфларда инглиз тили дарсларида танқидий фикрлашни ривожлантиришнинг хусусиятлари баён этилган.*

***Калит сўзлар:** узлуксиз таълим, коммуникатив қобилият, танқидий фикрлаш, текст, изчил матнда ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, инновацион технологиялар, ижодкорлик, рефлексия.*

*В статье раскрыты особенности развития критического мышления у учащихся начальных классов на уроках английского языка.*

***Ключевые слова:** Непрерывное образование, коммуникативная компетенция, трактовки понятия “критическое мышления”, текст, особенности работы по связному тексту, инновационные технологии, креативность, рефлексия.*

*The article reveals the features of the development of critical thinking in our primary English classes*

***Key words**: Continuous education, communicative competence, critical thinking, text, peculiarities of work on a coherent text, innovative technologies, creativity, reflection.*

Узлуксиз талим тизимида кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда тил таълими, жумладан, инглиз тили таълими ҳам бошқа омиллар қаторида муҳим аҳамият касб этади. Инглиз тили ўқувчиларининг она тили каби борлиқни идрок этиш ҳамда интеллектуал ривожланиш воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ўқувчиларда тил ёрдамида сўзлашиш кўникмалари билан бир қаторда танқидий фикрлаш малакаларини ҳам шакллантириш ва ривожлантириш замонавий таълимнинг долзарб муоммосига айланди.

“Танқидий фикрлаш” тушунчасининг моҳияти бўйича турлича талқинлар, қарашлар мавжуд. Бир томондан, танқидий фикрлаш баҳс-мунозарани тақозо этганлиги боис негатив ҳолат билан боғланса, иккинчи томондан танқидий фикрлаш, мантиқий фикрлаш, ижодий фикрлаш тушунчалари ўзаро тенглаштирилади. [2]

Мавжуд талқинларнинг кўплигига қарамай, уларни бирлаштирувчи мазмун борлигини эътироф этиш мумкин. Танқидий фикрлашда умумий фикрлаш жараёнини аниқловчи (баҳоловчи) ва рефлектив ҳусусиятлар намоён бўлади. Бу очиқ фикрлаш бўлиб, янги маълумотларни шаҳсий, ҳаётий тажрибага юклаш асосида юкланади ва ана шу ҳусусияти билан ижодий фикрлашдан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда танқидий фикрлаш ижодий фикрлашнинг ривожланиши учун таянч нуқтаси ҳисобланади, улар ўзаро боғланган ҳолда ривожланади.

Танқидий фикрлаш технологиясини қўллаш учун ўқувчилар ва ўқитувчилар учун қатор қулайликлар яратади.

Ўқувчилар учун:

- ахборотни идрок этиш самарадорлигини ошириш ;
- ўрганилаётган материалга, шунингдек таълим жараёнига қизиқиш уйғотиш;
- танқидий фикрлаш;
- таълимни эгаллашга маъсулият билан ёндашиш кўникмасини шакллантириш;
- ҳамкорликда ишлаш кўникмасини шакллантириш;
- таълим сифатини ошириш;
- ҳаёти давомида ўқиш истаги ва кўникмасини шакллантириш.

***ўқитувчилар учун:***

- синфда ошкоралик ҳамда маъсулиятли ҳамкорлик муҳитини яратиш;
- таълим жараёнида танқидий фикрлаш ва мустақилликни ривожлантиришга йўналтирилган ўқитиш модели ҳамда самарали методикалардан фойдаланиш имконияти;
- ўз фаолиятини таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ҳамда тегишли ўзгаришлар киритиш;
- бошқа ўқитувчилар учун муҳим касбий ахборот воситасига айланиш.[1]

Танқидий фикрлаш технологияси таълим жараёнида пайдо бўладиган мулоқот ва билимларни эгаллаш учун тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлишини тақозо этади. **Танқидий фикрлаш технологиясини қўллаш жараёнида ўқитувчи асосий ахборот берувчи манба эмас, балки таълим жараёнини қизиқарли мақсадга йўналтирилган ҳамкорликдаги изланишга айлантириш омили сифатида** фаолият кўрсатади.

https://buxdu.uz



Ранг-баранг дидактик материаллар ҳамда интерактив ёндашув асосида инглиз тили дарсларида танқидий фикрлашни ривожлантириш учун пухта замин яратилади.

Бошланғич синф инглиз тили дарсларида танқидий фикрлаш технологиясини қўллаш натижасида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш қулай шароит яратишнинг асоси – коммуникатив компетенсияси шаклланади.

Талаба нутқининг ривожланганлигини даражаси унинг ақлий ривожланиши ва ижтимоий фаоллигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, бошланғич синф ўқувчиларини она тили билан бир қаторда инглиз тилини ўқув дастури талаблари доирасида мукаммал ўрганишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Мактаб инглиз тили дарсларининг фанлараро алоқа асосида амалий йўналтирилганлиги қўлланадиган дидактик материалга муайян талаблар қўяди. Бу борада боғланишни матн устида ишлаш яхши имконият яратади. Биз бу ерда боғланишни матн сифатида ўқувчиларнинг ўқитувчи билан ҳамкорликда яратадиган тематик матнларни (My family, Our school) назарда тутмоқдамиз. Тил унсурлари билан таништириш сўз, сўз бирикмаси ёки алоҳида гап устида ишлаш билан чекланмайди. Маълумки, мулоқот жараёнида гаплар ўз-ўзидан эмас, балки матннинг унсурлари сифатида қўлланадилар. Шунинг учун матннинг тузулиши, унинг компоненетлари ўртасидаги алоқаларга эътибор бермасдан туриб, инглиз тилини ўрганиш муаммоларини ҳал этиб бўлмайди.

Боғланишли матндан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларда ўзгалар томонидан тузилган матнни тушуниш ва матн яратиш кўникмалари шаклланади. Матн асосида тузилган машқлар асосида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари ривожланади. Бошланғич синф ўқувчиларида эса коммуникатив кўникма ва малакалар шакллантирилади, чунки матн нутқнинг асосий коммуникатив бирлиги ҳисобланади[2].

Матн билан ишлашни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида қуйидаги турдаги машқлардан фойдаланиш мумкин:

1) ўқувчилар бажарадиган фаолият характерига кўра-репродуктив эгалланган билимларни қайтариш ва продуктив-ижодий изланиш элементи.

2) ўқув мақсадларига кўра - белгиловчи (тил ҳодисаларини уларнинг белгилари асосида аниқлаш), конструктив (турли тузулишдаги тил бирликларини тузиш) ва ижодий;

3) дастлабки матн характерига кўра: ўзгартиришлар киритилган ёки киритилмаган.

4) нутқ матнлари характерига кўра-тил воситаларининг таҳлили билан боғлиқ нутқий машқлар ва коммуникатив.

Бошланғич синф инглиз тили дарсларида таълим самарадорлигини таъминлаш ҳамда ўқувчиларда танқидий фикрлаш малакаларини ривожлантириш учун ўқитишнинг инновацион усулларидан фойдаланиш муҳим восита вазифасини бажаради. Жумладан, “Ақлий хужум”, “Кластер” каби усуллардан кенг фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларга (3-4синф) қуйидаги доира атрофига “My family” мавзуси билан боғлиқ ўзларига маълум сўзлар ёзиш вазифаси берилади.




Навбатдаги босқичда сўзлар иштирокида гап тузилади, тузилган гаплар мантиқий кетма-кетликда тартибга солинади.

Кейинги босқичда ўқитувчининг муаммоли саволлари асосида ўқувчилар фикрларини асослаб берадилар.

“Our school” мавзуси бўйича ҳамкорликда кластер тузиш мумкин.

https://buxdu.uz






Инглиз тилини ўқитиш жараёнида танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш бўйича амалга ошириладиган фаолият ўқувчиларда ижтимоий аҳамиятга молик маънавий ва маърифий сифатларни шакллантириш, креативлик ва рефлексияни шакллантириш, ташаббускорлик, фаол мулоқотга киришишни таъминлайди.

Танқидий фикрлаш малакасини шакллантириш ўқитувчи учун мустақил ижодий фикрловчи шахсни тарбиялаш имкониятларини яратади.

**Адабиётлар**


1. Улухужаев Н.З. Использование приёмов технологии критического мышления при изучении темы “Пунктуатция в сложносочиненном предложении”//. Молодой учёный . – Казань, 2019, №2.
2. Улухужаев Н.З. Об использовании технологии критеческого мышления на начальном этапе обучения русскому языку//. Материалы Республиканской научно – практической конференция “Инновация, интеграция и новые технологии в обучении” – Наманган, 2019. – С. 77-84.
3. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т., 2006
4. Шакирова Д.М. Технология формирования критического мышления младших школьников. Начальная школа. – 2007.

https://buxdu.uz



**Durdimurod DURDIYEV**
Buxoro davlat universiteti

**S Xoliqov**
Navoiy davlat pedagogika
unstituti tayanch doktoranti

# BIRINCHI TARTIBLI ODDIY DIFFERENSIAL TENGLAMALARNI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O‘QITISH
## (“CASE-STUDY” MISOLIDA)

*Fan va texnikada differensial tenglamalar uchun Koshi masalasining ko‘pgina tatbiqlariga duch kelamiz. Koshi masalasini tadqiq etish fizik jarayonlar, kimyoviy reaksiyalar va iqtisodiy masalalarda o‘zining qo‘llanilishi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, differensial tenglamalar uchun Koshi masalasini hal qilish yo‘llarini talabalarga o‘rgatish hamon dolzarbligicha qolmoqda. Ushbu maqolada birinchi tartibli oddiy differensial tenglamalar uchun Koshi masalasi yechimining mavjudligi haqidagi teorema isboti “case-study” texnologiyasi orqali yoritilgan va misollar keltirilgan.*

***Tayanch so‘zlar***: *differensial tenglama, case-study, lipshits sharti, Pikar teoremasi, integral tenglama.*

*В науке и технике мы сталкиваемся со многими приложениями задачи Коши для дифференциальных уравнений. Изучение проблемы Коши важно в применении к физическим процессам, химическим реакциям и экономическим вопросам. Также актуальным остается обучение студентов тому, как решать задачу Коши для дифференциальных уравнений. В данной статье доказательство теоремы о существовании решения задачи Коши для простых дифференциальных уравнений первого порядка покрывается технологией тематических исследований и приводятся примеры.*

***Ключевые слова:*** *дифференциальное уравнение, тематическое исследование, условие липкости, теорема Пикара, интегральное уравнение.*

*In science and technology, we are faced with many applications of the Cauchy problem for differential equations. The study of the Cauchy problem is important when applied to physical processes, chemical reactions, and economic issues. It is also relevant to teach students how to solve the Cauchy problem for differential equations. In this paper, the proof of the existence theorem for a solution to the Cauchy problem for simple first-order differential equations is covered by case study technology and examples are provided.*

***Keywords***: *differential equation, case study, stickiness condition, Picard's theorem, integral equation.*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 7-maydagi 4708-sonli “Matematika sohasidagi ta’lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga asosan, мamlakatimizda matematika 2020-yildagi ilm-fanni rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilandi. O‘tgan davr ichida matematika ilm-fanni va ta’limini yangi sifat bosqichiga olib chiqishga qaratilgan qator tizimli ishlar amalga oshirildi.

Ta’limning barcha bosqichlarida matematika fanini o‘qitish tizimini yanada takomillashtirish, pedagoglarning samarali mehnatini qo‘llab-quvvatlash, ilmiy-tadqiqot ishlarining ko‘lamini kengaytirish va amaliy ahamiyatini oshirish, bu borada xalqaro hamjamiyat bilan aloqalarni mustahkamlash, shuningdek, 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash maqsadida bir qancha maqsad va vazifalar belgilandi [1].

Oliy ta’limda talabalarning o‘quv faoliyatini rag‘batlantiruvchi, ularning ijodiy fikrlashlarini rivojlantiruvchi va ta’lim sifatini oshiruvchi ta’lim texnologiyalaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Mutaxassislik fanlarini o‘qitishda talabalarning bilish faoliyatini faollashtiradigan yondashuv va uslublar ichidan o‘qitishning interfaol shakllariga, shu jumladan, vazifalarni tahlil qilish uslublariga alohida e’tibor qaratish lozim. Amaliy yo‘naltirilgan ko‘nikma va malakalarni mustahkamlovchi uslublar o‘z xususiyatlariga ko‘ra innovatsion hisoblanadi. Bularga: “Aqliy hujum”, “Kaster”, “Baliq skileti”, “Sinkveyn”, rolli o‘yinlar, personallarning muloqoti, ijodiy ishlar, rolli trening, “Case-study” va boshqalar kiradi [2]. Shu jumladan, “Case-study” texnologiyasiga to‘xtalib o‘tamiz. **“Case”** – inglizcha so‘zdan olingan bo‘lib, turli hujjatlar saqlanadigan jamadon ma’nosini bildiradi. **“study”** – fan, bilim, o‘rganmoq, hal qilmoq ma’nolarini bildiradi. **“Case-study”** – turli vaziyatlarning tavsifida, ya’ni keyslardan foydalangan holda talabalarda aniq ko‘nikmalarni shakllantirish texnologiyasidir [3]. Ushbu texnologiya qo‘llangan holda tashkil etilgan

https://buxdu.uz



ta'limda talabalar muammoli vaziyat keysni bajarib chiqishlari talab etiladi. **Keys-** aniq, real yoki sun'iy yaratilgan vaziyatning yozma tavsifidir. Ana'naviy o'quv amaliyotida o'qituvchi biladi, talabalar esa bilmaydilar tamoyili hukm suradi. Keys vaziyatlarini hal etishda esa o'qituvchi va talaba birgalikda muammoni yechishni o'rganayotgan teng huquqli hamkor sifatida chiqadilar [4]. Vaziyatli masalalarni hal etish mobaynida, o'qituvchi to'g'ri javob manbayi sifatida emas, balki talabaga yordam beruvchi inson sifatida chiqib, o'quv- tarbiya jarayonidagi o'qituvchi - talaba munosabatining o'zgarishiga olib keladi. Shu yerda savol paydo bo'ladi: talabalardan keysni hal qilish orqali qanday natijalar kutiladi?
Talabalarning keys yechish jarayonida erishadigan natijalari:

| O'quv | Ta'limiy |
|---|---|
| 1.Yangi ma'lumotlar qabul qilish | 1. Mualliflik mahsulotini yaratish |
| 2. Ma'lumot yig'ish metodini o'rganish | 2. Ta'lim olish va shaxsiy maqsadga erishish |
| 3. Tahlil metodini o'rganish | 3.Komunikativ qobiliyatni yaxshilash (rivojlantirish) |
| 4. Matn bilan ishlashni o'rganish | |
| 5. Nazariy va amaliy bilimlarni uyg'unlashtirish | 4.Notanish vaziyatda harakat, muammolarini yechish ko'nikmasining shakllanishi |

O'qitishning o'ziga xos maqsadlariga bog'liq ravishda keyslar unga taqdim etiladigan material mazmuni va tashkil etilishiga ko'ra turli-tuman: tahlil va baholashga o'rgatadigan keyslar; muammoni yechish va qaror qabul qilishga o'rgatuvchi keyslar; muammoning yechimi yoki konsepsiyani namoyish etadigan keyslar bo'lishi mumkin. Shu jumladan, biz muammoni yechish va qaror qabul qilishga o'rgatuvchi keysni ko'rib chiqamiz [5,6].

**Keys:**

Hosilaga nisbatan yechilgan birinchi tartibli sodda differensial tenglama

$$\frac{dy}{dx} = f(x, y)$$

berilgan bo'lsin. Bunda $f(x, y)$ funksiya uzluksiz, chegarlangan va $\frac{\partial f(x,y)}{\partial y}$ xususiy hosilasi mavjud.

**Keysga savol va vazifa:** $y(x_0) = y_0$ shartni qanoatlantiruvchi Koshi masalasining yechimini toping. Ushbu holatda muammoli vaziyat hosil bo'lib, u quyidagicha ifodalanadi:

| **Muammo** | **Muammoning kelib chiqish sababi** | **Muammoli vaziyatdan chiqish usullari** |
|---|---|---|
| $y(x_0) = y_0$ shartni qanoatlantiruvchi Koshi masalasining yechimini topish | 1. $y(x_0) = y_0$ shartni qanoatlantiruvchi yechimi mavjudmi?<br>2. $y(x_0) = y_0$ shartni qanoatlantiruvchi yechimi yagonami? | Pikar, Koshi mavjudlik va yagonalik haqidagi teoremasini isbotlash! |

Koshi masalasi bo'yicha keys yechish jarayonida bajariladigan amallar ketma-ketligi:

| **Ish fazalari** | **O'qituvchi amallari** | **Talabalarning amallari** |
|---|---|---|
| 1.Mashg'ulotgacha | **1.** Mavzuni tanlab unga asosiy va qo'shimcha adabiyotlar tanlaydi.<br>**2.** Mashg'ulot loyihasini ishlab chiqadi.<br>**3.** Talabalar keys va muammoni tushunib olishlari uchun maxsus tayyorlangan klasterni taqdim qiladi | **1.** Mavzu, muammo va adabiyotlar ro'yxatini oladilar.<br>**2.** Yakka holda tayyorgarlik ko'radilar. |
| 2. Mashg'ulot vaqtida | **1.** Differensial tenglama, uning tartibi, turlari xossalari muhokama qilinadi.<br>**2**. Keysni yechishda foydalanish uchun chalkashgan mantiqiy zanjir jadvalini to'ldirishlarini nazorat qiladi. | 1. Chalkashgan mantiqiy zanjir jadvalidagi ma'lumotlarni tartiblab chiqadilar.<br>2. Keys va muammoni tushunib olishlari uchun savollar beradilar.<br>3. Yechim variantlarini ishlab chiqadilar.<br>4. Guruhdagi barcha talabalar javob beradilar.<br>5. Talabalar yechim va fikr mulohazalarini taklif qiladilar. |

https://buxdu.uz



| | | |
|---|---|---|
| | | 6. Butun jamoa qatnashadi. |
| 3. Mashg‘ulot oxirida va undan keyin | 1. Talabalar ishini baholaydi.<br>2. Qabul qilingan yechimlarni baholaydi.<br>3. Mini keys orqali bilimlarini mustahkamlaydi. | 1. Yechilgan keys bo‘yicha tezis tayyorlaydilar.<br>2. Mini keysni hal qilishga kirishadilar. |

Talabalar keysdagi muammoni ajratishlari uchun maxsus tayyorlangan sxema




Chalkash ma’lumotlar zanjiri jadvali:

| № | Ma’lumotlar nomi | Ma’lumotlar |
|---|---|---|
| 1 | Yechim uchun tanlab olingan $D \subset G$ soha | $\lim\limits_{m\to\infty} \frac{a_{m+1}}{a_m}$ |
| 2 | Lipshis sharti | $y_0 + Mh + \frac{LMh^2}{2!} + \ldots + \frac{L^{m-1}Mh^m}{m!}$ |
| 3 | Differensial tenglamaga teng kuchli integral tenglama | $y' = f(x,y)$ |
| 4 | Peano kesmasi | $h = min\left\{a, \frac{b}{M}\right\}$ |
| 5 | $D \subset G$ sohaga tegishli nuqtalar to‘plami | $\max\limits_{D}\lvert f(x,y)\rvert = M$ chunki funksiya $D$ sohadan chiqib keta olmaydi.<br>$M = 0$ da $y = y_0$ b’ladi |
| 6 | Qator yaqinlashishining Dalamber alomati | Tomonlari $2a$ va $2b$ bo‘lgan to‘g‘ri to‘rtburchak |
| 7 | Peano kesmasidagi $h$ ning qiymati | $\lvert x - x_0\rvert \le h$ |
| 8 | Hosilaga nisbatan yechilgan differensial tenglama | $y(x) = y_0 + \int_{x_0}^{x} f(x,y)dx$ |
| 9 | $D \subset G$ sohada $y' = f(x,y)$ teglamadagi $f(x,y)$ funksiyaning qiymati | $\{(x,y): \lvert x - x_0\rvert \le a, \lvert y - y_0\rvert \le b\}$ |
| 10 | $\frac{\partial f(x,y)}{\partial y}$ ifodaning ma’nosi | $F(x,y,y') = 0$ |
| 11 | Lipshis shartini qanoatlantiruvchi, integral tenglama hosil qilgan ketma-ketlik | $\lvert f(x,y_2) - f(x,y_1\rvert \le L\lvert y_2 - y_1\rvert$ |
| 12 | Hosilaga nisbatan yechilmagan differensial tenglama | $f(x,y)$ funksiyadan $y$ bo‘yicha olingan xususiy hosila. |

https://buxdu.uz



| | | |
|---|---|---|
| 13 | Funksiyani Makloren qatoriga yoyish | $f(x)=f(0)+\frac{f'(0)\cdot x}{1!}+\frac{f''(0)\cdot x^2}{2!}+\cdots+\frac{f^{(n)}(0)\cdot x^n}{n!}$ |

**Keysni yechish**:

(O‘qituvchi ko‘rsatmalari) $D\subset G$ sohada markazi $(x_0,y_0)$ nuqta tomonlari $2a$ va $2b$ bo‘lgan to‘g‘ri to‘rtburchak olinadi. Rasmda $(x_0,y_0)$ nuqtadan o‘tayotgan differensial tenglamaning yechimlari tasvirlangan. Yechimlar $D$ sohadan chiqib ketmaganligi uchun $f(x,y)$ funksiyaning qiymatini quyidagicha ifodalash mumkin.

$$f(x,y)\le M$$

Peano kesmasi – $|x-x_0|\le h$, bunda $h\le a$ Lipshis sharti – $|f(x,y_2)-f(x,y_1)|\le L|y_2-y_1|$ bunda , $\frac{\partial f(x,y)}{\partial y}\le L$ $L$ – Lipshis koeffitsiyenti.




$D=\{(x,y):|x-x_0|\le a,|y-y_0|\le b\}$
$M=\max_D f(x,y)=\frac{dy}{dx}$

O‘qituvchi yo‘nalish sifatida boshlang‘ich shartni qanoatlantiruvchi differensial tenglama va unga teng kuchli bo‘lgan integral tenglamaga o‘tib olishni maslahat beradi. Qolgan vaziyatli jarayonni talabalar davom ettiradi, o‘qituvchi nazorat qiladi.

| № | Vaziyat | Vaziyatdan chiqish |
|---|---|---|
| 1 | $y(x_0)=y_0$ shartni qanoatlantiruvchi differensial tenglamaga teng kuchli tenglamani toping. | $\frac{dy}{dx}=f(x,y)\Rightarrow dy=f(x,y)dx$ <br> $\int_{x_0}^{x}dy=\int_{x_0}^{x}f(x,y)dx$ <br> $y(x)=y_0+\int_{x_0}^{x}f(x,y)dx$ |
| 2 | Birinchi yaqinlashish bo‘yicha yechimni aniqlang. | $f(x,y)$ funksiyadan $y$ ning o‘rniga $y_0$ ni qo‘yib birinchi yaqinlashish bo‘yicha yechimni topamiz: <br> $y_1(x)=y_0+\int_{x_0}^{x}f(x,y_0)dx$ |
| 3 | $n-$ yaqinlashish bo‘yicha yechimlarni aniqlang. | $\begin{cases} y_2(x)=y_0+\int_{x_0}^{x}f(x,y_1)dx \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots\dots. \\ y_n(x)=y_0+\int_{x_0}^{x}f(x,y_{n-1})dx \end{cases}$ |
| 4 | Hosil qilingan yechimlar $\lvert x-x_0\rvert\le h$ oraliqda $D$ sohadan chiqib ketmasligi uchun $h$ =? | $\lvert y_n-y_0\rvert=\int_{x_0}^{x}f(x,y_{n-1})dx\le\left\lvert\int_{x_0}^{x}\lvert f(x,y_{n-1})\rvert dx\right\rvert\le M\lvert x-x_0\rvert\le Mh\le b$ <br> $h=min\left\{a,\frac{b}{M}\right\}$ |
| 5 | Hosil bo‘lgan $\{y_m(x)\}$ funksional ketma-ketlik Lipshis shartini qanoatlantirsa, u holda - | $y_m(x)=y_0+(y_1-y_0)+\ldots+(y_m-y_{m-1})$ <br> $\lvert y_m-y_{m-1}\rvert\le\frac{L^{m-1}M\lvert x-x_0\rvert^m}{m!}$ <br> $y_m(x)\le y_0+Mh+\frac{LMh^2}{2!}+\ldots+\frac{L^{m-1}Mh^m}{m!}=y_0+\frac{M}{L}(e^{Lh}-1)$ <br> Yangi sonli ketma-ketlik hosil bo‘ladi. |
| 6 | Yangi sonli ketma-ketlik yaqinlashuvchimi? | Qatorni Dalamber alomati orqali tekshirib ko‘ramiz: <br> $\lim_{m\to\infty}\frac{a_{m+1}}{a_m}=\lim_{m\to\infty}\frac{L^mMh^{m+1}m!}{(m+1)!\,L^{m-1}Mh^m}=\lim_{m\to\infty}\frac{Lh}{m+1}=0$ |

https://buxdu.uz



Qator yaqinlashuvchi.
Qator Veyshtrass alomatiga ko‘ra tekis yaqinlashuvchi.

7 Demak, $\{y_m(x)\}$ ketma-ketlik yaqinlashuvchi bo‘lsa, qanday funksiyaga yaqinlashadi?

$\{y_m(x)\}$ ketma-ketlik $\frac{dy}{dx}=f(x,y)$ tenglamaning yechimi bo‘lgan $y(x_0)=y_0$ shartni qanoatlantiruvchi $u(x)$ funksiyaga $\lvert x-x_0\rvert \le h$ oraliqda yaqinlashadi.

$$\left|\int_{x_0}^{x} f(x,y_m(x))dx-\int_{x_0}^{x} f(x,u(x))\,dx\right| \le \left|\int_{x_0}^{x} |f(x,y_m(x))-f(x,u(x)|dx\right| \le$$
$$\le L\left|\int_{x_0}^{x} |(y_m(x)-u(x)|dx\right|$$

Istalgan $\varepsilon>0$ uchun $\lvert x-x_0\rvert\le h$ oraliqda shunday $N(\varepsilon)>0$ raqam mavjudki barcha $m>N(\varepsilon)$ uchun $\lvert(y_m(x)-u(x)\rvert<\varepsilon$ tengsizlik bajariladi. Tengsizlikni oldingi baholashga qo‘yib quyidagi natijaga ega bo‘lamiz.

$$L\left|\int_{x_0}^{x} |(y_m(x)-u(x)|dx\right| \le L\varepsilon h \longrightarrow 0$$

$m\longrightarrow\infty$ da $u(x)$ funksiya integral tenglamaning yechimi ekanligi kelib chiqadi

$$u(x)=y_0+\int_{x_0}^{x} f\big(x,u(x)\big)dx$$

Integral tenglama va differensial tenglama teng kuchli ekanligidan $u(x)$ funksiya Koshi masalasini qanoatlantiradi.

8 $u(x)$ funksiyadan boshqa yechim bo‘la oladigan funksiya mavjudmi?

Koshi masalasining $u(x)$ dan boshqa yechimi bor deb faraz qilamiz. Bu yechim $\lvert x-x_0\rvert\le h$ oraliqda $D$ sohadan chiqib ketmaydi. Bu funksiyasini $z(x)$ bilan belgilaymiz. Agar $z(x)$ funksiya yechim bo‘lsa, yuqoridagi barcha shartlarni qanoatlantiradi $\lim\limits_{m\longrightarrow\infty}\lvert y_m(x)-z(x)\rvert \le \lim\limits_{m\longrightarrow\infty} ML^m\frac{\lvert x-x_0\rvert^{n+1}}{(n+1)!}=0$ bundan quyidagicha xulosa chiqarish mumkin!

$$\lim_{m\longrightarrow\infty} y_m(x)=z(x)=u(x)$$

Keysni yechish yakunlangandan so‘ng har bir guruh hisoboti tinglanadi. Talabalar taklif qilgan yechimlarni o‘qituvchi baholaydi. So‘ngra talabalar egallagan bilim ko‘nikmalarini mustahkamlash uchun o‘qituvchi tomonidan mini keys topshirig‘i beriladi [7].

**Mini keys:**

$\frac{dy}{dx}=x+y$ differensial tenglamaning $y(0)=1$ shartni qanoatlantiruvchi yechimini toping.

1-usul: berilgan differensial tenglama $y'=f(ax+by+c)$ ko‘rinishda bo‘lib, $ax+by+c=z$ belgilash kiritish orqali yechimi topiladi:

$x+y=z,\ \ 1+y'=z', y'=z-1,$

$\frac{dz}{z+1}=dx \Longrightarrow \int\frac{dz}{z+1}=\int dx \Longrightarrow z+1=Ce^x,$

$y=\ Ce^x-x-1.$

Koshi masalasining yechimi $y=2e^x-x-1$ funksiyadan iborat.

Topilgan funksiyani Makloren qatoriga yoyilganda taqribiy yechim quyidagicha bo‘ladi: $y=2e^x-x-1=1+x+x^2+\frac{x^3}{3}+\frac{x^4}{12}+\frac{x^5}{60}+\frac{x^6}{360}+\ldots$

2-usul: funksiyani darajali qatorga yoyish yordamida differensial tenglamaning yechimini topish mumkin.Yechimni quyidagi qator ko‘rinishida izlaymiz:

$$y=a_0+a_1(x-0)+a_2(x-0)^2+\ldots+a_n(x-0)^n+..$$

Bu qatorning koeffitsiyentlari Teylor koeffitsiyentlaridir, ular $y$ funksiyaning $x=0$ nuqtadagi hosilalari orqali quyidagi formulalar bilan ifodalanadi:

$$a_0=y(0), a_1=y'(0), a_2=\frac{y''(0)}{2!},\ldots., a_n=\frac{y^n(0)}{n!},\ldots$$

Koeffitsiyentlarni aniqlash uchun berilgan tenglamani bir necha marotaba differensiallaymiz va hosilalarning $x=0$ nuqtadagi qiymatlarini hisoblaymiz:

| | | |
|---|---|---|
| $y'=x+y$ | $y(0)=1$ | $a_0=1$ |
| | $y'(0)=1$ | $a_1=1$ |

https://buxdu.uz



| | | |
|---|---|---|
| $y'' = 1 + y'$ | $y''(0) = 2$ | $a_2 = 1$ |
| $y''' = y''$ | $y'''(0) = 2$ | $a_3 = \frac{1}{3}$ |
| $y^{IV} = y'''$ | $y^{IV}(0) = 2$ | $a_4 = \frac{1}{12}$ |
| $y^{V} = y^{IV}$ | $y^{V}(0) = 2$ | $a_5 = \frac{1}{60}$ |

Yechim $y = 1 + x + x^2 + \frac{x^3}{3} + \frac{x^4}{12} + \frac{x^5}{60} + \cdots$ qator ko‘rinishda bo‘ladi.

3-usul (Pikar algoritmi) $\frac{dy}{dx} = x + y, y(0) = 1, x_0 = 0\,, y_0 = 1,$

$D = \{(x, y): 0 \le x \le 1, 0 \le y \le 1\},\ M = 2,\ h = min\left\{1, \frac{1}{2}\right\} = \frac{1}{2}$ ,

L $= \max\limits_{D}\left|\frac{\partial f(x,y)}{\partial y}\right| = 1$ ekanligini hisobga olsak, yuqoridagi holat bo‘yicha $0 \le x \le \frac{1}{2}$ oraliqda quyidagilarni hosil qilamiz:

$$y = 1 + \int_0^x (x + y)dx.$$

$$y_1 = 1 + \int_0^x (x + 1)dx = 1 + x + \frac{x^2}{2}$$

$$y_2 = 1 + \int_0^x \left(x + 1 + x + \frac{x^2}{2}\right)dx = 1 + x + x^2 + \frac{x^3}{6}$$

$$y_3 = 1 + \int_0^x \left(x + 1 + x + x^2 + \frac{x^3}{6}\right)dx = 1 + x + x^2 + \frac{x^3}{3} + \frac{x^4}{24}$$

$$y_4 = 1 + \int_0^x \left(x + 1 + x + x^2 + \frac{x^4}{24}\right)dx = 1 + x + x^2 + \frac{x^3}{3} + \frac{x^4}{12} + \frac{x^5}{120}$$

Berilgan tenglamaning aniq yechimi:

$$y = 2e^x - x - 1 = 1 + x + x^2 + \frac{x^3}{3} + \frac{x^4}{12} + \frac{x^5}{60} + \frac{x^6}{360} + \ldots$$

Bundan ko‘rinadiki, taqribiy yechimlar $y_3$ va $y_4$ lar aniq yechimdan faqat oxirgi hadlari bilan farq qiladilar. Endi $0 \le x \le \frac{1}{2}$ oraliqda 4- yaqinlashish bo‘yicha xatolikni topamiz:

$$|y(x) - y_4(x)| \le ML^4\frac{h^5}{5!} = 2 \cdot \frac{\frac{1}{32}}{120} = \frac{1}{1920}$$

$0 \le x \le \frac{1}{2}$ intervalda har bir $x$ uchun ko‘pi bilan $\frac{1}{1920} \approx 0{,}0005$ xatolik bilan aniq yechim o‘rnida 4-yaqinlashishni olish mumkin.

4-usul: differensial tenglamalarni yana bir qator Izoklinalar, (Eyler, Rung-Kutta) sonli usullar va maple, matcat amaliy dasturlari yordamida ham yechish mumkin [8].

**Xulosa.** Tadqiqotda tavsiya etilgan o‘qitish usulining odatdagi an’anaviy o‘qitish usuliga nisbatan samarali ekanligi tahlil etildi. Taklif qilingan muammoni yechish va qaror qabul qilishga o‘rgatuvchi keysdan amaliy mashg‘ulot darslarida, joriy, oraliq va yakuniy nazorat bosqichlarida talabalar bilim ko‘nikmalarini nazorat qilishda foydalanish mumkin. Shu jumladan, oddiy differensial tenglamalar mavzularini o‘qitishda yuqorida keltirib o‘tilgan usuldan foydalanishni tavsiya etamiz.

## Adabiyotlar

**1.** O‘zbekiston Respublikasi Prezentining 2020-yil 7-maydagi 4708-sonli “Matematika sohasidagi ta’lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.

**2.** Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т: 2015. – 208 б.

**3.** Abduqodirova F., Abduqodirov A.A. Keys texnologiyasi va undan matematika darslarida foydalanish metodikasi. “Yosh matematiklarning yangi teoremalari-2013” respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami, №3, – Namangan: 2013.

**4.** Abduqodirov A.A., Astanova F.A., Abduqodirova F.A. “Case-study” uslubi, nazariya, amaliyot va tajriba .-T.: “Tafakkur qanoti”, 2012, 134 b.

**5.** Козина И. “Case- study”, некоторые методические проблемы. Рубеж, 1997. № 10-11. 177-189 стр.

**6.** Salohiddinov M.S., Nasritdinov G.N. Oddiy differensial tenglamalar. – T: “O‘zbekiston”, 1994.

**7.** Филиппов А.Ф. Сборник задач по дифференциальным уравнениям.-Ижевск: НИЦ Научно-издательский центр: “Регулярная и хаотическая динамика” , 2000, 176 стр.

**8.** Кузьмичева Т.Г. Методы решения математических задач в maple. Белгород, Белгородский государственный университет, 2001.

https://buxdu.uz



**Тўлқин РАСУЛОВ**
**Зикрулло ҲАМДАМОВ**
Бухоро давлат университети

# АРИФМЕТИК ВА ГЕОМЕТРИК ПРОГРЕССИЯЛАР УЧРАЙДИГАН БАЪЗИ ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР

*Ушбу мақолада умумтаълим мактабларининг 9-синфида ўқитиладиган “Арифметик прогрессиялар” ва “Геометрик прогрессиялар” мавзуларига оид тарихий маълумотлар келтирилади. Бундай прогрессиялар ёрдамида ечиладиган инсон касбий фаолияти билан боғлиқ масалалар санаб ўтилади. Хусусан, рост ёки ёлғонлиги аниқ бўлмаган масала, шахмат масаласи, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Абу Райҳон Беруний томонидан шахматнинг кашф этилиши ҳақида ривоятда исботланган айниятлар баён қилинган. Прогрессияларнинг микробиология, тиббиёт, адабиёт, иқтисодиёт ва яна кўплаб соҳаларда учраб туриши ҳақида аниқ мисолларда ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *сонлар кетма-кетлиги, арифметик прогрессия, геометрик прогрессия, шахмат масаласи, мураккаб фоизлар, типик масалалар, математик билим, математик методлар, инсон касбий фаолияти.*

*Эта статья содержит историческую информацию по темам “Арифметические прогрессии” и “Геометрические прогрессии”, преподаваемым в 9-м классе средних школ. Перечислены вопросы, связанные с профессиональной деятельностью человека, которые могут быть решены с помощью таких прогрессий. В частности, вопрос о том, ясна ли правда или ложь, вопрос о шахматах, работа “Памятники древних народов” описывает подлинность легенды об открытии шахмат Абу Райханом Беруни. Это иллюстрируется конкретными примерами того, как был достигнут прогресс в микробиологии, медицине, литературе, экономике и многих других областях.*

***Ключевые слова:*** *последовательность чисел, арифметическая прогрессия, геометрическая прогрессия, шахматная задача, комплексные проценты, типичные задачи, математические знания, математические методы, профессиональная деятельность человека.*

Ҳозирги кунда математика бўйича олинган билимларни фаннинг бошқа тармоқларидаги ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга татбиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Математик методлар фаннинг турли соҳаларигача чуқур кириб борганлигини таъкидлаш лозим. Аниқ математик билимга эга бўлиш амалий фаолиятда инсон маданиятининг қисми ҳақида тасаввурни шакллантиради.

Умумтаълим мактабларининг 9-синфида “Арифметик ва геометрик прогрессиялар” мавзуси ўқитилади [1-5]. Бу мавзунинг муҳимлиги шундан иборатки, уни инсон касбий фаолиятида учрайдиган турли масалаларни ҳал қилишда қўллаш мумкин. Қуйидаги масалани қараймиз: ҳаётдаги қайси ҳолатларда прогрессиялар ҳақидаги билимларни қўллаш мумкин? Прогрессиялар табиатда, иқтисодиётда ва инсон ҳаётининг бошқа соҳаларида пайдо бўладими? Кундалик ҳаётимизда прогрессиялар ҳақиқатан ҳам муҳим ўрин эгаллайдими?

Ушбу мақолада кўзланган асосий мақсад – бу арифметик ва геометрик прогрессиялар тушунчаларини инсон ҳаётининг амалий муаммоларини ҳал қилишда қўллаш мумкинлиги ҳақида батафсил маълумот беришдан иборатдир. Олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги масалалар қўйилди ҳамда уларнинг ечими келтирилди:

– масаланинг ҳолатини аниқлаш ва ривожланиш ҳақида тушунчаларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганиш ҳамда бу билимларни инсоннинг амалий эҳтиёжларини қондириш учун қўллаш;

– прогрессиялар ҳақидаги билимларга таянган ҳолда ечиладиган амалий масалаларни таҳлил қилиш ва инсон фаолиятида учраб турадиган типик масалаларни классификация қилиш.

– ишлаб чиқилган классификацияга мос амалий аҳамиятга эга масалалар системасини ҳосил қилиш ва уларни ечиш методларини умумлаштириш.

Энди “Арифметик прогрессия” ва “Геометрик прогрессия” тушунчаларининг пайдо бўлиш тарихига тўхталамиз.

“Прогрессия” тушунчаси лотинчадан келиб чиққан бўлиб, “progression” – “олдинга ҳаракат” маъносини билдиради. Бу тушунча VI асрда яшаб ўтган римлик олим Боэции томонидан киритилган. Дастлаб бу тушунча математикада бирор қоида ёрдамида битта йўналишда чексиз давом этадиган исталган кетма-кетлик сифатида аниқланган. “Прогрессия” тушунчаси ўзи алоҳида деярли ишлатилмайди. Унинг иккита арифметик ва геометрик прогессиялар деб аталувчи муҳим хусусий ҳоллари кўп ишлатилади. Қадимги греклар узлуксиз пропорциялар назариясида ўрганилган прогрессиялардан “арифметик прогрессия” ва “геометрик прогрессия” номланишлари пайдо бўлган.

Аниқ бир қоида ёрдамида аниқланадиган кетма-кетликка прогрессия дейилади. Ҳозирги кунда бу тушунча “арифметик прогрессия” ва “геометрик прогрессия” сўз бирикмаларида ишлатилади. Арифметик прогрессиянинг иккинчисидан бошлаб ҳар бир ҳади унга қўшни бўлган иккита ҳаднинг ўрта арифметигига тенг бўлганлиги учун “арифметик” прогрессия деган ном шу билан изоҳланади. Худди шунингдек, геометрик прогрессиянинг иккинчисидан бошлаб ҳар бир ҳади унга қўшни бўлган

https://buxdu.uz



иккита ҳаднинг ўрта геометригига тенг бўлганлиги учун “геометрик” прогрессия деган ном шу билан изоҳланади.

1, 2, 3, …, n,… натурал сонлар қатори биринчи ҳади ва айирмаси 1 га тенг арифметик прогрессиядир. Қадимда бизгача етиб келган прогрессия ҳақидаги масалалар хўжалик ҳаётдаги эҳтиёждан боғлиқ бўлган: маҳсулотларни тақсимлаш, меросларни бўлиш ва бошқалар. Машҳур олимлардан Архимед, Пифагор ва унинг шогирдлари, француз математиклари Леонард Фибоначчи ва Баше де Мезириак, немис математиклари М. Штифель, Н.Шюке ва К. Гаусслар прогрессиялар назарияси ривожига салмоқли ҳисса қўшганлар. Эрамиздан аввалги 287-212 йилларда Архимеднинг ишларида прогрессиялар ҳақидаги дастлабки маълумотлар учраган. Қадимги Мисрда нафақат арифметик прогрессиялар, балки геометрик прогрессиялар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишган.

Энди ҳукмингизга прогрессиялар билан боғлиқ бўлган бир нечта тарихий ёки қизиқарли масалаларни ҳавола қилмоқчимиз.

1-масала. Икки дўст Али ва Вали суҳбатлашиб турганида гап пулга бурилибди-да, Али Валига шундай таклиф берибди.

– Келгин бир ўйин ўйнаймиз. Ўйин шартлари қуйидагича:

Ҳар кун эрталаб учрашамиз ва мен сенга 100000 сўм бераман. Сен эса менга биринчи кун бир сўм, иккинчи кун икки сўм, учинчи кун ундан икки баробар кўп, яъни тўрт сўм, кейинги кун яна икки баробар кўп, яъни саккиз сўм берасан. Бу ўйинни роппа-роса бир ой (ўттиз кун) ўйнаймиз. Ҳурматли ўқувчи, айтингчи, бу ўйинда ким ғолиб бўлади? Сизга шундай таклиф берилса, ўйнармидингиз? Балки 100000 сўм камдир, ҳар кун қанча берса ўйнар эдингиз?

Энди ҳисоблаб кўрамиз. Алининг берадиган пули аниқ 30 кун бир хил 100000 сўмдан, жамиси уч миллион бўлади. Валини берадиган пулини ҳисоблаймиз.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1-кун | 2-кун | 3-кун | 4-кун | 5-кун | 6-кун | 7-кун | 8-кун | 9-кун | 10-кун |
| 1 | 2 | 4 | 8 | 16 | 32 | 64 | 128 | 256 | 512 |
| 11-кун | 12-кун | 13-кун | 14-кун | 15-кун | 16-кун | 17-кун | 18-кун | 19-кун | 20-кун |
| 1024≈ 1 минг | 2 минг | 4 минг | 8 минг | 16 минг | 32 минг | 64 минг | 128 минг | 256 минг | 512 минг |
| 21-кун | 22-кун | 23-кун | 24-кун | 25-кун | 26-кун | 27-кун | 28-кун | 29-кун | 30-кун |
| 1024 минг≈ 1 млн | 2 млн | 4 млн | 8 млн | 16 млн | 32 млн | 64 млн | 128 млн | 256 млн | 512 млн |

Агар ҳамма берадиган пулларини ҳисобласак, тахминан бир миллиард сўм бўлар экан. Демак бу ўйинда Вали ютқазар экан. Агар ҳар кун Али 100000 сўм эмас, балки 34 миллион сўм атрофида пул бериб турса, ўйнаса бўлар экан.

2-масала (Рост ёки ёлғонлиги аниқ бўлмаган масала). Эмишки, бир узоқ ўрмоннинг ўртасида бир нечта руҳонийлар бор эмиш. Улар учта устуннинг биринчисида жойлашган 64 та дискларни маълум қонун-қоидалар асосида иккинчисига кўчираётган эканлар. Ривоятда айтилишича, агар улар шу қоидалар асосида дискларни иккинчи устунга кўчирсалар дунё чангу тўзонга айланиб ер сайёраси йўқолиб кетар экан. Хўп, бу қоидалар қанақа қоидалар экан ва бу ёлғон ривоят қанчалик ҳақиқатга яқин?

Қоидалар: 1) Дисклар катталиклари 64 хил. Энг каттаси энг пастда устидан кичиклари жойлаштирилган. Яъни, 64-диск энг катта, 63-диск фақат 64-дискдан кичик, … , 1-диск энг кичик. Пирамида шаклида жойлашган.

2) Ҳар олинганда битта диск олинади. Диск жойлаштирилгач кейинги дискни олишга рухсат берилади.

3) Доим катта диск устига кичик диск қўйилади. Ҳеч қачон кичик диск устига катта диск қўйилмайди. Мисол учун 10-диск устига 9,8,7,…,1-дисклардан бирортасини қўйса бўлади, лекин 11,12,…,64-дисклардан бирортасини қўйиш мумкин эмас.

Энди математик ҳисоб-китобларга ўтайлик. Дейлик, А,Б ва С устунлар берилган. Дисклар А устунга турибди ва юқоридаги қонун қоидалар асосида Б устунга кўчирмоқчимиз. Агар n та дискни кўчириш учун m та иш бажарсак, n+1 та дискни кўчириш учун аввал шу m та ишни бажариш керак ва n+1-дискни кўчириб яна m та иш бажариш керак. Яъни n та дискни кўчиришда m та иш бажарилса, n+1 та дискни кўчиришда 2m+1 та иш бажарилади. Бу масала учун ҳам жадвал тузсак

| 1-диск | 2-диск | 3-диск | 4-диск | 5-диск | 6-диск | 7-диск | 8-диск |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 та иш | 3 та иш | 7 та иш | 15 та иш | 31 та иш | 63 та иш | 127 та иш | 255 та иш |

https://buxdu.uz



Бу жадвалдан кўринадики, n-дискни кўчириш учун $2^n - 1$ та иш бажариш керак экан. Ҳар бир ишни бажаришга бир сония вақт кетса, демак 64 та дискни кўчиришга $2^{64} - 1$ сония вақт кетар экан. Бу тахминан 584942417355 йил бўлар экан. Энди бу ривоятга ишониш ёки ишонмаслик ўзингизга ҳавола. Биз ўзимизга тегишли бўлган математикасини қилиб бердик холос.

3-масала (Шахмат масаласи).

Қадимда бир доно киши шахматни ихтиро қилибди ва буни кўрсатиш учун одил подшоҳни олдига олиб борибди. Подшоҳ одил ва мард экан. Табиийки, бу қизиқарли ўйин шоҳга маъқул бўлибди.

-Бу ўйин менга жуда ёқди. Жанг саҳнасига ўхшар экан. Тила тилагингни дебди шоҳ. Ихтирокчи эса юзта туя ёки бир хуржун олтин сўраш ўрнига шахмат катакларининг биринчиси учун бир дона, иккинчи катак учун аввалгисидан икки баробар кўп, яъни икки дона, кейингиси учун тўрт дона буғдой беришини, шахмат тахтасини шу усулда тўлдиришини сўрабди. Маълумки, шахмат тахтасида 64 та катак бор. Бу "арзимаган" нарса сўраган ихтирочидан шоҳнинг жаҳли чиқибди ва бир қоп тўла буғдой бериб юборишни хазинабонга буюрибди. Ихтирочи эса бунга рози бўлмабди. Ихтирочининг бу майда ишлиги мард подшоҳга ёқмабди ва хазинабонни чақириб, айтганини ҳисоблаб бериб юборишни буюрибди. Хазинабон анчадан кейин келибди ва аҳвол оғирлигини 32 та катак тўлганини ва ярим хазина кетганини шоҳга билдирибди. Шоҳ мард эмасми? Биз ихтирочини тилагини бажара олмаслик катта бир подшоҳ учун уят эмасми? Ўйлаб кўрса яна 32 та катак ва яна ярим хазина бор.

–Беринглар, дебди шоҳ.

–Йўқ шоҳим, қолган ярим хазина 33-катакка кетади дебди хазинабон.

Азиз ўқувчи, ҳисоблаб кўрсак ҳақиқаттан ҳам шундайми? Катта бир мамлакатнинг подшоҳи ихтирочининг сўраганини бера олмас эдими?

1-катак учун 1 дона
2-катак учун 2 дона
3-катак учун 4 дона
4-катак учун 8 дона
…
11-катак учун 1024 дона
1024 дона буғдойни тахминан бир килограм деб олсак, демак 11-катак учун бир килограм
12-катак учун 2 килограмм
13-катак учун 4 килограмм
14-катак учун 8 килограмм
15-катак учун 16 килограмм
….
20-катак учун 512 килограмм
21-катак учун 1024 килограмм. Бу бир тоннадан озгина кўп бўлади
22-катак учун 2 тонна
23-катак учун 4 тонна
24-катак учун 8 тонна
25-катак учун 16 тонна
…
31-катак учун 1024 тонна. Шу ўринда 1024 тонна қанча бўлишини бир ўйлаб кўрсак. Бу дегани ҳар бир вагонига 25 тонна буғдой кетадиган 40 та вагонли поезд дегани.
32-катак учун 2 та поезд
33-катак учун 4 та поезд
…
40-катак учун 512 та поезд
41-катак учун 1024 та поезд. Қулайлик учун 1000 та дейлик.
42-катак учун 2 мингта
43-катак учун 4 мингта
44-катак учун 8 мингта
…
51-катак учун 1024 мингта. Бу тахминан бир миллионта поезд бўлар экан.
52-катак учун 2 миллионта
53-катак учун 4 миллионта
…
61-катак учун 1024 миллионта. Бу тахминан бир миллиардта поезд бўлади
62-катак учун 2 миллиард
63-катак учун 4 миллиард

https://buxdu.uz



64-катак учун эса 8 миллиардта 40 та вагонли, ҳар бир вагонида 25 тоннадан буғдой бўлган поезд бўлар экан.

Бу учала масала ҳам биринчи ҳади бирга, махражи эса иккига тенг бўлган геометрик прогрессияга мисол бўлади. Агар прогрессиянинг махражи иккига эмас, дейлик, бешга тенг бўлсачи?

Шу ўринда шахмат билан боғлиқ яна бир тарихий масалани келтириб ўтамиз. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Абу Райҳон Беруний шахматнинг кашф этилиши ҳақида ривоят билан боғлиқ биринчи ҳади $b_1 = 1$ ва махражи $q = 2$ бўлган геометрик прогрессиянинг биринчи 64 та ҳадининг йиғиндисини ҳисоблайди; шахмат тахтасидаги $k$ -катакка мос сондан 1 сони айрилса, айирма $k$ -катакдан олдинги барча катакларга мос сонлар йиғиндисига тенг бўлишини исботлайди.

4-масала. Бир ахборотни эшитган бир киши бир соат ичида беш кишига тарқатсин, бу беш киши ҳам кейинг бир соатда беш кишига айтсин,….

1-соатда 5 киши
2-соатда 25 киши
3-соатда 125 киши
4-соатда 625 киши
5-соатда 3125 киши
6-соатда 15625 киши
7-соатда 78125 киши
8-соатда 390625 киши
9-соатда 1.953.125 киши бу тахминан 2 миллион бўлар экан
10-соатда 10 миллион киши
11-соатда 50 миллион киши

Демак, 50 миллион аҳолиси бўлган давлатга бу ахборот 11 соатга тарқалар экан. Ҳақиқатан ҳам жуда тез тарқалар экан. Биз фақат янги ахборот эшитган одамларни ҳисобладик.

Ҳаётда “мураккаб фоизлар”ни ҳисоблаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳам геометрик прогрессиялар муҳим аҳамият касб этади. Бундай фоизларни ҳисоблашда фоиздан яна фоиз ҳисоблашга тўғри келади. Бугунги кунда, турли банклар ўз мижозларига турли хил шартлар асосида хизмат кўрсатади. Кўпинча уларнинг хизматидан фойдаланишдан олдин юқоридаги мавзу бўйича билимларга таянган ҳолда математик масалани ечиш зарурати пайдо бўлади. Қуйидаги масала шу ҳақда.

“Агробанк-online” фойдаланувчилари ўзларининг шахсий кабинетларига кириб, кредит картани расмийлаштириш таклифини кўриши мумкин. Бунга ўхшаш SMS-хабарларни катта ёшдаги кишилар деярли ҳар куни қабул қиладилар. Шундай таклифлардан бирини масала сифатида қараймиз ва уни ечамиз.

5-масала. Сизга лимити 190000 сўм бўлган кредит расмийлаштирилган. Унинг тежалган қисми ҳамиша берилади. Йиллик фоизи 23,9%”. Агар мижоз бундай таклифдан фойдаланса, у 3 йилдан кейин банкдан неча сўм қарздор бўлади?

Эслатиш жоизки, банклар ҳамиша мижозларига “мураккаб фоизлар” бўйича кредитларни таклиф қиладилар. Демак, қарз геометрик прогрессия қоидаси бўйича ўсиб боради. Биринчи ҳади 190000 га, махражи 1,239 га тенг геометрик прогрессияни ҳосил қиламиз. n-ҳадини ҳисоблаш формуласи ёрдамида учинчи йил охиригача кредит картадан фойдаланилган маблағни ҳисоблаймиз. Жавоб: 3 йилдан кейин кредит картасидаги маблағ 360 000 сўмдан зиёдни ташкил қилади.

Бу ва бунга ўхшаш масалаларни таҳлил қилишда қуйидаги амаллар бажарилади:

– Арифметик ёки геометрик прогрессиянинг кўриниши топилади:
– Берилган ва номаълум миқдорлар ажратилади;
– Мос прогрессия учун формула ёзилади;
– Масалага мос миқдорлар учун ҳисоблашлар бажарилади;
– Хулоса чиқарилади.

Бундай усул орқали иқтисодиётда учрайдиган кўплаб масалаларни ечиш мумкин. Масалан, баён қилинган усулни қуйидаги масалага қўллаш мумкин.

6-масала. Уч йилдан кейин банкга йилига 4% лик бўйича қўйилган омонат 880 000 сўмни ташкил қилди (“содда фоизлар”). Дастлабки тўлов қанча бўлган?

Энди микробиологияда учрайдиган прогрессиялар билан боғлиқ масалалардан намуна келтирамиз. Ер юзининг бактериялар учрамайдиган қисми бўлмаса керак. Улар Антрактида музликларида ва ҳарорати + 8500С бўлган иссиқлик манбаларида ҳам яшайди.

Бактерияларнинг яшаш шароитлари билан бир қаторда, инсон ҳаётида тутган ўрни ҳам турлича бўлади. Тоза ва тоза бўлмаган хоналардаги бактериялар сони турлича бўлади. Машғулот

https://buxdu.uz



бошланишидан олдин шамоллатилган ўқув хонасидаги бактериялар сони машғулот тугагандан кейин 13 баробар бўлади. Аммо бактерияларнинг барча турлари битта ҳужайрани иккига бўлиш орқали кўпаяди, ўз навбатида уларнинг ҳар бири яна иккига бўлиниб 4 та бактерия бўлади, кейин 8 та бактерия бўлади ва ҳоказо. Агар битта бактерия кўп миқдордаги озиқ-овқат билан идеал шароитга жойлаштирилса, бир суткада ундан 281 474 976 710 656 та ҳужайра пайдо бўлади. Шундай қилиб, табиатда геометрик прогрессия учраб тураркан.

Тиббиётда ҳам прогрессиялар татбиқ қилинадиган масалалар кўп учраб туради. Унга мисол келтирамиз. Гомеопатия – бу буюк немис шифокори ва олими Самуил Ганем (1755-1843) томонидан ишлаб чиқилган даволаш усулидир. Гомеопатия ўхшашлик принципига асосланган бўлиб, организмдаги маълум симптомларни катта дозаларда келтириб чиқаради, кичик дозаларда шунга ўхшаш аломатларни даволашга қодир бўлган модда.

7-масала. Бемор қуйидаги схема бўйича гомепатик дорини қабул қилмоқда: биринчи куни 5 томчи, кейинги кун олдингисидан 5 томчи кўп ичади. 40 томчи қабул қилгач, у 3 кун 40 томчидан дори ичади, кейин 5 томчидан камайтириб, 5 томчигача етказади. Агар ҳар бир флаконда 20 мл (унда 250 томчи) дори бор бўлса, бемор нечта флакон дори сотиб олиши керак?

Бу масалани ечишда арифметик прогрессияда дастлабки n та ҳади йиғиндисини ҳисоблаш формуласидан фойдаланиб,

2(5+10+15+…+40)+40=400

ни ҳосил қиламиз. Демак, беморга 400:250=1,6 флакон дори керак бўлади. Шу сабабли у дорихонадан 2 флакон дори сотиб олиши зарур.

Энди прогрессиянинг жисмоний ҳаракат билан боғлиқ масалаларда тутган ўрнига тўхталамиз.

8-масала. Тана ҳаракатнинг биринчи секундида 7 метр масофани, кейинги ҳар бир секундда аввалгисига қараганда 3 метр кўп ҳаракатланди. Саккизинчи секундда тана қанча масофани босиб ўтади?

Мазкур масала биринчи ҳади 7, айирмаси 3 бўлган арифметик прогрессиянинг дастлабки 8 та ҳади йиғиндисини топиш орқали ечилади. Унга кўра дастлабки 8 секундда 28 метр масофа босиб ўтилади.

Ҳатто адабиётда ҳам математик масалалар учраб туради. Унга мисол сифатида қуйидаги тушунчаларни келтириш мумкин.

Ямб – бу жуфт 2; 4; 6; 8: ... бўғинларга урғу берилган шеърий ўлчов. Урғу бўғинлари тартибланиш сони биринчи ҳади ва айирмаси 2 га тенг арифметик прогрессияни ташкил қилади.

Хория – бу тоқ 1; 3; 5; 7: ... бўғинларга урғу берилган шеърий ўлчов. Урғу бўғинлари тартибланиш сони биринчи ҳади 1 га ва айирмаси 2 га тенг арифметик прогрессияни ташкил қилади.

Мақолани қуйидаги иккита тарихий масалани баён қилиш билан якунлаймиз.

9-масала. Беруний масаласи. Агар ҳадлари мусбат геометрик прогрессиянинг ҳадлари сони тоқ бўлса, у ҳолда $b_{k+1}^2 = b_1 \cdot b_{2k+1}$ ва ҳадлари сони жуфт бўлса $b_k \cdot b_{k+1} = b_1 \cdot b_{2k}$ бўлишини исботланг.

10-масала. Ахмес папирусидан олинган масала (эрамиздан олдинги 2000-йиллар). 10 ўлчов ғаллани 10 киши орасида шундай тақсимлангки, бу кишиларнинг бири билан ундан кейингиси (ёки олдингиси) олган ғалла фарқи $\frac{1}{8}$ ўлчовга тенг бўлсин.

Хулоса қилиб айтганда, арифметик ва геометрик прогрессиялар инсон ҳаётининг турли соҳаларидан ҳақиқий масалаларни ҳал қилишда кучли восита экан.

## Адабиётлар

1. Alimov Sh.A., Xolmuhamedov O.R., Mirzaahmedov M.A. Algebra. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. – T.: “O‘qituvchi”, 2014.
2. Ҳусанов Ж.Ҳ. Математика (прогрессия ва лимитлар). Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 2002.
3. Абдуҳамедов А.А., Насимов Ҳ.А., Носиров У.М., Ҳусанов Ж.Ҳ. Алгебра ва анализ асослари. I-қисм. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
4. Вафоев Р.Ҳ., Ҳусанов Ж.Ҳ., Файзиев К.Ҳ., Ҳамроев Ю.Й. Алгебра ва анализ асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001.
5. Ёш математик қомусий луғати. Ўрта ва катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун (Махсус муҳаррир: А.Аъзамов). Қомуслар Бош таҳририяти. – Т.: 1991 й., 480 б.

https://buxdu.uz



**Мавлон БЕКМИРЗАЕВ**
Жиззах давлат педагогика
институти тадқиқотчиси

# БИОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

*Мақолада ўқувчиларнинг биологик таълимини ривожлантиришда ҳайвонот боғлари, табиат музейларининг ўрни ҳамда уларнинг гигиеник тарбия, соғлом турмуш тарзи ва экологик саводхонлигини шакллантириш ўрни кўрсатиб берилган.*

***Таянч сўзлар**: ўқувчи, биологик таълим, ҳайвонот боғи, табиат музейи, соғлом турмуш тарзи, гигиеник тарбия, экологик саводхонлик.*

*В статье речь идет о развитии биологического образования учащихся, а также роли в этом процессе зоологических парков, музеев природы в формировании гигиены, здорового образа жизни и роли экологического просвещённости.*

***Ключевые слова**: ученик, биологическое образование, зоологический парк, музей природы, здоровый образ жизни, гигиеническое воспитание, экологическая просвещенность.*

*The article deals with the development of students' biological education, as well as the role of zoological parks, nature museums in the formation of hygiene, a healthy lifestyle, and the role of environmental awareness in this process.*

***Keywords:** student, biological education, zoological park, museum of nature, healthy lifestyle, hygienic education, environmental education.*

Комплекс тадбирлар доирасида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун махсус тўгараклар ташкил этиш, мактаб ўқувчилари учун мультимедиали ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабалари учун ҳайвонот боғида саноат ва диплом олдинги тайёргарлик ишларини ташкил этиш ва ўқув курсларини ташкиллаштириш орқали таълим ва маърифий ишларни ривожлантириш ҳамда экскурсиялар, кўргазмалар, телевидение дастурлари ва оммавий ахборот воситаларида публикацияларни ташкил қилиш режалаштирилган.

Концепциянинг 4-бўлими "Таълим ва маданий-маърифий фаолиятни ривожлантириш"да таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнида ҳайвонот боғининг моҳияти очиб берилади – бу ҳайвонот оламининг хилма-хиллигини ўрганиш, ёш авлодда ҳайвонот оламига муҳаббат ҳиссини ва ҳайвонларга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳайвонот боғидаги ўқув жараёнининг ўзига хос хусусияти ва асосий устиворлиги, ҳайвонлар иштирокида ўтказиладиган амалий машғулотлар ҳисобланади. Бунда ҳайвонот боғининг ресурс сифатидаги алоҳида роли намоён бўлади, бу нафақат жониворларни, хусусан, дунёнинг бошқа қитъаларида яшовчи жониворлар билан танишиш, балки улар билан ишлашнинг амалий кўникмаларига эга бўлиш имконияти яратилади.

Умумий ўрта таълим соҳасида мактаб ўқувчилари учун мультимедиа таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, ҳайвонот боғида дарс машғулотларини ўтказиш ва ўқувчиларни бевосита жалб қилиш орқали синфдан ташқари дарсларда илмий-амалий ва тадқиқот ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Кенг кўламли тадбирлар орасида амалга оширилаётган маданий ва маърифий тадбирлар муҳим ўрин тутади:

- ҳайвонот боғи ҳақида визуал кўргазмали ахборот материалларини ишлаб чиқиш, нашрга тайёрлаш ва эълон қилиш;
- оммавий ахборот воситаларида экскурсиялар, кўргазмалар, оммавий маърузалар, телевизион дастурларни ташкил этиш;
- "Бутунжаҳон Ер куни", "Бутунжаҳон атроф-муҳит куни", "Бутунжаҳон биологик хилма-хиллик куни" каби атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Ҳайвонот боғининг фаолияти Ўзбекистон Давлат табиат музейи, Юрий даври Парки (Тошкент шаҳар савдо ва кўнгилочар "Нехт" мажмуаси), академик Ф.Н. Русанова номидаги Тошкент Ботаника боғи фаолияти билан тўлдирилади. Табиат музейи кўплаб илмий ва маърифий ишларни олиб боради: маърузалар ўқийди, маданият саройларида, кинотеатрлар, маданият ва дам олиш масканлари, мактабларда, лицейларда, ўрта ва олий таълим муассасаларида, маҳаллаларда, дам олиш уйлари, стационарларда кўчма кўргазмалар ташкил этади. Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолисига хизмат қилувчи кўчма музей яратилган.

Шу билан бирга, ҳайвонот боғи, Ўзбекистон Ботаника боғи ва Ўзбекистон давлат табиат музейларининг маданий ва таълимий-ривожлантрувчи фаолиятларини мактаб таълим-тарбия

https://buxdu.uz



жараёнига тўлиқ киритилган ҳолда амалга ошириш мумкин, бунда мактаб биологик таълимининг замонавий йўналишларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Жамиятнинг демократлаштириш ва инсонпарварликка йўналтирилганлиги, экологизация тенденцияси Ўзбекистонда биологик таълимнинг янги мақсадларини аниқлади:

- ёввойи табиат ҳақидаги билимларни, уни ўрганишнинг умумий усулларини, таълим қобилиятларини ўрганиш;
- бу билимлар асосида дунёнинг илмий суратининг ўқувчилар томонидан тушунилиши;
- гигиеник тарбия ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- талабаларнинг экологик саводхонлигини шакллантириш;
- табиат, жамият, шахс уйғун муносабатларини ўрнатиш.

Мактаб ўқувчилари биологик (зоологик) таълимининг замонавий мазмуни ўртасидаги асосий фарқ унинг ўзгарувчанлиги бўлиб, муқобил муаллифлик дастурлари, сўнгра муаллифлик дарсликларини яратишда намоён бўлади. Мустақил Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини шакллантириш шароитида янги ёндашувлар, фундаментал муносабатлар, ўқув материалларини тузиш принципларини излаш муҳим вазифа бўлди.

Биологик таълим ўқув материалларининг хилма-хиллиги доирасида **асосий ғоялари** қуйидагилар белгиланди:

- ёввойи табиатни даражама-даража ташкил этиш ғояси;
- организмларнинг тузилиши ва функциялари билан ўзаро боғлиқлик ғояси;
- организмнинг атроф-муҳит билан алоқа қилиш ғояси;
- ҳаётнинг қийматини баҳолаш ғояси.

Янги биологик таълимнинг **етакчи йўналишлари** қуйидагилар:

- ўзгарувчанлик;
- кўп даражалилик;
- фарқлаш;
- эркин танлов.

Биологик таълим соҳасидаги **асосий ўзгаришлар** қуйидагилар:

- ривожланиш функциясининг устуворлигини аниқ белгилаш учун мақсадли йўналишни ўзгартириш;
- таълимнинг уч – бошланғич, ўртаб юқори босқичида таълим олишнинг узлуксизлиги;
- биологиянинг барча бўлимларини ўрганиш;
- таълим даражасига қўйиладиган умумий талабларни сақлашда муқобил ўқув дастурлари ва қўлланмалардан фойдаланиш;
- биологиянинг барча бўлимлари мазмунини экологиялаштириш;
- тегишли профил учун ишлаб чиқилган янги ўқув-услубий қўлланмалар асосида таълимни дифференциялаш;
- биологик таълимнинг мажбурий минимал даражасини мактабнинг амалий фаолиятига киритиш.

Педагогика фанида илмий-педагогик ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, зоологияни мактабда ўқитишнинг инновацион моделини асослаш ва амалётга татбиқ этиш учун муайян шарт-шароитлар яратилган, ўқувчиларнинг назарий ва амалий таълимини ошириш омили сифатида шаклланган, шунингдек, ўқувчиларнинг базис компетенциялари - интеллектуал ва коммуникатив, рефлексив ва ўз-ўзини ўқитиш қобилиятларини шакллантиришга имконят яратилган. Бундай хулоса учун асос бўлиб Н.Д.Андреева, И.Т.Богдан, К.Я.Вазина, Е.Ю.Ибатуллина, Е.В.Иванова, Р.Ш.Избасарова, Н.Мустафаева, А.И.Никишов, Л.В.Нироева, И.В.Сниховскаяларнинг тадқиқотлари хизмат қилади [1,2,3,4,5,6,7,8,9].

Таълим жараёнига инновацияларни жорий этиш ва педагогик инноватика назарияси ва методологияси асосларини ишлаб чиқиш масаласи М.В. Кларин, Н.И. Лапин, Н.Я. Найн, А.П. Панфилова, В.А. Сластенин, Л.С. Подымова Н.Р. Юсуфбеков [10,11,12,13,14]ларнинг тадқиқотларида ёритилган ва уларда турли таълим муассасаларида таълим тизими, технологияси, методологиясини ўқув-тарбия жараёнларида янгилаш муаммолари асосланган. Инновацион педагогик фаолиятнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ижод сифатида В.И.Андреев, Д.Б.Богоявленская, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.Д.Никандров [15,16,17,18]ларнинг тадқиқотларида таҳлил қилинган.

Назарий тадқиқотлар билан бир қаторда тадқиқотимизнинг амалий шартлари ҳам шакллантирилди:

https://buxdu.uz



- "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим муассасаларининг таълим фаолиятига замонавий ахборот ва постиндустриал жамиятининг талабларига мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилган [19, 20];

- замонавий таълим жараёнига инновацияларни жорий этиш, жамиятда муваффақиятли мослашишга имкон берадиган ўқувчиларнинг ваколатларини шакллантириш вазифаси белгиланган давлат таълим стандарти;

-узлуксиз, шу жумладан, умумий ўрта таълимнинг гуманитар-педагогик асосларини интеграциялаш муаммолари билан шуғулланадиган алоҳида ўқитувчилар ва педагогик жамоаларнинг оммавий таълим амалиёти ва инновацион изланишлардаги замонавий тенденциялари.

Бироқ педагогик инновацияларни ишлаб чиқишда педагогика фани ва таълим амалиётининг сезиларли ютуқларига қарамасдан, уларнинг ўқитувчилар томонидан кенг қўлланилиши жуда чекланган. Умумтаълим мактаблари фаолиятининг назарий манбалари ва амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти кам ривожланган, директив, эпизодик хусусиятга эга, инновацион фаолиятнинг илмий асосланган тизими мавжуд эмас, шунинг учун бир қатор барқарор қарама-қаршиликлар мавжуд:

- педагогик технологияларни комплекс қўллаш асосида мактабда Зоологияни ўқитишнинг инновацион тизимини яратишга педагогик назария ва амалиётнинг онгли равишда жорий этилишига қодир бўлган ўқитувчиларнинг фаол, ташаббускор педагогик фаолиятига жамиятнинг эътиборсизлиги;

- "Зоология" фанини ўқитишнинг инновацион тизимига амалий эҳтиёж ва бундай тизимни яратиш ва фаолият кўрсатиш учун шарт-шароитлар аниқланмаган;

- ўқувчиларнинг жамоавий, гуруҳ ва индивидуал фаолиятининг мазмуни, усуллари, шакллари ва воситаларини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим, бугунги кунда уларнинг қобилиятлари, манфаатлари ва имкониятлари бўйича нафақат чуқур билимларни, балки ўқувчилар шахсини мактаб ўқув муҳитининг ресурсларидан фойдаланган ҳолда шакллантириш зарурати пайдо бўлди, бу эса ўқитувчилар томонидан ўқув фаолиятини ташкил этишга ноанъанавий, оригинал ёндашувлардан фойдаланишга қаратилган.

**Адабиётлар**


1. Андреева Н.Д. Методика обучения биологии. История становления и развития. Учеб. пос. для академ. бакалавриата. Изд. 2. -М.: Издательство Юрайт, 2018. – 166 с.
2. Богдан И.Т. Инновационные процессы в современном образовании как результат развития новой образовательной парадигмы // Фундаментальные исследования. - 2007. - № 12,- С. 480-48.
3. Вазина К. Я. Управление инновационными процессами в системе образования. (Концепция, опыт) / К. Я. Вазина, Е. Ю. Копейкина. Н. Новгород, 1999. - С. 15.
4. Ибатуллина Е.Ю. Готовность педагога к инновационной деятельности как фактор коррекции профессионального консерватизма. Дисс….канд. пед. наук. Астрахань, 2013. – 183 с.
5. Иванова Е.В. Инновационные технологии обучения биологии в современной школе Электронный журнал "Экстернат РФ" 2013.
6. Избасарова Р.Ш., Мустафаева Н. Из опыта внедрения "новых стратегий в обучении" при подготовке студентов педагогических вузов // Актуальные проблемы и результаты исследований в области биологического и экологического образования Сборник статей Международной научно-практической конференции (24-26 ноября 2015 г.). Выпуск 14. Санкт-Петербург / под ред. проф. Н.Д. Андреевой. – СПб.: Изд-во "Свое издательство", 2015. – 423 с. – С. 282-286.
7. Никишов А.И. Теория и методика обучения биологии. - М.: КолосС, 2007.-304 с.
8. Нироева Л.В. Активизация познавательной деятельности школьников // Актуальные проблемы методики преподавания биологии и экологии в школе и ВУЗе. Сборник материалов Международной научно-практической конференции, 8 – 10 ноября 2007 г. Москва – 2007. – С.89-90;
9. Сниховская И. В. Педагогическая модель управления инновационной деятельностью учреждения среднего профессионального обрзования: дисс. ... канд. пед. наук: Москва, 2011.- 161 с.
10. Кларин, М. В. Инновации в обучении: метафора и модели: Анализ зарубежного опыта / М. В.Кларин. -М. : Наука, 1997. – 222 с.
11. Кларин М. В. Инновационные модели учебного процесса в современной зарубежной педагогике : автореф. дис. .д-ра пед. наук /М. В. Кларин. -М. 1994.- 47с.
12. Лапин Н.И. Теория и практика инноватики. –М.: Логос, 2008. – 329 с.
13. Панфилова А.П. Инновационные педагогические технологии: Активное обучение Учеб. пособие для студ. Вузов. – М.: Академия, 2009.-192с.
14. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность -М.: ИЧП "Издательство Магистр", 2000. - 224 с.

https://buxdu.uz



15. Юсуфбекова Н.Р. Общие основы педагогической инноватики : Опыт разраб. теории инновац. процессов в образовании: (Метод. пособие). Пед. о-во России, Центр. совет, АПН РФ, НИИ теории и истории педагогики. - М. : ЦСПО РФ, 1991. - 91 с.

16. Андреев В.И. Педагогика высшей школы. Инновационно-прогностический курс. Учебное пособие. - Казань: Центр инновационных технологий, 2013. – 500 с.

17. Богоявленская Д. Б. Психология творческих способ-ностей. М.: Издательский центр “Академия”, 2002. - 320 с.

18. Загвязинский В. И. Педагогическое творчество учителя. М.: Педагогика, 1987. - 160 с.

19. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. -М.: Педагогика, 1990. - 144 с.

20. Закон “Об образовании” // Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Ташкент: Шарқ, 1998. – С. 20-30.

21. Национальная программа по подготовке кадров// Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. –Т.: Шарқ, 1998. -С.32-61.

https://buxdu.uz



**Мамалакат МУСТАФАЕВА**
Бухоро давлат тиббиёт институти доценти, биология фанлари номзоди

**Саида ГАФАРОВА**
Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

**Феруза ХАЛИЛОВА**
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

# “СУВЎТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ГУРУҲЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ХУСУСИЙ МЕТОДЛАР

*Мақолада олий таълим муассасаларида Ботаника фанидан айрим умумлаштирувчи мавзуларни ўқитишда кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади.*

***Таянч тушунчалар: сувўти***, галофилл, фитоэдафон, криофилл, “6 шляпа методи”, дидактик ўйинли технологиялар.

В статье рассматривается, как работать в небольших группах и командах при преподавании некоторых общих тем по ботанике в высших учебных заведениях, выражая свои убеждения, отстаивая свое мнение, предоставляя доказательства, слушая сверстников. Особенно важно, что у него есть потенциал для дальнейшего обогащения идей и поощрения наилучшего решения.

***Опорные понятия:*** водонепроницаемый, галофилл, фитофонон, криофилл, “6 методов шляпы”, дидактические игровые технологии

The article discusses how to work in small groups and teams when teaching some common topics in botany in higher education, expressing their beliefs, defending their opinions, providing evidence, listening to peers. It is particularly important that it has the potential for further enrichment of ideas and promote the best solutions.

Reference concepts: waterproof, halophile, phytophile, cryophile ,» 6 hat methods», didactic game technologies

Педагогик технологиянинг принципларидан бири - эгилувчанлик принципидир. Бу принцип педагогик технологияларнинг қўлланиш соҳаларини бирмунча кенгайтиради. У ёки бу мавзу бўйича лойиҳаланган технология ҳеч бўлмаганда фан бўлимлари чегарасида эгилувчанлик хусусиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчида кам куч ва вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташхисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштира олиш ёки қайтадан лойиҳалаш имкони мавжуд бўлади.

Олий таьлим муасасаларида Ботаника (тубан ўсимликлар систематикаси) фанининг мазмун моҳиятини ўрганиш ҳамда уни назарий ва амалий тадқиқ этиш учун 1980 йилда Эдуард Де Бононинг “Мышление 6 шляп” методи қўл келади. Олий таълимда биология таълим йўналиши учун ўқитиладиган ботаника фанининг ҳар бир фан бўлими якунлангач, талаба мавжуд жараённи 6 хил назарда баҳолай олиши ундан билим, кўникма, ижодий ёндашув ва мустақил фикрлашни тақозо этади. Шу сабабли тубан ўсимликларнинг сувўтлар бўлимини якунлагач, талабалар олдида сувўтларнинг 6 хил хусусиятини тавсифлашиши талаб этилади.

Сувўтлар сув, тупроқ, тақир ерлар ва қояларда, қор ҳамда муз тоғларида, дарахт пўстлоқларида ўсади. Сувўтларидан ниҳоятда кўп биомасса ҳосил бўлади. Сувда ҳеч нарсага бирикмасдан планктон ҳолда ўсадиган сувўтлар ҳайвонларнинг озиқланишида аҳамияти катта. Сувўтларнинг турларига қараб, сувларнинг ифлос ва тозалик даражаси аниқланади. Сувўтларнинг биомассаси 1 м$^3$ сувда 6 - 14 гр дан 34 кг гача бўлиши мумкин. Инсонлар сувўтлардан озиқ-овқат, ем-хашак сифатида, деҳқончиликда ўғит ўрнида фойдаланадилар. Сувўтларда мой кам бўлса ҳам, оқсил, углевод ва витаминлар кўп бўлади, саноат учун хомашё ҳисобланади. Кладофора яшил сувўтидан сифатли қоғоз ва картонлар тайёрланади. Кўпгина сувўтларидан йод, бром олинади. Сувўтларни қуруқ ҳайдаб, кўмир, смола, креозид, ёғоч спирти, ацетон олиш мумкин. Қўнғир сувўтларининг баъзиларидан альгин кислотаси олинади. Альгин кислотаси эса тўқимачилик ва ҳоказо саноатларида (газлама ва қоғозга ишлов беришда) шунингдек, пластмасса саноатида ишлатилади. Кремноземли сувўтлар сапропел - чиринди қолдиқларидан иборат органик лойқа (Сибирда кўп тарқалган) ҳосил бўлади. Сувўтлардан чорвачиликда озиқ-овқат сифатида ишлатилади. Уларни қуруқ ҳайдаш натижасида смола, кокс олинади. Булардан ўз навбатида бензин, керосин, оғир мой, лак, органик кислоталар, аммиак олса бўлади.

Мазкур жараённи олиб бориш учуш шляпа бўлмаса, яъни уни кийиб баҳолашнинг имкони бўлмаса, бунда ҳар бир қатордан танлаб олинган сардорлар сувўтларни 1 дан 6 гача ёзилган мос рангларни танлашади ва уларга баҳо беришади.

https://buxdu.uz



**1 жадвал. Сувўтларнинг аҳамиятини ўрганишда “Фикрлашда олти шляпа” методи (*1980, Эдуард Де Боно)***

| | |
|---|---|
|  | **Оқ шляпа -** аниқ факт, далил ва сонларга таяниб сувўтларни баҳолайди (масалан, ламинария йодга бой бўлиб, буқоқ касаллигини даволашда ишлатилади, қизил сувўтлардан агар-агар моддаси олинади, сувўтларнинг 30 мингга яқин турлари мавжуд). |
|  | **Қизил шляпа** – эшитилганларни ҳиссиёт орқали қабул қиладиган маълумотлар (1 $мм^3$ сувда 5 кунда сувўтлар сони 2 мингдан 4-5 млн гача ошади, кўк-яшил сувўтлар туфайли қор ранги қизил бўлиб, Греляндияда қизил қор ёғади, битта мм даржадаги колонияда 200 мингга яқин хужайралар мавжуд. |
|  | **Сариқ шляпа** – позитив ва оптимистик қараш, яъни сувўтлардаги барча ҳолатларни оптимистик қабул қилиб уни ёқлайди ва натижада яхши оқибатларга сабаб бўлади. Энг қизиқарлиси ҳар бир ёмон ҳолатга ҳам ижобий кўз билан қаралади (масалан, сувўтлар оммавий кўпайса сувни кислород билан бойитади, натижада тирик организмлар учун кислородли муҳит яратиб беради, балиқлар учун озуқа ҳисобланади). |
|  | **Яшил шляпа** – ижодийлик ва маҳсулдорликни таъминлайди. Келиб чиққан муаммони позитив, альтернатив ечим йўлларини топади (масалан, сувнинг иккиламчи ифлосланишининг олдини олишни таъминлашда уларни йиғиб олиб, чорва молларининг сутини кўпайтириш ёки товуқларда тухум маҳсулдорлигини ошириш мумкин). |
|  | **Қора шляпа** – бу танқид ва муаммога пессимистик қараш. Доимо унинг салбий жиҳатлари излаб топилади. Одам бу билан ўзининг салбий эмоцияларини юзага чиқариб, аргумент ва фактларга асосланиб, танқидий ёндашади (масалан, сувўтларп сувга бадбўй ҳид беради, балиқларнинг нафас олишини қийинлаштиради, кемалар юришига тўсқинлик қилади, нобуд бўлгандан кейин сувни иккиламчи ифлослантиради). |
|  | **Кўк шляпа** – муаммо ечимини масъулият билан ёндашиб, охирги натижани чиқаришда қўлланилади (сувўтларнинг хусусиятаридан келиб чиқиб, оқова сувларни тозалаш, чорвачилик, балиқчиликда кенг қўлланилади). |

Усулни қўллаш жараёнида ҳар бир шляпа чекланган вақт давомида ишлатилади, чунки режимларнинг ҳеч бири тўлиқ табиий ва доимий фикрлаш усули эмас. Олтита фикрлаш усулини танлаш асосида турли хил дастурларни яратиш мумкин.

Кетма-кетлик ҳар доим мовий шляпа билан бошланади ва тугайди, гуруҳ фикр жараёни қандай амалга оширилишини, сўнг унинг натижалари қандай баҳоланишини ва кейинги босқичда нима қилиш кераклигини келишиб олади. Шляпалардан ҳам индивидуал ҳам, ақлий ишларда ҳам, гуруҳ ишларида ҳам фойдаланиш мумкин.

**2. Тузилмавий-мантиқий чизма “Поғона”**

“Поғона» тузилмавий-мантиқий чизма органайзерини мустақил таҳлил қилишни, муаммони ифодалашни, ечиш йўлларини аниқлашни, сўнгра уни ечиш топшириғини беради.

**а.** “Поғона”ни тузиш жараёнида тизимли схеманинг таркибий қисми ва 2 хил ҳолатини силжитиш мумкин - бу у ёки бу ҳолатни қайта фикрлаш имконини беради (расм 1).

https://buxdu.uz



**б**. Агарда сиз ғояларни ишлаб чиқишда тор йўлакка кириб, қолсангиз, у ҳолда 1-2 даража юқорига қайтинг ва муҳим нарсани унутмаганингизда ҳамда бошқача нимадир қилиш мумкин эканлигини кўриб чиқинг.

**в**. Сиз чапдан ўнгга ёзишга ўргангансиз, "Каскад" қуришни чапдан ўнгга қараб тузишга ҳаракат қилинг, бунинг учун асосий ғояни ўнг тарафда эмас, балки чап тарафда жойлаштиринг.




**1-расм. "Сувўтлар экологияси ва аҳамияти" нинг иерархик блок-схемаси**

## ДИДАКТИК ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**1. "Билимлар ҳовузчаси"** : бу усулдан умумлаштирувчи дарсларда ёки ўтилган 2-3 та мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш мумкин. Ушбу усулни қўллаш учун қуйидаги кўргазмадан фойдаланамиз (2-расм), яъни катта плакатни тенг бўлиб (эни 30 см, бўйи 50 см) 5 та чўнтакча жойлаб чиқамиз, чўнтаклар 1 таси ўртада қолган 4 таси 4 томонга тенг тақсимланади. Ўртадаги чўнтакни конверт шаклида ясаб ичига 20 та карточка жойлаштирилади. Агар кўргазмани "Сувўтларнинг экологияси ва уларнинг аҳамияти" мавзусини мустаҳкамлашда қўлласангиз, 4 та чўнтакча устига 1 тасига полисапроб, 2-га альфа-мезасапроб, 3-га бета-мезасапроб, 4-га олигосапроб деб ёзилади ва ўртадаги конвертга шу мавзуларга доир сувўтларнинг лотинча номлари келтирилган ҳолда

https://buxdu.uz



жойлаштирилади ва устига “Билимлар ховузчаси” деб ёзилади (Бу усулни гуруҳлар ичида қўллаш янада қизиқарли ўтади). Кейин гуруҳдаги ўқувчиларга конвертдаги карточкаларни олиб, ҳар бирини мавзусига қараб жойлаштиришлари кераклиги айтилади. Ҳар бир чўнтак ичида 5 тадан карточка тўғри солинганлигига қараб баҳоланади.







Кўргазмани бундай номланишига сабаб, ўртадаги конверт рамзий маънода “ҳовузча” ҳисобланиб, ўқувчилар бу “ҳовуздан балиқларни турларига қараб челакларга жойлаштириши керак”- деган маънода тушунтирилади. Бунда ўқувчилар дарсга янада қизиқиш билан қарайдилар. Бу усулдан сувўтлар бобини тугатганда, чорак охирида, йил охирида мавзуларни такрорлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

**2. “Мерганлар ўйини”:** бу усулдан умумлаштирувчи дарсларда ёки кимёвий формулаларнинг номи ва ишлатилиши, аҳамияти ҳақида сўров ўтказишда ишлатилади. Ишбу усулни қўллашда қуйидагича кўргазма ясалади. Катта плакатга қуйидаги расм чизилади (2 - расм) ва бу расмдаги сувўтлар бўйича ўтилган ўтиладиган мавзуга қараб нишонга олинади. Масалан, термофитон сувўтлар тушса шу сувўти ҳақида маълумот беради. Агар нишонга отадиган ўқ бўлмаса, рақамланган кичкина қирқилган қоғозларни ёпиқ ҳолда қўйиб, номер танлаб олиниб шу сувўтлар номи айтилади ва қисқача маълумот беради.




1-термофитон сувўтлар, 2-криофилл сувўтлар, 3-фитоэдафон сувўтлар, 4-аэрофитон сувўтлар, 5-полисапроб сувўтлар, 6-мезасапроб сувўтлар, 7- олигосапроб сувўтлар, 8-галофитон сувўтлар, 9- кальцефил сувўтлар, 10- планктон сувўтлар, 11- бентос сувўтлар.

**3. ҲАРФЛАР СЎЗЛАГАНДА!**

Сувўтларга хос экологик гуруҳларини бош ҳарфидан топиб ёзинг.

https://buxdu.uz






Жавоблар: (Ф-фитоэдафон, К-кальцефил, Г-галофитон, П-психрофил, Т-термофитон, А-аэрофитон)

**4. Рақамлар сўзлаганда**. Қуйидаги сувўтларга тегишли рақамларни аниқлаб уларнинг номини ёзинг.




Жавоблар

| | |
|---|---|
| 1_________________ | 5_______________ |
| 2_________________ | 6 _______________ |
| 3_________________ | 7_______________ |
| 4_________________ | 8_______________ |

**Тўғри жавоблар:** 1) 3000- сувўт турлари сони, 2) 1500 - яшил сувўтлар сони, 3) 2000- тупроқда учрайдиган сувўтлар сони, 4) 30-35% – денгиз сувлари таркибидаги тузлар, 5) 4-16 г - 1 $мм^2$ сувўтлари сони, 6) 40-50 т - 1 га сув ҳавзасидаги сувўтлар биомассаси, 7) 30-70м - чуқурликда диатом сувўтлари оммавий ўсади, 8) 347 г - 1 л сувда натрийли тузлар миқдори.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра ўрганаётган таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан

https://buxdu.uz



энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи(педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчида мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

**Адабиётлар**

**1.** Мустафаева М.И. “Сувўтлар экологияси, уларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги роли” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялар ўрни. БЛИ. –Т.: 2016, 72 бет.

2. Мустафаева М.И. Биоиндикаторность - изучения степени загрязнения вод при помощи альгофлоры прудов. Национальная ассоциация ученых(НАУ). Ежемесячный научный журнал. № 4(20). 2016. С.102-104.

3. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таьлими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таьлимни ташкил этиш. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006. - Б. 23-35.

4. Сайидахмедов Н. “Янги педагогик технология принциплари”, “Маьориф” газетаси № 85, 1995 йил, 27 октябр, -Б. 1-3.

5. Йўлдошев Ж.Г. “Янги педагогик технологиялар” (йўналишлари, муаммолари, ечимлари) – “Бошланғич таьлим”, 1999 йил, № 6, 2-5 бетлар.

6. Қосимов, А.Х.Холиқова Ф. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар. – Т.: ТАТУ 2004 йил. -Б. 112

7. Голиш Л.В. Замонавий таьлим технологиялари: мазмун, лойиҳалашти риш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма - Т.: ТАСИС, 2001 йил. -Б. 59.

8. de Bono, Edward (1985). Six Thinking Hats: An Essential Approach to Business Management. Little, Brown, & Company. ISBN 0-316-17791-1 (hardback) and 0316178314 (paperback).

9. Kamal S. Birdi, No idea? Evaluating the effectiveness of creativity training, Journal of European Industrial Training, Vol. 29 No. 2, 2005, pp. 102–111, Emerald Group Publishing Limited

10. Edward De Bono 1971. Lateral Thinking for Management: A Handbook Of Creativity. American Management Association, New York. pp. 116

https://buxdu.uz



**Шароф РАХИМОВ**
Кандидат физических-математичиеских наук,
доцент. заведующие кафедры. “Энергоснабжение
сельского и водного хозяйства” Бухарском филиале
Ташкентского института инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства

**Шокир УМЕДОВ**
Ассистент кафедры “Математики и естественных наук”
Бухарском филиале Ташкентского института инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства

# ОСОБЕННОСТИ СПЕКТРОВ ЛЮМИНЕСЦЕНЦИИ И МАГНИТНОЙ ЦИРКУЛЯРНОЙ ПОЛЯРИЗАЦИИ ЛЮМИНЕСЦЕНЦИИ РЕДКОЗЕМЕЛЬНОГО ИОНА ТВ$^{3+}$ В ТВ$_3$GA$_5$0$_{12}$

*Экспериментально исследованы спектры магнитной циркуляр-ной поляризации люминесценции в полосе люминесценции $^5D_4 \to {}^7F_5$ в тербий-галлиевом гранате $Tb_3Ga_5O_{12}$ и проведено детальное сопоставление эксперимен-тальных данных о поведении в магнитных полях циркулярно-поляризованных спек-тров люминесценции (МЦПЛ) с оптическими спектрами при температуре Т = 80 К.*

***Ключевые слова:*** *спектр, поглошения, некрамерсовских, квазидублет, дублет, анизотропия, мультиплет.*

*The spectra of magnetic circular polarization of luminescence in the $^5D_4 \to {}^7F_5$ luminescence band in terbium-gallium garnet $Tb_3Ga_5O_{12}$ were experimentally studied and a detailed comparison of experimental data on the behavior of circularly polarized luminescence spectra (MCPL) in magnetic fields was made with optical spectra at a temperature T = 80 K.*

***Key words:*** *spectrum, absorption, non-Kramers, quasi-doublet, doublet, anisotropy, multiplet.*

*Тербий-галлий $Tb_3Ga_5O_{12}$ гаранатида $^5D_4 \to {}^7F_5$ люминесценция полосасида магнит циркуляр қутбланиш люминесценцияси спектрлари экспере-ментал ўрганилган ва люминесценциянининг (МЦПЛнинг) циркуляр - қутбланган спектрлари магнит майдонида ўзгариши ҳақидаги экспериментал маълумотлар билан оптик спектрлар орасида аниқ таққослашлар , Т=80 К температурада амалга оширилган.*

***Калит сўзлар:*** *спектр, ютилиш, нокрамерс, квазидублет, дублет, анизотропия, мультиплет.*

В настоящее время предполагается, что химически устойчивые, механически прочные и оптически однородные монокристаллы тербиевых галлатов-гранатов $Tb_3Ga_5O_{12}$ (TbGaG) могут быть применены для создания функциональных оптоэлектронных устройств (оптических изоляторов и модуляторов [1], высокоэффективных лазерных матриц [2], рабочих элементов устройств интегральной оптики, акустооптики и т.д.) в силу больших величин магнитооптических эффектов и малого оптического поглощения [3]. Однако их широкому практическому использованию препятствует недостаточный объем информации об особенностях основных механизмов процессов излучения в TbGaG для той или иной области оптического диапазона.

Особенно это касается того, что сведения о спектроскопических свойствах и характеристиках люминесценции РЗ иона $Tb^{3+}$ в кристаллической матрице граната, определяемых особенностями штарковского расщепления энергетического спектра и характером симметрии волновых функций возбужденных электронных состояний данного иона в галлате-гранате, в настоящее время имеют весьма ограниченный характер. В принципе подобную информацию возможно получить из чисто оптических исследований [4], но ее интерпретация сопряжена с определенными трудностями. Одной из них является несоответствие количества линий, наблюдаемых обычно в спектрах поглощения и люминесценции некрамерсовского (с четным числом электронов в незаполненной 4/-оболочке) РЗ иона $Tb^{3+}$ в структуре граната, а также распределения интенсивностей между линиями с теоретиче-скими предсказаниями [5]. Это обусловлено, с одной стороны, особенностями штарковского рас-щепления энергетических состояний иона $Tb^3$+, при котором низкосимметричное кристаллическое поле (КП) окружения РЗ иона формирует так называемые “квазидублеты” (энергетическая “щель” ~1 см$^{-1}$ [6, 7]), непосредственно неразрешаемые в оптических экспериментах. С другой -сложное поведение наблюдаемых оптических спектров может быть вызвано эффектом наложения оптических переходов, происходящих в РЗ ионах, занимающих различные кристаллографически неэквивалентные позиции (симметрии $D_2$), различающиеся ориентацией локальных осей симметрии [5-7] в кубической структуре граната.

https://buxdu.uz



В этой связи изучение магнитооптических спектров TbGaG методами магнитооптической дифференциальной спектроскопии [8, 9], позволяющими определять симметрию и характер штарковского расщепления возбужденных электронных 4/-состояний магнитоактивных ионов, находящихся в различных кристаллографически неэквивалентных позициях структуры граната, представляет значительный интерес как с фундаментальной, так и с практической точек зрения. Поэтому целью данной работы является изучение спектров люминесценции и магнитной циркулярной поляризации люминесценции (МЦПЛ) РЗ иона $Tb^{3}+$ в монокристаллах тербий-галлиевого граната полученных спектров.

В работе использовались монокристаллы тербий-галлиевого граната TbGaG, выращенные из раствора-расплава и рентгенографически ориентированные в кристаллографических плоскостях типа [011] и [ill]. Спектры люминесценции и степени МЦПЛ TbGaG измерялись на излучательном переходе 4f —- 4f $^5D_4$ —► $^7F_5$ в спектральном интервале 540-549 нм (18220-18550 $см^{-1}$) с разрешением ~2.0 $см^{-1}$ в области ~18400 $см^{-1}$ при $T$ = 80 и 300 К. Дифференциальные магнитооптические спектры исследовались при ориентации внешнего магнитного поля $H$ = 5-7 кЭ параллельно осям [011] и [111] кристалла граната. Регистрация спектров степени МЦПЛ осуществлялась методом модуляции поляризации света с помощью фотоупругого модулятора [9, 10]. Относительные погрешности измеряемых величин (коэффициентов поглощения а, интенсивностей люминесценции и степеней циркулярной поляризации света) во всех экспериментах не превышали ~2-3%.

В исследованном нами монокристалле тербий-галлиевого граната люминесценция, наблюдаемая практически на всех излучательных переходах $^5D_4$ —► $^1F_J$ (где $J$ = 6, 5, ..., 1, 0), оказывается наиболее интенсивной в полосе излучения, обусловленной излучательным переходом $^5D_4$ —► $^7F_5$. При понижении температуры образца от 300 до 80 К яркость люминесценции в данной полосе возрастает в несколько раз при одновременном сужении линий излучения. Спектр люминесценции, обусловленный излучательным переходом $^5D_4$ —► $^7F_5$ в TbGaG и записанный в отсутствие внешнего поля при $T$ = 80 К, приведен в нижней части рис. 2. Сопоставление интенсивностей наблюдаемых, хорошо разрешенных линий в полосе люминесценции $^5D_4$ —► $^7F_5$ при $T$ = 80 К с аналогичными данными, полученными при $T$ = 300 К, показывает, что наиболее интенсивные линии люминесценции 7, 8, *10* и 11, по-видимому, происходят из основного состояния мультиплета $^5D_4$. В то же время более слабые линии излучения 1-3 и т.д. обусловлены излучательными переходами с возбужденных подуровней мультиплета $^5D_4$ на штарковские подуровни мультиплета $^7F_5$.

Спектр степени МЦПЛ тербий-галлиевого граната, записанный при $T$ = 80 К на излучательном переходе $^5D_4$ —► $^7F_5$, показан в верхней части рис. 2. Сопоставление спектров степени МЦПЛ и люминесценции (флуоресценции) показывает, что несмотря на сложную структуру наблюдаемого спектра степени МЦПЛ, на некоторых линиях вторичного свечения дисперсия степени МЦПЛ может быть объяснена достаточно простым образом. Например, на линиях люминесценции 9,*13-16* спектральные зависимости степени МЦПЛ могут быть аппроксимированы на- клонными линейными зависимостями в пределах линии излучения (со сменой знака эффекта в ее центре). В отличие от них на близкорасположенных линиях излучения 7, *8* экстремумы спектральной зависимости МЦПЛ совпадают с максимумами данных линий, причем при понижении.

Температуры до $T$ = 80 К степень МЦПЛ достигает значения ~20% на линии *8* во внешнем поле $H$ = 7 кЭ. При этом величина степени МЦПЛ, измеренная на других линиях люминесценции, либо оказывается существенно меньшей (линии 2,*3,5, 9* и 75), либо наблюдаемый эффект имеет сложный спектральный ход (линии *13,14,17,18).*

В выполненном исследовании проведено детальное сопоставление экспериментальных данных о поведении в магнитных полях циркулярно-поляризованных спектров люминесценции (МЦПЛ) с оптическими спектрами при температуре $T$ = 80 К.

https://buxdu.uz






**Рис. 2.** В верхней части рисунка приводится спектр степени МЦПЛ, записанный в полосе излучения $^5D_4 \to {}^7F_5$ в TbGaG при $T = 80$ K во внешнем магнитном поле $H = 7$ кЭ, параллельном кристаллографическому направлению [111] кристалла. В нижней части рисунка дан спектр соответствующей полосы люминесценции. Характерные особенности полос люминесценции и МЦПЛ обозначены пронумерованными вертикальными стрелками.

## Литературы


1. *Zvezdin A.K., Kotov A.V.* Modern Magneto-optics and Magnetooptical Materials. Bristol and Phyladelphia: IOP Publishing, 1997. 386 p.
2. *Kaminskii A.A., Eichler H.J., Reiche P., Uecker R.* // Las. Phys. Lett. 2005. V. 2. № 10. P. 489-492.
3. *Mukimov K.M., Sokolov B.Yu., Valiev U.V.* // Phys. Stat. Sol. (a). 1990. V. 119. P. 307-315.
4. *Joshi B.D, PageA.G.* // J. Luminesc. 1977. V. 15. P. 2934.
5. *Kambara T., Haas W.J., Spedding F.H., Good R.H.* // J. Chem. Phys. 1973. V. 58. № 2. P. 672-686.
6. *Плисе В.Н., Попов АМ.* // ФТТ. 2004. Т. 46. № 12. С. 2155-2157.
7. *Колмакова Н.П., Копцик СВ., Кринчик Г.С, Орлов ВН., Саранцев А.Я.* // ФТТ. 1990. Т. 332. В. 5. С. 1406-1411.
8. *Stephens P.J.* // Advan. Chem. Phys. 1976. V. 35. P. 197-264.
9. *Richardson F.S., Riehl J.P.* // Chem. Rev. 1977. V. 77. № 6. P. 773-792.
10. *Badoz J., Billardon M., Canit J.C., Russel J.* // J. Opt. (Paris). 1977. V. 8. № 6. P. 373-384.
11. *Bayerer R., Heber J., Mateika D.* // Z. Phys. B. 1986. V. 64. P. 201-210.
12. *Запасский В.С., Феофилов П.П.* // УФН. 1975. Т. 116. В. 1. С. 41-78.
13. *Valiev U.V., Gruber J.B., Zandi B., Rustamov U.R., Ra-khmatov A.S., Dzhuraev D.R., Narzullaev N.M.* // Phys. Stat. Sol. (b). 2005. V. 242. P. 933-946.
14. *Gruber J.B., Zandi B., Valiev U.V., Rakhimov Sh.A.* // Phys. Rev. B. 2004. V. 69. P. 115103-1-9.

https://buxdu.uz



**Акбар ШЕРНАЕВ**
Тошкент вилояти Чирчиқдавлат педагогика институти география кафедраси ўқитувчиси

**Ойбек АБДИМУРАТОВ**
Урокоап география кафедраси ўқитувчичси

**Азиза ОЛИМОВА**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти география кафедраси магистранти

## ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ХАРИТАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ

*Мақолада география дарсларида хариталарнинг ўрни, харита билан ишлашнинг педагогик шарт-шароитлари ва тизимлари ёритилган. Шунингдек, 5-9 синфларда хариталар билан ишлашнинг эътиборли томонлари ҳақида фикр юритилган.*

***Таянч сўзлар:** география, харита, педагогика, методика, билим, кўникма, талака, ўқув машғулоти.*

*В статье описывается роль карт на уроках географии, педагогические условия и системы работы с картами. А также описаны важные аспекты работы с картами в 5-9 классах.*

***Ключевые слова:** география, карта, педагогика, методология, знания, умения, студент, учеба.*

*The article describes the role of maps in geography lessons, the pedagogical conditions and systems of working with maps. And also, it described the important aspects of working with maps in 5-9 classes.*

***Key words:** geography, map, pedagogy, methodology, knowledge, skills, student, study.*

**Кириш.** Бугунги кунда юртимизда таълим ислоҳатларидан кўзланган асосий мақсад юксак билимли баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Ушбу мақсадни амалга оширишда умумтаълим мактабларида ўқитиладиган кўплаб фанлар қатори география фани ҳам муҳим аҳамият касб этади. География дарсларини самарали ташкил этиш учун эса ўқув жараёнида картографик манбалар ва технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Географик хариталар география таълимининг барча бочқичларида азалдан қўлланиб келинади. Географик хариталардан ўқитишнинг барча шаклларида, яъни дарс бериш, амалий ишлар, мустақил ишлар, билимларни баҳолаш, ўқувчиларда кўникма, малака ҳосил қилишда фойдаланиш имконияти юқори.

**Асосий қисм.** Умумтаълим мактабларининг география дарсларда хариталардан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш учун ҳар бир синфлари учун алоҳида картографик технологиялардан фойдаланиш методикаси тўғри амалга оширилиши лозим. Узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичларида, яъни умумтаълим мактабларининг 5-синф “Табиий география бошланғич курси”да содда картографик тушунчалар билан таништириш ва улар тўғрисида ўқувчиларда тасаввурлар ҳосил қилиш зарур. Бунда, харита, миқиёс (масштаб), шартли белгилар, географик координаталар ҳақида тушунчалар, кўникма ва малакалар шакллантирилади. Агар ўқувчиларда ушбу тушунчалар, кўникма ва малакаларни тўғри шакллантирилсагина улар юқори синфларда хариталардан тўғри ва оқилона фойдалана олишади.

6-синф “Материклар ва океанлар табиий географияси” курсини ўқишда дастлабки олган картографик билимлар кейинги картографик тушунчалар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу курсда хариталар билан биргаликда атлас ва глобусларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари хақида билимлар берилади [1].

Ушбу курсдан олинган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш мақсадида 7-синф “Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси” курсида бу картографик материаллар чуқурроқ ўрганилади ва хариталардан янада кўпроқ маълумотлар олиш, улар билан боғлиқ масалалар ечиш имконияти яратилади. Ушбу курсда ўқувчилар картографик андозаларнинг турларини ўрганиш давомида географик хариталардаги хатоликлар ва уларнинг масштабини тушуна бошлашади, хатоликларнинг қандай содир бўлишини ўқувчилар тушуниши учун глобусдаги ва маълум бир харитадаги борлиқнинг ўлчами солиштирилади. Масалан, Чукотка ярим ороли ёки Гренландия оролини глобусда ва харитадаги тасвирини солиштиради. Уларнинг тасвири харитада глобусдагига кўра каттароқ тасвирланган, ана шу фарқларнинг асосий сабаби хариталардаги хатоликлар эканлиги тушунтирилади. Шунингдек, глобус Ернинг кичрайтирилган модели бўлиб, унда географик борлиқ хатосиз тасвирланади, харита эса глобуснинг текисликда воқеа-ҳодисаларнинг тасвирланиши натижасида ҳосил бўлгани учун унинг чекка қисмларида, яъни қутбларга борган сари хатоликлар кўпроқ учраши тушунтирилади.

Хариталарнинг даража тўри, мередианлар ва паралеллари ўрганилиб бўлингандан сўнг, ўқувчилар географик координаталар билан машқ қилишади. Бунинг натижасида улар ўрганиши лозим бўлган ҳар қандай нуқтанинг географик ўрнини топиш ва даража тўрининг аҳамиятини англайди, шунингдек, улар даража тўри мередиан ва параллеларга қараб йўналиши ҳамда масофасини аниқлашни ўрганади. Масалан, ўқувчилар ўзи яшайдиган шаҳрини ёки туман марказнинг

https://buxdu.uz



координаталарини аниқлаш, Ўзбекистоннинг чекка нуқталари, энг баланд ва энг паст жойларининг координаталарини аниқлаш каби мисоллар билан мавзуларни мустаҳкамлашда фойдаланилади [2].

Харита масштаби билан ишлаганда ўқувчилар географик борлиқнинг кичрайтирилган ёки катталаштирган даражалари билан танишиши, бунинг учун аввал йирик, ўрта ва майда масштаблар ҳақида тушунчаларга эга бўлиши талаб қилинади. Шундан сўнг ҳар хил географик борлиқни, масалан Каспий денгизининг кенглиги ва узунлигини аниқлашлари мумкин. Бундан ташқари даража тўридан фойдаланиб ҳам масофани ўлчашни ўқувчилар ўрганиши шарт. Бунинг учун $1^{o}$ меридиан ёйнинг узунлигини билиш кифоя. Меридиан бўйича $1^{o}$ ёйнинг ўртача узунлиги 111 км. Агар икки нуқта орасидаги масофа $10^{o}$ бўлса, у қуйидагича ифодаланади: 10х111=1110км.

Умуман, картографик материаллар билан ишлаш уларни ўқиш ва тегишли хулосалар чиқаришдан иборат. Агар ўқувчилар юқоридаги билим, кўникма ва малакаларни эгалласа ушбу маъсулиятли вазифаларни ўзлари мустақил равишда амалга оширади. Бунда ўқувчилар карта ва атласларни ўрганиш орқали бирор материк ёки бирор табиий географик ўлкага географик диктант ёзишлари мумкин [3]. Масалан, географик объектнинг ўрни, табиий шароити, релъефи, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари, иқлими, тупроқ ва ўсимликлар қоплами, ҳайвонот дунёси ва ўлкамиз тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштира олади.

Ўқувчилар қуйи синфларда олган табиий географик ва картографик билимларга таянган ҳолда юқори синфларда қўлланиладиган картографик материаллардан фойдаланади. Картографик материаллардан 8-синф "Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси" курсида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий географик ўрни ҳамда маъмурий бирликлари, чегарадош ҳудудлари, саноат марказлари ва йирик шаҳарлар ҳамда халқ хўжалиги тармоқларининг минтақалар бўйича тарқалиш хусусиятлари каби маълумотларни ўрганишади. Буларни ўрганиш орқали ўқувчилар табиий географик, иқтисодий географик шартли белгилар (транспорт йўллари, аэропортлар, саноат тармоқлари, диаграммалар ва ҳ.к) билан ҳам танишиб борадилар.

9-синф "Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси" курсида фойдаланиладиган картографик материалларда ҳам иқтисодий-ижтимоий воқеа ва ҳодисалар тасвирланади. Натижада, ўқувчилар қуйи синфларда олган картографик билим, кўникма ва малакаларини ушбу курсда янада чуқурлаштиради ва ривожлантиради. Масалан, бунда картографик материаллар кўпроқ жаҳон сиёсий харитасини ўрганишда давлатларнинг жойлашиши ва майдонини аниклашда, денгиз ва қуруқликдаги йўлларнинг йўналиши ва узунлигини аниқлашда, йирик иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган географик объектларни аниқлашда ишлатилади [4].

Харита – география дарсларида билим олишнинг асосий манбаидир. Шундай экан ҳар бир ўқувчи харитани ўқий олиши лозим. Агар ўқувчи харитага қараб ўрганилмаган денгиз ёки дарё ҳақида гапира олса, тоғларнинг баландлиги ва йўналишини аниқлай олса, маълум бир жойнинг ер юзасини ёки иқлимини таърифлай олса, бундай ўқувчини харитани билади, дейиш мумкин [5]. Харитадан тўғри фойдалана олишни ўрганиш учун география ўқитувчиси ўқувчиларни ҳар қайси янги харита билан қуйидагича таништириб бориши лозим:

- хаританинг тури, ундан қандай мақсадда фойдаланиш ва унинг шартли белгиларини тушунтириши;
- ўқувчилар эътиборини харита масштабига жалб этиши;
- харитадаги жойни кўз билан чамалаб ўлчай олишлари учун "ўлчов" сифатида хизмат қиладиган "мўлжал"ларни кўрсатиб ўтиши (масалан, Каспий денгизи бўйи 1200 км. Майдони 376 минг км.кв.);
- харита проекциясининг хусусиятини кўрсатиб ўтиши лозим.

Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини градус тўрининг ҳолати, меридиан ва параллелларининг қандай ўтказилганлигига, кенглик ва узунликни белгиланган ўрнига, экватор, бош меридиан, қутбий ва тропик доираларга жалб қилиши лозим.

География ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларга харитани тушуниш ва ўқий олишни ўргатишдир. Харитани билишнинг маъноси шуки, ўқувчилар ундаги шартли белгиларга тушунишлари ва шу шартли белгилар орқали кўрсатилган предмет ва ҳодисаларнинг образларини кўз олдиларига келтира олишлари, харитага қараганларида улар онгида дарёлар, тоғ тизмалари ва музликларнинг манзаралари ҳосил бўлиши керак. Харитани билиш учун жойда ориентирлаш, горизонт томонлари йўналишларини қоғозда тасвирлаш, масштаб билан ишлаш, жой режасини ўқиш ва чизишни билиш керак. Ундан кейин эса ўқувчилар глобус ва хариталарда географик кенглик ва узунликларни аниқлаш, турли мазмундаги (табиий, иқлим, тупроқ, ўсимлик, аҳоли ва бошқа) хариталарни ўқишни, хаританинг асосий афзал ва камчилик томонларини аниқлашни билиши лозим.

https://buxdu.uz



Шу билан бирга, ўқувчилар харитани шарҳлашга ҳамда ўзаро алоқа ва муносабатларни очиб беришга ҳамда харитада бевосита кўрсатилмаган нарсаларни ҳам айтиб бера олишга ўрганадилар.

Харитани ўқиш кўникмаси географиянинг барча курслари давомида географик материалларни ўрганиш билан бирга шаклланади. Харитани махсус машқлар ёрдамида ҳам, географик материални ўрганиш жараёнида ҳам ўқишга ўргатиб борилади. Харитани ўқишдан аввал харитани тушуниш керак. Харитани тушуниш учун эса хаританинг шартли белгиларни билиш зарур. Аммо ўқувчига харита шартли белгилар ўргатилсаю, харитани ўқишга оид машқлар ўтказилмаса, у самарали натижа бермайди. Ўқувчилар жойдаги предметларни тахминан тасаввур қила олишлари керак. Агар ўқувчилар кўз билан чамалай олса ва уни тушуниб етган бўлсаларгина топографик хаританинг шартли белгиларини, қолаверса, бошқа географик хариталарни яхши тасаввур қила оладилар.

Харитани ўқий олиш соддадан мураккабга томон олиб борилади. 6-синф ўқувчилари оддий саволларга жавоб беришлари мумкин. Масалан, Евросиёда рельефнинг қандай шакллари учрайди, деган саволга, ўқувчилар харитага қараб, Евросиёдаги муҳим тоғ ва текисликларни кўрсатиб бериш билан кифояланадилар. Бундай иш 7-синфда анча мураккаблаша боради. Харитани ўқиш мураккаблашган сайин ўқувчиларнинг билими ҳам чуқурлашиб боради. Масалан, Ўрта Осиё ер юзасини қандай тасвирлаш мумкин? Ўзбекистоннинг шарқида рельефнинг қандай шаклини кўриш мумкин? Помирдан шимол ва шарқда қандай тоғ тизмалари жойлашган? Помирдан шарқда у билан деярли бир кенгликда қандай тоғ жойлашган, унинг номи нима? Тяньшан тоғлари қайси йўналишда жойлашган ва унинг узунлигини аниқланг ва ҳ.к.

Ўқувчилар кейинчалик харитада берилмаган айрим маълумотларни ҳам билиб олишга интиладилар. Харитани ўқиш асосида тегишли хулоса ва якунлар чиқара олишлари учун ўқувчиларга бериладиган саволлар назарий билимларга асосланувчи, ҳодиса сабабларини аниқловчи саволлар бўлиши керак. Масалан: Ҳимолай тоғларининг жанубида ёғин нима учун жуда кўп-у, шимолида кам? Қорақум билан Қизилқумнинг чўл бўлишига сабаб нима? Ўқувчиларнииг харитадан оладиган билимлари маълум бир тартиб, режа асосида (масалан, жойнинг географик ўрни қуйидаги тартибда: жойнинг номи, у жойлашган материк, унинг географик кенглиги ва узунлиги, денгиз ва қуруқликдаги чегаралари, географик ўрнининг қулай ва ноқулайлиги) бўлиши керак.

Харитани ўқиш кўникмаларини такомиллаштиришда харита бўйлаб “саёҳат”нинг аҳамияти катта. Харитада қилинадиган “саёҳат” билан ўқувчилар харитани жонлантирадилар, харитадаги объектларни ўзлари ўша жойларда бўлгандек ҳикоя қилиб берадилар. Евросиё мавзусига оид бир неча “саёҳат” маршрутларини кўриб чиқайлик.

1-маршрут. Лондондан Евросиёнинг жанубий қирғоқлари бўйлаб кемада Токиогача саёҳат.

2-маршрут. Париж – Тошкент – Пекин (автомашинада) – Калькутта (поездда) – Жакарта (кемада) саёҳати.

Бу саёҳатларда ўқувчилар Евросиёнинг турли мазмундаги хариталари ва расмлардан фойдаланадилар. Биринчи маршрутда ўқувчилар кандай океан, денгиз, бўғоз орқали, қайси яриморол ва ороллар ёнидан ўтганликлари ҳақида денгизларнинг музлаш ёки музламаслик сабаблари ҳақида сўзлаб берадилар. Иккинчи маршрутларда йўлда учраган ҳар бир жойнинг ер юзаси, текислик ва тоғлар, денгизлар, иқлимнинг ўзига хос хусусияти, дарё ва уларнинг хусусияти, ўсимлиги ва ҳайвонот олами, аҳолиси ҳақида, шунингдек, саёҳат учун қулай вақт ва йўлда учрайдиган қийинчиликлар ҳақида гапириб берадилар. “Саёҳат” вақтида ҳар бир жойнинг табиий шароитини ўз ўлкасининг табиий шароити билан таққослаб борадилар. Харита бўйлаб қилинган саёҳат ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш мақсадида ташкил этилиши мумкин.

Ўқувчилар онгида географик тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишда таққослаш усули катта аҳамият касб этади. Турли мазмундаги хариталарни таққослаш билан ўқувчилар бирон жойнинг географик хусусиятини аниқлайдилар, табиатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тегишли хулосалар чиқарадилар ва бир-бирига боғлиқ бўлган оддий географик қонуниятларни аниқлайдилар. Хариталарнинг бир-бирига солиштириш усули ўқувчиларнинг хариталарни қунт билан ўқишларига, улардан кўпрок маълумот олишларига ёрдам беради.

**Хулоса.** Харита география ўрганадиган барча предмет ва ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилади, хариталар географик маълумотларни тез, аниқ ва лўнда қилиб ҳикоя қилишда география дарсликларига тенглаштирилади. География соҳасида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқотлар ҳам хариталар билан боғлиқ равишда бажарилади. Турли мазмундаги хариталарни ёки бир харитада икки жойни таққослаш муайян бир тартиб билан олиб борилсагина ўқув жараёни самардорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, география дарсларини тўғри ташкил этишда, географик хариталардан самарали фойдаланиш география фани ўқитувчисининг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига ҳам боғлиқ. География

https://buxdu.uz



дарсларида хариталардан фойдаланиш дарсларни кўргазмали ташкил этишга, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтиришга, дарс самарадорлигини оширишга ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга улкан ҳисса қўшади.

## Адабиётлар

1. Kartel L.N. Tabiiy geografiyadan didaktik materiallar. – Toshkent: “O‘qituvchi”, 1991.
2. Баҳромов Қ. География ўқитиш методикаси. – Бухоро: 2007.
3. Вахобов Ҳ. География таьлими методикаси. – Тошкент: 2007.
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Қурбонниёзов Р. География ўқитиш методикаси. – Урганч: 2001.

https://buxdu.uz



**Жўра ШУКУРОВ**
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
миллий қўшиқчилик кафедраси
профессори, Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби

## “БУХОРО ШАШМАҚОМИ ТАРИХИДАН…” ТАЗКИРАСИ ХУСУСИДА

*Мусиқашунос олим, Бухоро давлат педагогтка университети профессори, Педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси аъзоси, Республика халқ таълими аълочиси, устоз Файзулла Тўраевнинг 80 йилликларига бағишланади.*

*Ушбу мақола умумжаҳон халқларининг номоддий маънавий мулкига айланган Шашмақомнинг XX асрга етиб келишида замон ва маконнинг таъсири, шунингдек миллий давлатчилигимиз раҳнамоларининг созпарварлиги, уларнинг санъат ва санъаткорларга бўлган диққат-эътибори ишонарли далиллар асосида ёрқин ифодаланганлиги ҳақида фикр юритилган.*
***Калит сўзлар:*** *Шашмақом, бастакор, Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ, рикобий, гоҳ.*
*В данной статье рассматривается влияние времени и пространства на приход в XX веке Шашмакома, ставшего нематериальным духовным достоянием народов мира, а также красноречие лидеров нашей национальной государственности, их внимание к искусству и художникам.*
***Ключевые слова:*** *Шашмаком, мелодист, Дугох, Сегох, Чоргох, Панжгох (части Шашмакома), дворцовый, гат.*
*This article describes the ways in which shashmak, which is a universal intangible cultural heritage, has come down to our time, as well as how our national state government supported the time of professional musicians.*
***Keywords:*** *Shashmaqom, melodist, Dugoh, Segah, Chargah, Panggah (part shasmaqom), the Palace, gat.*

Бухоро давлат педагогика университети мусиқа кафедраси профессори, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, Республика халқ таълими аълочиси Файзулла Тўраев университитетдаги ярим асрлик педагогик ва илмий фаолияти давомида Республика халқ таълими ва маданият муассасалари учун мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда, ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришга ҳам ўзининг беназир ҳиссасини қўшиб, маълум ишларни амалга ошириб келаётган олимдир. Унинг илмий ва усулий ишлари асосан санъатшунослик ҳамда мусиқа таълимоти муаммоларига бағишланган бўлиб, Бухоро мусиқа фольклори тадқиқотига ва Шашмақоми тарихига оид 7 та монография, 4 та услубий қўлланма 200 га яқин илмий, илмий-услубий, тарихий-публицистик ва педагогик мақолалар муаллифидир. Айни чоғда Бухоро мусиқа фольклорини тўплаш, регионал ўрганиш, бу соҳада фаолият олиб борган ижрочиларни жамлаган “Бухоро муғаннийлари” номли икки жилддан иборат (– Т.: Фан нашриёти, 1-жилд, 2008 йил; – Т.: Фан нашриёти, 2-жилд, 2018 йил) автобиографик тўпламлардан ташкил топган.

Жумладан, олимнинг Бухоро Шашмақоми тарихига бағишланган китоби (– Т.: “Мусиқа” нашриёти, 2011 йил) эса замонлар тўфони ва бўронларидан бизнинг давримизгача эсон-омон етиб келган миллий мусиқамизнинг гултожи саналмиш Бухоро Шашмақомининг тарихий-тадрижий тақдири ҳақида битилган битиклардан иборат китобдир. Мазкур китоб ўзининг тарихий фактларга ниҳоятда бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг мақомдон устозлар ҳаётидан келтирган материаллари янги ташбеҳлар ва илмийликка ниҳоятда бой эканлиги мамлакатимиз мутахассислари томонидан турли оммавий воситаларда эътироф этилмоқда.

Маълумки, мумтоз мусиқа асослари, хусусан, Шашмақом шўъбалари оддий халқ яратган фолклор асарларидан фарқли ўлароқ турли шоҳларнинг саройларида ижро этилган.

“Бухоро Шашмақоми тарихидан...” – китоби асосан икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Шашмақомнинг илк манбаалари ва яратилиши тарихига бағишланади. Бунда, бугунги кунда умумжаҳон халқларининг номоддий маънавий мулкига айланган Шашмақомнинг XX асрга етиб келишида замон ва маконнинг таъсири, шунингдек, миллий давлатчилигимиз раҳнамоларининг созпарварлиги, уларнинг санъат ва санъаткорларга бўлган диққат-эътибори ишонарли далиллар

https://buxdu.uz



асосида ёрқин ифодалангандир. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Мақом” хусусидаги фармони бунинг яққол мисолидир.

Муаллиф Шашмақомнинг илк мактаби сифатида “Авесто” гоҳлари билан боғлашга ҳаракат қилган. “Авесто” шеърий тўлқинларидаги “гоҳлар” балки мажозий маънода Шашмақомдаги “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ” ва “Панжгоҳ”лар билан боғланганмикин деган - тахминий фикрни илгари суради. Албатта, бу илмий асосда исбот талаб қиладиган фикрлардир.

Шунингдек, Шашмақомнинг туркумлар тарзида яратилганлигига илк манбаалардан бири сифатида Шоҳ Парвез саройида кўп йиллар мусиқа бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатган буюк чолғучи, хонанда ва шоир Борбад яратган асарлари асос бўлганлиги ҳам тахмин қилинади. Мовароуннаҳрдан чиққан, нафақат, Мовароуннаҳр, балки хуросонликларнинг ҳам мусиқасини мукаммал ўрганган Борбад кейинчалик Эрон мусиқасининг ҳам ижрочиларидан бўлиб, бутун дунёга шуҳрат-донғи кетган сермаҳсул ижодкор бўлган. Унинг асарлари халқ байрамлари ва сайилларида “Наврўз” тантаналарида доимо янграб келган. Уни йилнинг ҳар бир кунига атаб ёзган “Зеб” қўшиқлари мусиқачилар орасида кенг тарқалиб, машҳур бўлган. Ҳатто аскарлар ҳам Борбад қўшиқларини куйлаб жангга кирганлари тарихдан бизларга маълумдир.

Унинг бир неча қисмлик қўшиқларини ўзида мужассамлаштирган туркум асарлари айнан шу Шашмақом шаклида яратилган. Бу қисмларнинг айримлари Эронда, айримлари Хуросонда ва айримлари эса Мовароуннаҳрда ҳам севиб куйланган. Улардан айримлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Маълумки, халқ томонидан яратилган қўшиқларига нисбатан мақом асарлари ўзининг мумтоз шеърият асосида яратилганлиги билан фарқ қилади. Оддий меҳнаткаш халқнинг бундай асарларни яратишга имкониятлари бўлмаган, яъни бунинг учун катта истеъдод ва имконият бўлишидан ташқари, алоҳида шароит ҳам талаб қилинган. Бундай шароит эса фақат шу даврдаги шоҳларнинг саройларида юзага келтирилган. Хусусан, Бухоро тахтига ўтирган Манғитлар сулоласининг кейинги авлодларидан бўлмиш Амир Сайид Олимхонлар даврида Шашмақом усталарининг нуфузи анчагина юксак бўлган. Шу даврдаги шоир, бастакор, созанда ва хонандаларнинг ҳурматга сазовор эканлигига уларни рикобийлар, яъни шоҳга яқин тегишли кишилар деб аташган.

Муаллиф рикобийлар ва уларга яратилган шароитлар ҳақида ҳамда уларнинг шашмақомнинг яратилишидаги муҳим ўрни ҳақида батафсил фикрлар билдиради ва бугунги кунда ўта зарур бўлган анчагина маълумотларни тақдим этади.

Моҳир созанда, устоз-мураббий ва мусиқашунос олим Ф.Тўраев ўз китобида ўтган давр тарихчилари ва мусиқашуносларининг ёзиб қолдирган мусиқий рисолалари, Шашмақом баёзлари ҳамда замондошлар хотираси, шунингдек бошқа бир қатор ишонарли манбаалар асосида Бухоро Шашмақомининг тарихий пайдо бўлиши, унинг шаклланиши ва тараққиёт йўлларини асосли равишда ёритиб беришга эришган.

Мазкур рисоланинг иккинчи қисми “Шашмақом усталари” деб номланади ва унда Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвешали Чангий, Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Абдурауф Фитрат, Домла Ҳалим Ибодов, Маъруфжон Тошпўлатов, Юнус Ражабий ва бошқа устозларни Шашмақомнинг тартиб бир ҳолатга келтирилишида қилган саъй-ҳаракатлари ҳақида кўплаб янги материалларни тўплаб, мусиқашунос олимлар ва ёш толиби илмларга тақдим этади. Булардан ташқари устоз Ф.Тўраев ўзининг рисоласида “Ғиждувонлик мақомхон устозлар”, “Юнус Ражабий ва Бухоро Шашмақоми”, “Навоий шеърияти ва Шашмақом”, “Шашмақомда Наврўз мадҳи”, “Шашмақом сабоғида устоз ва шогирдлик анъанаси” каби бир қатор долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб, тарихий исботу-далиллар асосида ўзларининг фикрларини баён этганлар.

Шунингдек, муаллиф мазкур китобида Шашмақомнинг такомиллашуви ва уни асраб-авайлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бир қатор мақомдон ва мақомхон устозлар ҳақида, яъни бугунги кунда барча санъат аҳли ва мусиқа санъати мухлислари учун ғоятда муҳим ҳисобланган таҳлилий маълумотларни ҳам берган.

Умуман Ф.Тўраевнинг “Бухоро Шашмақоми тарихидан” номли китобида Шашмақом тарихига оид янги маълумотларни, янги тамойилларни англаш мумкин ва бу бизнинг Бухоро Шашмақоми ҳақидаги билим ва тасаввуримизни янада кенгайтиришига муносиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бухоро Шашмақомининг нотага олинишида жонбозлик кўрсатган бир қатор мақомдонлар ва мусиқашунослар ҳақида ҳам муаллиф батафсил тўхталиб ўтади. Хусусан, Шашмақомни нотага олинишида бухоролик аллома Абдурауф Фитратнинг ўз уйида яратиб берган шароитлари, шашмақом билимдонлари бўлмиш Ота Жалол Носирзода ва Ота Ғиёс Абдуғаниларнинг ижролари асосида машҳур мусиқашунос олим Виктор Успенскийнинг Шашмақом нота ёзувини амалга ошириб, 1924 йилда Москва шаҳрида чоп эттиргани ҳақида асосли фактлар келтирган (мазкур чоп этилган нота

https://buxdu.uz



материаллари номаълум сабабларга кўра, оммалашмаган ва нима учундир Бухоро вилояти Абу Али Ибн Сино номидаги кутубхонада, мустақиллик йилларигача юзага чиқмаган).

Шунингдек, Шашмақомнинг иккинчи маротаба нотага олинган нусхаси Тожикистонда яшаб, ижод қилган машҳур бухоролик мақом устозлари Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов ва Фазлиддин Шаҳобовлар томонидан тожик тилида, профессор В.М. Беляев таҳрири остида яратилганлиги ва 1950 йилда Москвада чоп этилганлиги ҳақида батафсил аниқ маълумотлар берилган.

Шу билан бирга устоз Файзулла Тўраев Шашмақомнинг ўзбек тилида чоп эттирилган варианти академик Юнус Ражабий томонидан 1955-1959 йилларда нотага олиниб, чоп эттирилганлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган.

Айни пайтда Шашмақомнинг яна бир янги варианти, машҳур созанда ва моҳир қашқар рубобчи, устозода Ари Бобохонов томонидан нотага олиниб, Германия Федератив Республикасида чоп эттирилганлиги ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур нота ёзувида Шашмақом тароналарининг ўзгача бир талқини намоён қилинган.

Шашмақомнинг турли вариантларда ёзиб олинганлиги ва уларнинг бир-биридан маълум даражада фарқ қилиши ҳақида ҳам муаллиф ўз фикрини билдириб, бу мавзуни ҳали яна қайта-қайта ўрганиб чиқишга даъват этади. Бу эса ўз навбатида ёш олимлар ва мақомдонларнинг бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришини тақозо этиши ҳақида фикр билдирилган.

Шунингдек мазкур илмий рисолада мақомларимизга оид бир қатор тушунчаларнинг илмий тавсири ҳақида ҳам фикр билдирилган. Хусусан, “рикоб”, “рикобий”, “мирохур” каби атамалар ҳақида ҳам аниқ фикр билдирилиб, уларнинг асл маъноси таҳлил қилиб берилган. Шундай муҳим фактлардан бири Шашмақомга ва ўзбек халқининг мумтоз мусиқасига оид бўлган “гоҳ”лар ҳақида билдирилган фикридир. Ўзбек халқининг қадимий тарихини ўзида мужассам этган “Авесто” китобида кўплаб гоҳлар келтирилган. Муаллиф “гоҳ” қўшимчасини мусиқий атамалар билан бирлашиб кетиши, хусусан дугоҳ, сегоҳ, чоргоҳ, муҳаммаси панжгоҳ атамаларидаги “гоҳ” қўшимчаси айнан “Авесто”даги “Гоҳ”лар билан бевосита алоқадор бўлиши мумкин эканлигини таъкидлаб, Шашмақом ва ўзбек мумтоз мусиқасининг яратилиши эрамиздан аввалги X-IX асрларга бориб тақалиши эҳтимоли борлиги ҳақида ҳам фикр билдирган. Бу эса ўз навбатида яна кўплаб илмий тадқиқотларда бу мавзуни таҳлил қилиш ҳақида фикр беради. Мазкур китоб ҳақида яна кўплаб ижобий фикрларни билдириш мумкин. Бу эса ушбу рисоланинг илмий қимматини янада оширган ҳолда уни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқиш ва бу ҳақда илмий асосланган хулосаларга келиш мумкинлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз Файзулла Тўраев мазкур “Бухоро Шашмақоми тарихидан...” номли тазкирани оққа қора билан тушуриш учун бир неча тилдаги 115 адабиётдан фойдаланган. Мана шунинг ўзи ҳам Файзулла Тўраевнинг қанчалик изланганини яққол намоён этиб турибди.

Мусиқашунос олим Файзулла Тўраевнинг энг назир асарларидан бири бўлган мазкур китоб 2011 йилда ёзилиб, нашр этган бўлсада, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрда “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги эълон қилинган ПҚ-3391-сонли қарорига тўла-тўкис мос келиб, ёш авлодни халқ мусиқа меросининг гултожи бўлмиш мақом санъатига қадриятли ёндашувига имкон бера олувчи муҳим дастурул амал бўлиб хизмат қила олади дейишимиз мумкин.

Пировардида, устозга - қутлуғ 80 ёшингиз муборак бўлсин, умрингиз узун, ризқингиз фузун ва ҳамиша бағрингиз бутун бўлсин, ижодда сарбаланд ва биз шогирдлар бахтига доимо омон бўлишингизни оллоҳдан тилаб қоламиз.

**Адабиётлар**

1. Тўраев Ф.Ж. Бухоро Шашмақосми тарихидан... – Т.: “Фан” – Б.264.
2. Ражабов И. Мақомлар. – Т.: “Санъат” – Б.404.
3. Ибрагимов О.А. Фергано-Ташкентские макомы. – Т.: “МедиЛанд” – Стр.176.
4. Иброҳимов О.А. Мақом асослари. – Т.: “Турон Иқбол” – Б.160.
5. Худоев Ғ.М. Ғижжак чолғуси ижрочилик анъаналари. – Т.: “Муҳаррир” – Б. 164.

https://buxdu.uz



**O‘rinposhsha QALANDAROVA**
Urganch davlat universiteti o‘qituvchisi

**Dilrabo SHOKIROVA**
Urganch davlat universiteti talabasi

# UMUMIY O‘RTA TA’LIM MAKTABLARIDA XALQ HUNARMANDCHILIGIGA OID BILIM VA KO‘NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH METODIKASI

*Maqolada umumiy o‘rta ta’lim maktablari o‘quvchilarining texnologiya darslarida hamda darsdan tashqari to‘garaklarini tashkil qilish jarayonida o‘quvchilar ijodkorlik faoliyatini rivojlantirishda xalq hunarmandchiligiga oid bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantirish xususida fikr bayon etilgan. Islohotlar natijasida maktablarning yangi sharoitlarda ishlashga o‘tishi o‘qituvchi faoliyatiga, uning kasbiy-pedagogik tayyorgarligi mazmuni va darajasiga, o‘z bilimlarini takomillashtirib borishiga yuqori talablar qo‘ymoqda.*

***Kalit so‘zlar:*** *o‘quvchi, o‘qituvchi, zardo‘zlik, mehnat ta’limi, naqsh, kasbiy mahorat, chambarak.*

*В статье изложено мнение учащихся средних общеобразовательных школ о формировании знаний, умений и навыков народного мастерства в развитии творческой деятельности учащихся на уроках технологии и в процессе организации внеклассных кружков. В результате реформ переход школ на работу в новых условиях предъявляет высокие требования к деятельности учителя, содержанию и уровню его профессионально-педагогической подготовки, совершенствованию своих знаний.*

***Ключевые слова:*** *ученик, учитель, сыворотка, трудовое образование, вышивка, профессиональное мастерство, чамбарак.*

*The article presents the opinion of secondary school students on the formation of knowledge, skills and folk skills in the development of creative activity of students in technology lessons and in the process of organizing extracurricular clubs. As a result of the reforms, the transition of schools to work in new conditions places high demands on the activities of teachers, the content and level of their professional and pedagogical training, and the improvement of their knowledge.*

***Keywords:*** *student, teacher, serum, labor education, embroidery, professional skills, Chambarak.*

Bugungi kunda ta’lim islohotlarining rivojlangan bosqichida ta’lim-tarbiya jarayonini takomillashtirish, uni hal etishda o‘qitish jarayonining tarkibiy qismlari bo‘lgan ta’lim mazmuni, o‘qitish metodlari, vositalari, shakllari, shuningdek, o‘qituvchining pedagogik va o‘quvchilarning o‘quv-bilish faoliyatini o‘zaro aloqadorlikda, uzviylikda tahlil qilishni nazarda tutish lozim.

Birinchi Prezident I.A.Karimov -“ ...Bugungi kunda oldimizga qo‘ygan buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimizga erishishimiz, jamiyatimizning yangilanish, hayotimiz taraqqiyot va istiqboli, amalga oshirilayotgan islohotlarimiz va rejalarimizning samarali taqdiri, avvalambor, davr talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli, yangicha tafakkurga ega bo‘lgan mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas bog‘liqligini barchamiz anglab yetmoqdamiz”,- deb ta’kidlaydi. Bu esa o‘z navbatida umumiy ta’lim maktablarida faoliyat ko‘rsatuvchi o‘qituvchilar, texnologiya o‘qituvchilarining kasbiy mahoratini, umumiy saviyasini muttasil takomillashtirishi uchun sharoit yaratishni talab qiladi. Chunki barkamol yosh avlodni tarbiyalash ularni o‘qitib bilim berish, egallaydigan bilimlari bo‘yicha ularda zaruriy ko‘nikma va malakalarni hosil qilish, ta’lim-tarbiya beruvchilarning qanchalik savodxonlikka ega bo‘lishlari bilan bog‘liqdir.

Erkin fikrlovchi shaxsni tarbiyalash muammosi alohida dolzarblik kasb etmoqda. Bu boradagi milliy ta’lim modelimizning asosiy g‘oyaviy mazmuni “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonun hamda “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da o‘z ifodasini topgan.

Umumiy o‘rta ta’lim maktablari o‘quvchilarining texnologiya darslarida hamda darsdan tashqari to‘garaklarini tashkil qilish jarayonida o‘quvchilar ijodkorlik faoliyatini rivojlantirishda xalq hunarmandchiligiga oid bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Islohotlar natijasida maktablarning yangi sharoitlarda ishlashga o‘tishi o‘qituvchi faoliyatiga, uning kasbiy-pedagogik tayyorgarligi mazmuni va darajasiga, o‘z bilimlarini takomillashtirib borishiga yuqori talablar qo‘ymoqda.

Texnologiya darslarida o‘quvchilarni xalq hunarmandchiligi asosida tarbiyalashimizning samarali yo‘llaridan biri zardo‘zlik sa’natini o‘rgatish bo‘lib, bundan asosiy maqsad o‘quvchilar o‘z qo‘llari bilan nafis buyumlar yaratishga muyassar bo‘ladilar. Zardo‘zlik buyumlarini bichish ma’lum texnologiyaga asoslanadi. Bu texnologiyani o‘quvchi yoshlarimiz qiynalmasdan o‘rganishlari va amalda qo‘llashlari mumkin.

Zardo‘zlik buyumlarini bichish texnologiyasi ularning turmushda bajaradigan vazifasiga ko‘ra farq qilgan. Uy-ro‘zg‘or buyumlarini bichish texnologiyasi ularning ketma-ket bajaradigan vazifasiga ko‘ra farq

https://buxdu.uz



qilgan. Uy-ro‘zg‘or buyumlarini bichish oddiy va juda soddaligi bilan ajralib turgan. Insonga ust-bosh sifatida xizmat qiladigan zardo‘z buyumlari, ya’ni zardo‘zlikda kostyum va uning qo‘shimchalarini bichish texnologiyalari birmuncha murakkab bo‘lib, turlicha uslublarni o‘z ichiga oladi. Demak, zardo‘zlik buyumlarini bichish texnologiyasini ularning turmushda bajaradigan vazifasiga ko‘ra ikki turga ajratish mumkin:

1. Uy-ro‘zg‘or buyumlari.
2. Zardo‘zlik kiyim-kechaklari va uning qo‘shimcha qismlari.

Ma’lumki, zardo‘zlik buyumlari bichimi o‘z xususiyatiga ko‘ra avra va astardan iborat bo‘lgan. Avra va astar buyumga bajaradigan vazifasiga qarab ko‘rinishi turlicha bo‘lgan. Avra uchun yuqori sifatli, ko‘rkam qimmatbaho materiallar tanlangan. Astar uchun oddiy, lekin chidamli, rang chiqarmaydigan materiallar tanlangan. Zardo‘zlik buyumlari uchun astar juda zarur, chunki avrani zardo‘zi bezaklari bilan bezaganimizda uning teskari tomonida tikish izlari, yelim izlari ko‘zga tashlanadi. Ular zardo‘zlik buyumlaridan foydalanganimizda biz uchun noqulayliklar tug‘dirishi mumkin. Shuning uchun barcha zardo‘zlik buyumlarining orqasiga astar tikiladi.

Texnologiya darslari ta’limi jarayonida ikki xil uslubda nazariy va amaliy mashg‘ulotlar shaklida tashkil etiladi. Bunda dastalab o‘tilayotgan mavzuning nazariy mazmuni, nazariy jihatlari tushuntiriladi va nazariy olgan bilimlarini amaliyotda qo‘llay olish xususiyatlari o‘rgatiladi, shu orqali ijodkorlik faoliyati turlarini dars jaryonida tatbiq etish mumkin, masalan: mehnat ta’limi mazmuniga ko‘ra gazlamaga ishlov berish texnologiyasida zardo‘zlik sa’nati mavzusini o‘qitish jarayonida zardo‘zlik turlari har bir voha viloyatlarda tarqalgan turlari, zardo‘zlik sirlarini o‘rgatish orqali ijodkorlik turlarini tatbiq etish imkoniyatlari mavjud bo‘ladi. Umumiy o‘rta ta’lim maktablaridagi texnologiya ta’limining asosiy tashkiliy shakllari: amaliy mashg‘ulot; amaliy-laboratoriya tadqiqoti; korxonaga ekskursiya o‘tkazish; ishlab chiqarish brigadasi; o‘quv sexlarida va maxsus ajratilgan uchastkalarda o‘qitish; o‘quv-ishlab chiqarish amaliyoti; mehnat mashg‘ulotlarini tashkil etishning frontal, zveno va individual shakllari mavjuddir.

Mehnat ta’limi jarayonida o‘quvchilar ijodkorlik faoliyati turlarini tatbiq etish imkoniyatlari amaliy mashg‘ulot jarayonida dastur mavzusining mazmuni ochib berish orqali, texnologiya ta’limi hamda tarbiyasining maqsadlari, vazifalari amalga oshiriladi.

Demak, amaliy mashg‘ulot deganda umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘quvchilarining o‘quv materialini faol, ongli va mustahkam o‘zlashtirishi maqsadida o‘qituvchi, ishlab chiqarish ta’limi ustasi rahbarligida amalga oshirilgandagina jamoa, ham yakka tartibdagi ish turlarini o‘z ichiga oladigan o‘quv-mehnat faoliyatini aniq tashkil etishni tushunish kerak.

Ijodkorlik faoliyatida ijodkorlik turining, masalan, ― “Gazlamaga ishlov berish asoslari” yo‘nalishida xalq hunarmandchiligi texnologiyasida o‘tiladigan ― “Zardo‘zlikda ishlatiladigan naqsh turlari”. Kartonga naqsh (gul ) tushirish va qirqish mavzusini o‘tishda ijodkorlik faoliyatini tashkil etishda birinchi uning texnologik sxemasi tuziladi.

Texnologik sxema – bu texnologik jarayonning shartli ifodalanishi. U alohida funkstional elementlarga bo‘linadi va ular orasidagi mantiqiy aloqalar belgilanadi. Zardo‘zi qilinadigan naqsh tayyorlash uchun maxsus karton tanlanadi. Axta va xoka yordamida kartonga naqsh tushiriladi. Keyin esa maxsus qaychi yordamida gul kesib olinadi. Qadimgi zamonda karton bo‘lmagan uchun qo‘y terisidan foydalanganlar. Charm yumshoq bo‘lganidan zar tekis chiqmagan, shu sababli ustiga surp yoki doka yopib, temir bilan urib tekislangan. Buxoro zardo‘z maktablarida kartonni “qog‘oz latta” deb nomlaganlar. O‘sha davrlarda kartonni zardo‘zlikda ishlatilishi katta ixtiro hisoblangan.

Kartondan gul kesish tez va oson, ikkinchidan, zar bilan tikish qulay va sifatli bo‘lgan.

Tikilgan naqsh bezaklari orqali siz borliqni, go‘zallikni, yaxshilikni kishilarga zar ip bilan tikilgan milliy naqsh tili orqali estetik zavq bag‘ishlaysiz.

Bular orqali siz kelajakda meros bo‘lib qolgan o‘zbek milliy san’atimizni, asriy an’analarimizni davom ettirib, nodir asarlar yaratib, zardo‘zlik san’atining xazinasiga, madaniyatimizga katta hissa qo‘shgan bo‘lasiz.

Texnologiya darsi jarayonida o‘quvchilarni xalq hunarmandchiligi asosida tarbiyalash asosini dars jarayonida talim berish vaqtida, olib borish ham mumkin, ya’ni xalq hunarmandchiligidan foydalanishni takomillashtirishga bag‘ishlangan bir qancha tajriba-sinov mashg‘ulotlari o‘tkazib ko‘rishimiz mumkin, masalan:

*Mashg‘ulot mavzusi*: “Zardo‘zlik buyumlarini bichish va tikish”da ishlatilinadigan materiallar.

Darsning maqsadi:

a) *ta’limiy*: o‘quvchilarga amaliy bezak sa’natiga ta’luqli bo‘lgan zardo‘zlik sa’natini o‘rgatish va uning xususiyatlari, tarixi, ustalari, to‘g‘risida va mazkur sohada ishlatiladigan materiallar to‘g‘risida tushunchalar berish, tasavvurlar hosil qilish;

https://buxdu.uz



b) *tarbiyaviy:* o‘quvchilarda zardo‘zlik hunariga bo‘lgan qiziqishi va shu soha kasbkor egalariga bo‘lgan hurmatini tarbiyalash;

v) *rivojlantiruvchi:* o‘quvchilarda xalq hunarmandchiligi sohalari to‘g‘risida mavjud bo‘lgan bilimlarini rivojlantirish, tasavvurlarini chuqurlashtirish va dunyoqarashlarini kengaytirish.

*Mashg‘ulotning jihozlanishi:*

a) *ish qurollari:*

b) *matikiseriallar, xomashyo*:

g) *o‘quv-metodika ta’minoti va adabiyotlar*:

*Ishni bajarish tartibi:*

1. Chambaraklarning turlarini o‘rganish
2. Chambarakka bo‘zni tikish
3. Gul qirqish
4. Asosiy matoni bo‘zga tikish
5.Naqshlarni matoga tikish

O‘quvchilarga o‘tilgan mashg‘ulotlarni takrorlash va qaytarish maqsadida “Aqliy hujum” metodidan foydalaniladi va quyidagi savollar beriladi:

1-savol. O‘tgan darsdagi mavzuning nomini kim aytadi?

2-savol. Qadimgi hunarmandchilik sohalaridan qaysilarini bilasiz?

3-savol. O‘zbekistonda zardo‘z hunarmand ustalarning ismi va sharifini ayta olasizmi?

4-Savol. Buxoro viloyatida keng tarqalgan hunarmandchilik turlarining qaysilarini bilasiz?

1-javob. O‘tgan darsdagi mavzuning nomi: “O‘rta Osiyoda zardo‘zlik tarixi”.

2-javob. Kashtachilik, zardo‘zlik, kulolchilik, pichoqchilik, temirchilik, bo‘yrachilik, gilamchilik, anjomsozlik, sandiqchilik, beshikchilik va boshqalar.

3-javob. O‘zbekistonda xalq hunarmand ustalaridan quyidagilar yashab ijod etgan: Usta Xalim, N.Majidov, N.Sultonov, U.Xayotov va boshqalar.

4-javob. Buxaro viloyatida quyidagi hunarmandchilik turlari keng tarqalgan: zardo‘zlik, kashtachilik, etikdo‘zlik, temirchilik, beshikchilik, yog‘och o‘ymakorligi, kulolchilik, ko‘nchilik, egarchilik va boshqalar.

Zardo‘likni bilish uchun asosan quyidagi hunarlarni yaxshi bilishi kerak:

1. Rasm solish va naqsh chizishni.
2. Gul kesishni, yani gulbur bo‘lishni.
3. Kesilgan gulga zarni tika bilishni kerak.

*Darsning asosiy qismi:* O‘qituvchi zardo‘zlikda ishlatiladigan materiallar, xomashyolarni quyidagicha bayon etadi: zardo‘zlik sa’natini o‘rganishda asosiy kerak bo‘ladigan xomashyolar haqida ma’lumot berib o‘tadi. Zardo‘zlik buyumlarini tayyorlash uchun bir qator texnologik jarayonni bajarish kerak bo‘ladi. Zardo‘z quyidagi tartibda ishlaydi. Tikiladigan har bir buyum uchun alohida andazo tayyorlaydi va bichadi.

*Birinchidan*, kerakli xomashyolar olinadi, kerakli ish asboblari tayyorlanadi: baxmal, barqut, bo‘z, zar iplar, oddiy iplar, ignalar komplekti, chambarak, angishvona, patila va turli qaychilar, karton kabilar.

*Ikkinchidan*, tayyorlangan material, ya’ni avralik va astarlik materiallar kesishga tayyorlanadi, ya’ni loyihalashtiriladi (aniq o‘lchamlari olinadi).

*Uchinchidan*, tayyorlangan andoza matoning ustiga qo‘yilib chizib chiqiladi, chok haqi xisobga olinib ikkinchi marta chiziladi.

*To‘rtinchidan*, tikish uchun chok haqini qoldirib kesib chiqiladi. Asosini orqasiga qattiq mato, ya’ni bo‘z yopishtiriladi, bu holatda karton sinmaydi va bir tekisda chiqadi.

*Beshinchidan*, asosning orqasiga tasvir uchun kerak bo‘lgan naqsh tasviri chizib chiqiladi.

*Oltinchidan*, tayyor chizilgan naqshni zar ip bilan tikib, ishlov beriladi, hosil bo‘lgan qo‘l ishi yaxshilab tekislab chiqiladi.

O‘qituvchi-murabbiy mashg‘ulot jarayonida zardo‘zlik buyumlariga qanday ishlov berilishi haqida ma’lumot berib boradi, ishlatiladigan kerakli materiallar haqida tushunchalar berib o‘tadi, ularning oxirgi bezaklarini yakunlashni ko‘rsatadi .

*Darsning mustahkamlash qismida beriladigan savollar:*

- Zardo‘zlikda qanday materiallar ishlatiladi?
- Zardo‘zlik sohasida faoliyat olib borgan qaysi hunarmandlarni bilasiz?
- Astar uchun qanday materiallardan foydalaniladi?

Ushbu topshiriqlarga qo‘shimcha ravishda zardo‘zlik elementlarini tayyorlash texnologik xaritasini chizib kelish, uyga muammoli vazifa sifatida beriladi.

*Darsning yakuniy qismi:*a) o‘quvchilarning ushbu dars jarayonida olgan baholari e’lon qilinadi: ishtirokiga ko‘*ra* o‘quvchilarga “5” baho, “4” baho, ya’ni ular 7-8 ball oladilar.

https://buxdu.uz



Mashg'ulot so'ngida mehnat ta'limi xonasi tozalanadi, asbob-uskunalar joy-joyiga qo'yiladi.

Mehnatga tayyorlash o'quvchilarni barkamol shaxs sifatida tarbiyalash, ijodkorlik qobiliyatlari, ko'nikma va shaxsiy xislatlarining shakllanishida muhim bosqich bo'lib, o'quv fanlari, jumladan, mehnat ta'limi darslarida o'quvchilarda xalq hunarmandchiligi bo'yicha bilim va ko'nikmalarni rivojlantirish jarayonida mashg'ulotlarga ijodiy yondashish, ta'lim jarayoni hamda kasbiy tarbiyani muammoli ta'lim asosida umumlashtirishga asos bo'ladi. Ayniqsa, o'quvchilarni xalq amaliy san'ati, xalq hunarmandchiligi, milliy an'anaviy qadriyatlar bilan yaqindan tanishtirib borish kerak.

Hozirgi kunda texnologiya dars mashg'ulotlarini noan'anaviy metod turlaridan foydalanib o'tilganda o'quvchilar ijodkorlik faoliyati turlarini tasniflashni o'rganish, balki o'z ishlari natijalarini boshqa guruh qatnashchilari ishlari bilan taqqoslaydilar va kelajakdagi kasbiy faoliyatlariga aniqlik kiritish va mavzu yuzasidan yana nimalar talab qilinishi haqida tasavvurga ega bo'ladilar.

Har qanday darslar jarayonida o'quvchilar egallaydigan ko'nikma va malakalar ta'limining negizini tashkil etadi va ta'limning muhim sharti sifatida yuzaga keladi. Bu o'z navbatida ularning kelajakda kerakli kasblarni egallashlari uchun yo'llanma vazifasini bajaradi, egallagan bilim va ko'nikmalar darajasining o'quvchilar o'quv-ishlab chiqarish korxonalaridagi mehnat faoliyati unumdorligiga, ijobiy ta'sir ko'rsatishi bilan belgilanadi.

## Adabiyotlar

1. Bulatov S.S. O'zbek xalq amaliy bezak san'ati. – Toshkent: "Mehnat", 1976. 344-bet.
2. Muranov B. Mehnat ta'limi mashg'ulotlarini taxminiy rejalashtirish. – Toshkent: O'zPFITI, 1996 yil. 78-bet.
3. Txorjevskiy D.A.Mehnat ta'limi metodikasi. – Toshkent: "O'qituvchi", 1987. 443-bet.
4. Sherov T.X. To'garaklar faoliyatini tashkil etishga qo'yiladigan zamonaviy talablar. – Samarqand, 2006. – 26 b.
5. Tolipov O'.Q., Sharipov Sh.S., Xolmatov P.Q. Umumiy o'rta ta'lim maktablari va maktabdan tashqari muassasalar to'garak rahbarlari uchun namunaviy dastur. – Toshkent, Nizomiy nomidagi TDPU, 2003.
6. G'oziyev E.G', K.Q.Mamedov Kasb psixologiyasi. – Toshkent: 2003-yil
7. Avazboev A.I., Raximova N., Qalandarova O'. Mehnat ta'limi darslarida o'quvchilar ijodkorlik faoliyatini rivojlantirish. Metodik qo'lanma. – Toshkent, 2016-yil.
8. Madaminova Y., Egamova A., Qalandarova O'. Xalq hunarmandchiligi. Metodik qo'llanma. – Toshkent: 2019-yil.

https://buxdu.uz



**Гулбахар АБЫЛОВА**
доктор философии по педагогическим наукам (PhD),
доцент Регионального центра переподготовки
и повышения квалификации работников народного
образования Республики Каракалпакстан

# МУЗЫКАЛЬНО – КОМПЬЮТЕРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ТЕНДЕНЦИИ ЕЁ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ В ОБРАЗОВАНИИ

*В данной статье рассматриваются понятия и виды информационных технологий. Применение их в образовании. Процесс информатизации и компьютеризации общества раскрыл необходимость новых подходов связанных с открытым образованием. Эффективное использование компьютеров в музыкальном направлении: в нотопечатании, в жанрах прикладной музыки, в средствах звукозаписи, в качественных возможностях звуковоспроизводящей аппаратуры, в театрально-концертной деятельности, в звуковом дизайне, а также в трансляции музыки.*

***Ключевые слова:*** *компьютер, педагогика, музыка, методы, обучение, образование, интернет.*

*This article discusses the concepts and types of information technologies. Their application in education. The process of Informatization and computerization of society has revealed the need for new approaches related to open education. Effective use of computers in the musical direction: in music printing, in genres of applied music, in recording media, in high-quality capabilities of sound-reproducing equipment, in theater and concert activities, in sound design, as well as in music broadcasting.*

***Keywords:*** *computer, pedagogy, music, methods, training, education, Internet.*

*Ushbu maqolada axborot texnologiyalari tushunchalari va turlari ko'rib chiqiladi. Ularni ta'lim sohasida qo'llash. Jamiyatni axborotlashtirish va kompyuterlashtirish jarayoni ochiq ta'lim bilan bog'liq yangi yondashuvlar zarurligini ochib berdi. Musiqiy yo'nalishda kompyuterlardan samarali foydalanish: noto-nashrda, amaliy musiqa janrlarida, ovoz yozish vositalarida, ovoz chiqarish uskunalarining sifatli imkoniyatlarida, teatr-konsert tadbirlarida, ovoz dizaynida, shuningdek, musiqa eshittirishida.*

***Kalit so'zlar:*** *kompyuter, pedagogika, musiqa, usullar, ta'lim, internet.*

Совершенствование информационных коммуникационных технологий формирует специфическую учебную информационную компьютерную область, которая обогащает традиционные формы обучения. Быстрое развитие информационных коммуникационных технологий позволяет реализовать два главных принципа будущей системы образования: принцип доступности и принцип непрерывности. Именно информационные и телекоммуникационные технологии сделали личностно-ориентированное образование более доступным.

Процесс информатизации и компьютеризации общества трансформировал привычные представления об образовании и раскрыл необходимость новых подходов связанных с открытым образованием. Стратегическое значение информационных и коммутационных технологий, применяемых в области образования неоспоримо. Тем не менее, широкое применение информационных технологий не повлекло коренных изменений в системе образования, к глобальному переосмыслению методической системе обучения. По-прежнему отмечается необходимость осуществление широкомасштабных исследований в области применения педагогических возможностей коммуникационных технологий в образовании [1.С.115].

Сегодня в образовательном процессе многих стран отмечается устойчивая тенденция внедрения и применения современных информационных технологий в обучении. Информатизация в значительной степени преобразовала процесс получения знаний. Новые технологии обучения на основе информационных и коммуникационных делают образовательный процесс более интенсивным, повышают скорость восприятия, понимания и, что важно, глубину усвоения большого объема знаний.

В педагогике существует понятие информационной технологии обучения. Это понятие характеризует процесс подготовки и передачи информации обучаемому. Средством осуществления данного процесса выступают компьютерная техника и программные средства.

В информационных технологиях обучения выделяются два компонента, служащих для передачи учебной информации:

- технические средства: компьютерная техника и средства связи;
- программные средства, которые могут быть различного назначения.

Для разработки уроков с применением компьютера преподаватель должен знать функциональные возможности и условия применения каждого из данных компонентов. Как

https://buxdu.uz



технические, так и программные средства обладают своей спецификой и определенным образом влияют на учебный процесс.

Педагогические цели применения информационных технологий заключаются:

- в развитии личности, то есть в развитии мышления, эстетического воспитания, развитии умений экспериментально-исследовательской деятельности, формировании информационной культуры.

- в выполнении социального заказа: осуществление общей информационной подготовки пользователя (так называемая “компьютерная грамотность”), подготовки специалиста в какой-либо сфере;

- в интенсификации учебно-воспитательного процесса, что предполагает повышение эффективности и качества обучения, обеспечение мотивов познавательной деятельности, углубление межпредметных связей за счет интеграции информационной и предметной подготовки.

В настоящее время существует большое количество различных классификаций и типологий педагогических программных средств.

По методическому назначению педагогическими программными средствами могут выступать:

- компьютерные учебники (уроки);
- программы-тренажеры (репетиторы);
- контролирующие (тестовые оболочки);
- информационно-справочные (энциклопедии);
- имитационные;
- моделирующие;
- демонстрационные (слайд- или видео-фильмы);
- учебно-игровые;
- досуговые (компьютерные игры: аркадные, квесты, стратегии, ролевые, логические, спортивные и др. типы).

Современный урок музыки - это урок, в ходе которого применяются современные педагогические технологии, компьютерные технологии, используются электронные музыкальные инструменты. Урок музыки характеризуется созданием творческой обстановки, так как содержание музыкальных занятий составляют эмоции и их субъективное переживание. Подобное специфическое содержание обуславливает выбор разнообразных методик, видов работы и новых мультимедийных средств [2. С.135-136].

Компьютер предоставляет широкие возможности в творческом процессе обучения музыки, как на профессиональном уровне, так и на уровне любительского творчества.

Музыкальные компьютерные технологии открыли принципиально новый этап технического воспроизводства музыкальной продукции: в нотопечатании, в жанрах прикладной музыки, в средствах звукозаписи, в качественных возможностях звуковоспроизводящей аппаратуры, в театрально-концертной деятельности, в звуковом дизайне и трансляции музыки (в том числе трансляции по Интернету).

Одним из ведущих направлений в области музыкальной педагогики XXI века выступает знакомство обучающихся с информационно-компьютерными технологиями. Освоение информационно-компьютерных технологий объективно необходимо:

· во-первых, для профессиональной подготовки композиторов и исполнителей,

· во-вторых, для использования как источника вспомогательного учебного материала (справочного, обучающего, редактирующего, звукозаписывающего, звуковоспроизводящего и т.п.).

Компьютерные программы также используются в обучении игре на инструментах, в развитии музыкального слуха, в проведении прослушивания музыкальных произведений, в подборе мелодий, в аранжировке, импровизации, наборе и редактирования нотного текста. Компьютерные программы позволяют определять диапазон инструмента, беглость исполнителя в пассажах, исполнение штрихов и динамических оттенков, артикуляцию и т.п. Кроме того, компьютер позволяет разучивать пьесы с “оркестром”. Он также может выступать как “тренажер” по дирижированию (с использованием телеаппаратуры). Компьютерные программы позволяют проводить музыкально-слуховой анализ мелодий (тем) произведений в курсе истории музыки. Для многих музыкальных дисциплин компьютер представляется ценным источником библиографических и энциклопедических сведений.

Широко распространенные проектные задания с компьютерными презентациями, которые позволяют более наглядно представить либо иллюстративный материал. Следует отметить, что применение компьютерных технологий направлено на индивидуальный характер работы, что в целом отвечает специфике занятий музыкой. Персональный компьютер позволяет варьировать

https://buxdu.uz



индивидуальный режим работы музыканта в соответствии с его темпоритмом, а также с объемом выполняемой работы.

Сегодня каждый, кто хоть как-то связан с музыкой, осознаёт ценность печатных нот. Эта ценность измеряется не только затратами на краску и бумагу. Но даже если сказать, что ноты являются отражением или фиксацией замысла композитора, то их значение всё равно будет недооценено. Потребность в нотопечатании можно увидеть из того, что оно прошло трудный путь от кустарного копирования до компьютерных систем набора и офсетной печати. Много веков мастера разных стран работали над тем, чтобы сделать нотный текст в печатных изданиях красивым и удобным, чтобы он передавал не только конкретные исполнительские указания, но и общий эстетический замысел композитора.

В этом отношении музыкальная нотация даёт гораздо больше свободы, чем обычная письменность: на эстетическое восприятие влияют многие составляющие нотного текста, их взаимное расположение, промежутки между ними (“воздух”), распределение музыкального материала по строкам и страницам, ранжир, подробность исполнительских указаний и многое другое.

Нотопечатание зарождалось в то время, когда музыкальная нотация приняла форму близкую к той, которая привычна для нас сегодня, для которой естественно объединение нескольких горизонтальных пластов музыкальной ткани (партий, инструментов, голосов, подголосков) в единый поток с особыми закономерностями построения вертикалей и горизонталей. К тому моменту, как были напечатаны первые ноты, уже сложилась система письменного отображения временных соотношений в музыке. Вся последующая эволюция в системах нотации не изменила этих двух принципиально важных свойств нотной записи: сложения горизонталей и временных пропорций. Такое отличие нотной записи от записи текста предъявляло к нотопечатанию достаточно высокие требования, которые успешно удовлетворялись на разных этапах развития науки и техники.

Для культуры нотопечатания, неспешно формировавшейся веками, сегодня открываются новые возможности, основанные на применении компьютерной технологии и смене традиционных методов работы с нотным изданием на новые.

Существует множество программ для работы с музыкой на компьютере. Музыкальные проигрыватели позволяют воспроизводить музыкальные файлы, создавать список мелодий, записывать их в различных форматах. Этот спектр программ широко известен всем пользователям операционной сиситемы Windows.

Для преподавания пения целесообразно использование таких программ, как например, VocalJam. Сочинить свою собственную композицию можно с помощью программы KarMaker. Эти программы построены по одному принципу - проигрывается “минус”, а на экране выводятся слова песни.

Создать собственное музыкальное произведение помогут и такие программы, как например, Cubase, FL Studio, Dance eJay. Это программы довольно сложны в обращении и требуют от пользователя детального изучения, навыков и умений.

Примерами программ для написания и редактирования нотного текста являются программы Sibelius и Final. Они также делают возможным сочинение мелодий и их аранжировку.

Использование на уроках компьютера и одновременно синтезатора привлекательно для обучаемых. Они могут прослушать произведение в исполнении преподавателя, самостоятельно исполнить произведение разными тембрами.

Сегодня существуют еще одно, немаловажное и актуальное направление в обучении музыки - это применение Интернет-технологии. Цель данной тенденции образования - оптимизация традиционных методов обучения музыке с использованием современных средств информационных технологий. Современные компьютерные телекоммуникации обеспечивают разнообразие учебной информации, упрощают её поиск, делают более доступной, а также преподносят её в оригинальном виде. Именно это и отличает современные компьютерные технологии от традиционных средств обучения. Современные компьютерные технологии, включая и Интернет-технологии, предполагают разработку и внедрение принципиально новых методических подходов к системе обучения в целом [3.С.129].

При использовании Интернет-технологий форма представления материала обуславливается главным образом конкретным видом занятия, содержание курса, а также ролью преподавателя.

Музыкально-теоретические дисциплины - важный компонент в обучении музыки. Объектом изучения таких предметов, как “Анализ музыкальных форм”, “История музыки” выступают произведения мирового музыкального искусства. Освоения подобного рода дисциплин влечет усвоение большого объема информации, затрагивающей как само произведение, так и сведения о

https://buxdu.uz



композиторе, эпохе, музыкальных явлениях, также других сферах музыкальной культуры. Очевидно, что подготовка к занятиям подобного рода связана с подбором материала, что может занимать много времени.

Исходя из вышесказанного, можно говорить о тенденции становления новых методов обучения. Эти методы предполагают взаимодействие обучаемого с образовательными музыкальными ресурсами. Участие преподавателя в данном случае минимально. Материалами новых методов обучения выступают так называемые мультимедийные образовательные ресурсы. К данному рода ресурсов относят электронные библиотеки, энциклопедии, нотные архивы, музыкальные антологии, виртуальные музеи (в том числе музеи музыкальных инструментов), каталоги обучающих музыкальных программ, электронные пособия, разработанные в виде учебного курса с приложенными к нему тестовыми заданиями. Эти ресурсы могут как дополнять лекции преподавателя, так и выступать основой для самостоятельного освоения курса по музыкальным историко-теоретическим дисциплинам. В последнем случае материал должен быть грамотно структурирован и организован. Преподаватель выступает как консультантом, так и контролером усвоенных знаний.

Информационно-образовательные ресурсы на базе Интернет-технологий отличаются формами предоставления материалов, контроля и проверки знаний, взаимодействия преподавателя с обучаемым. Перечислим некоторые из них:

- ✓ содержание темы;
- ✓ сопровождение нотными примерами и аудиопримерами;
- ✓ использование дополнительных материалов (статей, учебных изданий, публикуемых в Интернете и т. п.);
- ✓ использование ресурсов нотных библиотек и музыкальных антологий в Интернете;
- ✓ задание по теме в форме теста, анализа произведений, реферативной работы;
- ✓ форумы (семинары), организованные по заданным темам преподавателя.

Разработка и внедрение в учебный процесс таких информационных ресурсов, включая ресурсы Интернета, существенно расширяет границы обучения, делает его более эффективным и разнообразным. Это в равной степени возможно как для очной, так и заочной формы обучения.

Музыкальная педагогика в настоящее время открывает для себя новые направления исследований, среди которых:

1. Исследования, связанные с информационными технологиями в музыке:

· применение мультимедиа в проектах;

· вопросы компьютерного анализа музыкальных произведений;

· информационный подход к содержанию музыки;

2. Изучение роли информационных технологий в музыкальном творчестве, их значения в актуализации творческого потенциала.

3. Исследования непосредственного внедрения информационных технологий в музыкальное образование:

· практическое освоение компьютерной музыки, нотных редакторов;

· использование музыкально-компьютерных технологий и электромузыкальных инструментов в современном образовательном процессе;

4. Изучение проблем, касающихся информационной культуры учителя музыки:

· оптимальное программное обеспечение профессиональной деятельности;

· информационные технологии в самообразовании музыканта.

Новые технические, информационные, полиграфические, аудиовизуальные средства становятся важным незаменимым элементом инновационного педагогического процесса. Они обуславливают взаимовлияние методов и средств обучения, что свидетельствует о своеобразных педагогических технология, основанных на использовании современных информационно-компьютерных средствах.

Внедрение новых информационных, мультимедийных технологий и Интернет-технологий в обучении определяет модификацию устоявшихся организационных форм и методов обучения. Интеграция информационных технологий с традиционными методами обучения порождает появление новых методов обучения, в основе которых лежит применение методов и средств информатики. Новые современные методы обучения призваны реализовывать идеи личностно-ориентированного и развивающего обучения, усиление всех ступеней учебно-воспитательного процесса, повышения его эффективности и качества.

Существует мнение, что разработка новых технологий обучения должна осуществляться с участием педагогики, психологии и информатики. При этом особое внимание придается таким

https://buxdu.uz



формам и методам обучения, которые бы позволили обучаемому активно включаться в самостоятельный поиск, то есть быть субъектом в процессе обучения.

Использование информационных технологий открывает практически неограниченные возможности для творческой деятельности как обучаемых, так и преподавателей. Однако следует отметить бесполезность их применения при традиционном информационно-объяснительном подходе к обучению.

Опытно-исследовательская деятельность с применением учебного, демонстрационного оборудования, базирующегося на новых информационных технологиях, обеспечивает широкое внедрение исследовательского метода обучения. Кроме того, необходимо отметить тот факт, что использование новых информационных технологий в учебно-воспитательном процессе инициирует процессы развития наглядно-образного и теоретического типов мышления, а также благоприятно влияет на развитие творческого, интеллектуального потенциала обучающихся [4.с.17-18].

Информационные технологии - это неотъемлемый компонент процесса обучения музыке и связанных с ней предметов. Возможности информационных технологий позволяют повысить эффективность обучения и музыковедческим дисциплинам. Развитие компьютерных технологий в музыке перспективно, актуально и объективно необходимо.

Применение персональных компьютеров во многом упрощает разработку, тиражирование и использование дидактических и научных материалов, повышает качество образования, соответствует реалиям сегодняшнего дня. Грамотное и систематическое применение информационных компьютерных технологий дает обучающимся, преподавателям, научным работникам возможность более эффективного распределения времени, реализовывать творческий потенциал.

Таким образом, уже невозможно представить обучение, работу и современную жизнь в целом без информационных технологий. Сегодня институты, университеты, гимназии, школы, колледжи, техникумы и даже детские сады оснащены новейшей компьютерной техникой.

## Литература

1. Гафурова Ш. А. (2003) Основы работы с нотным редактором Encore 4.0. [Фан ва технологиялари]. Ташкент.с.115.

2. Полозов С.П. (2002) Обучающие компьютерные технологии и музыкальное образование [Саратов: Издательство]. Саратов. с. 135-136

3. Бергер Н. (2004) Современная концепция и методика обучения музыке. [Серия “Модернизация общего образования”] Санкт Петербург с.129.

4. Абылова Г. (2015) Эффективность использования нотного редактора Sibelius в музыкальном образовании. [Илим ҳәм жәмийет]. Нукус с.17-18.

https://buxdu.uz



**Меҳриддин АБДУЛЛАЕВ**
Бухоро давлат университети профессори,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

# ЁШ ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

*Мазкур маколада бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчи 10-12 ёшли енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ва асосланган.*

***Калит сўзлар:*** *бошланғич тайёргарлик босқичи, куч, тезкор-чидамлилик, чидамлилик, чаққонлик, жисмоний тайёргарлик, психологик тайёргарлик, мулоқотга кириша олиш қобилияти.*

*В данной статье научно проанализирована и обоснована методика применения подвижных игр в развитии физической и психологической подготовки 10-12-летних легкоатлетов, занимающихся в начальной подготовительной группе.*

***Ключевые слова:*** *начальная подготовительная стадия, сила, быстрая выносливость, выносливость, ловкость, физическая подготовка, психологическая подготовка, умение вступать в общение.*

*This article scientifically analyzes and justifies the method of using outdoor games in the development of physical and psychological training of 10-12-year-old athletes engaged in the initial preparatory group.*

***Keywords:*** *initial preparatory stage, strength, fast endurance, endurance, dexterity, physical training, psychological training, ability to communicate.*

**Долзарблиги.** Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш ҳамда ривожлантириш жаҳон ҳамжамиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу ўринда болалар ва ўсмирлар спортининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади [1]. Танланган спорт тури бўйича иқтидорли болаларни спортга жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ўстиришда жисмоний, техник-тактик, психофизиологик, интеллектуал тайёргарликнинг ўрни беқиёсдир. Спорт турларининг шиддатли ривожланиши мазкур соҳада замонавий илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига таянган ҳолда ўқув-машғулотларини илмий асосда ташкил қилиш бугунги кунда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Болалар спортини ривожлантиришнинг энг асосий воситаларидан бири бу ҳаракатли ўйинлардир.

Дунёда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ёш енгил атлетикачиларнинг спорт машғулотларига бўлган мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш, уларнинг анатомик-физиологик, психофизиологик ҳамда ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда машғулот юкламаларини оптималлаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Бошланғич тайёргарлик босқичида танланган спорт тури бўйича ҳаракат тайёргарлигини рационал шакллантиришнинг восита ва усуллари, болаларнинг сенситив даврларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳаракат сифатларини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган. Спорт турларига саралаш, уларнинг спорт тўгаракларидаги контингентини сақлаб қолишда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш муаммоларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилган [3,4,5,6,7,8,9]. Ҳозирги вақтда ёш енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш тизимини такомиллаштириш дастлабки босқич вазифаларини ҳал этишнинг ечими саналади.

Албатта, бугунги кунда болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти соҳасида ўсмир спортчиларни тайёрлаш тизимининг замон талабларига мослаштириш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари ўтказилган.

В.Г.Никитушкин, К.Т.Шакиржанова, Э.Р.Андрис, Р.Қ.Қудратов, А.Н.Нормуродов, М.С. Олимов, Т.С.Усмонходжаев, В.П.Филин, С.С.Тажибаев ва бошқаларнинг ўз тадқиқот ишлари, манбаларида таъкидлашича, бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир ёшдаги спортчиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини мақсадли ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтганлар [3,4,5,6,7,8,9].

Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ёш енгил атлетикачиларнинг ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини такомиллаштириш, шуғулланувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ва психологик

https://buxdu.uz



тайёргарлигини илмий-методик таъминлаш ишлари бўйича услубий тавсиялар етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёш енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини оширишда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигининг ёшга хос динамикасини ўрганиб, кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;
- ёш енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнида ҳаракатли ўйинларни табақалаштириш ва қўллаш методикаси мазмуни ҳамда йўналишини аниқлаш;
- 10-12 ёшли енгил атлетикачиларда жисмоний тайёргарлик даражасининг психологик тайёргарликка таъсирини аниқлаш;
- бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ёш енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлар жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ёш енгил атлетикачиларнинг ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш**.**

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, инструментал метод, психологик тестлаш, педагогик тажриба ва математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

10-12 ёшли болаларнинг жисмоний ва психологик қобилиятини ривожлантиришга йўналтириб таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқилган муаллифлик услубининг самарадорлигини текшириш учун педагогик тажриба амалга оширилди.

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ўсмир енгил атлетикачиларнинг умумий жисмоний тайёргарлик даражаси қуйидагича: 10 ёшли ўғил болаларда 30 м га югуриш бўйича ўртача натижа 6,8±0,2 с ни, 11 ёшлиларда 6,7±0,2 с ни ташкил қилди, мазкур ёшдаги спортчиларнинг тезлик сифати ривожланиши солиштирилганда, кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончлилиги $p>0,05$.

10 ёшли енгил атлетикачи ўғил болаларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси натижалар таҳлили қуйидагича:

- тадқиқот бошида 30 м га югуришда (с) назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6,8±0,2 га тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6,7±0,3 га тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $p>0,05$;
- тадқиқот охирида 30 м га югуришда (с) назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6,5±0,7 га, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6,1±0,4 га тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $p<0,05$ тенг.

Чаққонлик сифати ривожланганлик даражасини аниқлаш учун 3х10 м мокисимон югуриш назорат тестлари олинганда, тадқиқот бошида назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 9,0±0,4 га тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 8,8±0,3 тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $p>0,05$.

Тадқиқот охирида назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 8,7±0,6 га, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 8,3±0,5 га тенг. Натижалардан кўриниб турибдики тажриба гуруҳи шуғулланувчиларида чаққонлик сифатининг ўсиш суръати 0,4 сонияга яхшиланган, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $p<0,05$.

60 м га югуриш назорат тестида тадқиқот бошида назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 9,6±0,3 га тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 9,4±0,7 га тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлилик йўқ – $p>0,05$.

**1-жадвал**

**10 ёшли енгил атлетикачи ўғил болаларнинг жисмоний тайёргарлиги динамикаси**

| Т/р | Кўрсаткичлар | НГ | ТГ | t | p |
|---|---|---|---|---|---|
| | | $\bar{x} \pm \sigma$ | $\bar{x} \pm \sigma$ | | |
| 1 | 30 м га югуриш (с) | 6,8±0,2<br>6,5±0,7 | 6,7±0,3<br>6,1±0,4 | 0,45<br>2,41 | >0,05<br><0,05 |

https://buxdu.uz



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2 | 3×10 м мокисимон Югуриш (с) | 9,0±0,4<br>8,7±0,6 | 8,8±0,3<br>8,3±0,5 | 0,48<br>3,21 | >0,05<br><0,05 |
| 3 | 60 м га югуриш (с) | 9,6±0,3<br>9,4±0,8 | 9,4±0,7<br>9,1±0,9 | 0,48<br>2,32 | >0,05<br><0,05 |
| 4 | Тўлдирма тўпни (1 кг) улоқтириш (метр) | 5,2±0,3<br>5,6±0,9 | 5,3±0,4<br>6,1±0,7 | 0,87<br>2,39 | >0,05<br><0,05 |
| 5 | Турган жойдан узунликка сакраш (см) | 157,2±2,2<br>162,1±2,4 | 158,4±4,1<br>168,4±1,3 | 0,94<br>3,39 | >0,05<br><0,001 |
| 6 | Тик турган холда олдинга эгилиш (см) | 5,7±1,2<br>6,8±1,4 | 5,9±1,1<br>7,9±0,45 | 0,94<br>3,39 | >0,05<br><0,05 |
| 7 | Турникда тортилиш (марта) | 3,5±0,6<br>4,0±0,7 | 3,2±0,8<br>4,4±0,7 | 1,15<br>1,89 | >0,05<br>>0,05 |
| 8 | 6 дақиқалик югуриш (м) | 855,5±10,3<br>865,5±10,3 | 845,8±4,5<br>900,4±7,2 | 1,12<br>3,21 | >0,05<br><0,001 |

Тадқиқот охирида назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 9,4±0,8 тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 9,1±0,5 тенг, натижалардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларида чаққонлик сифатининг ўсиш суръати 0,3 сонияга яхшиланган, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилик бор – $p<0,05$.

Шуғулланувчиларнинг куч жисмоний сифати ривожланган даражасини аниқлаш учун тўлдирма тўпни улоқтириш (1 кг), (метр) назорат тестлари олинганди. Тадқиқот бошида назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 5,2±0,3 тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 5,3±0,4 тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлилиги йўқ – $p>0,05$.

Тадқиқот охирида назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 5,6±0,9 тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 6,1±0,7 тенг. Натижалардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларида кучлилик сифатининг ўсиш суръати 0,5 м га ўсган, кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончлилиги бор – $p<0,05$.

Турган жойдан узунликка сакраш (см) назорат тест натижаларига кўра назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг тадқиқот бошидаги ўртача кўрсаткичи 157,2±2,2 тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 158,4±4,1 га тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлилик йўқ – $p>0,05$.

Назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг тадқиқот охиридаги ўртача кўрсаткичи 162,1±2,4 тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 168,4±1,3 га тенг. Натижалардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларида турган жойдан узунликка сакраш назорат тести бўйича ўсиш суръати 0,6 м га ўсган, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлилик бор – $p<0,05$.

Эгулувчанлик сифатининг ривожланганлигини аниқлаш бўйича қабул қилинган тик турган ҳолда олдинга эгилиш (см) назорат тести натижаларига кўра назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг тадқиқот бошидаги ўртача кўрсаткичи 5,7±1,2 га тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 5,9±1,1 га тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $p>0,05$.

Чидамлилик сифати ривожланганлигини аниқлаш бўйича олинган 6-дақиқали югуриш (м) назорат тести натижаларига кўра назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи тадқиқот бошида 855,5±10,3 га тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 845,8±4,5 га тенг, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлилик йўқ – $p>0,05$.

Назорат гуруҳи шуғулланувчиларининг тадқиқот охиридаги ўртача кўрсаткичи 865,5±10,3 тенг бўлса, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларининг ўртача кўрсаткичи 900,4±7,2 га тенг. Натижалардан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи шуғулланувчиларида ўсиш суръати 0,35 м га ўсган, кўрсаткичлар орасидаги статистик фарқларда ишончлилик бор – $p<0,05$ тенг.

Шунингдек, тадқиқот давомида ҳаракатли ўйинларнинг ёш енгил атлетикачилар психологик тайёргарлигига таъсири ҳам ўрганилди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, ёш спортчиларда мулоқотга кириша олиш қобилияти мураккаб жараён бўлиб, болаларда турли хилдаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади ва хулқ–атворнинг оддий ижтимоий мотивларида шакллана бошлайди. Тажрибаларни амалга ошириш давомида (учта босқичдан ҳар бирининг якунланиши вақтида) болаларда мулоқотга кириша олиш қобилиятининг

https://buxdu.uz



намоён бўлиш даражасига аниқлик киритилди ва ўйин материалларининг танлаб олиниши бўйича ўз вақтида тузатишлар киритиш амалга оширилди.

Тест ўтказиш давомида назорат ва тажриба гуруҳларида педагогик тажриба натижаларини таҳлил қилиш болаларнинг мулоқотга киришиш қобилиятида маълум даражада ўзгаришлар юзага келганлигини кўрсатди. Болалар боғчасида болалар устида амалга оширилган кузатишлар педагоглар томонидан тўлдириб борилувчи тест хариталари бўйича бажарилди. Бунда педагоглар бир-бири билан маслаҳатлашиш асосида болаларнинг бошқа болалар ва ёши катталар билан мулоқотга кириша олиш даражаси, уларда ирода сифатининг ривожланиш даражаси, турли хил фаолият турларини муваффақиятли тарзда бажариш кўникма ва малакаларининг намоён бўлиши каби кўрсаткичларни баҳолашни амалга оширишди. Бошланғич, оралиқ ва якуний олинган натижаларни ўзаро солиштириш асосида болалардаги мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ривожланиш даражаси ҳақида якуний хулоса чиқариш имконини берувчи маълумотлар олинди.




**1-расм. Педагогик тажриба давомида 10 ёшли енгил атлетикачиларнинг мулоқотга кириша олиш қобилияти ривожланиш кўрсаткичлари** (%)

Педагогик тажрибаларни амалга оширишгача ўтган давр давомида тажриба гуруҳида болаларда мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ташқи намоён бўлиши кўрсаткичларининг ўртача қиймати 3,29 балл билан баҳоланди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич қиймати 3,33 баллни ташкил этиши қайд қилинди. Бу натижалар таҳлил қилинаётган кўрсаткич қиймати бўйича “ўртача” даража ҳисобланади. Тажрибаларни амалга ошириш давомида ҳар иккала гуруҳда ушбу кўрсаткич қийматининг ортиб бориш йўналишида равон ўсиши қайд қилинди (1–расм).

Шундай қилиб, педагогик тажрибаларнинг биринчи босқичида тажриба гуруҳидаги 70% болаларда ўз тенгдошлари билан ўзаро барқарор дўстона муносабатлар шаклланганлиги қайд қилинди. Агар бунда тажрибаларнинг бошланиши даврherидаги ўзаро муносабатларда қисқа вақт давомидаги даврийлик кузатилган бўлса, 25% болаларда ушбу кўрсаткичнинг салбий томонга ўзгариши қайд қилинди, тажрибаларнинг якунида эса бу салбий кўрсаткич қийматининг 16% гача камайганлиги аниқланди. Ўзаро муносабатларда салбий ҳолатлар қисқа вақт давомида намоён бўлиш тавсифига эга бўлиб, бунда болаларнинг биргаликдаги ўйин ҳаракатларида иштирок этиш хоҳиш-истагининг ортиши кузатилади.

Тажрибалар давомида болаларнинг мулоқотга кириша олиш қобилияти ривожланишини [8] аниқлаш учун ўтказилган тест натижаларига кўра “Мулоқотга кириша олиш билан боғлиқ фаолиятни кузатиш” психологик тести бўйича назорат гуруҳи ўғил болаларининг кўрсаткичлари педагогик тажрибадан сўнг 4% га, тажриба гуруҳида шуғулланувчи спортчиларда мазкур тест бўйича олинган натижалар 12% га тенг (1-расмга қаранг). Ушбу тест натижаларига кўра назорат гуруҳи қиз

https://buxdu.uz



болаларининг кўрсаткичлари 4% га, тажриба гуруҳи спортчиларидан олинган натижалар 12% га тенг (2-расмга қаранг).




**2-расм. Педагогик тажриба давомида 10 ёшли енгил атлетикачиларнинг мулоқотга кириша олиш қобилияти ривожланиш кўрсаткичлари (%)**

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10 ёшли ўғил болаларда “Ўз тенгдошини тушуна олиш” тести бўйича назорат гуруҳининг кўрсаткичлари 8% га, тажриба гуруҳининг кўрсаткичлари 15% га тенг бўлса (1-расмга қаранг), назорат гуруҳида шуғулланувчи қиз болаларнинг кўрсаткичлари 4% га, тажриба гуруҳидан олинган натижалар 12% га тенг (2-расмга қаранг). ТГда шуғулланувчи ўғил ва қиз болаларнинг ўз тенгдошини тушуна олиши юқори даражада бўлишига сабаб биз томонимиздан табақалаштирилиб, ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этилган ҳаракатли ўйинлар ҳисобланади. Мазкур ҳолат енгил атлектика спорт тури билан шуғулланувчи болаларнинг психологик хусусиятларига мос бўлган ҳаракатли ўйинлар тўғри ва мақсадли табақалаштирилганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Спортда энг асосийси бу – шуғулланувчиларнинг мураббий томонидан берилган вазифаларни ўз вақтида тўғри бажарищдир. Биз тадқиқотларимиз давомида қўллаган ҳаракатли ўйинлар туфайли “Бажарилиши белгиланган фаолиятнинг вазифаларини тушуна олиш” қобилияти ривожланганлигини аниқлаш тести бўйича ўғил болаларнинг назорат гуруҳида 2 %, тажриба гуруҳида 6 % натижа қайд этилган бўлса (1-расмга қаранг), ушбу назорат тести бўйича қиз болаларнинг назорат гуруҳида 4 %, тажриба гуруҳида 6 % натижа қайд этилди (2-расмга қаранг).

Шуғулланувчиларнинг ўзаро дўстона муносабати машғулотлар давомида муҳим аҳамият касб этади. Биз шуғулланувчилар муҳим деб ҳисоблаган “Боланинг ўз тенгдоши муносабатларини ифодалаш тўғрисидаги тасаввурлари” тести бўйича ўғил болалар назорат гуруҳида 10 %, тажриба гуруҳида 13% натижа қайд этилганининг гувоҳи бўлдик (1-расмга қаранг). Шунингдек, ушбу тест натижалари қиз болаларнинг назорат гуруҳида 4 % га, тажриба гуруҳида 6 % га тенг экани аниқланди (2-расмга қаранг).

10 ёшли енгил атлетикачиларда “Боланинг катталарга муносабатларини ифодалаш тўғрисидаги тасаввурлари” психологик назорат тести бўйича кўрсаткичларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра назорат гуруҳи ўғил болалари 4%, тажриба гуруҳи 7% натижа кўрсатган бўлса (1-расмга қаранг), назорат гуруҳи қиз болалари 5%, тажриба гуруҳи 7% натижа қайд этди (2-расмга қаранг). Бунинг сабаби ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш ва ёш енгил атлетикачилар машғулоти жараёнида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинларнинг тўғри танланганлиги ҳамда уларни қўллаш меъёр ва шиддатларининг биз томонимиздан тўғри ишлаб чиқилганлигидадир. Шунингдек,

https://buxdu.uz



машғулотлар жараёнида ҳаракатли ўйинларни ўтказишга бевосита мураббийнинг раҳбарлик қилиши ҳам маълум даражада 10 ёшли енгил атлетикачиларда "Боланинг катталарга муносабатларини ифодалаш тўғрисидаги тасаввурлари" психологик назорат тести бўйича кўрсаткичларининг яхши натижагача ўсишига туртки бўлди.

**Хулоса:** Амалга оширилган тажрибаларнинг натижалари бир қатор умумий хулосалар ва якуний тўхтамларга келиш имконини беради.

Ҳаракатли ўйинларда жисмоний ва руҳий таркибий қисмлар ўзаро чамбарчас алоқадорликка эга бўлиб, бунда болаларда фақатгина жамоа бўлиб фаолият олиб бориш кўникмаларини шакллантириш, жамоа таркибида бошқа болалар билан ягона манфаат учун кураш олиб бориш кўникмаларини қарор топтириш эътиборга олинибгина қолмай, балки фаол ҳаракатларни амалга ошириш орқали организмнинг ички энергия заҳираларини мақсадга йўналтира олиш, жисмоний ҳаракатлар фаоллиги кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳам назарда тутилади.

Ушбу тақдим этилган тажриба услуби ҳозирги вақтда амалиётда фойдаланилувчи бошқа услубларга солиштирилганда, унинг юқори самарадорлиги, спорт таълим муассасаларида педагогик жараёнга татбиқ этилганда болаларда жисмоний ривожланиши билан биргаликда муносабатларга киришa олиш қобилиятларининг уйғунликда ривожланишини таъминлаши тасдиқланди.

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июнь ПҚ–3031-сон "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори Тошкент. 2017 йил 4 июнь. https://lex.uz/docs/3226019

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 864-сон "Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш" тўғрисидаги Қарори. Lex.uz. https://lex.uz/docs/4018752

3. Анисимова М.В. Занимаясь оздоровительной аэробикой, Физическая культура в школе. 2004, №6 29 с. https://www.dissercat.com/content/metodika-provedeniya-urokov-fizicheskoi-kultury-s-mladshimi-shkolnikami-podgotovitelnoi-medi

4. Абдуллаев М.Ж., Олимов М.С., Тўхтабоев Н.Т. Енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси. Дарслик. – Т.: "Баркамол файз медиа", 2017. -620 бет

5. S.Tajibaev The effectiveness of the use of movement games in the training of young athletes, Pedagogical skills. Bukhara, 2018, issue 2 [13.00.00№23] Pp. 303-306.

6. S.Tajibaev A comparative analysis of the biokinematic chain of action games in the technical training of adolescent boxers.Scientific Bulletin, AnSU, Issue 1, 2018. [13.00.00№12] https://xabarnoma.adu.uz/arxiv/2018/2018-1Pages 97-100

7. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев Олимпийская литература. 2002. – 290 с.;

8. Губа В.П., Квашук П.В., Никитушкин В.Г. Индивидуализация подготовки юных спортсменов. - Москва: ФиС, 2009. - 76 с.; https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-sistemy-upravleniya-podgotovkoi-sportivnykh-rezervov-v-edinoborstvakh

9. Система подготовки спортивного резерва/ Под общ. Ред. В.Г. Никитушкина - М., 1994. -319 с.; https://studfile.net/preview/2899059/page:12/

https://buxdu.uz



**Ольга АНДРИЕВСКАЯ**
Самаркандский государственный
университет преподаватель

**Комилжон НОРБОЕВ**
Самаркандский государственный
университет преподаватель

# АНАЛИЗ КОНТРОЛЯ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В СПОРТИВНЫХ ИГРАХ И ЛЁГКОЙ АТЛЕТИКЕ

*Повышение эффективности тренировочного процесса и совершенствование системы спортивной тренировки в спортивных играх и легкой атлетике вызывает необходимость систематического анализа контроля общей и физической подготовленности и на этой основе индивидуализировать тренировочный процесс на различных этапах годичного цикла тренировки.*

***Ключевые слова.*** *Система спортивной тренировки, общая физическая подготовка, специальная физическая подготовка, динамика тренировочных нагрузок.*

*Yengil atletika va sport o'yinlarida mashg'ulotlar tizimini takomillashtirish va samaradorligini oshirish umumiy va jismoniy tayyorgarlikni nazorat qilishni tizimli tahlil qilish, shu asosda tayyorgarlik siklining turli bosqichlarida individual ravishda mashq qilishni talab qiladi.*

***Kalit so'zlar.*** *Sport mashg'ulotlari tizimi, umumiy jismoniy tayyorgarlik, maxsus jismoniy tayyorgarlik, o'quv yuklarining dinamikasi.*

*Increasing the efficiency of the training process and improving the system of sports training in athletics and sports games necessitates a systematic analysis of the control of general and physical fitness and on this basis to individualize the training process at various stages of the annual training cycle.*

***Keywords.*** *Sports training system, general physical training, special physical training, dynamics of training loads.*

**Актуальность.** Проблемы воспитания физических качеств и их влияния на спортивную деятельность актуальна и на сегодняшний день. Разнообразные двигательные действия формируются в течении жизни человека под влиянием многих факторов и процесс их формирования может приобретать различный характер, оптимизация этого процесса достигается в условиях рационально построенного обучения. В статье исследуется уровень развития основных физических качеств у спортсменов, специализирующихся в спортивных играх (на примере волейбола) и легкой атлетике на основе тестирования.

Исследование особенностей проявления физических качеств в различных видах спорта определяет уровень общей и специальной физической подготовки, и позволяет выявить пробелы, реализация которых окажет существенную помощь в улучшении всего тренировочного процесса.

Цель. Определить динамику развития основных физических качеств и уровня специальной физической подготовки у спортсменов специализирующихся в спортивных играх и лёгкой атлетике.

Уровень общей физической подготовленности спортсменов, специализирующихся в различных видах спорта отстает от специальной физической подготовки, что негативно сказывается на успешности овладения программными требованиями спортивно-педагогических дисциплин и их тренировочной деятельности

Задачи. 1.Исследовать особенности проявления физических качеств в волейболе и лёгкой атлетике.

2.Выявить и сопоставить уровень общей и специальной физической подготовленности в исследуемых видах спорта.

3.Определить взаимосвязь уровня общей и специальной физической подготовленности в исследуемых видах спорта.

Рассмотрим особенности проявления основных физических качеств в лёгкой атлетике и спортивных играх(волейбол).

**Волейбол.**

Наиболее характерное проявление силы в волейболе – при ударных движениях (подаче и нападающих ударах), прыжках на блок и для нападающего удара, перемещениях и в падениях.

Большинство технических приёмов в волейболе требует проявление специальной силы. Так, для выполнения передачи сверху двумя руками, необходим определённый уровень развития силы мышц кистей, подачи – силы мышц кисти, плечевого пояса и мышц туловища, нападающего удара –

https://buxdu.uz



комплексное развитие силы мышц кисти, плечевого пояса, туловища и ног. Для эффективного применения технических приёмов в игре, волейболисту нужна, так называемая, взрывная сила – способность нервно - мышечной системы преодолевать сопротивление с высокой скоростью мышечного сокращения. Поэтому специальная силовая тренировка направлена, прежде всего, на воспитание скоростно-силовых способностей спортсмена. (Ю.Н. Клещов, А.Г. Айриянц, 1985.)

Специальная быстрота волейболиста – это способность выполнять перемещения по площадке и технические приёмы в минимальный для определённых условий, отрезок времени. Быстрота в волейболе проявляется в трёх основных фазах: в быстроте реакции (на сигнал партнёра, об изменении игровой ситуации и т.д.). Она является основной предпосылкой для умения максимально быстро, опережая соперника, оценить обстановку, принять наиболее выгодное решение и осуществить его; в предельной быстроте отдельных движений; в быстроте перемещений.

Специальная выносливость объединяет скоростную, прыжковую и игровую выносливость. Она зависит от уровня развития общей выносливости, подготовленности опорно-двигательного аппарата, от силы психических процессов (например, умения терпеть), от экономичности спортивной техники.

Скоростная выносливость – способность волейболиста выполнять технические приёмы и перемещения с высокой скоростью на протяжении всей игры.

Прыжковая выносливость – способность к многократному выполнению прыжковых игровых действий с оптимальными мышечными усилиями. Проявляется этот вид выносливости в прыжках для нападающего удара, постановки блока и выполнении вторых передач.

Игровая выносливость – способность вести игру в высоком темпе без снижения эффективности выполнения технических приёмов. Она объединяет все виды выносливости и специальные физические качества. Высокий уровень развития функциональных способностей волейболистов – один из главных факторов высокой работоспособности по ходу игры и успешной реализации всего арсенала технических и тактических средств борьбы.

Гибкость. Гибкость волейболиста проявляется при выполнении всех технических приёмов. Поэтому хорошая подвижность в лучезапястном, локтевом, лучевом и плечевом суставах, крестцово-позвоночном сочленении, а также тазобедренном, коленном и голеностопном суставах, способствует эффективному ведению игры.

В волейболе это качество проявляется в умении быстро перестраиваться в соответствии с моментально меняющейся обстановкой на площадке. В ходе игры непрерывно меняется обстановка, требующая быстроты ориентировки и моментального осуществления решений. К тому же, точность выполняемых движений должна быть максимальной, иначе неизбежны технические ошибки. Целый ряд технических приёмов выполняется в безопорном положении, что предъявляет высокие требования к деятельности вестибулярного аппарата. Это требует высокого развития специальной ловкости и точности движений в пространстве.

**Лёгкая атлетика.**

Без значительного увеличения мышечной силы нет пути к высокому мастерству в спринте. При этом сила должна проявляться чрезвычайно быстро, создавая большую мощность работы в кратчайшее время. Но и в беге на средние дистанции тоже нужна определённая сила мышц, в особенности при ускорении на дистанции и финишировании.

Развитие силы мышц происходит в первую очередь за счет приобретения умения владеть своими мышцами, быстро сокращать и напрягать их с большой силой (улучшать нервно-мышечную координацию).

В подготовке легкоатлетов (спринтерский бег), используются упражнения статического усилия. В ответ на это напряжение повышаются функциональные возможности нервных клеток, и легкоатлет сможет проявлять силу в ещё большей мере. Это говорит о том, что проявление силы в изометрическом режиме повышает возможность проявить её в динамической работе мышц.

Своеобразная специальная выносливость бегуна на 100 и 200 метров. Бег на эти дистанции относится к физическим упражнениям максимальной мощности. Чтобы пробежать такие дистанции с предельной скоростью, бегун должен в считанные секунды “взорвать” свои энергетические возможности. Вследствие этого создаётся весьма большая кислородная задолженность, и в мышцах быстро накапливаются продукты обмена. В результате интенсивно прогрессирует утомление мышц и снижается скорость бега. Следовательно, выносливость в коротком спринте обеспечивается прежде всего анаэробными возможностями организма.

Быстрота в спринтерском беге проявляется особенно ярко и определяется она скоростью прохождения дистанции. Одним из самых важных проявлений быстроты, является стартовый разбег, при этом спринтер в свои первые шаги прикладывает максимальные усилия, и проявляет

https://buxdu.uz



возможности своего организма. Каждый шаг должен наращивать скорость, он является своеобразным "взрывом". При преодолении дистанции, также проявляются скоростно- силовые возможности спринтера, который должен проявлять себя до финишной линии. Для поддержания скорости и её наращивания, спринтер должен обладать скоростной выносливостью.

Важно отметить то, что при старте (при подаче сигнала) спортсмен должен в минимальный промежуток времени отвечать на внешний раздражитель (выстрел), проявляя скорость реакции на данный раздражитель.

В беге на средние дистанции, скорость проявляется не так, как в спринте, но её проявление стоит отметить, так как в беге по дистанции она постоянно поддерживается, а при финишировании делается ускорение. Именно в этой фазе бегун максимально проявляет свои скоростные качества. Следует отметить, что ускорение происходит уже при максимальном утомлении соответствующих органов и систем организма. проявляется это качество на пределе возможностей спортсмена.

Развитию гибкости уделяется больше времени в подготовительной части тренировки. В это время многократно повторяющиеся специальные упражнения, в которых постепенно увеличивается амплитуда движений. Также упражнения на гибкость легкоатлеты применяют для улучшения эластичности мышц и связок (для предупреждения травм во время тренировок и соревнований).

Ловкость необходима для произведения лучшего старта при мгновенной подаче сигнала. Особенно нужна ловкость при неожиданно возникающей двигательной задаче, требующей быстроты ориентировки и безотлагательного выполнения.

Для определения уровень общей и специальной физической подготовленности волейболистов и легкоатлетов было проведено тестирование.

**Тесты специальной физической подготовки. (**Волейбол).

1. Нападающий удар с разбега из зоны в течении 3 минут.
2. Бег ёлочкой на одной стороне площадки.
3. Прыжок в высоту с разбега толчком обеими ногами.
4. Тест 9 – 3 – 6 – 3 – 9
5. Выпрыгивание из приседа, прогибаясь, в течении 20 секунд.
6. Бросок набивного мяча.
7. Сила мышц брюшного пресса и спины.
8. Броски теннисного мяча.

**Тесты специальной физической подготовки.(**Лёгкая атлетика).

1. Бег 60 метров.
2. Тройной прыжок с места.
3. Бег 800 метров.
4. Бег 3000 метров.
5. Прыжок в высоту с места.
6. Пятерной прыжок в длину с места.
7. Бег 100 метров с ходу.
8. Прыжок в длину с разбега.

В результате проведения начального и повторного тестирования мы можем проанализировать полученные данные: в результате начального тестирования уровень общей физической подготовленности легкоатлетов оказался самым высоким, их средний бал составил 4.25 балла. Уровень волейболистов составил 4.04 балла. В результате проведения повторного тестирования мы получили следующие данные. У легкоатлетов средний бал составил 4.5балла, у волейболистов – 4.29 балла. Динамика развития общей физической подготовленности и у легкоатлетов, и у волейболистов – 0.25 балла.

Из вышеприведенных данных можно сделать вывод о том, что положительный прирост показали спортсмены, специализирующиеся и в волейболе, и в легкой атлетике. На основании этого можно сказать, что занятия волейболом и легкой атлетикой позволяет одинаковым образом развивать основные двигательные качества и достигать высокого уровня общей физической подготовленности.

В результате проведения начального тестирования по специальной физической подготовке мы получили следующие данные. Средний бал подготовленности волейболистов и легкоатлетов – 3.5 балла. В результате повторного тестирования уровень специальной физической подготовки у волейболистов – 4.4 балла, у легкоатлетов 4.5 балла. Из вышеперечисленного следует, что динамика у легкоатлетов - 1 балл, а у волейболистов – 0.9 балла

На основании этих результатов мы можем сказать, что у легкоатлетов динамика прироста в развитии специальных физических качеств ненамного, но выше, чем у волейболистов

https://buxdu.uz



Проследив динамику развития основных и специальных физических качеств, мы определили влияние её на успешность в соревновательной деятельности исследуемых студентов. Выявлена прямо пропорциональная зависимость уровня развития общей и специальной физической подготовленности на успешность в соревновательной деятельности.

## ВЫВОДЫ

1. Изучены особенности воспитания основ двигательных качеств спортсменов, занимающихся различными видами спорта (лёгкой атлетикой, спортивными играми). Всего проанализировано 35 источников.

2. Выявлены особенности проявления основных двигательных качеств в исследуемых видах спорта.

3. Исследование показало, что уровень развития общей и специальной подготовленности отражает вид специализации. Так общая физическая подготовленность волейболистов – начальная 4,04 балла, конечная 4,29 балла, прирост составил 0,25 балла, специальная физическая подготовленность – начальная 3,5 балла, конечная 4,4 балла прирост составил 0,9 балла. Так общая физическая подготовленность легкоатлетов – начальная 4,25 балла, конечная 4,5 балла, прирост составил 0,25 балла, специальная физическая подготовленность – начальная 3,5 балла конечная 4,5 балла прирост составил 1,0 балла.

4. Выявлена прямо пропорциональная зависимость уровня развития общей и специальной физической подготовленности на успешность в соревновательной деятельности.







## ЗАКЛЮЧЕНИЕ

- Объектом исследования является тренировочный процесс, направленный на достижение должного уровня общей и специальной физической подготовки. Исследование особенностей проявления двигательных качеств в различных видах спорта определяет уровень физической подготовки легкоатлетов и волейболистов, и позволяет выявить пробелы в общефизической и специальной подготовке, реализация которых окажет существенную помощь в улучшении всего тренировочного процесса.
- В результате изучения и анализа литературных источников были проанализированы разные трактовки определений многих авторов таких качеств, как сила, выносливость, быстрота, гибкость и ловкость. Но смысл определений физических качеств остается неизменным.
- Особенность проявления физических качеств в различных видах спорта зависит от выполняемых упражнений характерных для каждого вида. Посредством специализированных упражнений спортсмен развивает и совершенствует свою специальную физическую подготовленность.
- Характер проявления физических качеств спортсменов неразрывно связан с возрастными особенностями. В возрасте от 20 до 26 лет развитие физических качеств достигает высокого уровня. Именно в этом возрасте спортсмены начинают достигать высоких результатов в спортивной деятельности.
- В результате проведенного исследования мы проследили динамику развития основных физических качеств и уровня специальной физической подготовленности у ведущих спортсменов, специализирующихся в лёгкой атлетике и спортивных играх. Общая и специальная физическая

https://buxdu.uz



подготовленность неразрывно связаны между собой и в одинаковой степени оказывают влияние на спортивную форму спортсмена.

## Литература

1. Артемьев В.П., Шутов В.В. Теория и методика физического воспитания. Двигательные качества: Учебное пособие – Могилев: МГУ им. А.А. Кулешова, 2004. – 284 с.
2. Волейбол: учебник для институтов физической культуры /Под ред. Ю.Н. Клещева, А.Г. Айриянца. – 3-е изд., испр., доп. – М.: Физкультура и спорт, 1996. 270 с.
3. Селуянов В.Н. Подготовка бегуна на средние дистанции. - М.: СпортАкадемПресс, 2001. 104 с.
4. Полищук В. Д. Использование специальных и подводящих упражнений в тренировочном процессе легкоатлетов “Олимпийская литература “2009. 144 с.

https://buxdu.uz



**Фаррух АХМЕДОВ**
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти

# ДЗЮДОЧИЛАР МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

*Дзюдочилар мусобақа фаолиятини баҳолаш юқори аҳамиятга эга илмий масала саналади. Мазкур мақолада энг илғор ва оммабоп деб ҳисобланган махсус дзюдо тестлари таҳлил этилган. Тестларга қўйиладиган талаблар ва мусобақа фаолиятининг ўзаро алоқадорлиги инобатга олиниб, тестларнинг муайян хусусиятлари баҳоланган ва хулосалар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар.*** *Дзюдо, мусобақа фаолияти, махсус дзюдо тестлари, талаблар.*

*Оценка соревновательной деятельности дзюдоистов является важной научной проблемой. В этой статье анализируются специальные тесты по дзюдо, которые считаются наиболее продвинутыми и популярными. Принимая во внимание требования к тестам и взаимосвязь соревновательной деятельности, были оценены определенные особенности тестов и сделаны выводы.*

***Ключевой словы.*** *Дзюдо, соревновательной деятельности, специальные тесты по дзюдо, требование.*

*Evaluation of the combat activity of judo athletes is considered as a crucial scientific problem. The special judo tests were analyzed in this paper which is advanced and popular. Taking into account the requirements for the tests and interrelationship of the competitive activity, certain features of the tests were evaluated and conclusions were developed.*

***Key words.*** *Judo, struggle activity, Special Judo Tests, demands.*

**Долзарблик.** Спорт курашлари тараққиётининг бугунги даврида ҳам мусобақа фаолиятини тадқиқ этиш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Бу ўринда кўп сонли тадқиқот ишлари ва мутахассисларнинг изланишлари натижалари фикримизни тасдиқлайди. Мусобақа фаолиятини баҳолаш юзасидан қатор мутахассисларнинг илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамият касб этади (Смоляр.С.Н., 1982., Пахомов.А.С., 1983., Туманян.Г.С. ва ҳаммуаллифлар, 1986., Иванов.И.И. ва ҳаммуаллифлар, 2004).

Спорт назарияси, хусусан, дзюдо бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва илмий-педагогик кузатишлар шуни кўрсатадики, спорт тайёргарлигининг ҳар бир босқичида мусобақалар муҳим аҳамият касб этади. Мусобақалар шарт-шароити ва уларнинг умумий хусусиятлари спортчи тайёргарлик даражасини тавсифлайди. Мусобақа фаолияти кўрсаткичлари бир қарашда оддий ва аҳамиятсиз омилдек тасаввур уйғотиши шубҳасиз. Аксарият ҳолларда мутахассислар спортчининг мусобақа фаолиятини баҳолаш масаласига етарлича эътибор қаратмайдилар. Мусобақа фаолиятини оддий тайёргарлик махсули ёки шунчаки жисмоний ёки техник-тактик маҳоратни намойиш қилиш воситаси сифатида баҳолайдилар. Ваҳолангки, мазкур масала бўйича эгалланган илмий билимлар ва тажрибаларни умумлаштириладиган бўлса, мусобақа фаолиятини баҳолаш ва илмий тадқиқ этиш ўзига хос тадқиқот объекти сифатида акс этади. Бу борада илмий маълумотларнинг етишмаслиги ушбу масалани илмий муаммо сифатида мутахассислар ва олимлар олдига вазифа сифатида олиб чиқади.

Спорт турларининг хусусиятлари уларни турли ёндашув асосида таснифлаш заруратини кўрсатади. Илғор хорижий адабиётлар ва етакчи муаллифларнинг маълумотлари шуни тасдиқлайдики, спорт турларининг мусобақа фаолияти уларнинг характерли жиҳатлари ва специфик асосларини фарқлашга имкон беради [1]. Дзюдо ўз моҳиятига кўра, ациклик спорт тури ҳисобланади ва мусобақа фаолияти "нотекис" ҳаракатлардан ташкил топади [2]. Мусобақа фаолиятининг бундай ўзига хослиги ушбу спорт турида тадқиқотлар олиб бориш жараёнини ҳам алоҳида ёндашув асосида ташкил этиш заруратини юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан қаралганда, мусобақа фаолияти тайёргарлик жараёнида марказий ўринни эгаллайди ва спортчининг тайёргарлик даражасини аниқлаш имкониятини оширади [3].

Бир қатор мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари, дзюдочилар мусобақа фаолияти турли ёндашув асосида ташкил этилганлигини кўрсатади (*Пилоян.Р.А., 1971, Коблев.Я.К. ва ҳаммуаллифлар, 1979, Коблев.Я.К.,2004, А.В.Еганов, 1998, Путин.В.В. ва ҳаммуаллифлар, 2000, Segedi I., 2014, Franchini E., 2010, 2011, Sterkowicz S., 2012, Miarka B., 2011*). Шунга қарамай, мусобақа фаолиятини баҳолаш бўйича оптимал ва энг самарали деб ҳисобланадиган меъзонлар ишлаб чиқилмаганлиги мутахассислар томонидан таъкидланади [4]. Мусобақа фаолиятини баҳолаш борасидаги илғор тажрибалар, хусусан, махсус дзюдо тестлари ҳақидаги маълумотлар етарлича ўрганилмаган. Улар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар, тестларнинг объективлиги ва информативлиги

https://buxdu.uz



тўғрисидаги умумлаштирувчи хулосалар шакллантирилмаган. Қисқа қилиб айтганда, мақола мавзуси бўйича тўлақонли кузатишлар амалга оширилмаган. Мазкур жиҳат бевосита дзюдо мураббийлари ва мутахассисларига спортчининг имкониятларини аниқлаш жараёнидаги муаммоларни юзага келтириши табиий, албатта.

Амалиётда энг кўп қўлланиладиган баҳолаш тестлари ўзининг илмий аҳамияти ва аниқлиги билан мутахассислар диққатини тортиши кузатилади. Дзюдочилар мусобақа фаолияти баҳолаш бўйича махсус тестларнинг маълумотларни қанчалик юқори аниқликда таъминлаб бериши бевосита ушбу тестларнинг даражасини ҳам характерлайди. Шунга қарамай, энг илғор ва етакчи деб тахмин қилинадиган баҳолаш тестлари ҳам маълум чегаравий имкониятларга эгалиги уларнинг “камчилиги” сифатида қаралади. Ўз навбатида ушбу “камчилик” мусобақа фаолиятининг энг муҳим жиҳатини тадқиқ этиш ва баҳолаш имкониятини бера олмаслиги мумкин.

Махсус адабиётларни таҳлил этиш кураш турларида, хусусан, дзюдода мусобақа фаолиятини баҳолаш жараёнларини асосан икки йўналишда ташкил этиш мумкинлигини кўрсатади. Биричидан, мусобақа фаолиятининг техник-тактик кўрсаткичларини баҳолаш, иккинчидан, мусобақа фаолиятининг реал хусусиятларини акс эттириши мумкин бўлган физиологик кўрсаткичлар. Кузатишлар ва дастлабки таҳлиллар, мазкур йўналиш бўйича қатор методик ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Аммо, замонавий адабиётларда дзюдочилар мусобақа фаолиятини баҳолаш борасида янгича ёндашув зарур эканлиги алоҳида таъкидланади [5, 6]. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда муаллифлар дзюдочилар мусобақа фаолиятини баҳолаш масаласи долзарб деб ҳисоблайди.

**Материаллар ва методлар.** Мақола мавзусини тўлақонли ёритиш мақсадида шартли равишда икки ёндашув амалга оширилди:

А) реал мусобақа жараёнида беллашув фаолиятининг техник-тактик кўрсаткичларини таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар;

Б) мусобақа фаолиятини лаборатория шароитида тестлашга қаратилган, дзюдочи жисмоний, техник-тактик ва функционал кўрсаткичларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар.

Муаммони ўрганишда қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди:

1. Булен қидирув тизими қўлланилди (Boolean Search). Ушбу жараёнда маълумотларни умумлаштириш ва излаш “Ва”, “Ёки”, “Ва-Ёки” мезонлари асосида олиб борилди. Дзюдо бўйича мусобақа фаолиятининг турли кўрсаткичларини баҳолашга доир маълумотлар ушбу мезон асосида қидирилди.

2. Мавзуга доир махсус адабиётлар (илмий мақолалар, қўлланмалар, тадқиқот ишлари натижалари, диссертация ва бошқалар) таҳлил этилди. Scopus, Science-Direct, PubMed, Google Scholar каби халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидаги манбаалар тадқиқот ишини амалга оширишда фойдаланилди.

3. Маълумотларни излашда уларнинг нашр муддатига чекловлар қўйилмади. Шунингдек, ўзбек, рус ва инглиз тилидаги маълумотлар мавзуни ўрганишда кенг фойдаланилди.

4. Тадқиқотлар (мавжуд тестлар) сифатини баҳолаш. Мазкур жараён бевосита 5та мезон бўйича баҳоланди: I) намуна ҳажми (иштирокчилар сони); II) иштирокчилар хусусиятлари билан боғлиқ бўлган кзрсаткичлар (ёш, жинс, спорт малакаси ва антропометрик кўрсаткичлар); III) тест ўтказиш бўйича ички ва ташқи факторларнинг аниқлиги; IV) тест ва ре-тест оралиғидаги муддат; V) тест ўтказиш шарт-шароитларининг стабиллиги. Барча олинган маълумотлар, жумладан, муаллифлар ва нашр йили ҳақидаги муҳим маълумотлар жадвал шаклида ифодаланди. Тестлар 5та меъзон бўйича баҳоланди.

**Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.**

**Мусобақа фаолиятининг техник-тактик кўрсаткичларини баҳолаш.** Бизнинг кузатишлар шуни кўрсатадики, дзюдочилар мусобақа фаолиятини баҳолаш бевосита мусобақа қоидалари билан узвий боғлиқ экан. Спортчининг умумий фаоллиги бир қанча техник-тактик ҳаракатлар мажмуидан ташкил топади. Натижада дзюдочининг умумий фаоллик кўрсаткичи юзага келади. Аммо, айрим муаллифлар фикрича [7], беллашув фаолиятинининг техник-тактик кўрсаткичлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланиши таклиф этилган: а) фаоллик; б) ҳужум ҳаракатларининг ишончлилиги; в) натижавийлик; г) комбинациялашганлик; д) вариантлилик.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, мутахассислар томонидан яккакурашчилар мусобақа фаолияти қуйидаги умумий бирликка эга бўлган кўрсаткичлар асосида баҳоланиши таклиф этилган: 1. Қўлга киритилган (ёки, ютқазилган) усулларнинг ўртача баҳоси, ўртача балл, сифат коэффиценти, сифат; 2. Қўлга киритилган (ёки, ютқазилган) баҳоларнинг ўртача зичлиги, қўлга киритилган (ёки, ютқазилган) баҳоларнинг фарқи; 3. Натижавийлик; 4. Ҳужум ишончлилиги,

https://buxdu.uz



самарадорлик, самарадорлик кўрсаткичи, ҳужум ишончлилиги коэффиценти, техник-тактик тайёргарликнинг миқдор кўрсаткичи, самарадорликнинг миқдор кўрсаткичи, техника самадорлиги; 5. Ҳимоя ишончлилиги, ҳимоя самарадорлиги; 6. Беллашув жараёнидаги ҳужум ва ҳимоя ишончлилигининг умумий миқдоридан келиб чиқувчи ҳаракатларнинг самарадорлик коэффиценти; 7. Фаоллик; 8. Ҳужум интервали, самарали ҳужум интервали; 9. Усуллар хилма-хиллиги; 10. Техник-тактик тайёрланганлик кўрсатчики; 11. Сифат кўрсаткичи; 12. Фаоллик кўрсаткичи, вақтинчалик фаоллик кўрсаткичи.

